

МАРЗИЯ ҚАЛАНДАРОВА

# КҮНГИЛ ИЗҲОРИ




«Наврӯз» нашриёти

ТОШКЕНТ - 2004

Ушбу рисолада оддий мактаб ўқитувчисининг умр йўли ёритилган бўлиб, унда йигирманчи ийларда туғилиб, ҳаёт ташвишлари, уруш азобларини ўз бошидан кечирган инсоннинг орзу-армонлари ҳикоя қилинади. Муаллиф ўқитувчилик касбининг машаққатлари, ўзига хос қувончу ташвишларини ифодалаш орқали китобхонни ҳалолликка, покликка, фидойиликка ва ўз аждодлари тарихига назар ташлашга чорлайди. Рисола кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Мұҳаррир: Дилшод Ражаб  
 Мусаҳҳих: Қаҳрамон Абдуллаев  
 Дизайнер: Ольга Осипова  
 Техник мұҳаррир: Ирина Гончарова



30413  
29,

Босишига рухсат этилди 11.07.2003. Босмахонага  
 берилди 21.04.2004. Бичими 84x104 1/<sub>16</sub>  
 Нашр босма табори 17.0. Адади 500.  
 Буюртма № 21

"OFFSET PRINT" босмахонаси. Тошкент,  
 Чўпонота кўчаси "M" мавзеси.  
 "Ўзқишлоқлойиҳа" МЧЖ биносида

*Мен учун адабиёт майдонида шамчироқ бўлган  
бетакрор устозим **СОЛИҲЖОН КАРИМОВ**нинг  
порлоқ хотирасига багишлайман*

*Ўқитувчи учун энг катта БАХТ шогирдларининг  
ҳаётда ўз ўрнини топиши ва унинг номини  
фаҳр билан тилга олишиидир.  
(Марзия)*

Мен бир оддий шогирдман. Шогирд сўзининг маъноси бир кишининг касбига, қилаётган ҳунарига ҳавас билан қараш, шу ҳунарни ўрганиш ва ўша кишига эргашиш деб биламан.

Бу дунё думалоқ, шу думалоқ дунёда ҳар бир инсоннинг ўз ўрни, касб-кори бўлиши шарт. Мен шу думалоқ дунёда яшаб, ишлаб ўз ўрнимни топишга интилиб яшаётганлардан бириман.

Ҳаёт гўзал, туғилиш баҳт, яшаш эса курашлардан иборатdir. Инсон бу фоний дунёда яшар экан, яхши-ёмон кунларни бошидан кечирмасдан иложи йўқ. Ҳаётнинг қизиқ бир қонунияти ҳам бор эканки, бошингга БАХТ қуши қўнса, қувончдан юрагинг ёрилиб кетмасин, тақдирингда фожеа юз берса, FAMдан қалбинг эриб, қўзинг йифидан кўр бўлмасин. Худо сени яратдими, САБР берсин. Бирорни кўриб сабр қилиб, бирорни кўриб шукр қилиб яшаш керак бўлади. Ёшим элликдан ошди. Шу ярим асрлик ҳаётимда кўп воқеаларнинг гувоҳи бўлиб, яшаб келаётирман. Баҳтим, иқболим кулган аёлман.

Ёшлигимда онажонимнинг ҳикоя қилишларича, мен касал бўлиб қолган эканман (Ўша пайтда мен бир ярим – икки ёшларда бўлганман). Бир доно ўқимишли, ўз даврининг билимдон кишиси Мулла Юнус бобога мени олиб борибдилар. Шунда у азиз инсон мени кўриб, томиримни ушлаб туриб: – Бу қизим узоқ умр кўради, катта ишлар қиласди, баланд иморатларда яшайди, – деб башорат қилган эканалар. Онажоним бир жойим оғриб қолса, касал бўлсан дои-

мо ишү кишини ва уларнинг айтган сўзларини эслайдилар. Мана мен ҳам тенгдошиларим қатори катта бўлдим, мактабга бордим. Мактабда яхши ўқишга ҳаракат қилдим. Бизнинг мактабимиз саккиз йиллик мактаб эди. Саккизинчи синфни тугатиб хоҳлаганлар техникумларга ўқишга кириб, қолганлар эса туман марказидаги Киров номли ўрта мактабда ўқишни давом эттиридик. Шу мактабда адабиётдан бизларга устоз Солиҳ ака Каримов дарс берарди. Солиҳ Каримов ўрта бўйли, оққувадан келган киши бўлиб, зуваласи пишиқ, кўкрак кериб, шахдам қадамлар билан юрадилар. Дарс жараёнида берилиб, ўзлари ўтаётган дарсга ўта талабчанлик билан ёндашардилар. Энди ўйлаб қарасам, у киши бизга дарс бериш учун тунлари китоб титиб, фикрларини пишитар эканлар. Устознинг бирор дарси қолдирилмасди. У киши ҳатто касал бўлиб қолсалар ҳам, ишга келардилар. Кўзлари чақнаб турарди. Бу кўзлар кўм-кўк эди. “Осмон гўё артилган шиша”, – деганларидек бу кўзларда самимият, ақл-фаросат ва меҳр бўларди. У киши ўқувчини излаб, ахтариб юрмасдилар. Ўқувчининг ўзи у кишининг орқасидан эргашиб юрарди. Баъзан дала ишлари, ҳашар, пахта терими каби масалаларда бош-қош эдилар. Устоз борадиган ишдан бирор бола четда қолмас, қолишга журъат ҳам қилолмасди. Шу кўк кўзларнинг ўткир қарashi уларни ўз орқасидан етакларди.

Бугун мана мен ҳам устозман. Минглаб шогирдларим бор, улар орасида фан номзодлари, фан докторлари, давлат ишида ҳам масъул ходимлар етишиб чиққан. Ўтган умримни сарҳисоб қилиб, бирров орқамга қараб, азиз устозимни кўргандек бўламан. Ўша кўзлар балки менинг ҳаёт йўлимда шамчироф бўлгандир. Адабиёт майдонида озми-кўпми меҳнат қилишимда мадад бўлиб, раҳнамолик қилгандир. Шу ҳаёт йўлимда қанчалик баҳтга, иқболга эришган бўлсан, аввало, падари бузрукворим, мени дунёга кептирган, тарбиялаган, қувонганимда қувонган, йифлаганимда далда бериб овутган **ОТАЖОНИМ** деб биламан. Илм – бу игна билан қудуқ қазишдек гап. Унга чидаган инсон баҳт-

га зришади. Ҳаёт бўстони гўзал, унда туғилиб яшаш яна-да гўзал. Шу гўзалликни абадийлаштириш учун инсон ўқиши ва яна ўқиши керак. Бу ишда кимдир ўрнак, кимдир таянч, кимдир устоз бўлиши керак бўлади. Ўша утозим, таянчим, ўрнак бўлган кишим Солиҳжон ака Каримов ва менинг учун мўътабар инсон Натан Маллаевлардир.

Болалигим, бебошлигим, ғўрлигим менинг. Биласизми, болалигимни эсласам, қоронғу тунда порлаган тўлин ойни, тонгда зар кокилларини кўз-кўз қилиб, табассум қилиб турган қуёшни, илк баҳорда гуллаган оппоқ ўрикни, ёзда дилни қитиқловчи гуллар ҳидидан булбул хонишидан тонгги ифордан маст бўлган кунларни, кузда анча тиниб қолган булоқ сувини тасаввур эта бошлайман. Беғубор, бетакрор, бевафо болалигим, сени соғинаман. Бугун мана соchlаримда оқ, кўзимда ойнак, умрим дафтарини сарҳисоб қилиб, утозим олдида ҳисоб бермоқдаман. Солиҳ Каримов ўқитмаганларида, мен балки адабиёт ўқитувчиси бўлмасмидим. Бу балки тақдир сийловимикан ёки ёзиғи.

Менинг ҳам бошимдан кўп савдолар ўтди. Умр деганлари оқар сув. Шоир айтганидек:

*Дарёлар собитдир, сувлар кўчкинчи,  
Шаҳарлар боқийдир, умр ўткинчи.*

Адабиётга, шеърга қизиққанлигим учунми ёки устоз меҳрининг майин сасими, мени кўп ўйлашга, мулоҳаза қилишга чорлайверади. Кимларгадир ҳаётим давомида яхшилик қилиб, туҳмат тошлари остида бағримдан қора қонлар оққан кунлар кўп бўлди. Кимларгадир суюниб турганимда, итариб йиқитмоқчи бўлганлар ҳам топилди. Тун бўйи йиглаб, кундузлари кулиб юравердим. Эшикларим қулфланиб, бир инсон бош суқмаган вақтлар ҳам бўлди. Дўстим деб, номимни, шогирдим деб шаънимни сотганлар ҳам бисёр. Ору номусимни, баҳтимни тупроққа беламоқчи бўлганлар ҳам чиқди. Ҳатто “ўлди”, “чет элга қочиб кетган эмиш”, дегувчилар ҳам дастурхонимда ҳозир эдилар. Аммо ҳаёт гўзал, яшаш ундан-да гўзал. Яратгувчи сени

шундай яратган экан, начора. Ўзи яратиб, чорасига ҳам ўзи посбондир. Шукр қил, шукр қил.

Узун йўллар қисқа бўлар. Баланд тоғлар паст келар, аммо баҳор ҳар йил келади. Умр ўтиб бораверади. Сен доимо устозлар насиҳатини унутма. “Бу дунёда яхшилик қил, сендан фақат яхшилик қолар. Қасд қилганлар ўз оёғидан етар, мевали дарахтнинг боши доимо ҳам келади”, -дегувчи эдилар бувижоним.

Қиссадан ҳисса – мен узоқ йиллар ўйладим. Устозим хотираси учун нимадир қилишни, ёзишни мўлжалладим. Шеърлар ҳам ёзиб кўрдим, мақола битдим, аммо юрагимдаги ҳовур босилмади. Бу қилган ишларим мени қаноатлантиrolmasdi. Узоқ йиллар ўзим билан ўзим олишдим. У киши яшаган ҳовли ёнидан ўтаётганимда, ортимдан қараб қолгандек, рўпарамдан меҳр тўла кўзлари билан менга қараб келаётгандек бўлар эдилар. Ахийри, устозимнинг ўғли Нурланжон билан маслаҳатлашишга қарор қилдим. У менга отасининг кундаликларини берди. Кундаликни ўқигач, менда катта куч пайдо бўлди. Устозимнинг олийҳиммат ва гўзал қалб эгаси эканлиги ҳақидағи ўйларим энди у кишининг бошидан кечирган воқеалар тафсилоти билан янада кенгайиб чуқурлашди. Чунки бу кундаликларда устозимнинг туғилган чоғларидан бошлаб умрининг сўнгги дақиқаларигача бўлган воқеаларни билиб олдим. Бу мен учун жуда катта, янги ҳаёт мактаби эди.

Сабабсиз оқибат бўлмайди, деганларидек, устозимнинг бешинчи ўғли Маҳмуджонни мен алоҳида меҳр билан севаман. Ҳатто уни бағримга босганимда: «*Бўши ошиб кетди бўйшимдан, Боса олур кўксига бошиим*», дегим келади.

Маҳмуджон билан узоқ маслаҳатлашдик. Унинг кулиб турган кўзлари, самимий сўзи шу ёзилган рисолага туртки бўлган бўлса, ажаб эмас.

Ниҳоят, қўлга қалам олинди. Бел маҳкам бояланди. Меҳр бардошим бўлди, ақл йулдошим бўлди. Ўша кўзлар шамчирогим бўлиб, тунни тонгга улаб ишни бошладим.

Устозимнинг руҳи шод бўлсин, жойлари жаннатда

бўлсин. Изн беринг, омад тиланг, номингиз шаънини таъзим ила ардоқлаган ҳолда, Сизнинг мададингиз билан ушбу рисолани ўз тилингизда баён қилишни бошлай, азиз Устозим.

## УСТОЗИМ

Дунё ўткинчидир, сабоқлар – боқий,  
Меҳрли – энг тиниқ нигоҳлар – боқий,  
Адабиёт, сендан огоҳлар – боқий.  
Сабоқлар, нигоҳлар, огоҳлар боқий.

Гарчи тўфонларнинг измида юрдим,  
Тақдир зарбасидан оғрийди юрак.  
Ҳар бир ўгитингиз қадрини билдим,  
Ахир Соли Карим эмас-ку эртак.

Бугун мен англаған ҳақиқат бисёр,  
Бугун билғанларим – туганмас китоб.  
Энг буюк ҳақиқат – тушундим илк бор –  
Муаллим кўксидан ёришар офтоб.

Кеча гўдак эдик меҳрга ташна,  
Ҳар ўтли қадамдан ахтариб ҳикмат.  
Бугун-чи, кексалик бизга ҳам ошно,  
Қанийди. Сиз билан қуролсам суҳбат.

Бир-бир сўзлар эдим дунё ҳақида,  
Одамлар... ва яна ўйлаганларим.  
Ва кўп бор талаба – шогирдларимга  
Сизнинг ўгитингиз сўйлаганларим.

Бугун фарзандимга термулиб туриб,  
Эслайман: “Бу дунё яшариб борар”,  
Сўнг ишга жўнайман оҳиста кулиб,  
Нурли қиёғангиз қалбимда қолар.

Кишининг ёши улғайған сари ёшлик хотираларини кўпроқ эслайдиган бўлиб қолар экан. Менинг ёшим ҳам мана, пайғамбар ёшидан ўтиб бормоқда. Шунча ёшни яшаб, ҳаётнинг аччиқ-чучугини бошидан кечирган мендек одамга ўз хотираларимни ёзиб қолдириш истаги ҳеч тинчлик бермайди. Бу туйғу фақат менга ҳамроҳи ё бошқаларга ҳам тинчлик бермайдими, буни билолмадим.

Маълумки, Ўрта Осиёда ўтмишда, асосан, мулкдор, амалдор кишиларгина саводли бўлишган. Менинг аждодларимдан ҳеч ким саводхон бўлмаган. Шунинг учун ҳам менинг қўлимда улар хақида ёзиб қолдирилган ҳеч қандай маълумот йўқ.

Мен ўз кўрган-билганларимни, болалигимда ота-боболаримдан, қариндош ва яқинларимдан эшигнларимни кенг китобхонлар оммасига эмас, ўз фарзандларимга ёзиб қолдирмоқчиман. Бу билан мен фазандларимнинг “Отамиз бизга ҳеч қандай васият қилмаганлар”, дейишларининг олдини оламан. Васиятларим эса аждодларим тарихи баёни билан бирга бериб борилаверади.

*Марзия Қаландарова*

## БИЗНИНГ КОНИМЕХ

Конимех район сифатида 1924 йилда ташкил этилган бўлиб, унинг аҳолисини ўзбек, қорақалпоқ ва қозоклар ташкил этган.

Конимех қўрғони Конимех тепасининг устида жойлашган. Шу тепалик ҳақида бир неча оғиз гапириб ўтмоқчиман. Мен геолог эмасманки, унинг тузилиши, тупроғи таркиби ва шу каби хусусиятлари ҳақида гапирсам. Мен факат унинг кўрининишини ёзиб қолдирмоқчиман.

Бу тепалик қачонлардир инсон қўли билан кўтарилиган. Бунга жуда кўп ишончли далиллар бор. Биринчидан, тепа атрофи кўлга айланган. Бу тепалик қачон, қайси даврда кўтарилиганидан қатъи назар, унинг ғарбий ва жанубий томонларида усти кўтарилиган тупроқ кўл ҳолатида экин майдонига айланмасдан ётибди. Ғарбий томонига 1940 йилларда ғишт уйлар қурилди. Лекин улар кўп ўтмай бузилиб, бу жойнинг ўрни аввалгидек кўл ҳолича қолди. Тепанинг атрофи экин майдонларидан анча паст туради. Бу нарса шуни кўрсатадики, тепа атрофининг тупроғи шу тепага кўтарилиб уюлган. Иккинчидан, тепани бузишаётган пайтда кузатиб турганман. Унинг атрофи қалин пахса девор билан урилиб, ичига тўлдирилган. Баъзи жойларидан оғирлиги бир пуд келадиган ғишталар, ҳатто пишган ғишталар терилган. Буларнинг барчаси ушбу тепанинг инсон қўли билан қурилганидан дарак беради. Тепаликнинг умумий сатҳи бир ярим гектарлардан ортиқ. Баъзи жойлари эллик метрдан ҳам баландроқ. Унга чиқиши жойи бир оз пастроқ бўлган. Бутун Конимех қўрғони шу тепаликнинг устига жойлашган. Бу баланд, боҳаво жойда подшо амалдорлари, қўрғон беклари яшаган. Кишилар бир пайтлар бу ерда қудуқ бўлганлигини айтишади. Бироқ дараҳт ўсган ёки ўсмаганлиги тўғрисида маълумотлар йўқ.

Демак, Конимех жуда қадимий қалъа бўлганлиги аниқ. Аҳолиси эса унинг тарихини жиддий ўргангудек бўлса, жуда қимматли маълумотлар олиши мумкин, деб ўйлайман.

## МЕНИНГ ҚИШЛОГИМ

Мен 1921 йилнинг кузида Конимех районига қарашли Қурама қишлоғида туғилганман. Бу пайтда Бухоро амирлигининг емирилганига бир йил тўлган бўлади. Менинг туғилганлигим тўғрисида гувоҳнома йўқ. Менинг туғилганимни яхши биладиган кишилар – отам ва аммам Матоб<sup>1</sup> нинг айтишларича, мен амир қочган йилнинг кейинги йилида, дараҳтлар барг тўкиб турган пайтда туғилган эканман. Шунга кўра, мен 1921 йилнинг кузида туғилганман, деган хulosага келганман.

Бизнинг ҳовлимизга Норбой ариқдан сув оқиб борар эди. Бу ариқ, эслашимча, шимол тарафдан жанубга қараб оқар эди. Тўра баҳшининг ҳовлиси устига келиб, Норбой ариқдан кунботишга қараб яна бир ариқ бўлинниб чиқади. Бу ариқ томонга юз метрча оқиб боргач, жанубга – Ўрол қорага қараб бурилади. Ҳудди шу Ўрол бобонинг ҳовлиси устидан ўтган ариқ тўғри бизнинг ҳовлимизга боради. Ҳозир мен қишлоғимизда мен эсимни таниган пайтларимдаги хонадонлар ва у ерда яшаган кишилар ҳақида ҳикоя қилимоқчиман. Конимех қўргонининг юз метрча юқорисидан Конимех руди<sup>2</sup> оқиб ўтади. Бу руддан қишлоғимизга қараб учта ариқ оқиб киради. Бу ариқлардан иккитаси Тўқманғит ариғи билан ёнма-ён оқадиган ҳамда қишлоғимиз шарқидан ўтадиган дам ариқdir. Бу ариқдан қишлоғимизнинг бир неча хонадони сув ичади. Буларни билганимча баён этмоқчиман. Жумладан, қишлоғимизнинг шимол қисмида жойлашган ака-ука Хўжамурод ва Шомурод қассоблар хонадони, Уста Жуманазар, Усмон дўлоб, Умар қори, Суяр баққол, ака-ука Элмурод ва Холмуродлар, Тўқсон амин, Мурод хайбар, Манқул баққол, Тия бобо, Турмамат оқсоқол, Мирзо мешкоб, унга рўбарў жойлашган хонадонлардан Раимқул бобо, Рўзи раис, Отамурод, Мулла Хушвақт хонадонлари. Қишлоғимизнинг қоқ ўртасидан Норбой

<sup>1</sup> Моҳтоб

<sup>2</sup> Анҳор

ариқ оқиб ўтади. Бу Қурама қишлоғининг катта ариғи ҳисобланади. Бу ариқдан ҳам қишлоғимизнинг кўп хона-донлари сув ичади. Шунингдек, бу ариқдан майда – кичкина ариқчалар ҳам ажralиб чиққан. Норбой ариғи ҳам худди шу йўналишда оқади. Бу ариқ то Тўра бахшининг ҳовлисига оқиб келгунича, ундан ҳеч ким (ер суфориш учун) сув олмайди. Тўра бахшининг ҳовлиси устида дарғат қурилган бўлиб, сув шу ердан иккига бўлинади. Норбой ариқдан фарбга қараб яна битта ариқ пайдо бўлган. Ариқ кунботишга қараб юз метрча оқиб бориб, кейин ўнгга бурилади. Ўрол бобога (у кишини Ўрол қора, Ўрол қозоқ, Уста Ўрол деб ҳам атар эдилар) етгач яна иккига, яъни жануб ва фарб томонга оқадиган ариқларга бўлинади. Норбой ариқ ва унинг тармоқларидан сув ичадиган хонадонлар: Тяя бобо, Тўра бахши, Нурбой кўр, Жўра қозоқ, Очил соқов, Жонқул бола, Тоғай қора (у кишини Тоғай табиб ҳам дейишади), Қурбон бахши, Муллабек, Жўрақул ёмон, Уста Тојир, Намоз Эроний, Халил, aka-ука Муродча ва Милтиқбой, Парда ва бошқалар. Ариқнинг охири Офтобачига оқиб ўтади. Офтобачи – Арбитон йўлининг фарб томони, Милакнинг шимолидаги кенг, текис майдонлик. Бу майдоннинг шимолида кичик қир бор. Офтобачининг шарқидаги текис майдонлик Арабкампирнинг ёвонидир. Булар асосан Норбой ариқдан сув ичувчилар. Ундан бўлинадиган қўшимча ариқдан Ўрол бобо, Исмоил сафир, жанубга кетган ариқдан Абдукарим (менинг отам), Холбой қассоб сув ичади. Ўрол бободан фарбга кетган ариқ 70-80 метрлар оқиб, жанубга бурилади, ундан Хотам манқа, Камол чўрагачи, aka-ука Зайниддин ва Асил, Мурод кўр, Ҳасан бобо, Рўзибек, Ҳайит бобо, Ҳўжа чўлоқ, Зайниддин маҳсум хонадонлари сув олади. Ниҳоят, қишлоғимиздан оқадиган учинчи ариқ беглар ариғидир. Бу ариқ Чорвоқ ариғи деб ҳам юритилади. Бу ариқ ҳам шимолдан жанубга қараб оқади. У Қурама қишлоғининг фарбий томонидан ўтади. Бу ариқнинг номидан шу ҳам маълумки, Конимех begi шу ариқдан сув ичган. Шунингдек, беглик ерлар ва Конимех қўргони бекига

қарашли чорвоқлар ҳам шу ариқдан сув ичганлар. Ариқ Конимех қўргонининг шарқ томонидан оқиб ўтади. Бу ариқдан Уста Келдиёр, Сулаймон кўна, ака-ука Давонов Жўрабой ва Исломлар, Умрзоқ босмачи, Абдураҳмон кашшик, Тонготар мелиса хонадонлари сув ичганлар. Булар бундан қирқ йиллар илгари менинг кўз ўнгимда яшаган хонадонлар. Юқорида санаб ўтган кишилардан мен фақат уч кишини яхши билмайман. Уларни кўрган ҳам эмасман. Булар: Суяр баққол, Тўра бахши ва Мирза мешкоб. Лекин уларнинг ҳовлиларини, қариндош-уругларини яхши била-ман. Қолғанларнинг ҳаммасини кўрганман, уларнинг сухбатларида бўлганман. Бу кишиларнинг кўпчилиги ҳозир йўқ. Лозим бўлса, уларнинг айримлари ҳақида баъзи нарсаларни айтиб ҳам ўтаман. Чунки бу фақат фарзандларим эмас, балки ҳамқишлоқларим учун ҳам эсдалик бўлиб қолади. Тарихни билиш – хайрлидир.

Шу ўринда ўқувчиларимдан бир нарса учун аввалдан узр сўтардим. Мен ҳамқишлоқларимнинг номини келтирганимда, улардан кўпчилигининг лақабларини ҳам келтириб ўтдим. Булар мен тўқиб чиқарган тахаллуслар эмас, балки уларнинг дўстлари, яқинлари қўйган ва айтиб чақирадиган лақабларидир. Уларни ҳам келтиришимга яна бир сабаб, мен улардан кўпчилигининг фамилияларини билмайман, уларни фақат шу ном билан таниганман. Қишлоғимиз одамлари уларни эслаганларида, бу лақабларини ҳозир ҳам айтиб юришади. Яна шуни айтмоқчиманки, мен ариқлар ҳақида сўз юритганимда, улар тақсимотини экин ерларининг суғорилишига қараб эмас, балки хонадонларнинг ичиш учун сув олишларига қараб баён қилдим.

Энди қишлоғимиз хонадонларининг рўйхатини бермоқчиман. Бу қишлоғимизнинг шимол тарафдан жанубига қараб жойлашган хонадонларда яшовчи кишиларнинг рўйхати бўлади. Уларнинг исми-фамилияси билан эмас, балки лақабларини келтириб баён қилмоқчиман.

## 1925-1930 ЙИЛЛАРДА ҚИШЛОГИМИЗДАГИ ХОНАДОНЛАР

Оила бошлиғи

1. Суяр баққол
2. Умар қори
3. Эшмурод ақа
4. Холмурод ақа
5. Усмон дүлөб
6. Уста Жуманазар
7. Шомурод қассоб
8. Хұжамурод қассоб
9. Тұқсан пучук
10. Мурод хайбар
11. Тұя бобо
12. Турмат оқсоқол
13. Мирза машкоб
14. Жанқұл баққол
15. Нурбай күр
16. Очил махсум
17. Тұра бахши
18. Жұра қозоқ
19. Жанқұл бола
20. Қурбон тентак
21. Мұлла бек
22. Тоғай табиб
23. Мұлла Хушвақт
24. Отамурод
25. Рұзи әроний
26. Раимқұл бобо
27. Жұрақұл ёмон
28. Уста тойир
29. Ислом сағир
30. Үрол қора
31. АБДУКАРИМ

Фарзандлари

Исмоил

Бекназар  
Явқоч, Нормурод, Жұра  
Тұрамурод  
Қурбонбой  
Ражаббой  
Қирмиз – қизи

Умар, Усмон  
Сидиқ

Хонназар  
Эшонқұл, Очил

Ҳасан  
Абдулмұмин, Мұхиддин

Эрназар, Сановар

Михли, Эргаш

Шариф  
Солиқ

32. Холбой қассоб ри)	Чинни, Ҳадича (қизла-
33. Намоз эроний	
34. Ҳалил	Эргаш
35. Муродча	Эргаш
36. Парда	
37. Хотам манқа	Давлат ва ака-укалари
38. Зайниддин махсум	
39. Ҳўжа чўлоқ	Облоқул, Ҳайдар
40. Камол чўрағачи	Михлибой, Жумабой
41. Зайниддин, Асил (ака-ука)	
42. Мурод кўр	
43. Ҳасан бобо	
44. Рўзибек	Мавлон
45. Ҳайит бобо	
46. Келдиёр	Ҳайит
47. Рустам	Обид
48. Мирзахўжамурод	Абдисаттор
49. Сулаймон кўна ри)	Карам, Саломат (қизла-
50. Жўрабой, Ислом (ака-ука)	Усмон, Қурбон
51. Умрзоқ босмачи	Райим
52. Абдураҳмон кашшик	Мухтор
53. Полвон босмачи	
54. Баҳром калта	

Мана шу эллик тўрт хонадон ўша пайтларда Қурама қишлоғини ташкил этган. Бизнинг қишлоқ хонадонлари Фиждувон қишлоқлари сингари бир-бири билан тифиз ва туташ жойлашган эмас. Ҳар бир хонадон ўз ери устида кенг ҳовли қилиб олган бўлиб, жуда bemalol, кенгликда жойлашган эди. Бутун қишлоқ аҳолисининг экин экадиган ер майдони юз-юз йигирма гектардан ошмаган. Қишлоқ аҳолиси оғир қўйл меҳнати билан кун кечирарди. Уларнинг асосий машғулоти деҳқончилик эди. Бу ерда катта ер эгалари ёки катта чорвадорлар бўлмаган. Ўттизинчи йиллар-

да қулоқ сифатида тугатилған оиласлар ҳам деярли бой хонадонлар змас әдилар. Бу қишлоқда бирорта ҳам оқланган (оҳакланган, бўялган), ганж қилинган уйлар бўлган змас. Уйлар асосан остига чим босиб, пахса уриш йўли билан қурилар эди. Ўзига тинч, тўқ оиласларнинг уйларидан бъзиларигаина чўпкори<sup>3</sup> уйлар эди. Шундай қурилган уйлардан бири – бизнинг хонадонимиз.

## МЕН ТУФИЛГАН УЙ

Мен туфилган ҳовли қишлоғимиз марказидан бир оз жа-нуброқда жойлашган бўлиб, у ҳозир (1968 йилда)ги ҳолатда Навоийдан келадиган юқори қувватли электр линияси-га қурилган подстанциядан 150-200 метрча фарбда жойлашган эди. Ҳозир у ерда тахминан ўнта балхи тут ўсиб ётибди. Мен ўзим туғилиб ўсган ҳовлини эсимни таниганимда қандай эслаб қолган бўлсан, шундай тасвирлаб бермоқчи-ман. Дарвозамиз кўплаб дарвозалар сингари кунботишга қараб очиларди. Менимча, бу мусулмонларнинг умумий одати бўлса керак. У икки табақали бўлиб, адашмасам, тут ёки гужум тахтадан ясалган эди. Бу дарвозани Сафар ама-ким кесиб ясаган. Дарвоза табақалари ичкарига очилар эди. Дарвоза ичкарисига ҳўқиз, түя, от бемалол кира оларди. Лекин арава деган нарса кирган змас. Чунки бизнинг ара-вамиз йўқ эди. Дарвозахонанинг усти ёпиқ бўлиб, қишида устига доимо беда босиб қўйилар эди. Дарвозахонанинг жануб томонида дарвозага туташ бўлган супада меҳмон-хона жойлашган. Бу меҳмонхонамиз етти болорли бўлиб, учта даҳлизи бор эди. Меҳмонхона ҳовлининг кунчиқиши томонида жойлашган бўлиб, шимол томонга қараб қурилган эди. Меҳмонхонанинг жиҳозларини икки кигиз, икки учта кўрпача ва бир нечта лўла - болиш<sup>4</sup> ташкил этарди. Меҳмонхонанинг ичи ва ташқи томони сомонли лой билан андавалаб сувоқланган бўлиб, уни оқлаш ёки ганжлаш

<sup>3</sup> Синчли

<sup>4</sup> Ёстиқ


ҳақида ҳатто ўйлаб ҳам кўришмаган бўлишса керак. Меҳмонхона кўпинча бозор кунлари одам билан тўлар, қолган кунлари у ерда отам ва амакимдан бошқа киши деярли бўлмасди. Меҳмонхонанинг тўртта эшиги бўлиб, иккитаси ҳовлига қараб, биттаси дала томонга қараб очиларди. Меҳмонхона даҳлизининг эшиги ҳам ҳовлига олиб чиқарди. Биргина уйда бунча кўп эшик бўлишининг сабабини энди тушундим. У пайтларда дераза, ойна деган нарсаларнинг ўзи йўқ эди.

Меҳмонхона даҳлизидан шарққа қараб беш метрча келадиган девор қурилган. Бу девор омборхона билан туташ. Омборхонанинг асосий вазифаси – фақат фалла сақлашдан иборат. Унинг тузилиши жуда ғалати. Ўзи ҳаммаси бўлиб бир-бирига параллел қўйилган тўққизта кунданинг устига қурилган. Бу кундалар бир-бирига синч билан бириктирилган. Одатда, омборхонанинг остки қисми(пол ўрни)ни тахта эмас, яхши пишиб етилган жангл ташкил этарди. Омборнинг ичи эса кичик-кичик учта охурдан иборат эди. Бу охурларда бутун оилани боқадиган фалла сақланар эди. Омборхонанинг кундалар устига қурилиши – унинг остини шамол кирадиган даражада очиқ қолдириш учун эди. Чунки у ерда сақланаётган нарсаларга бу йўл билан ердан нам ўтказмаслик, чириб кетиш ва бошқа хавф-хатарлардан сақлаш чораси қўрилган эди. Ўша пайтларда донни бу қадар авайлаб асралишининг сабабларидан бири – деҳқон ана шу донни бир йиллик меҳнат-машақат билан етиштирган ва унинг тириклигининг гарови ҳам шу дон эканлигини жуда яхши билган. Омборнинг эшиги шимол томонга қараган бўлиб, унинг кичиклигидан бир халта донни ичкаридан базур судраб олиб чиқиш мумкин эди.

Меҳмонхона даҳлизидан жанубга қараб уч-тўрт метрлар чамасидаги девор Худойберди акамнинг уйига туташган эди. Худойберди акам – Сапар амакимнинг катта ўғли. Сапар амаким – отамнинг укаси. Отам ва шу амаким бир ота-онанинг болалари. Булардан ташқари, отамнинг яна бир синглиси бўлиб, уларнинг исми – Ақлай. Ақлай аммам

ҳам уйли-жойли бўлиб кетган. Худойберди акамнинг уйи шимолга қараб қибла-кунчиқар қилиб қурилган эди. Қибла томонида бир даҳлизи бор. У бир болорли бўлиб, унга уйнинг ичидан кирилар эди. Бу даҳлизда ойна, дераза деган нарсалар бўлмаган, ичи ҳамиша қоронғи бўлар эди. Уй эса шу даҳлизнинг кунчиқар томонида бўлиб, унга тўппа-тўғри даладан кирилар эди. Бу эшикдан ташқари уйга кириладиган яна икки эшиги бор эди. Биттаси бир табақали гужум эшик. Иккинчиси эса икки табақали гужум эшик. Бу эшикдан боя айтиб ўтганимдек даҳлизга кириларди. Шунингдек, тўртинчи эшик ҳам бўлиб, ў тўғри даладан уйга киришга мўлжалланган эди. Уй ичидан кўзга ташланадиган ҳеч нарса ҳам йўқ. Ҳовлимиздаги энг тоза, энг яхши деб биладиган уйимиз шу уй ҳисобланарди. Чунки бу уйга янги келин тушган. Бу уйнинг чап томонида Сапар амакимнинг уйи жойлашган бўлиб, у ҳам шимолга қараб солинган эди. Бу беш боларли, икки эшикли уйнинг бир эшиги орқали тўғри даладан уйга кириш мумкин бўлса, иккинчи эшигидан эса уйнинг шарқ томонидаги даҳлизга кириларди. Даҳлизда бошқа эшик йўқ. Бу уйдаги нарсалар ҳам аввал айтиб ўтилган уйлардагидан ортиқ эмас. Балки камроқ ҳамдир. Қишида кун қанчалик совуқ бўлишига қарамасдан шу уйда одамлар яшашган. Эшик эса ҳар доим очиқ бўлган. Чунки эшик ёпилгудек бўлса, уйнинг ичи қоп-қоронғи бўлиб қоларди. Мен тасвирлаётган манзара 1920 – 30- йилларга тўғри келади. Бу кейинги ва ҳатто ҳозирги авлод учун ишонишлари қийин бўлган даражадаги аҳвол. Бироқ буларнинг ҳаммаси ҳақиқат. Ўтмишимиз қандай бўлса, шундайлигича билишимиз керак. Сапар амаким 1930 йилнинг охирларида шу уйда вафот этди. Сапар амаким ҳақида кейинги саҳифаларда сўзлаб бераман. Сапар амаким уйининг кунчиқиши томонида шимолга қараб ошхона солинган эди. Ҳамма жойдагидек бу ердан тандир, ўчоқ, қозон-товоқ жой олган. Бутун оилани боқадиган пишир-куйдир ишлари шу ерда бажариларди.

Ошхонанинг юқори томонида қараб кетган беш-олти



метрлик девор бор эди. Шу ерда девор билан туташ бўлган, қиблага қараб солинган бир чўпкори уй жойлашган бўлиб, уйнинг даҳлизи жанубда, ўзи эса шимол томонда эди. Даҳлизнинг ҳам, уйнинг ҳам эшиклари қиблага қараб очилар эди. Шу уй даҳлизида эски усулда қалами бўз тўқийидиган дўкон бўлган. Мен онамни шу даҳлизда дўкон тўқиб ўтирган ҳолатларини кўп эслайман. Лекин бу уй бузилиб, ўрнига бошқа уй солинди. Мен 1925-1930 йилларда шу уйда яшаганман. Бу уйнинг ичидаги деярли ҳеч нарса йўқ эди. Шу уй то колхоз даврига қадар панжакапи (қўл) сувоғи билан андава қилинмасдан турди. Уйнинг жанубга қараб очидалиган икки эшиги бўлиб, улар тол тахтадан ясалган ва тоб ташлаб кетган эди. Қиши кечалари шу эшик тирқишиларидан кирган қор биз ёпиб ётган кўрпанинг устини эрталаб-гача оппоқ қилиб тўлдириб қўйишини бир неча бор эслаганман. Уйда бир-икки кўрпа, бир нечта кўрпача бўлиб, бешинчи ёки еттинчи лампа (у ҳам меҳмон йўқ кунлари, меҳмон келиб қолса, меҳмонхонага олиб кетишарди) ёниб турарди. Бу уйда отам, онам ва мен яшаганмиз. Мендан кейин учта укам туғилиб, менга эш бўлмасдан ўлиб кетишган. Уларнинг жажжигина қиёфалари, ширин номларигига менинг хотирамда сақланиб қолди. Катта укамнинг исми Муҳаммад эди. У мендан уч ёш кичик бўлган. Уни яхши хотирлайман. Ўртанчасининг исми Ҳайдар, кичкинасиники эса Тошпўлат эди. Улар ҳаммамизни доғда қолдириб, бу дунёни жуда эрта ташлаб кетдилар. Бугун ўзимнинг баҳтиёр кунларимда уларни ширингина хотирлайман, холос...

Бизнинг мана шу кейинги уйимизнинг кунботиш томонидан жанубга қараб тўрт-беш метрлик девор чўзилган эди. Бу девор билан омборхона ўртасида ташқари ҳовлига чиқиладиган кичик йўлак бор. Ичкари ва ташқари ҳовли ўртасида дарвоза ёки эшик бўлган эмас. Бу икки ҳовли шу йўлак орқали туташган. Биз турадиган уйнинг шимолида икки устунли сайисхона – молхона бор эди. Бу молхонага икки ҳўқиз, бир сигир, битта байтал бойланади. Сайисхонанинг қўёш яхши тушадиган томонида моллар учун ёзлик айвон

бор эди. Шу айвоннинг ёнида жувозхона бўлиб, баъзан Сапар амаким шу ерда жувоз ҳайдар эди. Жувозхонада асосан моллар учун ем, овқат сақланарди. Жувозхона билан дарвозахона ўртасида беш болорли уй бўлиб, у фиштдан қурилган эди. Бу уйда амакимнинг дурадгорлик асбоблари сақланарди. Бу уйнинг калити фақат амакимда турарди. Бу уйнинг ичидаги амаким турли шириналларни, жумладан, майиз, шинни, қовун ва бошқа шу каби нарсаларни ҳам сақлар эдилар. Кўпинча, деҳқончиликдан олинадигани шулар бўлган. Бу уйнинг жануб тарафида аввал айтиб ўтганимдек, ҳовли дарвозамиз жойлашган. Мен туғилган ва ўсган, мен учун қадрдан бўлган ҳовлиниң тасаввуримда қолган манзараси мана шулардан иборат.

## ОТА АЖДОДЛАРИМ

Бизлар Қурама қишлоғида яшовчи қорақалпоқнинг қўнғирот уруғиданмиз. Бу жойларга уруғимизнинг қандай келиб қолганини билмайман, ёлғон-яшиқ гап айтишини эса ўзимга эп кўрмайман. Тарихни чуқур билмайман. Ёшлик пайтларимда тарихни, ота-онамни, қариндош- уруғларимни яхши биладиган кишилар бор эди. Болалик қилиб, умрнинг бунча тез ўтиб кетишини билмаган эканман. Ўша кишиларнинг бу дунёдан ўтиб кетишилари мумкинлиги ҳақида ўйлаб ҳам кўрмабман. Улардан бирор нарса сўраб қолиш хаёлимга ҳам келмабди. Мана бугун энди доғда қолиб ўтирибман. Энди ўзим билган кишилар ҳақида маълумот беришдан бошқа иложим йўқ.

Аввалги пайтларда, одатда ҳар куни эрталаб ёки кечқурун оила аъзолари уйга йиғилган паллада ўтмишдаги воқеалардан, уруғ-авлоддан кўп гапириб ўтирилган. Шу йўл билан ёшларга миллати, уруғи, аждодлари таништириб борилган. Мени эса ўтмишим билан таништирадиган бундай киши бўлмади. Ҳозирги пайтда биргина Бўрон тоғамни демасам, ҳам ота, ҳам она авлодлар ичидаги энг каттаси ўзим бўлиб қолибман. Менинг беўй, чопқиллаб, бепарво юрган

даврларим ўтиб кетиби. Шунинг учун ҳам қариганда қўлимга қалам ушлаб, хотира ёзишга мени ҳаёт мажбур қилмоқда. Бу ишни охирига етказишни жуда-жуда хоҳлардим.

Қурама қишлоғига сув оқиб келадиган ариқлар ичидаги “Норбой ариқ” номи билан аталадиган қишлоқнинг бир ариғи ҳам бор. Бу ариғни қўнгиротлардан Норбой исмли киши қазитган бўлиб, шунинг учун у шундай аталади, дейишади. Бунинг қанчалик тўғри эканини билмайман. Бироқ шуни биламанки, менинг яқин қариндош-уругларим шу ариқ атрофида яшаганлар.

Отамнинг оталарининг исми Қозоқ бова бўлган. Уларнинг Қора исмли ё акалари ё укалари бўлган.

Қозоқ бобонинг Абдукарим, Сапарбой исмли ўғиллари ва Ақилой исмли қизи бўлган. Абдукарим аканинг ўғли – мен, яъни Солиҳ; Сапар амакининг ўғли – Туроб. Шунингдек, амакимнинг Худойберди исмли ўғли ҳам бўлиб, ундан фарзанд қолмади. Наввот исмли қизидан жияним Жўраев Турди, Қандолат исмли қизидан жияним Раупов Насимлар бор. Қозоқ бовамнинг укаси ёки акаси бўлган Қора бованинг иккита фарзанди борлиги биламан. Лекин улардан фарзанд қолмади. Қора бованинг Содиқ ва Наврӯз исмли фарзандлари бор эди. Наврӯз амаким 1960 йилларга яқин вафот этди. Қурбон Наврӯзов бу кишининг ўз боласи бўлмаса ҳам, шу амаким боқиб катта қилди, унга ўз фамилиясини берди. Катта бовам Қозоқ бованинг Шермат исмли яқин қариндоши бўлган. Бироқ қайси томондан қариндош эканлигини билмайман. Шу Шермат бовадан бир ўғил туғилган бўлиб, унинг исми Холбой эди. Отамдан кичкина эди. Бутун умри отамни “ака” деб ўтган.

Ўғилларининг ҳаммаси – Облоқул, Эгамберди, Худойқул урушда ҳалок бўлишди. Қизлари Пешку район Зандани қишлоқ советига қарашли Октябрь колхозининг Қорақалпоқ қишлоғида яшайдилар. Каттасининг исми Чиннихол, битта қизи бор, исми Шабон; кичигининг исми Хадича, учта қизи бор. Уларнинг исмини билмайман.

Қурамада яна отамга яқин кишилардан бири Иброимамин деган киши бўлиб, мен юқорида келтириб ўтганим Норбой бобонинг яқин меросхўри бўлган. Мен бу гапларни ёшлигимда бир неча кишидан эшитган эдим. Иброимаминнинг Ҳамро исмли бир ўғли бўлган. Ҳамронинг эса иккита қизи бўлиб, каттаси Занданидаги қариндошларимиздан Арбобжўрабекнинг укаси Муродга узатилган. Кичигининг исми Матоб<sup>5</sup> бўлиб, Холбой амакимга узатилган. У ҳам отамни умрининг охиригача “ака” деб юрарди. У кишини бизлар амма деб чақирадик. Шуларни ҳисобга олиб, мен уларни отамга қариндош деб биламан. Иброимаминнинг ўғли Ҳамро отасидан олдин вафот этган. Шунинг учун ҳам Иброимамин вафот этганда, унинг энг яқин меросхўри Мулла Қурбон бўлган. Мулла Қурбон аминнинг ҳовли-жойи ва моли билан бирга Анбар исмли хотинини ҳам олган. Анбардан Зайниддин, Аслиддин исмли ўғиллар ва Мариям исмли қиз туғилган. Мулла Қурбон Анбар момомизнинг устига яна бир хотин олган. Ундан Туробнинг онаси Зайнаб туғилган. Зайниддин акадан Насир туғилган. Ҳозир Қизилтепада яшайди.

Асил акадан: Абдимурод (олдинги хотинидан), Тоқсулов, Намоз (кейинги янгамдан) туғилган. Уларнинг болаларини ўзингиз билиб оларсиз.

Отамга ўзини яқин тутадиган, доимо “ака” деб ҳурмат қиласидиган Робия исмли бир аммам бор эди. Улар ҳам отамни “ака” деб чақирад эди. Бизлар ҳам уларни амма дер эдик, чолини эса Соип язна деб чақирад эдик. Робия аммамнинг аввалги эри Ражаб исмли киши бўлган. Ражаб Соип язнамнинг укаси. Ражаб вафот этгандан кейин хотинига Соип уйланган. Ражабдан Сапарвой исмли ўғил қолган. Соипнинг қўлида катта бўлган. Унинг Йўлдош исмли ўғли (Навоий станциясида), Хонча ва Руқия исмли қизлари бор. Хонча Қизиби келиннинг онаси, Руқия Мансурнинг (станциядаги) хотини.

---

<sup>5</sup> Матоб

Отамнинг синглиси Ақилой аммам қишлоғимиздаги Ҳайитбой деган кишига узатилади. Биз эсимизни таниган пайтмизда аммам вафот этган. Язнам эса чол бўлиб қолган эди. Бизлар Ҳайит язнамни “Ҳайитбой бова” деб юрар здик. Шу аммам ва язнамдан Бўригул исмли қиз туғилган. Бўригул 1940 йилларда вафот этган. Ундан Намоз, Уммат, Барот ва Райимнинг хотини (исмини эслолмадим) қаби яхши фарзандлари қолди.

## ОТАМ – АБДУКАРИМ ҚОЗОҚ ЎГЛИ

Мен туғилган пайтда отам эллик саккиз ёшда эканлар. Мен буни кейинчалик тенгдош жўраларимдан билиб олдим. Демак, шундай экан, менинг отам 1863 йилда туғилган ва етмиш тўрт ёшида – 1937 йили вафот этган. Отамни қишлоқдагиларнинг ҳаммаси қаттиқ ҳурмат қилишарди. Мен уларнинг аччиғланиб ўтирганини ёки бирор кишини хафа қилганини кўрган эмасман. Отам жуда шўх, хушмуомала, очиқкўнгил, истараси иссиқ, ўрта бўйли, оққувага мойил, буғдой рангли, юзини жуда чўзиқ деб ҳам бўлмайди, бироқ кулча юзли ҳам эмас, кўзлари кулиб турадиган, кўкка мойилроқ, бироқ менинг кўзларимдай ўткир кўк эмас, кўзлари қийиқ эмас, думалоққа мойилроқ, юзида ортиқча гўштдан асар ҳам йўқ, соқоли оқ ва сийрак, фақат иягини тўлиқ қоплаган, холос, ўртacha узунликда, ҳамиша тараалган, соchlari тоза олинган ҳолда, бошига ҳамиша салла (одатда, оқ бўздан тўкилган майинроқ салла ўради) ўраб юради. Киядиган кийимлари ҳамма вақт қалами ва оқ бўздан тикилган бўлар эди. Иложи борича, ямаб бўлса ҳам маҳси кияр эдилар. Этик кийганларини кўрмаганман. Эҳтимол йигитлик чоғларида кийгандир. Бироқ мен у дамларнинг гувоҳи бўлган эмасман.

Отам беш вақт намозни канда қилмасдан ўқирди. Бироқ ўқимаганига, мадраса кўрмаганига ўзи ҳам кўп ачинарди. Уларнинг ўшлигимда ҳам, ҳозир ҳам “алиф”ни, “бе”ни таниган эмасман, деган гаплари ҳозиргидай ёдимда. Отам асо-

сан деҳқончилик билан шуғулланган. Колхоз давригача ҳовли ишларидан сира бўшамасди. Далада дон экар, уни йигиб олиб янчар, хирмон ҳайдар ва уни отарди. Узум етиштирас, қовун осар, хуллас то қиши киргунича тинимсиз меҳнат қиласарди. Колхозлаштириш бошланганда, уларнинг меҳнати янада ортди.

## САПАР АМАКИМ

Бу киши отамнинг туғишган укалари эди. Сапар амаким қазо қилганларида отам:

- Солижон! Болам, Сен энди ҳеч қачон амакингни кўрмайсан, биз ундан ажралиб қолдик, – деб ўксисб-ўксисб йиғлаганлари ҳали ҳам кечагидай кўз ўнгимдан кетмайди. Йиллар ўтиб, армон бўлиб жаранглаган бу йиғининг маъносини ҳис этдим. Жигаргўшанинг қадрини тушундим. Ўша сўзлар айтилган пайтларда мен унинг фарқига боргандманми, йўқми, ёдимда йўқ.

Амаким отамдан бир неча ёш кичик эди. У 1931 йилнинг қишида қирқ билан қирқ беш ёшлар орасида вафот этган эди.

Амаким ўрта бўйли, сариқ юзли, сариқ сийрак соқолли, кўй кўзли, юзида сепкилнингми ёки чечакнингми билинар-билинмас изи бор эди, ўзи ниҳоятда сергайрат инсон эди. Амакимнинг қовоғи кўпинча очиқ бўлмас эди. Мен буни у кишининг ҳар доим иш билан банд бўлишларига йўяр эдим. Чиндан, у киши ҳар доим бирор иш билан банд бўлар эдилар. Ҳовлимиздаги ҳамма ишларга бевосита раҳбарлик қилиш у кишининг зиммасига тушарди. Ёшлигимда мен буни тушунмаганим учунми, миямда отам нима учундир амакимдан қўрқса керак, деган фикрлар ҳам пайдо бўларди. Бу фикрлар, албатта, ҳали ҳеч нарсага онги тўлиқ пишшиб етмаган боланинг фикридир. Лекин кейинчалик билсам, менинг бу фикрларимнинг тамоман тескариси экан. Амаким ҳеч қачон отамнинг районни қайтармас, топшириқларини худди отасини ҳурмат қилгандай, ҳурмат қилиб

бажарар эди. Шунинг учун ҳам ҳовлимизда ҳамма инон-ихтиёр амакимнинг қўлида экан. Бундан ташқари, отам қариб қолганлиги сабабли ҳам қишин-ёзин амакимнинг меҳнатдан қўли бўшамас экан. Ёз бўйи далада меҳнат қиласа, қиши билан ҳам қўли ишда бўлар экан. Бунга сабаб замонасининг энг қадрли косиби – уста эканлиги эди. Амаким дурадгор уста эди. Отамнинг ҳамда қишлоғимиз кексаларининг айтишларича, Қозоқ бобомнинг ҳовлиси мен ўз ҳовлимизни таърифлаган жойдан 100-150 метр чамаси жа-нубда, қўлнинг ёқасида бир-икки пахса уйдан иборат бўлган. Отам ва амаким оталари вафотидан кейин бир оз юқорироқдан ҳовли солмоқчи бўлишиб, ҳовли солиш учун уста бўлиш керак, дея устачиликни ўрганишган эканлар. Кейинчалик, мен туғилиб ўсган уйни амакимнинг ўзлари қурган экан. Бундан ташқари, қиши пайтлари дехқончилик ишларидан қўли бўшаган вақтларида қишлоқда чўпкори иморатлар ҳам қурган эканлар. Қишлоқдаги мана шундай ишларидан бири – уларнинг қўрғон бегининг топшириғи билан ойдин чорвоқда бирқанча вақт ҳашарда бўлганлигидир. Ойдин чорвоқ Зарафшон қирғогида бўлиб, Конимех рудининг юқори қисмида амир тушиб ов қиладиган чоғда дам оладиган саройларидан биридир. Бу амирнинг саройида усталик қилган киши ўз ишига пишиқ, замонасининг пешқадам усталаридан бири эканлигидан дарак беради.

Амаким ниҳоятда қайсар, ўз айтганини қиладиган, бир сўзли киши эди. Бир кўнгли қолган киши билан қайтиб сўзлашмаган, ўз замонига хос йигит оғаси эди. Мана шундай пайтларда акаси – менинг дадам ҳам унинг мағрурлигини синдириб ёки раъйини қайтарган эмас. Шу ўринда мен амакимнинг бир сўзлигидан гувоҳ берувчи бир воқеани эсламоқчиман. Бу воқеа шундай бўлган эди: 1929 йилнинг охирги ойлари бўлса керак, кун очиқ бўлгани билан, изғирин шамол эсиб турарди. Бизнинг оиласизни бир суннат тўйига таклиф қилишди. Тўй аёл қариндошларимизники эди. Отам тўйга кетган, мен эса тўйга бориш илинжида

онамнинг атрофида гирдикапалакман. Бутун хаёлим тўйга тезроқ кета қолсайдик, деган ўй билан банд. Онамнинг ишлари эса ҳадеганда битавермайди. Мен эса дарвозахонадан ичкарига кирмайман. Шундай қилиб, тўйга кетамиз, деб турганимизда, дарвозадан ўн чоқли киши кирди. Кун ботишига эса ҳали анча бор. Ҳавонинг совуқ бўлишига қарамасдан, амаким уларни меҳмонхонага эмас, балки меҳмонхона супасидаги тайёр жойга таклиф қилди. Мен дарвозахонада меҳмонхона супасига суюнган ҳолда турибман. Бутун диққатим келганлар ва амакимга қаратилган. Келган кишиларнинг кўпчилиги амакимнинг тенгдошлари. Кичиклари ҳам бордир. Лекин катта ёшдаги мўйсафидлардан ҳеч ким йўқ. Қизиқ, биз тўйга кетамиз, деб турганимизда келган кишилар ким бўлдийкин? Мени буларнинг олдида туриб, сўзларини эшишишга мажбур қилган нарса – бизни тўйдан қолдираётган кишиларнинг мақсадини билиш. Мен олдинроқ отамларнинг оиласада уч фарзанд, яъни отам ва амакимдан ташқари Ақлай (Ақл ой) деган аммам ҳам борлигини айтган эдим. Бу аммамни мен кўрган эмасман. У ҳақда унча кўп нарсаларни ҳам билмайман, эшишган ҳам эмасман. Шу аммам қишлоғимиздаги Ҳайит бобо деган киши билан турмуш кечирган. Мен бола бўлган пайтларимда бу киши эллик-олтмишларга бориб қолган чол эди. Шунинг учун ҳам уларни қишлоғимиздаги бошқа болалар каби Ҳайит бобо деб чақирап эдим. Уларнинг Бўри – Бўрихон деган битта қизлари бор эди. Бўри аммамни мен жуда яхши биламан. Охири марта 1940 йилнинг қишида кўрган эдим. Бўри аммам – бўйдор, қош-қовоғи келишган, ўзи келбатли ва салобатли, кўзлари катта-катта, ўнг юзида кулдиргичи бор, пешанаси кенг, соchlари тим қора, овози бўйига монанд – бир оз йўғонроқ эди. (Невараларининг кўзи худди шу аммамнинг кўзига ўхшайди. Уларни кўришим билан танийман.)

Ана шу Бўри аммам турмушга чиққанларида, ота-онаси ёки қариндошларининг розилиги билан эмас, ўз ихтиёри билан турмуш қурган бўлса керак. Эҳтимол, бальзи қарин-

дошлари рози бўлгани билан бошқалари розилик бермагандир. Одатда бундай қизлар “қочиб кетган” ҳисобланади. Аммачам ҳам ана шундай қизлар тоифасидандир. Мен уларнинг қилган ишларига хайриҳоҳман. Лекин орада эллик-олтмиш йиллик масофа бор. Аммам қўшни – Урганжи қишлоғидаги Рўзи баққолнинг Нарзи исмли ўғлига турмушга чиққан. Булардан Намоз исмли ўғил туғилган. Намоз мендан бир ёш катта. Бу эсадликни ёзаётган пайтларимда иккаламиз ҳам мактаб-интернатда ишлаймиз. Мен – ўқитувчи-тарбиячи, у киши – аравакаш... Мен онам билан боришга отланаётган тўй ана шу Намознинг суннат тўйи эди. Язнамиз қайнотларини, тоғаларини бир неча бор киши қўйиб чақирирган бўлиши керак. Лекин ҳар чақирганда ҳам амаким “ўзбошимча” жиянининг уйига боришни истамаган. Шундай қилиб, амакимни шу тўй муносабати билан ҳам чақирганлар. Лекин амаким бормаган. Мана ҳозир ўн чоғли киши (кўпи ўзининг жўралари) амакимни тўйга боришга ундаиди. Лекин у киши бормаслигини айтади. Гапнинг қисқаси, қишлоқ катталари амакимни тўйга яхшилик билан, тоға сифатида олиб боришни шу дўстларга топширган бўлишлари керак. Улар ҳар қанча ҳаракат қилишмасин, амаким ўзбек халқ мақолидаги “Қирқ одам бир, қинғир одам бир” тоифасидан бўлиб, тўйга бормади. Келгандар ҳам ортиқча қистамадилар. Менимча, келганларнинг орасида амакимни тушунган, унга маслакдош бўлган жўралари ҳам йўқ эмас эди. Чунки шундай совуқ кечада уларнинг суҳбати хушмуомалалик билан ўтди. Амакимдай эркин қушни эса қафасга сололмасликларини сезган “элчилар”нинг ўзлари жўнаб кетишли... Амаким шу тўйга бормади. Синглисидан туғилган қиз жияни – Бўрини ҳам тоўлгунига қадар кўрмади. Амаким бу қилган ишига ўқинди-ми-йўқми, бу менга маълум эмас. Лекин шунисини айтишим керакки, ҳеч ким ўз қариндошидан безор бўлмайди ёки кечмайди. Балки куёв ёки қудалар томонидан амакимга ёки оила аъзоларига нисбатан ноўрин бирор гап айтилгандир. Ёки шаънига тўғри келмайдиган бирор иш бўлгандир. Ама-

ким эса буни умрининг охиригача кечира олмагандир. Мен бу ўринда амакимни айбламоқчи эмасман. Аксинча, одамгарчилигига, бир сўзлилигига хурсандман.

Орадан кўп йиллар ўтди. Бу воқеаларни биладиган одамлар камайиб бормоқда. Бу воқеаларни мендан кейин қоладиган фарзандаларимга ҳам бир сабоқ бўлишини ўйлаб қоғозга туширяпман. Ўзимнинг муносабатимни билдиримоқчи бўлсам, бир нарса дейишим қийин. Икки томонни ҳам тушуниш керак. Аслида бундай воқеалар замон шарорити, атрофингдаги кишиларнинг онг даражаси, кишиларга муомаласи, ғамхўрлик, одамгарчилик каби фазилатлар билан чамбарчас боғлиқ. Менимча, амаким ўшанда жуда қаттиқ қайсарлик қиласланган бўлсалар керак. Ҳўш, жиянини кўришни истамагани, кўрмагани билан нима бўлди. Ҳеч нарса. Бу фақат ўжарлик эди. Аслида, аччиғидан тушганидан кейин бориб жигарини кўриб келишлари, улар билан яхши алоқа боғлашлари керак эди, деб ўйлайман. Инсонга берилган қисқагина мана шу умрни хафагарчилик, уруш-жанжал билан ўтишини сира истамайман. Ҳаётдан завқланиш, одамларни яхши кўришни билиш керак, деб ўйлайман.

Бўри аммамни шу йўлга олиб борган нарса биринчи на-вбатда журъат. Ундан кейин эса садоқат ва одамгарчилик бўлган бўлса, ажаб эмас. Ўша пайтда ўз муҳаббати учун курашиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермас эди. Бу иш учун ҳам матонат, катта куч керак кишига. Аммам эса ўзида шу куч-матонатни ҳис этиб, иш кўрган. Инсондаги ҳавас унинг ўз эркидир. Ўз ишқ-муҳаббатига эришиш учун курашни муқаддас деб биламан.

Бу ерда ўқувчи икки хил фикр туғилди, деб ўйлашини истамайман. Мен амакимнинг ҳам, аммамнинг ҳам тутган ўйлига баб-баробар хайриҳоҳман. Ҳалқимизда: “Йигит сўзидан, арслон изидан қайтмас” деган бир яхши мақол бор.

Амаким бир сўзли йигит. У ҳеч қачон ўз сўзидан қайтган эмас.

Хоразмий деган шоирнинг “Муҳаббатнома” асарида такрорланадиган бир мисра бор:

*Сабрдин яхши йўқтупр пеша қилсан,  
Бу йўлда сабр йўқ андеша қилсан.*

Ишқ-муҳаббат ҳеч қандай андешага кўнмайди. Шундай экан, аммам ўз муҳаббатига эргашиб, жуда тўғри иш қилган.

Шундай қилиб, иккаласининг ҳаракати ҳам менга ижобий таъсир қилди.

## ОНА АВЛОДЛАРИМ

Мен туғилган пайтимда онам йигирма тўрт ёки йигирма беш ёшларда бўлган. Онамнинг қиёфаси ёдимда яхши қолмаган. Шундай бўлса ҳам ёдимда қолган баъзи нарсаларни эслаб кўрмоқчиман.

Онам ўрта бўйли, табиатан кўнгилчан (ҳатто бўш деб ҳам айтиш мумкин), юзи сарфиш, аниқ эсимда йўқ, ё юзининг ўнг томонида ё чап томонида аффон яранинг изи бор, қўй кўзли, кўзлари кўкиш, юзи сўлғин, беозоргина бир аёл эди. Онамнинг бунчалик юмшоқ ва сўлғин бўлганлигини мен бола-чақалик бўлганимдан кейин билдим. Онамнинг ота-оналари, бир-иккита тоғаси бир вақтда ўлиб кетган бўлиб, бир ҳовли бола-чақа эгасиз қолиб кетишган. Шулар ичида энг каттаси онам бўлган экан. Ёшлигига кечган мусибат, азоб-машаққат эвазига онам раҳмдил, беозор бўлиб қолган бўлса керак, деб ўйлайман. Онам мен шўхлик қилганимда, гапларига қулоқ солмай қочиб қолганимда овозларини кўтарган бўлмасалар, бошқа вақтда умуман баланд товушда гапирганларини эслай олмайман. Ҳовли-миздаги икки келин ёки амакимнинг қизлари билан, ўзининг укалари билан ҳеч қачон уришиб-жанжаллашган эмас. Онам қобил, мўъмина, жуда андишали бир аёл эди, яхши она эди. Уй ишларининг деярли ҳаммасини ўзлари бажарди. Бизнинг хонадонимизда ўша йиллари, айниқса, қиши кунлари жуда қийин эди. Чунки бундай кунларда деҳқончиликдан бўшаган қариндош-уругларнинг меҳмонда юри-

ши күп бўлади. Бундай кунларда онам эртадан-кечгача ошхонадан чиқмасди. Бундай пайтда албатта бошқалар ҳам кўмаклашишга ҳаракат қиласди. Бундан ташқари, ўша пайтларда қиш қаттиқ келиб, ҳовузлар ҳам музлаб қоларди. Бундай пайтлар аёллар шу ҳовузни эритиб, сув олишга жуда кўп вақт сарфлар эдилар. Яна бу пайтда қуруқ ўтин топилмас, улар ҳўл ўтинни тутатиб ўтириб, қийналар эдилар. Ўша пайтда қишлоқдаги деярли барча хонадонларда дейлик, аввал ҳамир қорилиб, кейин арқон, болта ёки кетмон олиб ўтин учун далага чиқилар эди. Агар арқон билан болта далага олиб чиқилса, ҳўл дараҳт шохи кесиб олиб келинади, арқон билан кетмон ё ўроқ олиб чиқилса, ҳўл янтоқ ёки жангал олиб келинади. Бундай ҳол айниқса, бозор кунлари авжига чиқади. Бозор кунларимиз меҳмонсиз ўтмасди. Шундай кунлари ошхонага онамнинг олдига кириб қолсам, тутундан бўғилаёзардим. Дўкон тўқиши, ип йигириши ҳам аёллар зиммасида эди. Уйимиз даҳлизидаги дўконда онам ўтириб олиб, кўп вақт дўкон тўқирди. Қиши кунлари заҳ дўкон чуқурига оёғини солиб ўтириш жуда қийин эди. Бундай пайтларда дўкон чуқурига олов қўйиларди. Бундай қийинчиликлар кўплаб аёллар қатори менинг онам бошидан ҳам ўтган.

Онам мендан икки бор аччиғланган. Бир сафар тоғамникига бораман деб тихирлик қилганман. Шунда онам:

- Сени тоғангникига олиб боришдан бошқа ишим йўқми?- деб қўлига бир чўп олиб мени қувиб берди. Мен эса ичкари ҳовлидан ташқари ҳовлига қараб қочдим. Қарасам, дарвоза берк экан. Дарвозахона соясида эса бир неча қўй ва қўчқорлр тиқилишиб ётибди. Мен уларнинг орасидан ўтдим. Лекин дарвозани оча олмадим. Бу ҳолимни кўрган онам мени ўз ҳолимга қўйди. Қувишини давом этмади. Шундан кейин мен ичкари ҳовли эшигидан чиқиб дала томонга кетдим. Онам ҳам қўлида ўша чўпи билан (ҳали ташлаган эмас) орқамдан чиқди. Дала томондан келаётган отамни кўрдим. Отам онам билан иккимиз ўтрамиздаги жанжални бартараф қилди:

- Қўй, онаси, тоғасиникига бормоқчи бўлса, олиб борамиз, - дедилар. Шу билан онам билан менинг жанжалим бартараф бўлди. Отам билан бирга, балки уларнинг олдига тушиб ҳовлига кирдим.

Ҳовлида онам бизни кутиб олди.

Иккинчи жанжал-келишмовчилигимиз жуда ёмон пайтда содир бўлган. Бу воқеани ўзгартирмасдан, батафсил ёзмасам, ҳақиқатдан кўз юмган бўламан. Бу воқеага менинг болалигим, ҳеч нарсани билмаслигим, аниқроғи, ақлим етмаслиги сабаб бўлгандир. Онам касал бўлиб ётган эдилар. Бемор киши, одатда, бироз инжиқроқ бўлади. Лекин онам бундай аҳволини ҳам билдиргиси келмайдиганлардан эди. Ҳозир ўйлаб кўрсам, онамнинг бу касалланиши 1930 йилнинг куз пайтларига тўғри келган экан. Онам уйда ётибдилар. У кишидан тез-тез хабар олиб турадиган кишилар жуда оз эди. Отам бўлса, дала кишиси – уйда кам бўладилар. Онамнинг касал пайтларида кўпроқ ёнида бўладиган одам – менман. Кундуз кунлари онам билан деярли бир ўзим ёлғиз ўтираман. Катталардан бирортаси дамлаб бериб кетган чойни қайтариб, онамга қўйиб бериб ўтираман. Онам уйнинг тўрида, бошини баланд қилиб қўйилган бир нечта ёстиққа қўйиб ётибди. Мен онамнинг оёқ тарафида ўтирибман. Онам ўнг ёнбошлари билан менга қараб ётибдилар. Юзлари анча сарғайган, ранглари сўлғин. Лекин у пайтларда bemorning қанчалик оғир ёки енгиллигини билмайман. Онам ўшанда анчагина азоб тортиб ётган экан. Мен эса бунга бефарқ қараган бўлсам керак. Ана шундай қилиб ўтиришларимнинг бирида чойни пиёлага одатдагидан кўпроқ қўйдим. Чойнакни эса баланд кўтардим. Пиёладаги чой кўпирашиб кетди. Бу қилигим балки ўзимга ёққандир, лекин ётган онамга ёқмади. Онам бедармон товушини бироз кўтариб:

- Бу нима қилганинг, чойни ҳам шундай сузадими? – дея чап қўллари билан ўнг тиззамга бир урди. Мен онамнинг қўли етадиган жойда ўтирас эдим. Онамнинг бу уришлари менга қаттиқ теккани ҳам йўқ. Бемор одамнинг ургани нима

ҳам бўларди. Мен ҳам ҳеч нарса деганим йўқ. Ўз айбимга ўша вақтда ҳам, ҳозир ҳам, бундан кейин ҳам иқрорман. Айб менда эди. Бунга менинг ёшлигим, болалигим сабаб. Ўша пайтда мен саккиз-тўққиз ёшларда эдим. Бу менга ва мен каби қишлоқнинг дехқон болаларининг ҳаммасига хос бўлган нарса, десам хато бўлмайди.

Менинг қилган арзимас айбимдан она хафа бўлганми-канлар, деб кўп ўйлайман. Лекин ҳар сафар онам мендан ҳеч қачон хафа бўлмаганликларини жуда яхши ҳис қила-ман. Мен ҳеч қачон онамни хафа қилиши мумкин бўлган ярамас ишларни қилган эмасман. Бу жавобни мен осонлик-ча бераётганим йўқ. Ўзимнинг турмуш тажрибамдан, ўнта болани ўкситмай тарбия қилаётган Сабоҳатхоннинг ҳаёти-дан олиб жавоб бермоққа қодирман. Бу ўринда мен онам билан бўлган иккита воқеани ҳикоя қилиб бердим. Ҳали ўрни билан онам ҳаётига доир жуда кўп воқеаларни ҳикоя қилиб бераман, деган умиддаман. Чунки онам туғилиб ўсган оила ўз бошидан жуда кўп фожиали, аянчли кунларни ке-чирган. Буларни мен фарзандларим, сизларга албатта ёзиб қолдиришим керак, деб ўйлайман.

## ҚАРИНДОШЛАРИМ

Оиламизнинг отам, онам ва мендан ташқари яна бир не-ча аъзолари бор эди. Бу ҳақда аввал ҳам айтиб ўтган бўлсан керак. Ҳозир эса уларнинг баъзилари ва улар билан бирга кечирган айрим дамларим ҳақида баён қилмоқчиман.

Сапар амакимнинг икки қизи ва икки ўғли бор эди. Катта ўғиллари Худойберди Сапар ўғли. Мен ҳеч қачон бу кишининг отларини айтиб чақирган эмасман. Опаларим ҳам айтишмаган. Ҳаммамиз ҳамиша “ака” деб чақирар эдик. Амакимнинг ўғилларини отам ҳам “ўғлим” дер эдилар. Акам эски мактабда, тўғрироғи, шу ўзимизнинг қишлоғи-миздаги масжидда ўқиган. Эскича ўқиш-ёзишни биларди. Мен ёш пайтимда араб алифбосида Солиҳ деб отимни ёздириб ўргатган эдилар. Лекин мен бу ёзувда отимни сира

ёза билган эмасман. Акам беозор йигит эди. Бизларни ҳам, икки синглисини ҳам сира хафа қылган эмас. У кишининг қиёфасини қанча уринмай кўз олдимга жуда аниқ келти-ролмайман. Лекин шуларни эслайманки, улар ўрта бўйли, қора қийғоч кўзли, юзлари чўзиқ, ўзи қорачадан келган, кенгроқ елкали, нозиктабиат, оғиргина содда бир йигит эди. У киши овқатланганларида сира шошилмас, жуда секин овқатланар эди. Нонни эса бутун “авра-астарига” ажратиб ер эди. Кишилар билан жуда самимий сўзлашарди.

Акам тенгдошлари каби янгиликка ўч эдилар. Мен буни уларнинг кинога қизиқишларидан биламан. Уларнинг уйланган пайтларини эслолмайман. Эсимни таниган пайтларимда янгам биз билан яшарди. Акам кечқурунлари асосан кинога кетар эдилар. Ўша пайтлари кино ҳар куни бўлар эдими ёки кун оралабми, бу ҳам ёдимда йўқ. Уларнинг кинога кетишларига ҳеч ким қаршилик қилмас эди.

Шундай кинога боришлиарининг бирида мени ҳам ўзла-ри билан бирга олиб кетдилар. Кино Конимех тепалигининг шимол томонидаги бир саройга ўхшаб қурилган ҳовлида қўйиларди. (Ҳозир ўша ҳовлининг ўрни парк дарво-заси қаршисидаги автобус бекати ёнидаги Ўтебой ва Қаюм яшайдиган колхоз уйлари ва экинзорларининг ўрни.) Биз акам билан кинога қоронғи тушиб олдидан бордик. Акам кинога кириш учун чипта олган бўлса керак. Мен буни хотирлай олмайман. Кеч кирди. Акам мени қўлимдан етак-лаб қоронғи бир уйга олиб кирдилар. Уйга киргандан сўнг кўзим тушган биринчи нарса деворга тутиб қўйилган оқ парда бўлди. Атрофимизда яна бир неча киши ўтиради. Лекин улар орасида мен танийдиган кишилардан ҳеч ким йўқ эди. Бизга ҳеч ким эътибор ҳам қилмаган бўлса керак. Ҳаммалари узоқдан ўзларига нотаниш бўлган нарсанинг бошланишини кутиб ўтиришибди. Бу вақтларда биз томон-ларда кино биринчи марта қўйилаётган эди. Ўтириш учун жойлар ҳам тайёрланган. Ерга катта-катта қозиқлар уриб чиқилган. Шу қозиқлар устига кўндаланг қилиб тахта урилган. Одамлар шу тахталар устида қатор ўтириб олишган.

Кино кўрсатадиган барча асбоблар (аппаратлар) шу уйнинг ичида эди. Бир парча тахта устига чархнинг паррагига ўхшаш айлантирадиган дасталик нарса ўрнатилган. Уни бир киши қўли билан айлантиради. Шу айланишда ёруғлик пайдо бўлади. Шу ёруғликдан кино асбоблари ҳаракатга кириб, девордаги оқ пардада сурат кўрсатилади. Кино кўрсатувчи киши ҳам кичик дастача билан кино асбобларини айлантириб туради. Ана шу тарзда томошабинларга кино намойиш этилади. Агар борди-ю, ҳалиги икки ҳаракатдаги кишининг бири ҳаракатдан тўхтаса, сурат кўринмай қолади. Агар биринчи киши айлантирмаса ёруғлик чиқмай қолади, иккинчиси ишлашдан тўхтаса, кўриниб турган бир расм кўринганича тураверади. Бу киноларда ҳаракат бор, оғиз қимирлайди, лекин овоз чиқмайди. Кинодаги кишиларнинг сўзлари сурат остига ёзиб борилаверади. Саводи бор одам уни ўқиб тушуниб олаверади. Бу ерда мен акам билан биринчи марта кўрган киномнинг тафсилотини ёздим. Кейин билсам, биринчи киши айлантирган “чарх” генератор экан, иккинчи одам эса кино лентасини аппаратдан ўtkазиб турган экан. Бундай қўл кучи ёрдамида кўрсатилган киноларни мен кўп кўрганман. Бу ҳол бизнинг қишлоқ жойларимизда 1940 йилларгача давом этди. Менинг биринчи кино кўришим адашмасам 1927 ёки 1928 йиллар эди. Районимизга кино шу тариқа кириб келган.

Акамни янгиликка ўч деб айтган эдим. Бир куни улар мени ва икки синглисими от ўйинига ҳам олиб борганлар. Ҳозир шу тўғрида ҳикоя қилмоқчиман. Бу от ўйини ҳам 1930 йилдан олдинги воқеалардан бўлса керак. Бу ўйин ҳам районимизда бўлди. Тўғрироғи, Конимех район ижроқўмийнинг биринчи раиси Тўрамурод Арслонбоевнинг ҳовлисида бўлди. (Бу ҳовли ҳозир Охунбобоев кўчасидаги Тўрақулов Бўрон, Шукурбеков Талғат, Қўйчиев Элибойлар ҳовли қилиб ўтирган жойларда жойлашган эди.) Тўрамурод Арслонбоевнинг пахсадан қалинган ичкари ва ташқари ҳовлиси бор эди. Томоша ташқари ҳовлида бўлди. Мен бу томошани от ўйини деб атадим. Олдинлари бундай томо-

шалар шундай аталарди. Ҳозирги номи цирк. Биз бу ўйинга пешиндан кейин бордик. Биздан бошқа томошаталаблар ҳам кўп эди. Акамнинг ўша ерда кўп кишилар билан сўзлашганини, кейин бизни қолдириб, навбат кутиб чипта олиб келганини аниқ биламан. Ўйин бўладиган ҳовлининг олди супурилган, ерга сув сепилган эди. Одам жуда кўп йифилган. Турли ёшдаги, катта-кичик томошабинлар шу ерда. Биз ҳам кўпчилик билан ичкарига кирдик. Ичкарида кўзимга қора уйга ўхшаш чодир кўринди. Ўйин шу чодирнинг ичидаги бўлар экан. Биз ҳам чодир ичига кирдик. Чодирнинг ичи кенг. Томошани ўтириб кўрдикми ёки тик турдикми, буни ҳозир эсломмайман. Шу ўйинда бальзи таассурутлар ёдимда қолган. Чаққон бир йигит бир неча кишининг устидан чархпалак бўлиб ўтди. Кейин турли иргиш ҳаракатларини қилиб икки кишини ёнма-ён қўйиб, уларнинг устидан иргиб ўтиб кетди. Бу ҳолат бир неча бор такрорланди. Турган одамларнинг сони ҳам икки қатор бўлиб ўнтага етди. Иргувчи йигит эшик томондан чопиб келади, биз ҳам эшик томонда бўлганимиз сабабли унинг чопиб келишини аниқ кузатиб турамиз. Йўлакдан чопиб келиб, узун тахта устида югуришини давом эттиради. Тахтанинг охирига келганда, у йигит ўзини тахтага икки оёғи билан уриб, баландга кўтарилади. Бу кўтарилганида, оёқларини йифиб, қучоқлаб олади. Ҳавода бир-икки айланиб, одамлар устидан орқа томонга ўтиб кетади. Ерга қандай тушишини кузатганим йўқ. Яна одамлар орасидан чопиб чиққанини кўрамиз. Ўша йигитнинг чаққонлик билан қилган ҳаракатига мен қойил қолиб, уни кейинчалик ҳам кўп эслаганман. Вақт ўтиб бу сакраш сирларини ҳам билиб олдим. Бу сир унинг оёғи остидаги тахтада экан. Тахтанинг ўзи ё эластик, эгилиб кўтариб юборади ёки унинг остига сиқи-лувчан пружина ўрнатилган. Болалигимда ҳайраттга солган ҳодисалардан бири шу. Лекин барибир йигитнинг чаққонлигига қойил қолмай иложим йўқ. Эҳтимол, у ҳозир кексайиб қолгандир. Барибир унинг санъатига офарин. Ўша куни бўлиб ўтган томошалардан фақат шунисигина хоти-

рамда сақланиб қолған. Ҳозир ўйлаб қарасам, акам бизга жуда ғамхұр экан. У факт мени әмас, қыз бола бүлишлари-га қарамай сингилларини ҳам бунаңанги томошаларға олиб бориб турарди, улар учун қайғуарарди. У кишининг бу табиати амакимнинг – оталарининг табиатага мутлақо тескари эди. Кейин билсам, акам ўша пайтларда ўзининг саводхонлиги билан ҳам ном чиқарған экан. Ҳудойберди акам билан бирға үсган тендошлари уларни “Ҳудойберди даврининг яхши муллаваччаси эди”. – деб хотирлайдилар. Отам билан қадрдон бўлган кишиларининг сўзларига қараганда ҳам, акам ўша пайтларда Машраб ва Мирзо Бедилнинг ғазалларини жуда хуш овозда ўқиган эканлар. Отам бўлса бу ғазалларни мириқиб тинглар экан.

## АДАБИЁТГА ҲАВЛАСМАНД КИШИ

Отам ҳеч қаерда ўқимаган, савод чиқармаган. Бундан улар жуда кўп ўқинар эдилар. Шунинг учун бўлса керак, оиласиздан бирор кишининг бўлса ҳам саводли бўлишини жуда-жуда истаганлар. Айниқса, укаларининг ўғиллари Ҳудойберди акамнинг савод чиқаришларини жиддий назорат қилиб боргандар. Акам масжидда савод чиқариб, ўқиши ўрганиб олганларидан сўнг, отам бўш вақтларида акамга ғазал китобларни ўқитиб, ўзлари мириқиб тингланлар. Бундай ғазалхонликларнинг кичик гувоҳи ўзим бўламан. Акамнинг меҳмонхонада отамга китоб ўқиб берәётганларини жуда кўп кўрганман. Ўша вақтларда қандай китоблар ўқилганлигини ҳозир яхши эслолмайман. Замондошларининг айтишларича, отам ғазал китобларига жуда қизиқар эканлар. Ана шундай китобларни олиб келиб, акамга ўқитиб ўтирас эканлар. Шунингдек, кўп вақтларини муллалар билан ҳамсуҳбатликда ўтказар эканлар. Улар билан кўп ҳамсуҳбат бўладиган муллалардан бири Дулдул қишлоғи яқинидаги Урганжи қишлоғида яшовчи Мулла Қилич деган киши. Отамдан кейин Мулла Қилич бобо билан дўсту биродарликни Жумабой тоғам давом

эттирилар. Тоғам билан Мулла Қилич бобо жуда қалин бўлишган. Мен ҳам у киши вафот этгунларига қадар уларницида кўп бўлғанман, сұхбаталарига мусассар бўлғанман. Мен ҳар доим уларнинг ҳовлиларига қидириб борганимда, у киши менга Муҳаммад Солиҳжон ёки Мамасолиҳжон деб мурожаат қиласар эдилар. Мен у киши билан ўттизинчи йиллардан бошлаб то 1948 йил – вафот этган давргача учрашиб турдим. У киши: “Отангизга ўқиб берган ғазаллардан сизга ҳам ўқиб берай”, - деб менга кўп китоблар ўқиб берган. Китоб ўқиганларида эринмасдан, завқ билан ўқирдилар. У киши кўпинча Машраб ҳақидаги китобни ва унинг ғазалларини, “Юсуф ва Зулайҳо” достонини, “Иброҳим Адҳам” қиссасини ўқиб берардилар. Улар яхши кўриб ўқидиган яна бир китоб бор эди. Лекин номи эсимда йўқ. Уша китобдаги қўйидаги мисра ҳамон ёдимда:

“Гадонинг жуфтидур духтари шоҳ.”

Бу мисранинг мазмуни шундай: “Шоҳ қизи гадонинг жуфтидир”... Шу китобларни ўқиган пайтларимизда эски китобларни ўқиш тақиқланган замонлар эди. Шунга қарамай, бу каби китобларни ўқирдик. Мулла Қилич бобога табиатнинг ўзи жуда чиройли овоз берган эди. Мен бир қанча муллаларнинг шундай китоблар ўқиган пайтида эшитғанман. Бироқ улардан ҳеч бири Мулла Қилич бободай ўқий олмас эдилар. Мулла Қилич бобо китоб ўқиганда худди қўшиқ куйлаётгандек бўлардилар. Намоз ўқиганларида ҳам, китоб ўқиганда ҳам овозини баралла қўйиб юборар эдилар. У киши китоб ўқиганларида фақат китобнинг мазмуни эмас, балки уларнинг овози, хатти-харакатлари ҳам тингловчини сеҳрлаб қўярди. Мулла Қилич бобо динни жуда яхши тушунарди. Ундаги риё, хурофот ва бидъатни қоралар эди. Сохта диндорлардан нафратланарди. Бир куни у киши билан Дулдулдан Конимехга қараб келаётган эдик. Шунда у киши билан сұхбатлашиб келар эканмиз, қизимнинг бетоблигини, кампирлар (Қизбиби момом) муллага ўқитишни маслаҳат берганини айтдим. Мен уларга яна савол назари билан қараган эдим, улар бу саволимга худди

жавоб берәётгандай ҳаётида бўлиб ўтган бир воқеани ҳикоя қила бошлади:—Мен бир эшонга мурид тушиб юрар эдим. Кунларнинг бирида бир киши келиб эшонга бир бойнинг ёлғиз боласи бетоб ётганини айтди. Бориб шу касалга қарашини илтимос қилди. Эшон бормоқчи бўлди. Мени ҳам ўзи билан бирга олиб кетди. Биз борганда бемор ўлим тўшагида ётган экан. Ёши анчага бориб қолган эшон буни яхши билган бўлиши керак. Ҳатто ҳаётнинг аччиқ-чучугини тоғиб кўрмаган мен ҳам, бу ёш йигитнинг бир неча дақиқадан кейин жон беришини сездим. Шундай бўлса ҳам эшон бу беморга битта семиз қўй буюрди (ҳатто рангини ҳам айтди, бироқ ҳозир эслолмаяпман). Қўйни тезда келтирдилар. Уни эшон сўйдирди. Қорнидаги ахлатни терисига солиб, беморни ялангочлаб, шу терига ўради. Мен: — Эшон бобо, қўйнинг гўштини нима қиласай? — деб сўраган эдим, у киши: — Икки бўлиб хуржунга сол, деди. Мен ҳам эшоннинг айтганини қилдим. Эшон ҳам ошиқиб турган экан: Отларни еч,— деди. Мен отларни ечдим. Икаламиз отда йўлга тушдик. Биз бир-икки таноб ер бўйи юрмасимизданоқ, орқамиздан “вой болам” деган овоз эшитилди. Мен эшон бобога қараб:— Мурдашўй ҳам бизни роса сўқадиган бўлди,— дедим. Эшон эса:— Биз меҳнат қилиб ҳақ олдик, мурдашўй ҳам ювиб, тозалаб ҳақ олсин-да,—деди. Кейин биз манзилимизга етганча индамай кетдик... Ҳикоясини тугатган Мулла Қилич бобо менга қараб:— Мана, ўғлим Солиҳбой! Эшон мулланинг иши, буларга ҳеч ишонч йўқ, — деди.

Мен отам ва ота қадрдонларимнинг насиҳатларига қулоқ туттганман. Уларнинг насиҳатлари мен учун отамнинг насиҳатларидаи гап. Мулла Қилич бобо эса отамининг ҳам, менинг ҳам қадрдоним эди. У киши ҳикоя қилиб берган воқеани тинглаб, ўйланиб қолдим... Шу билан бу суҳбатга бошқа қайтмадик.

Кунлардан бир куни Мулла Қилич бобо келин олмоқчи бўлиб, мени ҳам тўйга айтди. Лекин нимадир сабаб бўлиб, мен тўйга бора олмадим. (Бу 1950 йиллар бўлса керак.) Тўй бўлиб ўтди. Келин келганига ҳам анча вақтлар ўтди. Шун-

дай кунларнинг бирида мен Мулла Қиличнинг келини эроний эмиш, деган гапни эшитиб қолдим. Мен эроний кимлигини, эрон ҳалқининг Ўрта Осиёга қандай қилиб келиб қолганини яхши биламан. Уларнинг ота-боболари Садриддин Айний таърифлаганларидек, Эрондан бу ерга сотилиб келган. Кейинчалик озод бўлиб, шу ерларда истиқомат қилиб, турғун бўлиб қолишган. Бизларнинг ёшлиқ даврларимизда эронийлар ўз ихтиёри билан ўз тоифасидан бошқаларга қиз бермас, маҳаллий аҳоли ҳам улардан қиз олмас эдилар. Мен буни яхши билганим учун, Мулла қандай қилиб эронийлардан келин қилди экан, деб ўйлаб қолдим. Кейин билсам, Мулла Қилич бобониг ота-боболари ҳам эронийлардан экан. Мен буни олдинлари билмаган эканман. Отамиз эса ҳаммани бирдай кўрадиганлар тоифасидан эдилар. Уларни биринчи навбатда илми, одамгарчилигини қадрлаб дуст тутинганлар. Мен Мулла Қилич бобо билан кўп вакт бирга бўлганман. Уларнинг ташки кўрининини, табиатларини жуда яхши эслайман. У киши ўрта бўйли, тўладан келган, юзи думалоқ, ўзи сариқса мойил, соқоллари ҳам сариқ ва кенг қилиб қўйилган, кўксини, ҳатто елкаларини ҳам қоплаган. Тўладан келганига қарамай, жуда чаққон ҳаракат қиласди, сўзлаганда қалин лаблари кўпинча бир-бирига тегмасди ҳам, батьзи товушларни тилининг учидаги талаффуз этарди ҳамда тез ва шошиб гапирарди. Шулар билан бирга, одамга жуда меҳрибон эди. Ҳаракатлари ўзига жуда ярашиб турарди. У киши мулламан, деб қараб турмасди, аксинча, жисмоний меҳнатни жуда яхши кўтарди. Уруш пайтида йигитлардек қўш қўшиб, колхозда кечакундуз меҳнат қилганлар. У кишининг вафоти ҳам ана шундай жисмоний меҳнат билан боғлиқ. Эрта кўклам пайти колхозчи хонадонларнинг кўпчилиги ипак қурти тутади. Пилла қурти ўзи қисқа вақт яшайди-ю, лекин жуда катта меҳнатни талаб қиласди. Унинг ейдигани – фақат тутнинг барги. Мулла бобо хонадони ҳам кўкламда пилла қурти боқади. Баргни тутларнинг танасидан кичик-кичик шохлари билан кесиб оладилар. Ана шундай барг

чопишларнинг бирида катта эски тутнинг танаси синиб кетади. Мулла бобо эса шу тутнинг устида ишлаётган экан. У киши ҳам тут билан бирга беш-олти метрлик баландликдан ерга қулайди. Шунда қаттик шикастланади. Шу фалокатдан кейин бир қанча вақт ётиб, вафот этадилар. Минг афсуски, улар касалланиб ётганда лоақал бир марта бўлсада, уларни бориб кўролмадим. Бунинг учун вақтим бўлмади, деб ўзимни ҳеч қачон оқлай олмайман. Бетобланиб қолган яқин кишисини бориб кўриш фарз эканлигини ҳар доим ёдда тутишимиз шарт. Эскилар: “Беморнинг кўнглини олган савоб”, –дея бежиз айтмаганлар. Болаларим, сизлар ҳам ана шундай савоб ишни четлаб ўтмайсиз, деган умиддаман.

Апрел ойининг охирлари Мулла Қилич бобо меҳмон бўлиб келдилар. Бу пайт шамол ўз эшикларини очган дамлар. Дараҳтлар ям-яшил япроқларига ўралиб улгурган. Биз тоғамнинг уйида икки туп ўрик ва бир туп олма ўртасида ҳовли саҳнида бир-бири мизга қараб ўтирибмиз. Бу дараҳтлар ердан чиқсан жойидан таналагаб, тарвақайлаб ўсиб кетган. Мен уни бутаган эмасман, бу ҳатто хаёлимга ҳам келмаган экан. У пайтлар дараҳт экилгандан кейин ўзи ўсаверади, деб ўйлаган бўлсам керак. Дараҳтчаларим қандай бўлса, шундай катта бўлиб ётибди. Одатда, меҳмондорчилик чойдан бошланади. Ҳали чойни келтириб ултуришгани ҳам йуқ здики, Мулла бобо бирдан ўрнидан туриб, устидаги тўнини ечдилар. Чўнтағидан пичоқчаларини олиб: – Солижон, мен шу дараҳтларингнинг бир савобини олай, – деб ҳовлига тушдилар. Бу дараҳтларнинг учовини ҳам жуда чиройли қилиб бутаб қўйдилар. Улардан ҳар бирининг тепасида иккитадан шох қолдириб, аямасдан кесдилар. Кейин эса: – Мана энди дараҳтчаларнинг тезда улғаяди, уларнинг остидан, танасидан ўсиб чиқадиган майда шохчаларни кесиб ташлаб тургин, – деб уқтиридилар. Бир-икки йилда буларнинг ҳаммаси жуда зўр бўлиб, ҳосилга кириб кетди. Ҳозир бу дараҳтлар йуқ. Уларнинг ўрнига Раҳматжон тўрт хонали уй, пешайвон солиб ўтирибди.

Мулла Қилич бобони мен охирги марта 1949 йилнинг 7

нояброда кўрган эдим. Ўшанда у киши бизниги мөхмон бўлиб келдилар. Лекин бизнигида ётиб қолмадилар, пешиндан кейин қайтиб кетдилар. Шу келишда улар:— Келин ўғил туғибди, қутли бўлсин, деб айтгани келдим. Ҳамда бугунги байрамларингиз билан муборак этгани келдим, — деб кетдилар.

Шундан ярим йиллардан кўпроқ вақт ўтганидан кейин уларнинг вафот этганликлари ҳақида хабар келди. Бу 1950 йилнинг май ёки июнь ойлари эди. Яхши кишиларни қанча хотирласанг ҳам оз. Менинг эса хотирлашим мумкин бўлган бундай инсонлар, меҳрибонларим жуда жуда кўп бўлган.

## ПАРОКАНДАЛИК ЙИЛЛАРИМ

Онамнинг исмлари Нарзи. Улар Тўқманғит қишлоғидан бўлиб, оталарини Эргаш деб аташган. Эргаш бобомнинг оталари эса Мурод бобом бўлганлар. Мурод бобомнинг оталари ким бўлганлигини, афсуски, билмайман. Сўраб-суриштирай десам, у кишини биладиганлар ҳам қолмаган. Мурод бобом асли Хоразм шоҳларининг навкарларидан бўлган. Улар навкарлик қилган замон XIX асрнинг ўрталарига, балки ундан ҳам олдинроқ пайтларга тўғри келади. Мурод бобом навкарлик қилиб юрган чоғларида Хива хони вафот этади. Умрбод хизмат қилишга мажбур бўлиб юрган навкарлар хоннинг ўлимидан фойдаланиб, янги хон таҳтга ўтиргунича, тўрт томонга қочиб қоладилар. Мурод бобом ҳам Хоразмдан бу ерга қочиб келади ва Тўқманғит қишлоғида турғун яшай бошлайди. Тўқманғит қишлоғининг уч томони қирликлар билан ўралган. У ерларни ҳозир ҳам Арабкампирнинг ёвони деб ҳам аташади. Менинг онам туғилиб ўсан жой ана шу Арабкампирнинг ёвони деб атаган қирнинг оралиғидадир. Онамнинг ўзлари эса ўша Арабкампирнинг қизларидан туғилган набираларидир. Мен Арабкампир ва уларнинг аждодларининг бу ерларга келиб қолиши араблар истилоси билан боғлиқ бўлса карак. Мана шу қир оралиғида менинг Кенжা араб деган катта бобом

яшаган экан. Кенжа араб анча ёш (ўрта ёшларида) ўлиб кетган экан. Уларнинг мол-мулки, ери, болалари Арабкампирнинг ихтиёрида қолган. Кейинчалик Кенжа бобомнинг кампирини ҳам бобомнинг миллати билан Арабкампир деб аташган эканлар. Арабкампир аслида Арабнинг кампири, деган маънони ифодалайди. Мен ёшлигимда Қизбиби момдан Кенжа бобомнинг исмларини кўп эшигтанман. Лекин у киши ҳам оналарининг исмини ҳеч вақт айтган эмаслар. Мен шу Арабкампир деб ном олган катта бувимнинг исмларини билишга жуда қизиқдим. Бироқ сўрайдиган одамнинг ўзи бўлмади. Баъзи сўраганим одамлар эса тўппа-тўғри “Кенжа араб” дея менга бобомнинг исмини айтдилар ҳам. Бироқ изланишни тўхтатганим йўқ. Қизбиби момом 1948 йилнинг нояброда вафот этди. Улар менга аждодларимиз ҳақида жуда кўп воқеаларни ҳикоя қилиб берган эдилар. Кенжа бобомнинг шу Арабкампирдан ўч ўғил ва икки қизи бўлган. Катта ўғиллари Рўзи, ундан кейин Шоди ва учинчиси Чўли боболарим. Қизлари эса Қизбиби ва Гулбиби момоларим. Уларни Бибиқиз ва Бибигул деб ҳам аташган. Менинг онам Гулбиби момомнинг Мурод исмли ўғилларининг фарзанди, Эргаш бобомнинг қизларидир.

Шу ўринда мен она уруғимдан қолган бугунги кундаги авлодлар ҳақида бир неча жумла ёзмоқчиман. Кейин яна аждодларимиз ҳақидаги ҳикояни давом эттираман. Мен юқорида номларини тилга олган бобо ва момоларимдан фақат Қизбиби момомни кўрганман. Жуда кўп марта суҳбатлашганман. Она авлодларим ҳақидаги ҳамма ҳикояларни шу Қизбиби момомдан эшигтанман. Бу киши ҳам турмушнинг кўп аччиқ-чучукларини ўз бошларидан кечиргандар. Улар ҳақида кейинроқ яна тўхталарман. Юқорида номлари зикр этилган кишилар онамнинг онаси Гулбиби момонинг тувишганлари, ака-сингилларидир. Менинг эса катта тоғаларим ва холам бўладилар. Уларни мен биринчи авлод тоғаларим деб ҳисоблайман. Бу кишиларнинг фарзарнлари ҳам менинг тоғаларимдир. Улар менинг иккин-

чи авлод тоғаларим ҳисобланади. Иккинчи авлод тоғала-  
римнинг болалари эса менга тоғавачча бўлишади. Лекин  
бу болаларнинг ҳаммаси мени ака деб таниди. Чунки улар-  
нинг ҳаммаси мендан кейин дунёга келишган. Мен ҳам улар-  
га акалик қилишга уриндим. Уларнинг вояга етишида, тар-  
бия кўришида озми-кўпми менинг ҳам ҳиссам бор.

Катта тоғам Рўзи Урганжи қишлоғида яшайдиган Эгам-  
берди доий деган кишининг Турсун исмли қизига уйлан-  
ган. (Менимча, бу уларнинг биринчни уйланишлари бўлма-  
са керак.) Рўзи тоғам ва Турсун янгаларимдан туғилган  
Рўзиев Бўрон, Рўзиев Бўри исмли тоғаларим бор. Уйли-  
жойли, турмушлари яхши. Ўртанча тоғам Шоди эса ўз за-  
монасида Шоди нишолдафурӯш номи билан машҳур  
бўлган. Кишиларнинг айтишларича, Шоди тоғам нишол-  
да пишириб, уни отга ортиб олиб, қишлоқма-қишлоқ со-  
тиб юрар эканлар. Айниқса, ёш болалар билан жуда яхши  
муомала қиласар эканлар. Уларга баъзан бепул ҳам нишолда  
бериб юбороверар экан. Бу тоғам Янгиқўрғон қишлоғидан  
уйланган эди. Мен биладиган икки ўғли бир қизлари бор  
эди. Ўғли Ўткир ва Ҳурмат исмли қизларидан насл қолма-  
ди. Кичик ўғиллари Мамир тоғам Туркманистоннинг  
Чоржўй шаҳрида яшайдилар. Ражаббой исмли ўғли, Фо-  
тима, Фароғат деган қизлари бор. Болаларининг ҳаммаси  
ҳозир уйли-жойли бўлиб кетишган. Энг кичик – Чўли тоғ-  
амдан насл қолмаган. Айтишларича, йигитлигида, ҳали  
уйланмасдан вафот этган эканлар. Катта бувим Қизбиби  
Урганжи қишлоғида яшайдиган Райим баковул деган ки-  
шига турмушга чиққан эканлар. Райим бобо бекларнинг  
баковули – ошпази бўлган, Уларнинг мен биладиган уч  
ўғиллари бор эди: улар – Олим, Ориф ва Зариф тоғаларим.  
Бувим бир нечта қизи ҳам бўлғанлигини айтардилар. Лекин  
улардан ному нишон қолмаган. Мен эса уларнинг ном-  
ларини эслай олмайман. Олим ва Ориф тоғаларимдан қол-  
ган жуда қадрдан жигаргўшаларим бор. Улар ҳақида ҳам  
ўрни билан тўхттайман. Юқорида айтганимдек, кичик бувим,  
яъни онамнинг оналари Гулбиби Урганчдан қочиб

келган Мурод деган кишининг Эргаш деган ўғиллари билан турмуш қурғанлар. Улардан тўрт фарзанд қолган. Буларниң каттаси менинг онам Нарзи, улардан кичиги Жумабой тоғам (менинг туғишган тоғам), улардан кейингилари Шариф тоғам ва Барно холамлардир. Менинг онамдан мен – Солиҳ, Жумабой тоғамдан Жўрабой ва Раҳмат, Барно холамдан Тоғай ва Норхол исмли фарзандлар туғилишган. Шариф тоғамнинг эса фарзандлари бўлмаган.

## КЎҲИЛ УРГАНЧ ВА ЗУҲРА

Бу хотира-ҳикояни Бибиқиз бувимдан кўп эшитганман. У кишининг номларини тез-тез тилга олишимга сабаб, бувибоболаримиз ўртасида энг узоқ умр кўрганлари шу киши бўладилар ва шу боис ҳам мен у киши билан жуда кўп вақт муомала қилишга, суҳбатлашишга мусассар бўлганман. Улар 1877 йилда туғилганлар ва 71 ёшларида 1948 йилда вафот этганлар. Менинг ҳам ақлим кириб, унча-мунчани таний бошлаган вақтларимда шу киши фамхўрлик қилганлар. Бундан ташқари, мен билан тенгдош қариндош-уруғларим тарбиясида у кишининг ҳам таъсири бўлган. Мен ҳозир ана шу бувимдан эшитган Зуҳра кампир ҳақидаги ҳикояни ёзмоқчиман.

Урганч билан Бухоро ўртасида қатнаш азалдан давом этиб келган. Шундай ривоятлар ҳам борки, қайси жойда Урганжи деган қишлоқ бўлса, шу ернинг аҳолиси аслида урганчлик бўлади. Урганжи сўзи ҳам Урганч сўзидан олинган бўлиши керак. Менинг Мурод бобом Урганчдан. Балки улар шу Урганжи қишлоғидан уйлангандирлар. Мурод бобом билан Кенжабобом қуда ҳисобланишади. Энди ҳеч шубҳа йўқки, Эргаш бобом шу ерда туғилганлар. Энди ҳикояга қайтаман.

Бувим раҳматлик Урганч ҳақида, у ерга Мурод бобомнинг тия билан бориб келишлари ҳақида ҳикоя қилиб берар эдилар. “Мурод бобом, - деб хотирларди бувим, инқи lobdan олдин бир неча бор Урганчга бориб келганлар. Улар

у ерга бориб келаётганларида катта телиак кийиб келардилар. Түя билан кетиб, бир неча ойлар ўтгандан кейин қайтардилар. Ана шундай кетишларидан бирида ўғиллари Эргашни ҳам олиб кетдилар. Урганчдан қайтганларида Эргаш ҳам отасидай катта телиак кийиб келди.” Бувим ҳикояларига кўра, Мурод бобом Урганчга Зуҳра исмли яқин қариндошлариникуга борар эканлар. Уларнинг тахминларига кўра, бу кампир уларнинг ё опалари, ё сингиллари бўлиши керак. Менинг қулоғимга урганчлик қариндош деб эшистилган фақат шу Зуҳра кампирнинг исми эди, холос. Демак, Эргаш бобом ўшанда оталари билан Зуҳра аммалариникуга борганалар. Қайтиб кепганларидан сўнг у ҳақида сўзлаб ҳам берган эканлар. Ўшанда эҳтимол, улар аммаларини “Зуҳра кампир” деб таништиргандир. Бобомнинг эса Урганчдаги борадиган энг яқин қариндошлари ана ўша Зуҳра кампир бўлган бўлса, ажаб эмас. Энди мен учун яна бир муаммо пайдо бўлди. Урганчдаги қариндош-уругларимни излаб топишм керак. Бу ишни уddaрай олармиканман? Унга улгурмиканман? Агар улгурмасам ёки уddaрай олмасам, умидим фарзандларимдан, келгуси авлоддан. Мен топмасам улар ўз илдизларини топишларини жуда-жуда хоҳлардим.

XX аср бошларидаги қийин, оғир ҳаёт – қаҳатчилик, сувтанқислиги йилларида боболарим, катта тоғаларим вафот этиб кетганларидан кейин уларнинг фарзидлари ёш ва боқувчисиз, бошпанасиз қолиб кетишган эканлар. Кейинги тўплаган маълумотларимга кўра, Кенжабобом XX асрнинг дастлабки беш йилининг қайсирид йилида аниқ 117 ёшлиарида вафот этган эканлар. Катта бувим Арабкамшир эса 1913 ёки 1914 йилда 107 ёшга тўлиб дунёдан ўтган. (Бу аниқ рақамларни уларнинг 1911 йилда туғилган набирасидан ёзиб олдим. Бу киши боболарининг асли жогариллик араблар эканлиги тасдиқлади. Ўз молларини боқиши мақсадида бу кенгликларга келиб қолишганини ва бу ерларда қудуқ қазиб сув ҳам чиқарганларини ҳикоя қилиб берган эдилар.)

Худди шу пайтларга келиб, юқорида айтиб ўтганимдек, Кенжабобом билан Мурод бобом ўртасидаги қуда-андада

ликдан асар ҳам қолмади. Қолган болаларнинг ҳаммаси бир бутунликда яшаб кетдилар. Шу даврдан бошлаб, Эргаш бо-бомнинг болалари – тоғаларим Рўзи ва Шодиларнинг ва-фотидан кейин уларнинг болалари билан тоға-жиян эмас, балки ака-укалардай бўлиб яшаши. Бу пайтларда у хона-дондан мутлақо алоқасини узуб кетган киши Бибиқиз момдир. У киши ўз оиласи, ўз болалари билан ўралашиб қолганлар. Кўплар қатори уларнинг бошига ҳам, бошқа қариндошларим бошига ҳам замон ташвишларининг ша-моли тегмасдан ўтиб кетмасди. Шулар ичida энг даҳшат-лиси – бу турли хил юқумли касалликлар бўлган.

## ФАРЗАНД ДОГИ

Юқорида ҳам айтиб ўтган эдим, мен дунёга келган пай-тимда отам 58 ёшда бўлган эканлар. Шунинг учун ҳам мени отам эркалатгандаридан, олтмишимда топганим, дер экан-лар. Отам кексайган чоғларида йигирма битта боланинг отаси бўлганликларини алам билан эслаб ўтирадилар. Мана шу йигирма бир боланинг ўлим сарқити бўлиб қол-гани фақатгина ёлғиз менман. Отам фарзандаларининг ўлимига қанча куйган бўлсалар, мен ҳам уларни алам би-лан эслайман. Уларнинг ўлеми сабабларини билишга қизиқаман. Бу воқеаларнинг гувоҳи бўлган кишиларнинг суҳбатларидан менинг жигарларим – ака-опаларим, ука-сингилларимнинг фақат юқумли касалликлар туфайли ду-нёдан бевақт ўтиб кетганликларини англайман...

... Яна аввалги хотира-ҳикоямга қайтмоқчиман. Кўплар-нинг ёстигини ўлим қуритди. Шундай пайтда ёш қолган болаларнинг ҳаммасига ғамхўрлик қиласидан биргина Қиз-биби бувим қолганлар. Ёрдамга муҳтожлардан бир гуруҳи Эргаш бобомнинг болалари Нарзи (менинг онам), Жума-бой, Шариф ва Барно бўлган. Буларнинг каттаси менинг онам эди. Онамнинг неча ёшда турмушга узатилганини била олмадим. Чунки бундай гап, айниқса, болаларнинг олдида айтилмас эди. Бироқ мен шуни биламанки, отам

билан онам ўртасидаги никоҳ жуда тенгсиз қурилган. Чунки улар оила қурған пайтларida отам эллик ёшларга бориб қолған бўлсалар, онам энди ўн саккиз ёшга кирған ёки ундан ҳам кичикроқ ёш қизалоқ бўлғанлар. Балки ота-онам номига тил тегизиб, гуноҳ иш қилаётгандирман. Лекин ҳақиқатни билишим керак-ку! Бу гапларнинг кўп жиҳатла-ри бор. Энди ана шуларни баён қилмоқчиман.

## ҚУЛ САВДОСИДАЙ БИР ВОҚЕА

Икки қирнинг ўртасида ҳали балоғатга етмаган, қаров-сиз беш-олти бола яшаётган уч ҳовлидагиларга бош бўлиб Рўзи тоғамнинг беваси ёлғиз Турсун янгам қолади. Шу вақтда бу бечора сагир болаларга ким ёрдам бериши мумкин? Биринчи бўлиб, бу ишга Тўқманғит қишлоғининг оқсоқоллари киришади. Улар даставвал келгинди бўлиб кўчиб келган бу одамларнинг молу мулкини уларнинг ўлнимлари ва кўмиш эвазига ўзлариники қилиб олади (албатта маълум қисмини). Бу етмагандек, бу кишилардан қолған жуда ёш етим қиз Барнони қорақалпоқнинг тўқманғит уруғидан бўлган Бобомуродов Султон деган кишига сотиб юборадилар. Бу воқеани хотирлаб гапириб берган Ориф тоғамнинг сўзларига қараганда, холам ўша пайтларда тўққиз ёки ўн ёшларда бўлған. Қишлоқ оқсоқоллари холамни чўри қиз тариқасида сотиб юборганлар. Бу воқеа ўтакетган шафқатсизлик эди. Ана шу воқеадан кейин бу болаларнинг бу қишлоқдан кетишлирига ҳеч ким монеълик қила олмаган. Турсун янгамни икки боласи билан отаси олиб кетади. Шоди тоғамнинг уч боласи билан онамнинг икки укасини отам ўз ҳовлисига бошлаб келади. Кейинчалик Шоди тоғамнинг болалари Янгиқўргондаги тоғалариникида турадилар. Буларнинг ғамхўри – ёш жиҳатидан энг каттаси менинг онам эдилар. Шу даврдан бошлаб тоғаларимнинг бирдан-бир бошпаноҳи - язналари, яъни отам, бошпанаси эса отамнинг уйлари бўлған. Бу айтган гапимга ўзим гувоҳман. Катта тоғам Жумабой йигирма беш ёшларида нонвойхон

нада Охун деган бир татарга шогирд тушиб иш бошлаган. Охун бу ерларга Татаристондан күчиб келган бўлиб, нон пиширишни ўша томонларда ўрганган бўлса керак. Бу пайтларда тоғам уйланган эди. Тоғам биринчи марта Шоди тоғасининг қизи Ҳурматга уйланди. Ҳурмат Мамир тоғамнинг опаси. Улар бизнинг ҳовлимизда эмас, Холбой амакимнинг ҳовлисида туришардилар. Тоғаларим ўзларини бизнинг уйда худди ўз уйидагидай тутишарди. Уларга язналари худди ўз оталаридағамхўрлик қиласарди. Жумабой тоғам йигирма саккиз ёшга тўлганларида оиласида хунук воқеа юз берди. Ҳурмат янгам бир қиз туғдилар, ўзлари эса шундан кейин вафот этдилар. Ўрозгул исмли бу қизни Барно холам катта қилиб олди. Бу қиз анча ёшга кириб вафот этди. Ўрозгул Султон язнамни катта отам, тоғамни эса кичик отам, деб атар эди.

## ЯНГИ ҚУРИЛИШ

Тоғаларим йигит бўлиб, қўлларидан иш келадиган бўлиб қолгач, отам уларнинг оталаридан қолган ерларга эгалик қилишларини, ўзларининг хусусий ҳовли-жойлари бўлишини истаб, қайниларига ота мерос ерларидан алоҳида ҳовли яратса бошладилар. Бу ҳовли айнан боболарим илгарилари турган икки қир оралиғидаги ҳовлидан эмас, балки Тўқманғит қишлоғини кесиб кирган қирчанинг шимолидаги отасининг ерларидан бошланади. Бу янги қурилиш бошланганда мен беш-олти ёшларда эдим. Қурилиш бошида отам турар эдилар. Отам, амаки ва тоғаларим қурилишда баббаравар ишлашарди. Тоғаларим учун қурилаётган ҳовли бизнинг ҳовлимиздан уч юз метрлар чамаси, балки ундан ҳам кўпроқ жанубда эди. Қурилиш ишидагилар ишга кетишларидан олдин ҳовлидан нонушта қилиб кетар эдилар. Шундан кейин мен билан онам уларга чой олиб бориб бериб турардик. Тушда қурувчилар учун тайёрланган овқатни Шариф тоғам келиб, олиб кетар эдилар. Онам билан мен яна чой олиб, йўлга тушар эдик. Биз учун ҳам қувончли

ҳам ташвишли бўлган бу қурилиш бутун ёз бўйи давом этди. Қурилиш материалларини тоғаларимнинг эски ҳовлисини бузиб келтиришган бўлса керак. У замонларда ҳамма уйлар пахсадан қурилган. Кези келганда шуни ҳам айтмоқ чиманки, Эргаш бобом ўз даврида жуда машҳур пахсачи бўлган эканлар.

Тоғамнинг ҳовлисига шу ерликлар каби жануб томондан дарвоза қўйилди. Дарвозанинг кун ботиш томонида беш болорлик меҳмонхона бўлиб, у кейинроқ гиштдан қайта солинди. Шу меҳмонхонанинг кунботиш томонида яна бир иморат бўлиб, оғилми, молхонами ёки айвонми бор эди. Шундай шимол томонга қаратиб пахсадан девор урилган эди. Бу девор Жумабой тоғамнинг уйига туташар эди. Тоғамнинг уйи шу ердан бошланиб, эшиги жануб томонга очиларди. Тоғам ўтирадиган уйнинг ёнида омборхона бор эди. Бу пахсалик уй ҳам омборлик, ҳам уйлик вазифасини бажаарарди. Уйнинг ярмига катта кундалар қўйилиб, устига ғалла солинадиган иккита охур қурилган эди. Бу охурда деҳқоннинг ғалласи сақланарди. Шу охурлардан ортиб қолган ерга тўшак тўшаб ўтирилар эди. Шу омборхонанинг иккита эшиги бўлиб, биридан кўчага чиқилса, иккинчисидан Жумабой тоғам уйининг даҳлизига чиқиш мумкин эди. Мана шу хона кейинчалик молхонага айлантирилди.

Омборхонанинг кунчиқиши томонида Шариф тоғамнинг улари жойлашган эди. Бу уйнинг рўпарасига ошхона, унинг ёнига сайисхона солинган эди. Бу сайисхонанинг ёнида жувозхона бўлиб, ундан дарвозага қараб пахса девор чўзилган. Бу ҳовлига дарвозахона қурилган бўлса ҳам, дарвоза қўйилган змас, унинг ўрни ҳамиша очиқ турарди. Бу ҳовлининг дарвозахонаси билан сайисхонасини ўша ёзда қуриб тугатолмадик. Кейинчалик ҳам тоғаларим уларни битиришга ҳафсала қилган эмаслар. Эҳтимол, ҳаракат қилгандирлар, бироқ ўша битмаган жойлар чалалигича қолиб кетди.

## “ПАРЗАН”

Тоғаларимнинг ўз ҳовлилариға кўчирилган даврига қадар бўлган баъзи хотираларимни эслагим келди. Мен Жумабой тоғамнинг уйланганлиги ва Холбой тоғамларникида яшаганлиги ҳақида айтиб ўтган эдим. Ушбу ўринда эса Шариф тоғам билан боғлиқ баъзи хотираларни баён қилмоқчиман. Бизларнинг болалик пайтларимизда ҳозирги турмушимизда учрайдиган жуда кўп нарсалар йўқ эди. Шулардан бири трактор. Районимизга биринчи марта трактор келганида, мен беш ёки олти ёшларда эдим. Бу воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди. Биринчи трактор – “Парзан” Навоийнинг ҳозирги йўлидан бозор куни пешиндан кейин келди. Йўллар арава юришига мўлжалланган. Туя карвонлари ҳам шу йўлдан юради. Ёлғиз оёқлилар, яъни от ва эшак билан юрадиганлар ҳам, пиёдалар ҳам шу йўлдан юради. Йўл эгри-бугри, ниҳоятда ўнқир-чўнқирликлари кўп. Ёз кунлари қум ва тўзоннинг чанги остида кўринмай қолиб кетса, қиш ва кўкламда балчиқقا тўлади. Фақат бизнинг йўл эмас, балки деярли барча кишлоқларнинг қиёфасини бошқача тасаввур қилиб бўлмасди ҳам.

Биринчи трактор – “Парзан” худди шу йўлдан юриб келди. Унга маҳаллий ҳалқ “мошин ҳўқиз” деб ном қўйиб олган. Ана шу мошин ҳўқизни кўришга йўлнинг икки томонини тўлдириб бутун қишлоқ аҳли чиқиб олган. Катталар, болалар, чопон ёки паранжи ёпиб олган аёллар – хуллас, ҳамма шу ерда. Айрим кишилар (диндан хабардор кишиларнинг баъзилари) уни “яъжуж-мажуж”, “қора лажжол” деб уйларидан чиқмаган. Мен эса ўша куни томошабинларнинг энг фаолларидан бири эдим. Томошаталабларнинг бу қадар кўп бўлишига сабаб, трактор бозор куни келди. У пайтларда Конимехнинг ўзида мол бозори йўқ эди. Мол бозори ҳафтада бир кун – бозор куни Янгиқўргонда ўтказилар эди. Трактор Янгиқўргондан айни бозор тарқаган пайтда ўтган. Конимехдан борган кўпгина бозорчилар унинг ортидан йўлга тушишган. Йўллардаги қишлоқ аҳоли-

сидан томошаталаблар уларга қўшилган. Трактор қишлоғимизга етиб келганида, томошибинлар жуда қалинлашган эди. Трактор биттагина эмас эди. Ўшандада иккита ёки учта трактор келган бўлиши керак. Буниси аниқ ёдимда йўқ. Тракторни руслар ҳайдаб олиб келишган. Улар орасида бир ўзбек йигити борлиги эсимда. Трактор ҳайдаб келгандардан ана шу ўзбек йигити кўпчиликнинг диққат-эътиборини тортган эди. Қарангки, одамлар бир зумда ўша йигитнинг исмини ҳам билиб олибдилар. Уни ҳамма Фуломжон, деб чақирап эди. У менинг назаримда, ўн олти-ўн етти ўшларда эди. У киши районимизда узоқ йиллар ишлади. Орадан бир-икки йил ўтгач, бизлар билан қуда бўлди. Фулом аканинг Майрам деган қувноқ синглисини ўша вақтда тракторчи бўлиб етишган тоғам – Умар Шодиев олдилар.

Орадан йиллар ўтди. Болалар йигит бўлди. Ёшлар улғайди. 1967 йилнинг кузида Навоий кўчасида қўлида бозор сумкасини кўтарган, кўзлари катта-катта, соқол-мўйлови қирилган чолни менга кўрсатдилар ва мендан: –Танидингми, –деб сўрашди. Мен танимаганлигимни айтдим. Шунда ёнимдаги ҳамроҳим Усмон ака: –Бу киши Конимехга биринчи трактор олиб келган Фулом ака бўладилар, – деди. Мен бундан қирқ йиллар муқаддам кўрган одамни танимаслигим табиий эди...

...Мен кўпчилик билан трактор томоша қилишни давом эттираман. Тракторлар ҳам, уни томоша қилиб келаётган оломон ҳам қўрғонга яқинлашди. Мана шу ўзимизнинг чорпаҳа йўл устида, Ҳамро акаларнинг уйига қараб ўтадиган ерда мени қўлимдан ушлаб, ўз ихтиёrimга қўймай, уйга олиб кетишиди. Мени уйга олиб кетган одам Шариф тоғам эдилар.

## ТРАКТОР СУВ ИЧАДИ, ТУХУМ ЕЙДИ

Қишлоғимиздаги кўп кишилар тракторни “қора дажжол”лиги ҳақида гапириб юрган бир пайтда отам ҳовли-мизнинг жануб томонидаги бир танобдан кўпроқ келади-

ган эскирган ўтни (серўт ерни) бузмоқчи бўлдилар. Бу ўтни ҳўқиз билан ҳайдашнинг қийинлигини кўриб, тракторга ҳайдатдилар. Трактор ерни қандай ҳайдади? Текисми, чуқурми, тахтми, нотахтми? Бунга зътибор берганим йўқ. Мени қизиқтирган нарсалар тамоман бошқа нарсалар эди. Трактор ерни бир ёки икки айланиб келгач, тракторчи: – Трактор сув ичади, – деб тракторга сув солар эди. Бу жонсиз темирнинг сув ичиши мени жуда қизиқтириди. Бунинг устига тракторчи бир вақт: – Трактор тухум ейди, – деб қолди. Шундан кейин бир нечта тухум келтирдилар. Тракторчи тухумларни бир рўмолга боғлаб, тракторнинг сув “ичадиган” жойига солиб қўйди. Кейин яна сув солиб, ерни ҳайдашда давом этди. Ўша пайтларда мен тракторнинг сув ичиб, тухум ейишига сира шубҳа қилмас эдим. Бунга ишонардим ҳам. Бизнинг ўтпояни трактор ҳайдаб турган пайтда жуда кўп томошабин тўпланган эди. Томошабинлар ичида ҳар хил кишилар бор эди. Тракторга хайриҳоҳ кишилар ҳам, уни душман деб билгандар ҳам учради. Менинг на заримда, ўша пайтларда ҳеч ким тракторга қўл тегизмасди. Тракторнинг шундай тўхтаб туриларидан бирида мени кўтаришдилар ва мен қўлимни тракторнинг сувхонасига тегиздим. Қўлим куйиб қолди. Қўлимни жон аччиғида тортиб олдим. Мени кўтарган одам Шариф тогам эдилар.

## ЎТМИШДАП ЛАВҲА... БИБИҚИЗ МОМОМ ВА ТОҒАЛАРИМ

Бундан олдинги саҳифаларда Бибиқиз момом ҳақида узук-юлуқ хотираларни баён қилган эдим. Бу момомни кўп эслайман, улар ҳақида кўп ёзгим келади. Бироқ буни қанча уддаладим, билмайман. Бибиқиз бувим Урганжи қишлоғига Райим баковул деган кишига турмушга чиккан эди. Райим баковул язна бобомнинг даврида уларнинг турмуши жуда яхши кечган. Айтишларича, язна бобом тўсатдан ва-фот этганилар. Язна бобомни кўрган кишиларнинг таърифича, у киши жуда бақувват, кучли ва чапани одам бўлган

экан. Бу кишига баковул деган лақабнинг қўшилиб айтилишига сабаб, улар қўргонда кўпинча қўргон бегининг сарбозларига, хизматкорларига овқат пиширганлар. Пиширилган овқатларни тақсимлаб берганлар. Баковулнинг бундан бошқа ҳам қиласидиган иши бўлган. Улар деҳқонларнинг донларини моллаш ва ундан подшоликка ажратиладиган солиқ донларни тўплашда ҳам иштирок этганлар. Райим баковулни яхши биладиган деҳқонларнинг сўзларига қараганда, улар кўнгилчан ва раҳмдил киши бўлган экан. Деҳқонлар ўтмиш ва Райим баковул ҳақида сўзлар эканлар, шундай ҳикоя қиласидилар: – Райим баковул ҳалол ва меҳнаткаш инсон эди. У киши деҳқонлардан дон йиғиш учун беклар билан ҳар йили чиқмас эди. Агар у киши дон йиғишга чиқса, ўша йили деҳқонга худо берарди. У киши деҳқон хирмонидан олинадиган донни бек зофамаси билан олмасдан, ўзининг кўйлаги этаги билан ўлчаб олар эди. У киши ҳар доим катта, кенг бўз кўйлак кийиб юрар эди. Кўйлагининг узунлиги тиззалиридан келар эди. Ана шу бўз кўйлакнинг этаги билан дон йифар эди. Этакни чошлаб қўйилган хирмонга босганида, ҳеч қачон тўлдириб дон олмас эди. У киши ҳамиша деҳқоннинг ғамини ерди. Деҳқонга жуда ён босарди. У киши беклар билан дон йиққани чиққан йили биз деҳқонлар жуда хурсанд бўлардик.

Ана шундай кишининг ўлими жуда фожеали бўлган экан. Улар бозор куни пешиндан кейин қўргондаги ишларини таомомлаб уйига келади. Айтишларига қараганда, улар отда, бироқ жудаям беҳол бир аҳволда уйига кириб келади. Бахтга қарши ўша пайтда Бибиқиз момом уйда бўлмаганлар. Ҳеч кимга бир сўз айтмасдан, “ичим, ичим”, дея бир-бир яrim соатлар ичида жон берганлар. Мен уларнинг ўзлари ва ўлими ҳақида эшитганимдан кейин кўп ўйландим ва ўзимча бир хуносага келидим. Улар ё жуда халқпарвар бўлганликлари учун қўргон беги ёки унинг гумашталари томонидан заҳарлаб ўлдирилган, ё ўша пайтларда қарасатқоқ номи билан машҳур кўричак касалидан вафот этганлар.

Язна бобом баковуллик қилиб юрган пайтларда бувим

ҳам баковулнинг хотини бўлиб, бекнинг ичкари ҳовлисида хонимларнинг хизматини қилиб юрганлар. Ичкарида хонимларга хизмат қиласиган бундай хизматкорни “кайвони” ҳам деб аташардилар. Момом ўша даврда кўрган-кечирганларини алам билан ҳикоя қилиб берар эдилар: – Мана шу кайвонилик хизматим эрим вафот этганидан кейин акаларимнинг сафир болаларини ва ўзимнинг отасиз қолган болаларимни боқишида ёмон кунларимда ёрдам берди. Ўзим эртадан кечга қадар тинмасдан хонимларнинг хизматини қиласи эдим. Эрталаб ширчой, тушликда патир, шўрва, кечқурун ёғли палов пишириш менинг буйнимда эди. Эрта тонгда қўрғонга келиб, хуфтонда уйга қайтардим. Болаларимни шу қўрғондан олиб қайтган майда-чуйда, нон билан боқардим. Бу вақтда болалар жуда ёш, ҳеч бирининг қўлидан бирор иш келмасди. Ана шундай қилиб юрган пайтларимда нима бўлди-ю, сигир соғувчи аёл ишдан кетиб қолди. Бир амаллаб унинг ўрнига Рўзи акамнинг хотини Турсун янгамни олдирдим. Чунки бундай қаттиқ кунларда биз бева-бечоралар учун кун кўриш, нон топиш жуда қийин эди. Шундай пайтлар ҳам бўлганки, болаларимни боқиши учун амир қочган йиллардан олдинроқ бўлса керак, “ўғирлик” ҳам қилганман. Эй, болаларим, мен бекликдан нондан бошқа нима ҳам ўғирлар эдим. Болаларим учун егулик овқатдан бошқа нима бўларди. Қолган-қутган нон, қуритилган мева, бирор сиқим майизни бир рўмолга ўраб, пастга думалатардим. Бундай пайтда пастда бу “совға”ни олиб кетадиган бирор одам бўларди. Ё Рўзи акамнинг болаларидан бири, ё Шоди акамнинг ё ўзимнинг болаларимдан бири тугунни олиб уйга жўнарди...

Хўш, момомнинг бундай машаққатлар билан катта қилган болалари кимлар? Булар: ўзларининг ўғиллари – Олим, Ориф ва Зариф тоғаларим; Рўзи тоғам, яъни акаларининг болалари: Бўрон, Бўри тоғаларим; Шоди тоғам, яъни акаларининг болалари: Умар, Ҳурмат, Мамир тоғаларим. Шоди тоғамнинг болалари бу ердан бошқа жойларда ҳам кун кечирганлар.

## ҚАРИНДОШЛАРИМНИ ТАНИШИМ

Мен эсим кира бошлаганида, биринчи бўлиб момомни танидим. Ундан кейин эса Зариф тоғамни. Чунки улар бизникига тез-тез келиб туардилар. Бувамнинг катта бир қўк эшаклари бўларди. Шу эшакка момомни миндириб, олди-га Зариф тоғамларни олиб, бизникига келишарди. Шундай келишларида, Зариф тоғам кўпинча бизни эшакка миндириб, “сийлар” эдилар. Мен уларнинг бизникига келишларини олти-етти ёшларимдан бошлаб эслаб қолганман. Уларнинг икковидан кейин эса Олим тоғамни танидим. Бу кишини танишим ҳам тахминан 1926 ёки йигирма еттинчи йилларга тўғри келса керак. Кунларнинг бирида мен онам билан бувимларникига қидириб бордим. Мен уларнинг ҳовлисини биринчи марта кўрганимда ҳайрон қолганман. Деворнинг тагидан тут ўсиб чиқиб, деворни ёриб ўтиб, томдан баланд бўлиб ўсиб ётишини кўриб рости ҳайратланган эдим. Лекин буни бирор кишидан сўрай олган эмасман. Мана шу тут девор тагидан ўсиб чиқсан, деган факт мени узоқ йиллар тарк этмади, болаликда. Ўша вақтларда тут олдин ўсиб чиқсан-у, девор тутга тегизилиб туриб, икки томондан пахса урилган, деган ўй етти ухлаб, тушимга ҳам кирмаган. Ҳозир ўша томонларга ўтиб, ўша тутга кўзим тушса, болалигимдаги хаёлларимдан кулиб қўя қоламан. (Ўша тут ҳозир ҳам бор.)

Бу хонадонни яхши билиб олишимга ҳам шу тут сабабчи бўлган. Чунки ҳар сафар ўша тут ҳақида ўйлаганимда, у хонадонда яшайдиган кишилар ҳақида ҳам кўп ўйлардим. Бу хонадонда ҳаммадан кейинроқ таниган кишим – Ориф тоғам бўлади. Уларни мен таниб қола оладиган пайтларимда биринчи марта ҳарбий формада кўрганман. Бу 1926 – 27- йиллар бўлса керак. Улар ҳақида ўрни билан батаф силроқ тўхтарман. Ҳозир эса шу хонадон жойлашган ҳовли ҳақида ҳикоя қилмоқчиман. Ҳикояни юқорида ҳам тўхтаб ўтганим тутдан бошлаймиз. Тут сайисхонанинг қибла девори орасида эди. Сайисхонанинг эшиги шимол

томонга қараб очилар эди. Сайисхонанинг шимоли-ғарб томонидан бошлаб пахса девор урилган бўлиб, унинг узунлиги ўн-ўн беш метрлар чамаси келарди. Бу деворнинг взизифаси ичкари ва ташқари ҳовлиларни бир-биридан ажратиб туришдан иборат эди. Икки ҳовли ўртасида киришга мўлжалланган эшик қурилиши лозим бўлган очиқ жой бор эди. Бу ерга ҳеч қачон эшик қурилган эмас. Шу деворнинг кунчиқишиш томони ташқари ҳовли, ғарби ичкари ҳовли ҳисобланарди. Ҳалиги пахса девор тугаган жойдан ҳар иккала ҳовлининг уйлари бошланади. Ташқари ҳовли уйлари кунботишдан шарққа чўзилиб қурилган бўлиб, фиштдан солинган икки уй ва икки даҳлиздан иборат эди. Уйлар жуда паст ва кўримсиз эди. Эшиклари ҳам кўримсиз. Уларнинг ёнига ошхона қурилган бўлиб, ҳовлида бошқа иморат йўқ эди. Бу ҳовлида оиласи – хотини ва болалари билан Олим тоғам яшардилар. Ичкари ҳовлига эса бир чўпкори уй ва икки даҳлиз қурилган. Бу чўпкори уйга тўғридан-тўғри дадан кирилар, уйдан эса даҳлизга ўтиш мумкин эди. Ҳовлининг жануб томонида яна битта чўпкори уй ва даҳлиз жойлашганди. Биринчи баён этилган уйда Ориф тоғам оиласи билан, иккинчи уйда эса момом яшарди. Бироқ момомнинг уйи деганим билан момом болаларнинг уйида турарди. Кейинчалик бу уйга Халил бобо кўчиб келдилар. Халил бобо Райим язна бобомнинг қариндошларидан, Олим тоғамдан ҳам бир-икки ёш катта бўлиб, Райим бобо ва момомнинг қўлларида катта бўлган. Бу киши шу ҳовлидаги тоғаларимга амаки бўларди. Бироқ ҳеч ким уларни амаки деб чақирмас эди, балки Халил ака, дейишарди. У киши Янги Фазон яқинидани Бердиқұдуқ деган жойда яшаб турган пайтида 1943 йилда вафот этганлар. У кишининг фотиҳасига фақаттана мен боролганман, холос.

## ОЛИМ ТОҒАМНИНГ КАСБ-КОРИ

Олим тоғам жуда хушбичим, кўзи ҳамиша кулиб туралиган, кишига озор беришни истамайдиган, нозиктабиат-

ли, оққувадан келган, бүйдор, тадбиркор киши бўлиб, икки қоши ўртасида чап қоши устидан ўнг қоши томон эгилиб тушган кесикнинг доги бор эди. Гапирганда катта қора кўзлари кулиб, устинги лаблари тортилиб, товуши бошқаларнинг товушига нисбатан ҳам, ўзининг гавдасига нисбатан ҳам йўғонроқ бўлган киши эди. Мен Олим тоғамнинг қоши устидаги кесик ҳақида сўраганимда Ориф тоғам, болалик хотираларидан бўлган бир воқеани сўзлаб берган эдилар: –Мен беш ёки олти ёшларда эдим. Акам эса мендан бир-икки ёш катта. Кўклам пайти бўлса керак. Биз супа устида ўтирадик. Онам акамга катта сопол товоқда халтадан чакки олиб бердилар. Менга эса алоҳида олиб бермаган бўлсалар керак, ака-ука иккимиз орамизда шундай жанжал чиқдики, тўғриси, катта уруш бошланди. Менимча, урушни мен бошладим. Акам чакки солинган товоқни олиб, мендан қочишига ҳозирланди. Мен эса ўтирган жойимда акамнинг оёғига ёпишдим. Шу пайт акам йиқилиш олдиндан товоқни ташлаб юборди. Сопол товоқ икки-уч бўлак бўлган бўлса керак. Шу товоқ бўлаклари устига акамнинг ўзи йиқилди. Мен эса ҳали ҳам акамнинг оёқларига ёпишиб олган эдим. Ана шу йиқилган пайтида у акамнинг пешонасини сопол парчаси кесиб кетган эди...

Ориф тоғам сўзларини тугатганидан кейин мен тегажофлик қилиб: – Тоға бу қилмишингиз учун роса жазо олгандирсиз-а, – десам, улар: – Яна мени бир оз сўзлатмоқчисанда, дердилар ва давом этардилар: – Акамнинг оғзи-бети қонга тўлганини кўрган онам мени жазолашни эмас, қонни тўхтатишни ўйлаб югуриб қолдилар. У пайтларда оқаётган қонни тўхтатишнинг бирдан-бир чораси жун кигизнинг парчасини куйдириб, қон оқаётган жойга босишдан иборат эди. Онам худди шундай қилдилар. Кигиз куйиги босилган жой эса бир умрга сунъий хол бўлиб қолади. Акам ҳам бундай холдан бенасиб қолмаган.

Бироқ тўғрисини айтсам, бу хол (шакли янги чиққан ойнинг шаклига ўхшарди) Олим тоғамга ҳатто ярашарди ҳам.

Олим тоғам оталари вафот этгани туфайли меҳнат

қилишни жуда эрта бошлаган. Эрта кўкламда бошқа дех-конлар билан бир қаторда далага чиққанларида омочга бўйлари гоҳ етар, гоҳида етмас экан. Олим тоғамнинг мана шу биринчи дехқончилик қилган йилларини бувим алам билан эсга олар эдилар: –Далага биринчи йили қўш чиқаргандা, Олимнинг бўйи омочга зўрга етарди. Бўйинтуруқни ҳўқизнинг бўйнига ўзи кўтариб қўя олмас эди. Баъзи кечалари Эшмурод акам – Олимжоннинг боболари, қайнин акаларимдан Азиз аканинг отаси ҳўқизни қўшга қўшиб берар эди. Ўғлим кечаси қўш қўшганида қўрқмасин деб, она сабил мен ҳам ўғлим билан уватнинг (эгатнинг) у бошидан бу бошига бориб келар эдим. Ана шундай қилиб тонг оттирган кунларимиз кўп бўлган. Бахтимдан айланайки, биринки йилда Олимжоннинг ёнига укаси Орифжон қўшилди. Менинг даладаги ишларим шундан кейин енгиллашгандай бўлди.

Олимжон тоғам ҳам кўпгина тенгдошлари қатори ҳаётнинг аччиқ-чучугидан татишни жуда эрта бошлаб юборган эди. Кейинчалик улар ота касби – ошпазлик билан шуғулландилар. Ошпазликдан ташқари ҳолвапазлик ҳам қиласарди. Олим тоғам қанд пиширишга ҳам жуда уста эди. Аслида қанд пиширишни бувим яхши билардилар. Чунки ота уйида бувимнинг Шоди исмли акалари қанд пишириш билан машғул бўлган. Бувим бу ишни акаларидан ўргангандан. Шоди тоғамнинг хотини янгиқўргонлик қандфурашлардан бирининг қизи бўлган. Ана шундай қилиб, қанд, нишолда пишириш тоғаларимнинг асосий касбига айланган. Бироқ Кенжабобом қандфуруш эмас, улар чорвадор бўлганлар. Болалари эса қанд пиширишни ўрганиб, шу иш йўлидан кетганлар. Кейин набиралари шу касб-кор билан кун кечирдилар. Олим тоғамнинг сайисхонасида қанд пиширадиган бир нечта қозончалар қатор қилиб қурилган эди. Қозончаларда шира қиём қилиб қайнатилади. Бу қайнатилган ширадан турли қанд-қурс ясалади. Тоғам нишолда, печакқанд (парварда), Наввот, яна турли хилдаги ҳолва, мойли ҳолва, кунжутли ҳолва ва бошқаларни пиширас эдилар.

Бу қанд-қурсларни маромига келтиришда момом болала-рига кўмаклашарди. Бу ишларнинг ҳаммаси қўл меҳнати билан амалга оширилар эди. Бунинг учун билакнинг зўри, қўлнинг кучи керак эди. Олим тофам онаси ва укалари билан бу мashaққатли ишларни қунт билан бажаарарди. Мен Олим тофамнинг Сарбозорда чойхона очиб, чойфурушлик қилгани ҳақида ҳеч нарса ёзганим йўқ. Бу ишларнинг ҳаммаси Олим тофамнинг меҳнаткашлигидан, яшаш учун курлаша оладиган инсон эканлигидан далолат берса керак, деб ўйлайман.

...Ҳозирда Олим тофамнинг набираси (жияни), Ориф тофамнинг ўғли Аҳмаднинг бутун кўриниши – қиёфаси, кулиши, ҳатто сўзлаши ва овози ҳам Олим тофамга жуда-жуда ўхшайди. Мен Аҳмаджонни кўрганимда худди Олим тофамни кўргандай бўламан ва одамнинг одамга бу қадар қуйиб қўййандек ўхшашидан ҳайратланаман.

## ЁШЛИК ХОТИРАЛАРИМ “Аравача”

Эсимни таниган пайтимда, оилада кичик болалардан ёллиз ўзим эканлигимни биламан. Опаларим Наввот ва Қандолат (амакимнинг қизлари) мендан катта эдилар. Худойберди акам ҳақида ёзганларимга яна шуларни ҳам қўшимча қилишим мумкин: Акам мендан роса ўн икки ёш катта эканлар. Улар товуқ йилида туғилган. Бугун мана шу эсадликларимни ёзиб ўтирганимда товуқ йили боцланди, яъни бугун Наврўз – эски йил ҳисобида йилнинг биринчи куни. Мен тўрт мучалга, Худойберди акам беш мучалга, онам олти мучалга тўлган кун. Мен онам йигирма беш ёшга тўлганларида туғилган эканман. Ҳозир эса ҳижрий 1347 йил, милодий ҳисоб бўйича 1969 йилнинг 21 март куни..

Биз ёшлигимизда укам Туроб билан бирга ўсдик. Эсимни таниган пайтимда орқамдан эргаашган шу Туроб бўлди. Туроб ҳам болалигида ўлим билан жуда кўп олишди. Жисму жони касалликларга бардош берди. (Тўғрисини айтсам,

болалигимда мен ҳам касалманд, нимжон бола эдим. Жуда ориқ эдим. Деярли қирқ ёшимгача жуда ориқ бўлганман.) Қайси йилнинг ёзи эканлиги хотирамда яхши сақланмаган. Ёз кунлари иссиқ. Кечаси уйда ётишга ҳеч имкон йўқ. Ана шундай иссиқ кунларда Туроб ёз бўйи касал бўлди. Менимча, Туроб икки-уч ўшларда бўлса керак. Онаси Зайнаб янгам эса вафот этган пайтлар. Шундай кечалардан бирида касал болани кўрпачаси билан кўтариб, далага (ташқарига) чиқарадилар. Эрталаб яна кўрпачаси билан уйга олиб киргизадилар. Бундай пайтларда бемор асло зорланмайди. Ҳатто бунга мадори ҳам бўлмаса керак. Далага олиб чиқиши, уйга олиб кириш ишларини эркаклар бажарадилар. Икки кишидан бири кўрпачанинг бир учидан, иккинчиси иккинчи томонидан ушлаб кўтарар эди. Кўпинча укамни отаси, яъни амаким билан аммам кўтариб олиб юришарди. Булардан бири йўқ бўлса, Худойберди акамнинг ўзи, баъзан эса онамнинг ўзи кўрпачани икки учини ушлаб кўтарарди. Бемор бола шу даражада мадорсиз бўлиб қолдики, у ҳатто ўрнидан ҳам тура олмас эди. Унинг касаллиги ёз бўйи давом этди. Унга оиласдагиларнинг ҳаммаси ғамхўрлик қиласиди. Лекин амалий ёрдам кўрсатиш ҳеч кимнинг қўлидан келмасди. Ўттизинчи йилларгача доктор ё дори леган нарсаларнинг ўзи бўлган эмас, бизнинг томонларда. Салқин тушгандан кейин, кузга бориб, Туробжон яхши бўлиб, оёққа туриб кетди. Ана шу пайтдан бошлаб ҳовлимиизда биз иккита бола бўлиб, биргаликда ўйнаб юришимизни яхши эслайман. Қишининг совуқ кунларига бориб укам тамоман соғайиб кетди. Гапни аравача билан бошломоқчи эдим. Мана энди навбат ўша ҳикояга.

Мен бутун умримни болалар тарбиясига бағишлиб келаяпман. Мана ўттиз йилдирки, қанчадан-қанча болалар қўлимда тарбияланиб, ҳаёт мактабига кетдилар. Мен бу билан, тўғриси, фахрланаман. Лекин ҳар сафар ҳали ҳеч нарсани билмайдиган ёш болани, биринчи марта мактаб партасидан менга кўзларини жовдиратиб қараётган шиша-дай беғубор мурғаккина қалбли болани кўрганимда ёки ҳар

бир боламга дўкондан ўйинчоқ сотиб олаётганимда, ўзимнинг болалигим ва арава ўйнаганим ёдимга тушади...

Менинг болаликдаги кунларим. Қаҳратон қиши. Каттапарнинг ҳаммаси турмуш ташвишлари билан банд. Мен Туроб укам билан аравача ўйнаймиз. Аравача ясаб берган уста Мамир тоғам бўладилар. Биз табиатан шўх бўлган бу тоғамни жуда яхши кўрамиз. Аравача ҳар куни эрталаб чойдан кейин тайёр бўлади. Ҳар куни битта, агар устамиз қаттиқ ишласа, материал топилса иккита аравача ясалади. Бу аравачаларни олган дамлар биз учун катта байрамга айланади. Аравачанинг материали ҳам антиқа. Кечаси челакнинг тагида бир бармоқ бўйи келадиган сув қолдириб, музлатилиди. Бу муздан аравачанинг фидираги ясалади. Бу айлана шаклидаги муз эрталаб бир оз иситилиб кўчириб олинади. Унинг қоқ ўртасидан бармоқ сифадигандай қилиб тешилади. Бу тешикка бир қаричга яқин ёғоч ўтказилади. Ёғочнинг икки учи айри чўпга боғланади. Айри чўпнинг бир учи узун бўлиб, қўл билан ушлашга мўлжалланган даста ҳисобланади. Дастандан ушлаб итаргандা, аравачанинг фидираги айланиб, олдинга қараб юради. Бизнинг аравачамиз ана шундай “мураккаб” тузилишга эга эди. Бизларнинг аравача ўйнашимизга ҳеч ким тўсқинлик қилмасди. Бироқ бу аравачани Мамир тоғамга ясатиб олиш Туроб иккаламизга анча қийинга тушарди. Ҳар бир аравача учун тоғамга биз бир кисса майиз беришимиз керак эди. Аравача ясаб тугатилгандан кейин харидорга кўз-кўз қилинарди. Кейин харидор уни сотиб олишга киришади. Майиз эса одатда, уйда эмас, омборда сақланарди. Унинг калити ҳамиша амакимда бўлади. Биз аравачани сотиб олиш учун майизни фақат амакимдан олишимиз керак. Аравача тайёр бўлди дегунича, биз амакимнинг йўлини тўсиб майиз беришларини илтимос қиласмиз. Бизга майиз ҳар куни ҳам осонликча келавермайди. Баъзан тушгача амакимни топа олмаймиз ёки бирор иш билан банд бўлсалар, ишни тугатишларини кутиб турамиз. Бизлар майиз сўраб орқаларидан юрган пайтларимизда амаким бизни бирор марта

бўлса ҳам уришган эмаслар. Амаким эринмасдан бизларни майиз турган уйга олиб борадилар. Белбоғидан бу уйнинг бурاما калитни олади. Кейин эшикни очади ва қотиб қолган майиз халтасидан бизларнинг киссамизга озми-кўпми майиз солиб беради. Шундан кейин биз аравачани “сотиб олиш” учун тоғамни излаб кетамиз. Савдомиз қўрахонада (йигирмага яқин қўйимиз қишида ўша ерда сақланади) бўлади. Аравачамиз ҳам шу қўйхонада ҳайдалади. Чунки қишида бу ер қуруқ бўларди. Бу аравача ўша куниёқ синиб кетади. Биз бунга ўкинмаймиз ҳам. Яна тонг отишини, эртага эса яна битта аравача ясалишини кутамиз. Уста ҳам арава қолдиқларини йифиб, эртага янги арава ясаб бериш учун тарафдуд қила бошлайди...

## ФАРОСАТСИЗ ҲАЗИЛ

Қаҳратон қиши кунларининг эрта тонги эди. Ҳаво совуқ. Ерда қирпиққина қор бор. Аёзи ҳам ўзига яраша. Уйимиз дагиларнинг ҳаммаси ҳали уйқудан уйғониб улгаришмасдан, Шариф тоғам чопон ёпиниб кириб келди. Сўрашиб бўлишгандан кейин отамга қараб: “Язна, суюнчи беринг, акам бу кеча хотин олиб келдилар”, - леди. Ҳамма бир зум лол бўлиб қолди. Кейин отам, онам бу ишни маъқуллагандек бўлишди, шекилли. Чунки Жумабой тоғамнинг хотини вафот этган, бутун рўзгор мاشаққати тоғаларимнинг ўзига қолиб кетган эди. Чунки ҳовлида Жумабой тоғам, Шариф тоғам ва Умар тоғаларим яшардилар. Катта бир ҳовлида аёл киши бўлмаса, жуда ёқимсиз бўлишини ҳамма англаб ултурган эди. Отам келиннинг кимлигини, уни қандай қилиб олиб қочиб келишганини бирма-бир суриштира кетди. Бу суҳбатдан мен шуни билиб олдимки, бу аёл биринчи турмушидан ажралиб, ўз отасининг уйида яшаб юрган экан. Умар тоғам қишлоқда нишолда сотиб юриб, бу аёлни топибди. Шундан кейин Жумабой тоғамни кўндириб, ўлган опаси Ҳурматнинг ўрнига шу аёлни олиб қочиб келишибди.

Бу хабарни эшитган отам у ерга боришга шайланиб, кийина бошладилар. Мен ҳам отам билан бирга боришга шайландим. Отам билан тоғам мени олиб кетмоқчи бўлишиди. Онам мени кийинтирди. Биз учовлашиб йўлга чиқдик. Тоғам олдинда. Отам уларнинг орқасида кетишяпти. Отамнинг орқасида қадамда бир йиқилиб, мен ҳам бораяпман. Ора унча узоқ бўлмаганлиги учун биз тезда етиб бордик. Ҳовлига кириб борганимизда Жумабой тоғамнинг ўз ишлари билан банд эканлигини кўрдик. Янги келган келинни омборхона вазифасини ўтовчи уйга киритибдилар. Бу уйга олача солинган бўлиб, остидан жўроб (супурги пояси) ёйилган эди. Бизлар шу уйга кириб бордик. Уйда бизни келин янгамиз кутиб олдилар. Тоғамнинг олган хотини Нисмли бева аёл экан. Ўша уйга борганимизда бомдод намозини ўқиши пайти бўлган эди. Отам намоз ўқишига киритибдилар. Мен билан янгам отамнинг орқа томонида ўтирибмиз. Гоҳ туриб, гоҳ ўтириб, намоз қоидаларини (фарз ва суннатларини) бажармоқдалар. Шундай ўтириб ўқиётган пайтида янгам отамнинг орқа этагини яхшилаб игна билан эрмак қилиб тикиб ўтирди. Ип узиладиган эмас, бунинг устига янгам уни қайта-қайта тикарди. Мен эса яктак этагининг олачага тикилишини томоша қилиб ўтирдим. Нима дейиши билмасдим, бунинг устига ҳеч нимани тушунолмай ҳайрон эдим. Отам эса бундан бехабар намоз ўқимоқдалар. Улар намознинг бир ўрнида ўрнидан турдилар. Турганларида уй юзига солиб қўйилган олача туришига имкон бермади, яктагини қўйиб юбормади. Чунки олачанинг бир томонини отамнинг ўзи босиб ўтиради. Бир томонида эса янгам билан мен ўтирибмиз. Бунинг устига или қурғур ҳам узилмайди. Тура билмагач, бир бало бўлганини отам билдилар. Кейин туришга ҳаракат қилмай, намознинг қолган қисмини ўтириб ўқидилар. Намозни ўқиб тугатгач, отам орқаларига ўнг томонидан ўгирилиб, янгам томонидан тикилган ипларни узиб-узиб ташладилар. Бу ҳолни кулиб томоша қилганлар эса биз иккимиз эдик, холос. Ўша пайтда бу “иш” ҳақида асло ўйлаган ҳам эмасман. Бу мени

қизиқтирган ҳам эмас. Кейинчалик бу воқеа эсимга түшсі бундай ҳазил бўлиши мумкинлигини тасаввур ҳам қилол-масдим. Менинг фикримча, бу воқеа янги тушган келин учун фаросатсизликдан бошқа нарса эмас. Тоғам шу янгам билан бир неча йил бирга ҳаёт кечирдилар. Бир ўғил, икки қизли бўлишди. Лекин турмушлари яхши бўлмади. Охири эсон-омон Н. янгамни отасининг уйига олиб бориб топшириб, ундан қутулдилар. Ундан бўлган фарзандлари ҳам ёшлигига вафот этиб кетишган эди...

...1930-31 йилларда бизнинг оиласизни ҳам бир қанча ўзига тўқ хўжаликлар қаторида тугатишга қарор қилинган бўлса керакки, бизлар бутун оила аъзоларимиз билан кохоздан чиқарилдик. Маҳаллий амалдорлардан айримлари ҳукуматнинг қулоқлаштириш сиёсатидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланмасдан қолмади. Ўзлари ёқтирумаган, аниқроғи, кўзларига ёмон кўринган кишиларни ҳам қулоқлар қаторида йўқотишга ёки кимларнинг яхши қизи бўлса, уларга ҳам тазийқ ўтказишга уринишиди. Бу ҳақда ўрни билан ҳикоя қиласман. Ҳозир эса оиласизнинг тугатилган молу мулки ҳақида айтиб ўтмоқчиман. Отам ва амакимнинг, бирга қўшиб ҳисоблагандা, тўққиз ёки ўн таноб экин майдонлари бор эди. Бизларнинг оиласизмиз шу ернинг орқасидан кун кўтар эди. Ерда фақат ўзимиз ишлардик. Биз бошқа қулоқ қилинган оиласарга ўхшаб, хизматкорларни ишлатмасдик. Ундан ташқари, 1930 йилларда колхозга кирган пайтимизда молларимиздан ўттиз еттита қўй (қўзила-ри билан) қолган эди. Отам ва амаким ана шу ери ва чорвасининг ишлари билан банд бўларди. Савдогарлик ёки бошқа иш билан шуғулланган эмас. Менинча, бизнинг оиласи тугатишга хеч қандай асос бўлмаган. Ҳукумат топширигини маҳаллий амалдорлар ўз манфаатлари учун хизмат қилдиришга ҳаракат қилишган, ёки “салла деса, каллани олиб бориб бериш” қабилида иш тутганилар. Бундай пайтда туман марказидан вакиллар келади ва қишлоқ фаолрини йиғиб, улар билан маслаҳатлашади. Улар асосан мана шу қишлоқ фаолларининг кўрсатмалари бўйича иш тути-

шади. Мана шундай пайтларда қишлоғимиз фаолларининг энг каттаси ва энг фаоли Абдураҳмон Абдукаримов деган киши бўлган. У кишининг қиёфаси кўз ўнгимда сақланиб қолган. Узун бўйли, бир оз энгашиб юрадиган, сариқ юзли, чақир кўзлари чақчайган, овози йўғон. Дўриллаб гапирадиган, лаби туюнинг лаби каби осилиб кетган, оғзи сира ёпилмайдиган киши эди. Бу одам колхозлаштириш даврини жуда фаоллик билан ўтказди. Кейинчалик колхозга раис бўлди. Қулоқлаштиришни ўтказди. Шундан кейин, 1933 йилда жавобгарликка тортилди. Абдураҳмон Абдукаримов бизнинг қишлоғимизнинг Садриддин Айний таърифлаган Шошмақули эди. Бу киши ўз манфаати йўлида ҳам анча иш қилган бўлиши мумкин. Лекин бу томони менга аниқ бўлмагани учун бирор нарса дея олмайман. Мен у киши ҳақидаги тасаввурларимни отамдан эшитганим унинг отаси ҳақидаги бир ҳикоя билан тўлдирмоқчиман.

Абдураҳмон Абдукаримов асли Мирзахўжамурод деган кишининг ўгай ўғли бўлган экан. Мирзахўжамурод Конимех қўрғон бекларининг мирзоси бўлган. У кишининг асл исми Хўжамурод бўлиб, мирзо унга касби туфайли қўшилган. Мирзо – котиб, яъни секретарь маъноларини англатади. Қишлоғимиз катталарининг айтишларича, бу киши унча бадавлат бўлмаган, бироқ ўзига тинч ва тўқ хўжаликлардан бири бўлган. У киши билан боғлиқ отамнинг бир ҳикояси ёдимда. Ҳикоя Мирзахўжамуродга қаратилмаган бўлса-да, у кишининг номи билан бевосита боғлиқдир. Мен ҳикояни “Жуманбулбул” деб номладим.

## ЖУМАНБУЛБУЛ

Жуманбулбул бизнинг халқимиз орасида машҳур бўлган бахши – Эргаш Жуманбулбулнинг отаси. Жуман – Нурота-Самарқанд, Нурота-Бухоро вилоятларига машҳур бўлган жиров-шоирдир. Буларни халқ орасида бахши деб ҳам номлайдилар.

Бу ўриндаги фикрларим Абдураҳмон Абдукаримов ва

ўзим эшитган воқеалар тафсилотидир. Абдураҳмонни боқиб олган отаси ўзи ўқимишли бўлгани учун ҳам ўғлини ўқитган. Шунинг учун ҳам Бухоро инқилобидан кейин у биринчи саводли киши бўлган. Аслида эса инсонийлик, одамгарчилик деган тушунчалардан мутлақо йироқ эди.

Жуман эса ўз даврида овози билан айтадиган, жирлари билан эл орасида жуда машҳур ва барчага манзур бўлган. Эргашнинг отаси Жуманга булбул тахаллуси халқ томонидан берилган. Чунки халқ уни жуда яхши кўрган, қўшиқларини севиб тинглаган. Бир куни буҳоролик бойлардан бири жуда катта тўй беради. Тўйнинг бир кунини баҳшиларнинг айтишишларига ажратади. Шу тўйга бутун Қизилқум саҳросига машҳур бўлган Шанкут баҳши, Эргашнинг отаси Жуманбулбул ҳам таклиф қилинади. Шанкут баҳши тўйга бир кун илгари келади. Унга ҳовлининг бир томонидан алоҳида жой ажратиб берадилар. У ўз маҳоратини намойиш қилиш учун барча қулайликларга эга бўлади. Бир кун кейин келган Жуманбулбулни кутиб олиш учун кўп кишилар ташқарига чиқади. Бу пайт Шанкут баҳши катта меҳмонхонада, кўп кишилар ўртасида ўтирган эди. Жуманбулбулнинг номини эшитиб шу меҳмонхонадагилар ҳам эшикка чиқадилар. Шанкут баҳши ҳам Жуманбулбулнинг номини эшитган, уни бир кўрсам, деб юрарди. Бу пайтларда Шанкут баҳши ҳам эл орасида танилиб, ўз мақомига кўтарилиган, ёши ҳам анчага бориб қолган пайтлари эди. Жуманбулбал эса эл орасида энди танилиб келаётган, бироқ булбул деган номни олиб улгурган эди. Уннинг номини кўплар эшитган бўлса-да, ўзини кўриш истагида юрганлаҳ оз эмасди. Шунинг учун ҳам у кишини қарши олишга жуда кўп одам чиқади. Шу пайтда Жуманбулбулни бир кўрайин деб, Шанкут баҳши ҳам унга узоқдан туриб назар ташлайди. Бу пайтда Жуманбулбул ўз дўстлари билан бирга энди отдан ерга тушаётган эди. Жуманбулбул ўзининг қирқ йигити билан борган. Уларнинг ҳаммасида бир турли от, беқасамдан аъло тўн, қундузи қирпиқли телпак, зардўзи этик ва шоҳи белбоғлари ҳам бир хил эди. Улар орасидан Жуман-

булбулни ажратиб олиш амри маҳол эди. Шунга қарамасдан, Шанкут бахши бир қарашдаёк Жуманбулбулни таниди. Уни танитадиган нарсаси лақайи (дўмбираси) эди. У дўмбирасини гилофга солиб, орқасига тўни ичига солиб юрар эди. Дўмбиранинг учи беқасам тўннинг ёқасидан елка оша чиқиб турарди. Шанкут бахши уни айнан шундан таниган бўлса керак. Шанкут бахши, мен Жуманбулбулни ким экан десам, шу экан-да, – деди-да, бориб жойига ўтирги.

Жуманбулбулни Шанкутга рўпара ҳовлининг иккинчи томонидаги меҳмонхоналардан бирига ўз дўстлари билан бирга жойлаштиришади. Улар кечгача меҳмондорчиликда бўлиб, кечқурун ўз маҳоратларини намойиш қилишга киришадилар.

Тўй эгаларининг мақсади шу тўй кечасида шу икки шоирнинг айтишув-тортишувини ўтказиши эди. Шунинг учун ҳам уларни алоҳида-алоҳида хоналарга жойлаштирадилар. Буларнинг овозлари ҳам бир-бирига етмайди. Қайси бирининг ғолиб чиқиши тингловчи-мухлисларнинг сони билан аниқланади. Кечқурун икки шоирга айтиш учун рухсат берилади. Улар ўз санъатларини, маҳоратларини алоҳида-алоҳида намойиш этадилар. Жуманбулбул лақай(дўмбира) билан, Шанкут бахши қўбуз билан айта бошлайдилар.

Шанкут бахшининг шу жиҳати бор эдики, у бир қизиб олгандан кейин кўзини юмиб, жўшиб айтарди. Вақт яrim кечадан ошганда, кўзини очиб бир дам олиш қиласарди. Мана бу кеча ҳам у бениҳоя қизиб айтмоқда. Чунки унинг бугун Жуманбулбул билан беллашадиган куни. Шанкут бахши меъёрига етиб, ўзининг дам оладиган пайтида кўзини очиб қараса, катта меҳмонхонада ўзидан бошқа ҳеч ким қолмабди. Кейин у ҳовлига чиқиб, рўпарага қараса, Бутун одам Жуманбулбулнинг атрофига йигилган. Ўтиришга жой тополмаган одамлар меҳмонхона супасида бир-бирига суюниб, қилт этмасдан уни тинглашмоқда. Шанкут бахши ҳам одамлар орқасидан секин бориб, қулоқ сола бошлайди. Кейин ўзича: “Мен бир ҳаваскор десам, ҳақиқатан ҳам булбул экан”, - дейди.

Шанкут бахши орқасига қайтиб қолдирган жойидан қўбизини олади-да, шу пайтнинг ўзидаёқ, ярим кечаси отига миниб, тўйхонадан чиқиб кетади.

Жуманбулбул Нуротанинг шимолида Қўшработ деган жойда яшаган. Унинг хонадони жуда обод бўлиб, ичкари ва ташқари ҳовлилардан ташкил топган. Бу ҳовлида жуда кўп адабий кечалар бўлиб ўтган. Айниқса, у киши халқ достонларидан куйлаганида, одамлар тонггача унинг уйида қолиб кетганлар. Шундай кечаларда Жуманбулбулнинг сингиллари ичкари ҳовлида ўтириб: –Шу товушни ҳам одамлар овоз деб тинглайдилар-а, дея ҳасрат қиласр эканлар. Чунки уларнинг ўзлари қўшиқ куйлашган, овозлари эса акасиникидан ҳам яхшироқ бўлган экан. Лекин улар шароит ва тақдир тақозоси билан ўзларининг бу овозини намойиш этолмаганлар.

Жуманбулбул ҳақида отам яна шуларни айтиб берган эди:

Бозор куни эди. Нуротадан Конимехга Жуманбулбул келди. Уни Конимехга ҳеч ким чақирмаган бўлса керак. У қирқ йигити билан Сарбозорга тушди. Аввалига ҳеч ким бу беқасам чопон кийган қирқ йигитнинг кимлигини билмади. Улар ҳам теварак-атрофни томоша қилишга чиққан бўлса керак. (Юқорида ҳам Жуманбулбулни тасвирлашда отамнинг айтганларидан фойдаланган эдим.) Кимдир (кимлиги ёдимда йўқ) келганлар орасида Жуманбулбул деган бахши борлигини айтди. Шундан кейин бу бахшини бир кечага Қурама қишлоғига мәҳмон қилиб, куйлашидан баҳраманд бўлиш иштиёқи қишлоқ оқсоқолларининг орзуисига айланди. Шундан кейин уларни қишлоғимиздан Мирзахўжамурод ўз уйига таклиф қилди. Мәҳмонларнинг ўзи қирқта отда келишади. Бунинг устига Мирзахўжамурод қишлоқдагилардан ҳам кўпчиликни мәҳмон ёнига таклиф қилди. Мәҳмондорчилик ва шоирни зшитиш катта йигинга айланди. Шунча одамни мәҳмон қилиш мақсадида мәҳмон бир ҳўқизни сўйди. Мәҳмонларнинг кўнглини олди. Жуманбулбул ва унинг йигитлари ўша пайтда барқ уриб

турган, айни кучга тўлган эдилар. Бизларни дўмбираси ва ўз овози билан хушнуд этди. Тонг отгунча жирлашдан тўхтаганлари йўқ. Эртасига Камол чўрағачи яна бир кеча қолиб меҳмон бўлишни жуда кўп илтимос қилди. Лекин улар жўнаб кетдилар. Мен шундан кейин бирор марта ҳам Жуманбулбулни учратолмадим. Лекин шу бир кечалик суҳбат ҳеч қачон ёдимдан кўтарилемайди, - деб хотирлайди отам.

Мен эса бу ҳикояни Абдураҳмон Абдукаримов тарбиялаган оила билан боғлиқлиги туфайли келтирдим. Абдураҳмоннинг ўзи ҳам бир кеча ҳаммани ҳўқиз сўйиб, меҳмон қиласидиган оиласда бемалол тарбия олди. Бироқ кейин қишлоқнинг фаолига айланганда, ўз ҳамқишлоқларига ҳар доим ҳам шафқат қилмади. Эҳтимол бу кўп нарсаларнинг фақат унинг ўзига боғлиқ бўлмаганлигидандир. Лекин негалигини билмадим-у, барибир у ҳам жазоланди. Жазо олиш учун кетганича қайтиб келмади.

## ОПАЛАРИМ

Мен юқорида кимнинг уйида яхши қизи бўлса, шу хўжаликларни тугатиш учун ҳаракатлар бўлди, деган эдим. Бу ҳакиқат қанчалар аччиқ бўлмасин, ёзишим керак, деган фикрдаман. Мен эсимни таниганимда оиласизда эркаклардан отам, Сапар амаким ва уларнинг ўғиллари Худойберди акам, аёллардан эса, онам, янгаларим ва амакимнинг иккита қизи Наввот ва Қандолат аммаларим яшардилар. Катта опам Наввот оқ-қувадан келган, қадди-қомати келишган, кўнгли тоза қиз эди. Оиласизнинг тугатилишига шу опамнинг қадди-қомати, кўзга яқинлиги сабаб бўлган, десам хато бўлмайди. Бу опам аммамнинг ўғлига ёшлигидан айттириб қўйилган экан. Лекин қишлоқ фаоллари бу қизни Фиждувонга юбормаймиз, ўзимиз оламиз, деб ҳаракат қиласидилар. Улар ўз ниятларини амалга ошириш учун аввал отамни, кейин Худойберди акамни йўқ кильмоқчи бўлишади. Бу кишиларнинг номларини тилга олишни ўзим-

га эп кўрмадим. 1932 йилнинг ёз тунларидан бири. Биз томда ётган здик. Қишлоқ шўроси (раиси) бошчилигига ҳовлимизга бир неча киши кириб келди. Бу пайт мен уйқуда здим. Мен уларнинг овозидан уйғониб кетдим. Жанжал Наввот опам устида бораётган экан. Келганлар отам ва бошқа оила аъзоларимизни қўрқитиб, Наввот опамни ке-часида томдан зўрлик билан олиб тушдилар ва ўзлари билан олиб кетдилар. У қишлоқ шўросига зўрлик билан, мажбуран хотин бўлди. Бу оила зўравонлик асосига қурилди. Шунинг учун ҳам узоқ турмади. Опам эса шундан кейин ҳаётга бўлган қарашларини мутлақо ўзгартирди. Булар ҳақида ўрни билан сўзлайман.

Катта опамни олиб кетганларидан кейин кўп ўтмай кичигини ҳам Абдукаримов ўз укаси Мирзахўжамуродов Раупга олиб берди. Бу опамнинг турмуши жуда ҳам ёмон бўлгани йўқ. У эри билан яхши яшади. Эри 1941 йил урушга кетиб, қайтиб келмади. У кетганда, опам фарзандли бўлиш арафасида эди. Улардан қолган ёдгорлик жиянимиз Раупов Насим бўлади.

## БЕШДАН ЎТДИ – ТОШДАН ЎТДИ

Онам ўлган йиллари Жумабой тоғам учинчи марта уйланди. Иккинчи янгамнинг баъзи ишлари ҳақида қисқа бўлса-да, айтиб ўтган здим. Ўша янгамни тоғам Қудрат исмли ўғли ўлгандан кейин бир қизи ва ҳали туғилмаган боласи билан қўйиб юборди. Тоғамнинг бу янгамдан қолган кейинги болалари ҳам болалигигидаёқ нобуд бўлган. Мана шундай қилиб, мен меҳрибон онамдан, тоғам эса қадрдон опасидан жудо бўлгач, иложсиз яна уйланди. Онам агар 1931 йилнинг март ойларида вафот этган бўлсалар, тоғам кузларга бориб уйланди. Онам вафотидан кейин мен ҳам эътибордан четда қолиб кетдим. Бунинг устига амакимнинг хотини чиқиб кетди. Амаким вафот этди. Булар етмаганидек, акамнинг Ҳалима исмли югуриб юрган қизи ўлиб қолди. Буларнинг ҳаммаси хўжалигимизнинг парокан-

далик даврида содир бўлди. Ана шу пайтларда мен кўпроқ тогамнинг ҳовлисида бўлардим. Ўша ерда мени болалигимдан буён ўйлантирадиган ҳодиса ёдимга тушди. Шуни ёзib қолдирмоқчиман, чунки буни билиб қўйган яхши. Ўша пайтларда менинг қўлим жуда кир бўлиб, ёрилиб юрарди. Ҳовлимиздан тогамникига келсам, қўлим анча тоза бўлиб қолади. Мен ҳовлимизда турган вақтим қўлимнинг кир бўлиш пайтига, тогамларникига борган пайтим унинг тоза бўлиш пайтига тўғри келади, деб хаёл қилиб юрардим. Катта бўлиб ўйлаб қарасам, тогамнида бир оз тозароқ юрар эканман. Орадан йиллар ўтиб бола-чақали бўлганимда, энг аввало, болаларимнинг озодалигига эътибор қилганман. Болала-римни ҳам шунга ўргатишга ҳаракат қиласман. Чунки тозалик – тан сиҳатининг гарови.

Тогамнинг бу хотини – янгамни кўришга мен ҳовлимиздаги бир-икки аёллар билан эргашиб бордим. Бизни қарши олган янгам – келинчак қоп-қора, сеп-семиз, бетлари лўппи-лўппи, устида ўша вақтлар расм бўлган бахмалдан тикилган узун камзул. Хотирамда шу қиёфаси муҳрланиб қолган. Бу киши менга тогам қатори, ҳатто тогамдан ҳам ортиқроқ хизмат қилган. Улар ҳақида ҳам кейинги саҳифаларда сўзлаб ўтарман.

Жумабой тогамнинг новвойхонада ишлашларини айтиб ўтган эдим. Бошлиқларнинг алмашиб турилиши билан боғлиқ ҳолда баъзан хизматчилар ҳам алмашиниб туради. 1931 йилнинг кўкламида тогам қишлоқда бўлган бўлсалар, 1932 йилнинг кўкламида новвойхонада эдилар. Бу пайтлар менинг тогамникига бориб-келиб юрадиган дамларим эди. Тогам ишхонасига яқин бўлишини ўйлаб, қишлоқдан районга кўчиб келдилар. Кўчиб келган жой Турдиев Қувват тограм меҳмонхонасининг бешболоворли даҳлизи эди. Бу пайтлар район марказида турар жойлар жуда кам эди. Шунинг учун аҳоли жуда тифиз турарди. Жумладан, Турдиевлар ҳовлисида ҳам хулди шундай эди. Тогам турган пайтда шу хонадоннинг бўш бўлган ич уйида уч хўжалик яшарди.

Бу ерга мен меҳмон бўлиб келдим. Кечки пайт эди. Янгамни қўшни ҳовлига чақириб кетдилар. Ҳамсояларимиздан Азим ака деган киши бор эди. Ўзи чуваккина, сариқ сепкил юзли, сепкили жуда эътибор қилинмаса, сезилмайди ҳам. Ўз ишига жуда пишиқ, ҳазилкаш. Ёмон сўзи йўқ. Ҳеч ким билан уришмаган бўлса ҳам керак. Шу кишининг хотини ўғил туғибди. Ўғилнинг туғилганига беш кун бўлибди, бугун шуни нишонлашаётган эканлар. Бу кунни улар “бешдан ўтди – тошдан ўтди”, дейишар экан. Шу пайтга қадар мен бундай маросимни кўрмаган ва ҳатто эшитмаган эдим. Бу менга жуда қизиқ туюлди. Агар отам мени чақириб, одам юбормаганларида, мен бу маросимни кўрмаган бўлардим. Кечқурун қоронги тушган пайтда Худойберди акам кириб келди. (Бу менинг акамни охирги марта кўришим эди. Орадан бир йил ўтар-ўтмас акам вафот этди.) Тогам мени янгамни чақириб келишим учун Азим аканинг уйига юборди. Мен борсам маросим бошланган экан. Уй хотин-халажга тўлган. Ҳаммаси девор томонга ўтириб олган. Уйнинг ўртаси очиқ. Янги туғилган чақалоқ яхшилаб йўргакланган. Хотинлар болани қўлига олиб, ўз яхши ниятини айтиши керак. Улар ниятларини айтиб ўнг томондан бир-бирига узатишиади. Шундай қилиб бола бир неча дақиқада уйни айланиб чиқади. Ўша пайтларда хотинларнинг баъзи гаплари узуқ-юлуқ хотирамда сақланиб қолган. Жумладан:

*Отасининг оши пичоги,  
Онасининг қўши пичоги,  
Бешдан ўтди – тошдан ўтди.*

Бундан кейин ҳам бундай маросимларни кўрган бўлсам ҳам, ҳеч бири ўша кундагидек таъсир қилган эмас... Мен бу маросимни бир оз томоша қилганимдан кейин, янгам билан бирга уйга қайтдик. Уйда тогам билан акам бизни куттиб ўтирган экан. Акам, мени йўқлаб отамнинг олдидан одам келганини айтиб, мени ўzlари билан бирга ўз ҳовлилизига олиб кетдилар.

## ШАРИФ АКА БИЛАН ЙҰЛДА

Шариф ака бизнинг узоқ қариндошимиз. Ёшлари мен-дан катта бўлганлиги сабабли “ака” деб атадим. Аслида эса бир томондан, оталаш уруғдош-оғайнимиз, иккинчи томондан, бизнинг яқин аммаларимиздан бирининг ўғилларидан бири бўладилар. Шариф акани мен олдиндан танир эдим. Бизларнига олдинроқ қидириб келганда, яхши бир оти касал бўлиб, ўлиб қолган эди. От ўлганида унинг эгаси қанча қайғурганини билмайман. Бироқ мен бизникига меҳ-монга келган кишининг оти ўлиб қолганлигидан қаттиқ хафа бўлгандим. Шариф аканинг кўриниши менинг хоти-рамда яхши сақланиб қолган. У киши қорачадан келган киши эди. Пешонаси кенг, икки чаккаси тўлиқ туртиб чиқ-қан, қирра бурун, оғзи кичкина, ўзи гўштдор, кўзлари қора, думалоқ, бироз бўртиб кўринарди.

Иккаламизга битта эшак. Эрталаб йўлга чиқдик. Эрта кўклам пайти. Атрофни туман қоплаган. Биз шундай ту-манли кунда Занданига қараб йўл олдик. Занданини биз турган жойдан тўққиз тош узоқда дейишади. Ҳар тоши сак-киз чақиримдан иборат. Чақирим деб, киши қаттиқ товуш чиқарганда овози етадиган жойгача бўлган масофага ай-тишади. Ҳозир чақиримни бир километрга тенг деб айти-шади. Агар шунга асосланадиган бўлсак, орадаги йўл ет-миш икки километр чиқади. Эшак билан шунча йўлни бо-сиб ўтиш осон бўлмаса керак. Лекин Холбой амаким шу йўлни бир кунда юриб келган дейишади. Унинг тафсило-тини ҳам ўрни билан баён қиласман. Бу сафар менинг узоқ йўлга биринчи марта чиққан даврим бўлган бўлса керак. Бундан олдин отам, онам ва тоғам билан Дулдулга борган-ман. У ер бизнинг уйдан йигирма километрлар чамаси узоқ-ликда жойлашаган. Шариф акам билан йўлда бир кеча ух-лаб (Чўбалачида бўлса керак), кечқурун ўз манзилимизга етиб бордик. Занданидаги Қорақалпоқ деган қишлоқда Жўрабой бобо ва Шариф акаларимнинг ҳовлиси бор эди. Отам шу ерда колхозда ишлар экан. Бу ер Қизилқум саҳро-

сининг этапи. Қишлоқ ва пахтазорларни шимол тарафдан қум босган. Биз турган қишлоқни Қорақалпоқ деб аталишига сабаб, бу ерда кўпроқ қорақалпоқлар яшашар экан. Қишлоқда улардан ташқари, ўзбеклар, тожиклар ва қозоқ хўжалар (инки хўжалик) ҳам яшар эди.

Бу ерда бизга қариндош ҳисобланганлар – Жўра бува. У киши Шариф аканинг бувалари. Яна Қудрат ака ҳамда Аҳмад аканинг оилалари, холос. Бу қишлоқнинг шимол тарафи Қизилқум саҳросига туташиб кетган. шимолий фарбида Арвожи (аслида арбоб ҳожи), фарб томонида Малгита, жануби-фарбида Опандар, шарқ томонида Гулбор қишлоқлари жойлашган. Булардан қорақалпоқ қишлоғи билан арвожиликлар ўзбек тилида сўзлашадилар. Қолган қишлоқлардаги одамларининг ҳаммаси тожик тилида сўзлашишади. Ўзбек тилида сўзлашадиган қишлоқларнинг аҳолиси ҳам аслида тожик тилини билади. Қишлоқлар орасида энг кичиги қорақалпоқ қишлоғи ҳисобланади. Шунинг учун ҳам у томонга борадиган кишилар кўпинча каттароқ бир қишлоқнинг номини тилга олади. Кўпинча, у ерга бораётган кишидан “Гулборга бормоқчимиз” ёки “Зиндалига кетяпмиз”, –деган гапни эшитиш мумкин. Зандани – бу туманинг номи. Гулбар эса катта қишлоқ. Бу номларни мен ҳозир ҳам ўша пайтлардагидек тасаввур этаман.

Зандани туманига унинг атрофидаги кўплаб қишлоқлар киради. Туман сўзи подшолик пайтида жойлар(маълум ҳудуд)га берилган ном, янги подшоликнинг бўлинешлари. Зандани тумани деган жумлани Зандани томонлари деб айтиш ҳам мумкин. Кейинчалик Зандани номи билан Вобкент районида бир қишлоқ Совети ҳам номланди. Мен кўрган пайтларда Зандани ўз қиёфасини йўқотган бир тепаликдан иборат эди. Шу тепаликнинг шимол тарафида, тепанинг остида чуқур кўл бор эди. Одамларнинг айтишларича, бу кўлнинг туви йўқ эмиш. Бу гапга бизлар ҳам ишонардик. Ҳозир ундан эмаслигини биламиш. Чунки кўлнинг олдидан закаш ўтказилган. Кўлни эса қуриб қолган, деса ҳам бўлади. Бу ердан ҳар сафар ўтганимда бола-

ликдаги хотираларим янгиланади. Шу кўлнинг ўрнига қарамасдан ўтмайман. Бу кўл ва шу ердаги шаҳар ҳақида бир қанча афсоналар ҳам мавжуд.

## ШАҲРИ ХАЙБАРНИНГ ДАРВОЗАСИ

Бизнинг Ўрта Осиёning ўзида Ҳазрат Али номи билан боғлиқ жуда кўп муқаддас қадамжолар бор. Ана шулардан бири бизнинг занданиликлар орасида ҳам тарқалган. Ҳазрат Али қаттиқ жанглардан кейин Хайбар шаҳрини қамал қилган. Лекин шаҳарнинг ичига кириш иложиси бўлмаган. Шаҳар қамал ҳолатида сақланган. У киши дарвозани очиш учун ўзга бир йўл тутган. Арқон билан дор ўйинини ўйлаб чиқкан. Узун хода шаҳар қўрғони тагига тик қилиб ўрнатилган. Ундан қўрғон деворига чиқиши имконияти бўлган. Хода учига арқон боғланган. Арқонни қиялатиб турли ходалар ёрдамида тортганлар. У киши шу арқондан юриб юқорига кўтарилиган ва Хайбар дарвозасининг устига чиқиб олган. Кейин эса дарвозанинг икки табақасини ушлаб, икки томонга қараб улоқтирган. Дарвозанинг бир табақаси мана шу Зандани тепалигига келиб тушган эмиш. Унинг ўрнида юқорида баён қилганим кўл пайдо бўлган эмиш. Шу сабабли ҳам бу кўлнинг туви йўқ, суви қишин-ёзин камаймайди, деб айтишар эдилар.

Яна бошқа бир ҳикоятда ҳозирги Занданининг ўрни шу шаҳри Хайбарнинг ўрни эмиш. Мен бу ҳикояларга жудаям ишонолмайман, шундай бўлса-да, иккинчиси ҳақиқатга бироз яқинроққа ўхшайди. Шу тепаликда қачонлардир шаҳар бўлган. Унинг излари бизнинг болалик пайтларимизда анча яхши сезилиб турарди. Лекин у шаҳри Хайбар бўлганим ё бошқа шаҳарми, буёғи менга қоронғи. Бу тепаликнинг шимолида ҳалиги ўзимизга таниш кўл. Унинг жануб томони пасайиб, қишлоққа туташиб кетган эди. Тепалик эса унча баланд эмас. Унинг қўлда кўтарилигани маълум. Устида катта бир мачит қурилган. Мачитдан жанубга қараб кетган ҳароба иморатлар, бузилган деворлар, кўл қолдиқлари,

ташландиқ нарсаларнинг ўрни... Буларнинг ҳаммаси бу ерда бир пайтлар ҳаёт бўлганлигидан хабар беради. Бу ерларда яқин йилларда ҳам одам яшаганилигидан дарак бे-рувчи бир неча катта тутлар мағурур қад кўтариб турибди. Бизнинг жойлarda қаердаки тут дараҳти бўлса, ўша ерда одам яшаганилиги, ҳовли-боғ қилганлиги кўпчилигимизга маълум.

Мен биринчи бор ўша ерга борганимда тепаликнинг шимолидан жанубга қараб арава йўли ўтар эди. Бу тепаликнинг шарқий қисми бўлиб, икки томонда расталар, дўконлар, баланд супалар бор эди. Яъни бу ер каттагина бозор эди. Вақт ўтиши билан бу ерлар ҳам текисланиб, Зандани бозори кунчиқар томонга – тўрт чақиримча узоқка кўчди.

## ҚОРАҚАЛПОҚ ҚИШЛОГИ ВА ХАЛҚИННИНГ БАЁНИ

Қорақалпоқ қишлоғида ёшлигимда икки йилдан ортиқроқ вақт яшадим. Шунинг учун ҳам у ер хотиралари жуда яхши сақланиб қолган. Қишлоқнинг кунчиқиш тарафида Гулбартепа жойлашган. Биз Хўжа Ориф (Шофирикон) томонидан Қорақалпоққа кириб борганимизда аввал ана шу тепаликнинг ёнидан, Вобкент томондан борадиган бўлсак, унинг ўртасидан ўтиб кетамиз. Шунингдек, у ерга Бухоро ёки Зандани томонларидан ҳам кириб бориш мумкин. Қишлоққа кунчиқиш томондан кириб боргудек бўлсак, йўлда Бухоро, Фиждувон, Вобкент қишлоқларидан ўтиб борардик. Менда бу қишлоқлар бир ариқ бўйига, бир-бирига туаш қилиб қурилган иморатлардан иборатдек тасаввур қолдирган. Уларнинг қатнаш йўли ҳам битта. Шундай қишлоқлар борки, агар бир чеккасидаги томга чиқиб, томматом юриб келсанг, иккинчи чеккасидаги томдангина тушишинг мумкин. Бироқ Қорақалпоқ қишлоғи ундаи қишлоқ эмас. У мен таърифлаб ўтган Қурама қишлоғига ўхшаб кетади. Қишлоқнинг ўртасидан ёлғизоёқ йўл ўтган. Қишлоққа кираверишда катта ариққа дуч келасиз. Ариқнинг кўпри-

гидан ўтмаёқ шимол томонга эллик метрча юрилса, Жўра буванинг ҳовлиси. Унинг ташқари ҳовлисидаги меҳмонхоналардан бирининг даҳлизида отам билан мен яшаймиз. Ичкари ҳовлисида икки уй ва икки даҳлиз бўлиб, улардан бирида Жўрабой бува, у кишининг хотини, ўғли ва қизи яшайди. Жўрабой буванинг ўғли Ориф. Унинг онаси ва-фот этгач, Жўрабой бува уйланган. Ундан қизлари Сарвар туғилган. Ориф ака мендан икки-уч ёш катта. Сарвар эса ё мен билан тенг, ё мендан бир-икки ёш кичик бўлса керак. Мен уларнинг уйига кирганимни ҳеч хотирлай олмайман. Ичкари ҳовлидаги жанубга қараб солинган ҳовлида эса Шариф акам онаси ва янгам билан туришади. Янгамнинг исми ёдимда йўқ. Лекин менга жуда меҳрибон эди. Шариф акамнинг қизи Бахмал, ўғли Зариф ва яна бошқа бир бола ҳам шу ерда туришади. Бу боланинг исми Ибод эди. Унинг ёши мен билан баробар, лекин ўйин-кулгини билмайдиган сокин бир бола эди. Бу бола Жўрабой буванинг оғайнила-ридан бирининг боласи бўлиб, ота-онаси ўлиб кетган, бошқа ҳеч кими бўлмаган сафир бир бола эди. Унинг ҳовлиси катта бир ҳовли бўлиб, Жўравой бобо ҳовлисининг юқори томонида жойлашган эди. Деворлар бир-бирига туташ. Бу катта ҳовлининг эгаси бўлмаганлиги учун у биз болаларнинг ўйин жойимизга айланган. Бу ҳовлининг ёнида яна иккита кичик-кичик ҳовли ҳам бор эди. Бирида икки ака-ука туради. Иккинчисида кўп болали бир киши яшарди. Ана шу оиласидаги болалардан Бобохўжа, Жўрахўжа деганларнинг исми ёдимда. Бобохўжа тўнг, ўйинда жанжал чиқара-диган бола эди. Гавдаси ҳам, товуши ҳам жуда қўпол эди. Ёши биз билан тенг. Кичиги эса акасидан бир ёш кичик, товуши чирилдоқ, шаппаккина бир бола эди. Ариқдан кўприк орқали ўтиб, шимол томонга бурилсак, кичик бир майдондан чиқамиз. Бу Эгамберди деган бобонинг ҳовли-си. Кўприкдан ўтгандан кейин кунботиш томонга кетишида катта ҳовуз бор эди. Бу Темир бобо деган кишининг ҳову-зи. Темир бобо Тоҳирнинг бобоси, яъни онасининг отаси. Ўзининг ҳовлиси бўлса ҳам кўп вақтини Тоҳирларнинг уйи-

да ўтказарди. Жуда қариб қолган, меҳмонхонасидан чиқмайдиган чол эди. Темир бобонинг уйидан кейин Жангабой ва унинг Ҳамро деган тоғасининг ҳовлиси жойлашган. Қўприкнинг жануб тарафида йўл ёқалаб Аҳмад аканинг ҳовлиси, унинг деворига Тоҳирларнинг ҳовлиси туташиб кетган эди. Бу ҳовлида Тоҳирнинг тоғалари бўлса керак. Аваз ва Рамазонхўжа деган ака-ука ҳам яшарди. Буларнинг ёнида Темир бобо билан қатор Бозор чўлоқ ва укаси Умарларнинг ҳовлиси жойлашган. Улардан нарироқроқда Қудратнинг, бошқа томонида Ҳамро бобонинг ҳовлилари жойлашган. Бу қорақалпоқ қишлоғининг 1932 йиллардаги кўриниши. Бу қишлоқда болалигимнинг икки-уч йили ўтган. Бу пайт ақлим анчагина кириб қолган. Отам иккаламиз бир хўжаликмиз. Отам колхозга аъзо. Меҳнат куни олади. Бироқ улар колхозга ишлаб бермайдилар. Чунки анчагина қариб қолганлар.

## МЕНИНГ МЕҲНАТГА КЎНИКИШИМ

Бу ерда яшаган пайтларимизда биз ҳеч қачон қариндошларимиз билан бирга бир қозонда овқат пишириб емаганмиз. Отам иккаламиз бир хўжалик. Ўзимиз қозон осиб овқат пиширамиз. Мен яхшигина дастиёр бўлиб қолганман. Бизнинг ҳолимиздан хабар оладиган одам йўқ. Қозон-товоқ менинг бўйнимда. Ҳар бир майда-чуйда учун отамнинг туриб юришлари қийин. Рўзгордаги барча ишларни ўзим бажараман. Бизлар учун чой қайнатиш, кичик қозонда ош пиширишнинг ҳеч қандай қийинчилиги йўқ эди. Рўзгоримиз учун керак нарсаларнинг ҳаммаси кўп бўлмаса ҳам бор. Колхозда ишлаган меҳнат кунимиз учун тегишли бўлган дон, мой ва бошқа нарсаларни бригадир ёки ҳамсояларимиз келтириб беради. Отамни шу колхознинг ҳамма кишилари қаттиқ ҳурмат қиласидилар.

Шу ерда бир сафар отам иккаламизнинг эътиборсизлигимиз туфайли уятга қолай дедик. Опандар қишлоғидан бир йигит бизнинг колхозга ишлаганимиз учун тегишли бўлган

ғалламизни олиб келиб берди. Чунки колхоз идораси ва омбори ўша қишлоқда жойлашган эди. Бу йигит ориқ, кўзлари қора, ичига ботиб кетган, эндинга соқол қўйганлиги кўриниб турарди. Қопи ўзиники экан, бўшатиб олиб кетди. Биз ун солинган халтани супага бўшатиб, ўрнига буғдойни солдик. У киши чиқиб кетди. Қилган ишимиз иккавимизнинг ҳам хаёлимиздан кўтарилиб кетган. Орадан анча вақт ўтиб кетган эди. Бир куни отам менга ўша кишининг исмини ва кўринишини айтиб, бизнигига буғдой олиб келиб берганини айтибди, ўғли билан бўшатиб олган эди, дебди. Шу ростми, сенинг эсингдами? – деб сўраб қолдилар.

Мен ҳам унутиб юборган эканман. Ота-бола “ун халтани бўшатиб, буғдойни шу халтага солиб олишди”, деган жумладан кейин бирдан эсладик. У кишининг айтгани тўғри. Буғдой келтириб бергани рост. Шундан кейин отам овқатга ҳам қарамай, устига қалин чопонини кийиб (бу чопонни отам дуққи чап деб атар эдилар. Чопон қаламидан тикилган бўлиб, жуда қалин эди), ёғоч ҳассасини олиб, тезгина чиқиб кетдилар. Мен уйда алламаҳалгача ёлғиз ўтирдим. Отам кечаси мени ёлғиз ташлаб ҳеч қаерга кетмас эдилар. Агар бирор жойга чақиришса, шомда қайтиб келар эдилар. Мана бугун кеч бўлганига қарамай, пишиб турган овқатни ҳам ташлаб, қари ҳолларига қарамай, чиқиб кетдилар. Бир англашилмовчилик бўлганини ўзим ҳам сездим. Отам кеч келдилар. Мен ҳали йўлларини пойлаб чироғ ёруғида ўтирган эдим. Отам: – Роса уятга қолган эканмиз, – дедилар. Кейин ҳеч нарса демасдан, овқатни еди. Қовун сўйиб едик ва кейин ухлагани ётдик.

Бир куни бу воқеанинг тафсилотини отам Жўравой бобога айтиб ўтирганларида эшитиб қолдим. Ўшанда колхознинг омбор мудири отамни далада кўриб қолиб:–Бобо, мен фалончидан бериб юборган ғаллани олдингизми?– деб сўраган экан, отам ҳеч ўйламасдан “йўқ” деб жавоб берибдилар. Ғалла келтириб берган одамни кўрмаган. Яна бир куни шу омбор мудири отамни кўриб “Фалончи ғаллани олиб

бориб бердим" деб, бутун мен айтган тафсилотларни айтади. Кейин отам анча ўйланиб, уйга келиб бу гапларни менга айтади. Биз у кишининг фалла келтириб берганини эслаймиз. Ана шундан кейин отам ҳар иккаласини ҳам кўриб, улардан узр сўраб, раҳмат айтиб келади.

Ана шу воқеадан кейин отам ўзининг болалик, йигитлик чоғларини эслаб кетдилар. Ўша пайтлардаги қаҳатчикликини, Зарафшон сувининг деҳқонларга етишмаслигини, доннинг мутлақо кам бўлганлигини, фақат фалла учун Миёнколга бориб мардикорликда ишлаганликларини ҳикоя қилиб бердилар. Аввало, ўша пайтларда мен Миёнколнинг қаерда жойлашганлигини ҳам билмасдим. Кейин билсан Миёнкол деб Зарафшоннинг ўзимиздан юқори қисмини айтишар экан. Отамнинг айтишича, Миёнкол ҳозирги Самарқанд вилоятида. У ернинг ерлари лалми. Экилган буғдой сугорилмайди. Бундай навдаги буғдойлар кўп экилади. Мен Миёнкол дегани қандай маъно англатишими, рости, ҳозир ҳам билмайман.

Шу ўринда отамнинг хотираларидан кичкина парча келтирмоқчиман. Мен энди йигирмаларга кирган бўлсан керак, бу ерларга сув кам бўлганлиги учун кўп экин экилмасди, деб хотирлайди отам. Экилган ерларнинг ўзига ҳам сув етишмайди. Ана шунинг учун ҳам турмуш бизни мардикорчилик қилишга мажбур этарди. Мардикорчилик қиласидан жойимиз эса Миёнкол. У томонларда деҳқончиликнинг бир қисми сувсиз дала-даштда бўлади. Қўлидан келган, урглик топган деҳқон эрта баҳорда қандай қилиб бўлса ҳам даштга дон сепишга киришади. Икки ҳўқиз билан чиқкан деҳқон бой деҳқон ҳисобланади. Битта ҳўқизининг ёнига сигирини қўшиб далага чиқкан деҳқонлар ҳам кўп бўлган. Ҳатто ҳўқизининг ёнига эшагини қўшиб қўш ҳайдаганлар ҳам бўлган. Моли йўқ деҳқон ҳеч бўлмаса, эшак билан қўш қўшиб бўлса ҳам дон сочар эди. Бу пайтларда буйинсалик деган нарса (иш усули) ҳам учраб турарди. Бунда биттадан ҳўқизи борлар бирга ишлашади. Бир кун биттасининг, иккинчи кун иккинчисининг ерини ҳайдаб, икки хонадон учун

экин экардилар. Ҳаттоки, бир эшаклилар ҳам шу усулни қўллашарди. Бундай усулда буғдой экиш бизнинг далаларда ҳосил бермасди. Чунки энг серёғин йилларда ҳам қурғоқчилик жуда сезиларли даражада кечарди. Мабодо бир йил яхши ёмғир бўлиб қолса, кейин икки, ҳатто уч йиллаб қурғоқчилик кутиларди. Аниқроғи, бизнинг ерлар у ерларга ўхшамасди. Ана шунинг учун ҳам биз буғдой пишган пайтда то охирги хирмон кўтариштунча Миёнколда ўроқчилик қиласи эдик. Мардикор бўлиб ишлаганимиз учун ҳақ олар эдик. Эҳ ўғлим, у пайтлардаги мардикорчиликнинг кайси бир ташвишини айтайн. Менинг Челакдан бир халталаб йиққан иш ҳақимни жўраларим билан кўтариб келган пайтларим бўлган. У пайтларда от, улов деган нарсалар жуда кам бўларди. Биз у томонларга ишлаш учун пиёда борар эдик. Топганимизни ҳам пиёда орқалаб келардик. Бугун эса иш ҳақимизни ҳатто уйимизга келтириб беряптилар. Бунга шукур қилиш керак.

Бу ҳикояни эшитгач, мени ҳикоянинг ўзидан кўра ҳам Челак деган сўзнинг маъноси нима эканлиги кўпроқ қизиқтириб қолди. Кўйинчалик билсан, у бир жойнинг номи экан.

Юқорида мен колхозда ишлар эдик, дедим. Лекин колхозда отам ишлаган эдими ёки менни эслай олмайман. Отам ишлаган десам, у кишининг ўша пайтларда далага чиқиб ишлаганларини эслай олмайман. Бу пайтда улар етмишдан ошиб қолган эдилар, бироқ анча тетик ва бардам эдилар. Менинча, колхозда ўсмиirlар қаторида менинг ишлаганим ҳисобга ўтган бўлса керак. Ўсмиirlар далада аёллар билан бирга ишларди. Уларнинг орасида ўсмиirlардан фақат икки киши эдик, яъни мен ва Тоҳиржон. Бу ерда мен тенги болалар унча кўп эмас эди. Илгари айтиб ўтганимдай Бобохўжа ва Раҳмат деган яна бир бола. Раҳматларнинг ҳовлиси ҳақида гапирмаган эдим. Чунки уларнинг алоҳида ҳовлилари бўлмай, улар Қудрат язномнинг ичкари ҳовлисида яшарди. Раҳматнинг отаси Ашур тоға Мирзамуроднинг хизматкори бўлган. Мирзамурод Қудратнинг отаси. Ашур тоғанинг хизматлари эвазига ўз қизини унга берган ва ўз

ҳовлисида ичкуёв қилиб олиб қолган. Раҳмат ўшаларнинг фарзанди. Аҳмад аканинг укаси Ҳидиркал. У болаларга ҳам, катталарга ҳам кам қўшилади. Ундан кейин Убайд. Қудрат язномнинг Омондан кичик ўғли. Бизлардан биринки ёш кичик. Онаси ўлиб қолган. Бир айри (ўркачли) туяси бор. Эртадан кечгача ўшани миниб юради. Туядан бўшаган пайтларида болаларнинг ёнига келиб, болалар билан ўйнайди.

Ибод эса колхозда ҳам ишламайди, уй ишларига ҳам қарашмасди. Ҳамиша тушкун аҳволда юрарди. У шўрликнинг руҳини кўтарадиган одам ҳам йўқ. Унинг хизматини Шариф аканинг хотини қилади. Яхши сўзни Шариф аканинг онаси айтади. У қундузи ҳам, кечаси ҳам болаларнинг олдига келмайди.

Раҳмат эса биз қатори бўлса ҳам ота-онасининг зеркаси. Жуссаси чоққина бола эди. Баъзи пайтлари бизлар билан колхозга ишга чиқарди.

Бобохўжа эса ишёқмасроқ эди. Ўзи тўнгфеъл, уришқоқ, ишламасди. Шуниси қизиқки, бўйи ҳаммамиздан баланд, ўзи семиз бўлса ҳам, уришиб, ҳаммадан калтак еб, йиғлаб юрарди. Бу кичкинагина қишлоқда болалар ўйини жиддий назорат қилинмасди. Улар истаганича шовқин кўтариб ўйнар эдилар. Баъзан катта ёшдагилар – ўсмир бўлиб қолган Омон aka ҳам, уй-жойли бўлган Аҳмад aka ҳам ўйинимизга қўшиларди. Ориф aka эса колхозда ўсмирлар қаторида ишлашига қарамай, бизнинг хонаки ўйинларимизга ҳар доим бош-қош бўлардилар. Бўйи ҳаммамиздан узун бўлиб, болаларнинг олдида чопиб юрар эди. Ўзи ҳам ўн тўрт-ўн беш ёшларга кириб қолган эди-да. Катта ёшдаги болалар қўшилган пайтда биз кўпинча аккол ўйнардик. Унинг “Зувуллат ари” деган шакли кўпроқ ўйналар эди. Бу ўйинда ҳамиша Аҳмад aka бош бўлар эди. У киши акколни ҳафсала билан йўнар, унинг сопини – акколнинг дастасини ўлчаб қирқар, кейин кўк чопонини ечмасдан, чопоннинг этакларини ёйиб, пичоги билан хона қазир эди. Бу ишларни ҳамиша ўзлари бажарар эдилар. Менимча, кичикроқ

болалар бузиб құяды, деб үйласа керак. Шунингдек, үзларининг ҳам бу үйинга қизиқышлари сезилиб турарди. Бизлар “бекінмачоқ” үйинини үйнаганимизда катта ёшдагилар құшилмасди. Одатда, бу үйинни қызлар бошқарапарди. Үзи орамизда қызлар унча күп әмас. Тоҳирнинг икки синглиси. Гул билан Нор, Сарвар. Бахмал кичкина бўлганлиги учун үйинга құшилмасди. Бу үйиннинг саркардаси Гул. Мен Гулни ҳам, Норни ҳам бирдай Гулнор деб чақирапдим. Кўпинча, үйинимиз қизиб турган пайтда Ориф ака келиб, синглиси Сарварни чақириб олиб кетарди...

Бизни – мен билан Тоҳирни колхозга аёллар билан бирга ишлашга бригадир олиб кетарди. Бу ерларда ариқ қазиш анча оғир иш ҳисобланаби, бу ишга аёллар ва болалар жалб этилмайди. Лекин улар ариқ тепасида туриб, қум тортиш ишларидан кўмаклашишар эдилар. Баъзи жойларда қумни икки отиб, далага чиқариш ҳоллари ҳам бўларди. Бу иш асосан эркакларнинг иши ҳисобланарди. Мен асосан, пахта чопигига чиқардим. Бу ерда колхоз даласида ишлайдиган хотинларнинг сони беш-олтитадан ошмасди. Чопик даврида биз икки бола улар билан бирга ишлардик. Менику, отам ишлай олмаганлиги сабабли колхозда ишлатишган бўлишса керак. Тоҳирнинг отаси эса колхоз фаоли, баъзан бригадирлик ҳам қиласди. Шунга қарамай, нима учун Тоҳирни колхозда ишлатишарди, бунга ақлим етмасди. Ёки хўжалигида етишмовчилиги бормикан, дейдиган бўлсак, ўша пайтдаги энг тинч хўжаликлардан бири Тоҳирларнинг хўжалиги эди. Нима бўлганда ҳам колхоз даласида бирга ишлайдиган энг яқин кишим Тоҳир эди. Биз чопиққанымизда, чопиқдан кўра бошқа ишлар кўпроқ топилар эди. Биз асосан хотинлар чопган янтоқларни пахтазорнинг четига чиқариб босар эдик. Кун бўйи деярли шу иш билан банд бўлардик. Агар янтоқни босиб, устига чимми ё кесакми бостирилмасак, шамол учирниб уни яна экинлар орасига киритади. Бу шу ердаги иккинчи чопиқни оғирлаштиради. Пахтазордан янтоқни олиб чиқиб ташлаш учун гужим тўпдан, яъни гужим дараҳтидан кесиб олинган ҳачча (айри)

таёқдан фойдаланаар эдик. Янтоқ чиқариш ғұза чопишдан осонроқ бўлса ҳам биз учун мاشаққатли томони қўл ва оёқларга тиканнинг кириши эди. Янтоқ баъзан оёқларимизга, баъзан қўлларимизга кириб азоб берарди. Бир бригаданинг аёллари пахтадан чопган янтоқларини чиқариб улгурмас эдик. Улар янтоқларни кичик-кичик даста (тўда) қилиб қўяр эди. Бу бизларга нисбатан енгиллик туғдиради. Бизлар бу дасталарни чиқариб улгурмасак, Тоҳирнинг отаси Зойир ака (у киши бригадир) бизга кўмаклашарди. Бригадиримизнинг бу пахта майдони қишлоғимизнинг кунчиқиши томонида, Фўлбор (Гулбар) тепасининг жанубида жойлашган эди. Бу ерларда эса янтоқнинг жуда кўп бўлиши табиий эди.

Бизларнинг ёқадиган ўтинимиз ҳам янтоқ эди. Ёзда янтоқларни пахтазордан олиб чиқиб ташлаган бўлсак, қиши келгач ўша янтоқларни уйимизга орқалаб ташир эдик. Тоҳир учун бу иш доимий бўлмаса ҳам, мен учун доимий иш эди. Чунки бизникоидан бошқа ёқадиган ўтина йўқ эди. Пахта терилгандан кейин ғўзапоя ҳам тердик. Бироқ у ҳам менинг кучимга яраша йигиларди.

## ҲАШАРДА

Бу ўринда ҳашар ҳақида гапиришдан олдин мактабга борганим ҳақида сўзламоқчиман. Мен бу қишлоққа кўчиб келмасимииздан олдин ҳам мактабга борганман. Бу колхозлаштириш йиллари бўлса керак. Мирзо машкобнинг ҳовлиси ёнидаги узун бир оғилда мактаб очилди. Бу ерга қишлоқнинг ҳамма болалари тўпландилар. Бу мактабда катта болалар ҳам, кичик болалар ҳам ҳамма бирга қўшиб, араплаш ҳолда хонага киритиларди. Ҳеч қандай гуруҳлаш деган нарса йўқ эди. Мен у ерда ҳарф ўрганган эмасман. Ўқитувчимиз расм кўрсатар эдилар. Қизиқ-қизиқ расмларни томоша қиласар эдик. Мактабимиз қозоқ тилида эди. Мен эса қозоқ тилига тушунмасдим. Ўқитувчимизнинг фамилияси Товоқбоев эди. Бу киши бизларга нима ўргатган экан?

Лекин расмлар күрганим худди бугунгидек эсимда. Бир расмни күрсатиб, иккинчисига мослаштиармиди-ей. Бу бир топишмоққа ўхшаган нарса эди. Қандай қилиб бўлса ҳам болаларни ўзига торта олган бўлса керак.

Мактаб қоронғи, ахир у оғилхонада – мол бойланадиган жойда эди-да. Мен кичик пайтимда ўзимизнинг меҳмонхонамиизда биринчи мактаб очилган эди. Биздан катта болалар шу мактабга қатнарди. Лекин мен бу мактабда ўқиган эмасман. Шундай бўлса-да, шу мактабдан пионерлар горнининг овози менинг хотираамда сақланиб қолган. Уни катта болалар чалишарди. Баъзан менга ҳам чалиб кўриш учун беришар эдилар.

Мен мактабга бормасимдан аввал ҳарфларни тўлиқ ўрганиб бўлган эдим. Колхозлаштириш йилларида саводхонликка ҳам эътибор берилганлиги маълум. Бу пайтда ҳукумат қозоқ педбилим юртининг студентларидан (tinglov-chilariidan) фойдаланган. Улар ҳовлиларда юриб одамларни савод чиқаришга ўргатган. Ана шундай ўқитувчилар бизнинг ҳовлимизга ҳам борар эди. Бизниги борадиган ўқитувчи боланинг исми Назаров Абдурайим эди. У ҳовлимиздаги ўқиши ёшидаги кишиларга ҳарф ўргатиш билан банд бўлар эди. Бу машгулотларга отам, онам, амаким, мен ва Туробдан бошқа ҳамма қатнашарди. Мен ҳарф ёзишни опаларимдан ўрганиб олардим. Уларга ўқитувчиси қанча ҳарф ўргатган бўлса, мен ҳам шунча ҳарф ўргандим. Лекин уни қўшиб ёзиш ёки ўқишдан аслло хабарим йўқ эди. Бу ҳақда ҳатто ўйлаб ҳам кўрмаган бўлсам керак. Бироқ мен ўзимни жуда “билимдон” ҳисоблар эдим. Кейинчалик билдимки, биз ўшанда қозоқ алфавитидаги ҳарфларни ўрганган эканмиз.

Занданида турганимизда биз яшайдиган қишлоқ билан қўшни Опандар қишлоғи битта колхоз ҳисобланарди. Опандар қишлоғидаги мактаб тожик тилида эди. У ҳақда кўп нарса билмайман. Мен ўртоқларим билан Арвозжи қишлоғидаги мактабга қатнай бошладим. Бу мактабдаги ўқиши ўқитиш ишларида баён қилишга арзийдиган ҳеч нарса йўқ.

Бу мактабдан хотирамизда узоқ сақланиб қолгани – Қизилкүм ичидаги ҳашарлар.

Мактабга Тоҳир, мен ва Раҳмат бирга қатнар эдик. Биздан каттароқлар ҳам, кичиклар ҳам, қизлар ҳам мактабга қатнамас эди. Бу мактабда қишлоқлик Ота деган боланинг исми хотирамда сақланиб қолган. Мактаб бир кишининг ташқари ҳовлисидаги меҳмонхонада жойлашган эди. Меҳмонхона деворига доска қоқилган. Мактабда парта йўқ. Паст-баланд қозиқлар қоқилиб, устига тахта урилган. Болалар паст тахталарда ўтириб, баланд тахталарга дафтар, қофоз қўйиб ёзадилар. Кўпинча биз ёз пайтида ўқитувчимиз раҳбарлигига саксовулнинг уругини териб, тўплаймиз. Бу иш ҳатто бутун ёз бўйи давом этади. Бу мен биринчи бор иштирок этган ҳашар бўлади.

Биз ҳашарга чиққан бу ерларни “Қум босди” деб ҳам номлайдилар. Чунки Қизилқумни азалдан кўчманчи қум деб атайдилар. Бу ерларга ҳам ана шу кўчманчи қум шимолдан XX асрнинг бошларида кўчиб келган бўлса керак. Кўчманчи қум озгина шамол бўлса кўчиб келаверади. У шу кетишида йўлида нимаики бўлса, босиб қолади. Баъзан бутун бошли шаҳарлар, қишлоқлар, ўтлоқларнинг қум остида колиб кетиши ҳеч гап эмас эди. Баъзида қум босган жой кейинчалик очилади ҳам, лекин у харобага айланив бўлган бўлади. Чунки қудуқлар кўмилиб, сув йўллари – ариқлар текисланиб кетган бўлади. Бу жойлардаги одамлар қумнинг бу “қилиғи”га ғазаб билан қарап, обод қишлоқларини қумдан сақлаб қолишнинг йўлларини излашар эдилар. Мен бу нарсани кейинроқ пайқадим. Қумни тўхтатишнинг бирдан-бир йўли унинг йўлини дараҳт билан тўсишдан иборат. Қандай дараҳт қумда ўсиши мумкин? Албатта, фақат саксовул. Саксовул ҳам қумнинг, ҳам шамолнинг йўлини тўсади. Қизилқумда саксовулни бу қадар кўп экишга ҳаракат қилинишининг боиси ҳам шунда. Бизнинг мактабимиз Арбоб ҳожи қишлоғига эди. Бу қишлоқни эса қум шундоққина елкасидан босиб турарди. Биз мактаб ўқувчилари шу жойнинг ўзида етиштирилган саксовул уругини териб,

тўплаганимиздан кейин уни самолётда қумнинг ичкари қисмларига сепиб келишпар эди. Кўриниб турибдики, қумга қарши курашда мен ҳам оз бўлса-да ўз ҳиссамни қўшган эканман. Мен терган саксовул уруғидан саксовуллар кўпайиб, қумнинг йўлини тўсган. Бу эса эслашга арзигулик бир иш.

## АЧЧИҚ ЖУДОЛИК

Қиши кунлари эди. Печка деган нарсанинг ўзи йўқ. Ҳамма сандалда исиниб ўтиради. Бироқ сандалдан эҳтиёткорлик билан фойдаланиш керак. Кузнинг аёзли кунларидан бирида ана шундай сандаллардан бирида Темир бобо куйиб, вафот этди. Бу воқеа қишлоғимиз учун яхши иш бўлмади. Бобога ҳамма бирдай ачинди. Бу қишлоқнинг энг каттаси шу Темир бобо бўлса керак. У киши Жўра бободан ҳам, менинг отамдан ҳам катта эди. Айтишларича, Бобо кечқурун сандалга чўф солиб, кечқурун якка ўзлари шу сандалда ухлаганлар. Кўрпанинг бир учи чўққа тегиб қолган бўлса керак. Кейин сандал ва кўрпадан аланга кўтаришган, бобо эса олов ичидаги қолиб кетган. Соч-соқоллари, қошлири куйган. Тана терилари ҳам куйган бўлиши керак. У киши ўт ичидаги ўзини меҳмонхона ташқарисидаги ҳовузга отган. Ўт балосидан қутулган. Биз болалар бобонинг куйганини, куйиб, харобага айланган меҳмонхонани эрталаб кўрдик. Темир бобо жароҳат ичидаги уч кун азоб чекиб, вафот этди. Бу жудолик у кишининг қизи – Тоҳирнинг онасига қаттиқ таъсир қилди. Бу аёл жуда оққўнгил, меҳрибон, хушмуомала эди. Айниқса, болаларга алоҳида эътибор берар эди. Мени ўзининг ўғли Тоҳирдек яхши кўради. Шунинг учун бўлса керак, у кишининг қиёфаси хотирамда аниқ сақланиб қолган.

Ўша йили қаҳратон қиши кунларига Тоҳирларнинг оиласида яна бир жудолик рўй берди. Бу ўлим уларга қандай таъсир этган бўлса, мени ҳам ҳудди шундай изтиробга солди. Мен энг яқин кишим, жўрам, ҳамтенгим, бошқа жўра-

ларимдан ҳам менга яқинроқ бўлиб қолган Тоҳиржондан ажралиб қолдим. У тўрт-беш кун касал бўлиб ётди-да, бу дунёни ташлади-кетди.

Орадан йиллар ўтди. Лекин ҳар доим у билан бирга колхозда ишлаган дамларимиз, болаликнинг шўх кўчаларини чангитиб чопиб юришларимиз менга олис армондан бошқа нарса эмаслигини ҳис қиласман. Эҳтимол, Тоҳир тирик бўлганида, бошқачароқ бўлармиди.

Тоҳир вафот этганидан кейин мен ўзимни қишлоқда ёлғиз сеза бошладим. Энди на ишимнинг, на ўйинимнинг тайини бор эди. Мен ишга бир ўзим борардим, болаларнинг ўйинига қўшилмасдим. Деярли бир йиллар чамаси ана шу аҳволда юрдим. Фикрларим ҳам анча ўзгарди. Тўғрисини айтсам, шу мавзуга қўйган сарлавҳам ўзимга ҳам ёқмайди. Лекин ҳақиқат қанча аччиқ бўлмасин, у керак. Шу йили бизнинг оиласада ҳам иккита оғир жудолик юз берди. Аввал Худойберди акам “синглисими сотти” деган бўхтон билан қамалди. Қамоқда вафот этди. Унинг устига Ҳолбой қассоб амаким ўз оила аъзолари билан бизнинг олдимизга кўчиб борди. Чиннихол янгам ҳам отаси билан борган эди. Кўп вақт ўтмай Мизамуродов Қудратга эрга тегиб олди. Бу биз учун тирик жудолик эди. Мен бу мусибатларнинг ҳаммасини йиғи-сифисиз ўтказиб юбордим. Отамнинг ҳам қариб қолган бўлишларига қарамай кўз ёш тўкканларини кўрганим йўқ. Мусибат оғир эди.

## ҚУМ ИЧИДАГИ ҚИШЛОҚ

Ёз ойлари эди. Ҳаво иссиқ, қум эса қизиб кетган кунларнинг бирида отам мени тамомила қум босган бир қишлоққа олиб борди. Бу биз яшаб турган қишлоқнинг кунботиш томонида – Қизилқумнинг қоқ ўртасида эди. Биз ҳовлидан эрталаб чиқдик. Бир чақирим юрмасданоқ, Малгита қишлоғидан фарбга қараб қумга кириб кетдик. Озгина вақт ўтмасданоқ қуёш қиздира бошлади. Мен шундай иссиқ пайдада қум ичидаги юрганимиздан норози эдим. Отамнинг кай-

фияти эса аксинча анча күтаринки эди. Бунинг сабабини мен кейин, жуда кўп вақтлар ўтгандан кейин англадим. Биз қишлоққа пешин пайтларида кириб бордик. Қишлоққа бориб, бир қудуқнинг олдида тўхтадик. Қудуқ қум босиб қолган ариқ харобалари олдида эди. Қудуқ сувидан бизнинг уловимиз (иккаламиз бир эшакни миниб борганмиз) ҳам баҳраманд бўлди. Бу қишлоқда отам иккимиз ўрта ёшлардаги бир кишининг меҳмонхонасида меҳмон бўлдик. Ўша кеча шу ерда тунаб қолдик. Қишлоқнинг кўриниши жуда ачинарли аҳволда эди. Ҳовлилар мутлақо кўринмасди. Бор ҳовлиларнинг, ҳатто уйларнинг белигача қум босиб туради. Ариқ харобалари олдида ўсган тутларнинг фақат бошлари кўриниб туради. Узумзорлар қум остида қолиб кетган. Токнинг бир томони очиқ бўлиб кўринса, иккинчи томони қумнинг ичиди. Биз меҳмон бўлган кишининг айтишига қараганда, қум қишлоқни кузда сентябрь ойларида босган. Бу пайт узумнинг фарқ пишган вақти бўлган. Одамлар қаҳратон қиш кунлари ҳам ток устидаги қумларни очиб, остидан узум олиб ейишган экан. Мен болаларга хос ақлим билан қишда ҳам узумни узиб олиб ейиш мумкинлиги ҳақида ўйлаб, кейинроқ бунга жавоб топдим. Лекин ана ўша қишлоқнинг номи, биз меҳмон бўлган кишининг кимлиги, бизга қандай қариндош эканлиги, бу қишлоқ аҳолисининг кейинчалик қаерга кўчиб кетганлиги ҳақидаги саволларимга ҳали ҳам жавоб тополмайман.

Бу сатрларни ёзар эканман, отамнинг бир гапи қулоғим остида ҳозир ҳам жаранглайди. Қум босган қишлоқдан қайтиб келаётганимизда отам менга:—Солиҳон, менинг отабоболарим шу ердан Конимехга қум босгандан кейин кўчиб борганлар. Аслида бизнинг ота қишлоғимиз шу ер, - деб уҳ тортиб қўйдилар.

Отам бу гапларни айтганларида, мен унчалик эътибор бермаган эканман. Йиллар ўтиб, уларнинг сўзларига қанча мashaққат, азоб-уқубат сингиб кетганини англадим. Обод ўлкаларни даҳшатли қум босиб келаётган бир пайтда қаерга боришини билмай, юз чақирилмаб йўл юриб сарсону сар-

гардон бўлиб, яшашга жой излаб қум саҳросида дарбадар юрган аждодларим ҳоли бугун менга аён. Отамнинг уҳ тортишининг ўзи кўп маъно англатганини билдим. Чунки кўчманчи эл бирор жойга борса, ҳеч ким унга яхши жойдан ер бериб қўймайди. Улар бир амаллаб кун ўтказиб туриш учун кўл ёқасига ўрнашадилар. Кейинчалик отам у жойларни обод қилиб юборганлар.

Мен тарих фанлари доктори, профессор Яҳё Фуломовнинг бир илмий мақоласини сира ёдимдан чиқармайман. Унда айтилишича, Зарафшон қачонлардир ўз сувини Амударёга қўйган. Бухоро билан Хиванинг ўртаси эса яшил водийдан иборат бўлган. Буни мен исботлай олмадим. қариб қолдим, лекин шогирдларим бу ишнинг уддасидан чиқадилар,— деб айтган эди.

Халқ орасида:—Утмишда Бухородан томга чиқилса, Хивагача томма-том юриб бориш мумкин экан,— деган гап ҳам бор. Ёки ҳозирги Бухоро билан Хива оралиғида олиб борилаётган қазув ишлари ҳам буни қисман бўлса-да исботлайди. Шулар билан бирга, 1969 йилдаги қалин қор ёқсан қаттиқ қишини эслайлик. Ўшанда қор қалин ёғди. Сувлар музлаб қолди. Ер бетига жуда кўп сув тўпланди. Март ойларидан бошлаб эриб оқа бошлаган сувлар Зарафшон дарёсига сифмай, бутун водийни тўлдириб ғарб томонга қараб оқди. Бу сув Қоракўл ҳавзасини, Мақан кўли ҳавзасини тўлдириб, Қизилқум саҳросини босиб оқиб ўтди. Бу ҳам шуни кўрсатадики, Бухоро билан Хива оралиғи қачонлардир ям-яшил водийдан иборат бўлган. Бу гўзал водийни Қизилқум саҳроси ютиб юборган. Менинг аждодларим мана шу қум саҳроси босиб ётган водийда яшаганлар...

## ЯНЛ ҲАШЛАРДА

Файзулла Хўжаев номли колхозга Адиз ака деган киши ферма мудири бўлди. Албатта, бу ферма қуй фермаси бўлса керак. Бу кишининг юқорида мен номларини келтирган қишлоқларнинг қайси биридан эканлигини билмайман. Бу-

лар ферма мудири бўлиб келганларидан кейин, қишлоғимиздаги ариқ бўйидан, Эгамберди бобонинг ҳовлиси ёнидаги бўш майдонга келиб ҳовли қилди. Ҳовлиларининг ҳаммаси чўпкори эди. У киши чўпларни танлаб бўлганларидан кейин лой ишини бошлаб юборди. Лойга қишлоқ йигитлари айтилган. Куз пайти. Ҳаво бир оз совуқроқ. Мен ҳам шу ҳашарда катталар билан бирга биринчи бор иштирок этдим. Кўмак ҳозирги конвейр усулида борар эди. Бир томонда лой тайёрланади, иккинчи томондан кесак келтирилади. Бирор кесак уради, бошқаси ана шу устага кесак олиб боради. Бошқа бирор лой олиб берар, уста эса лой билан кесакни қалаштириб уриб борар эди. Бу ерда бундай усталардан бир неча киши ишларди. Яна бир томонда усталар қулоқчинлик (чўп орасида қолиб кетган жойларни ғишт ёки кесак билан тўлдириш) қилар, қолганлари панжакашлик (сомонли лойни панжа билан олиб деворни суваш) қилишни бошлаб юборган эдилар. Мен усталарга лой ва ғишт олиб борувчилар сафида ишладим. Бу кунги ишимиз эрталабдан кечгача давом этди. Кечқурун ҳаммамиз дастурхон атрофига тўпландик. Тўпланганларнинг энг кичиги мен эдим. Шунинг учун ҳам пойгакда сиқилиб ўтирас эдим. Тўғрисини айтсан, ўзим ҳам ориққина, анча нозик бола эдим. Бу аҳволимни кўрибми ёки ўтирганлардан бирортаси мени камситдими, билмадим, бирдан Адиз ака мени мақтай кетди. Улар мени кўрсатиб: - Бу бола, ўзи кичик бўлса ҳам, баракалла, ҳаммангиздан кўпроқ ишлади, - дедилар. Улар бир оз муболага қилган, чунки бу ерда усталар, мендан катта лойчилар бор эди. Мен улар қилган ишни бажаролмайман. Бироқ ёшимга, жуссамга нисбатан олгандан, қилган ишим мақтовга арзигулик бўлганини ўзим ҳам яхши билардим. Адиз ака менинг шу кунги ишимга тўғри баҳо берган эди. Гўё шу нарса менинг кейинги ишларим учун ойдин йўл бўлиб хизмат қилди. Тўғриси, ўшандан бошлаб меҳнатга ихлосим баланд. Умуман, шу нарсани ҳеч қачон унутмаслик керакки, ҳалол меҳнат кишини камолга етказди.

## ШИРИН СҮЗ

Мен Занданида отам билан бирга яшаган пайтларимда хеч нарсага муҳтож бўлмасам-да, кўп сиқилардим. Ўша пайтларда кўнглим ниманидир, кимнидир тусарди. Бу албатта, яқин қариндошларимни ва яқинда вафот этган онамни қўмсанш чоғларим бўлган бўлса керак. Лекин айнан ўша пайтларда бунинг нима эканлигини ўзим ҳам тушуниб етмаганман. Бу ерда мени ўқиш эмас, балки кўпроқ меҳнат овунтиради. Ўқиш деганда эса мен кўпроқ мактабдан чиқиб, саксовул теришдан бошқа нарсани эслай олмайман. Мен аввал ҳам айтиб ўтган бўлсам керак, колхозда ишлашдан ташқари уй ичидаги икки кишилик рўзгорни ҳам юритардим. Қўшнилар нонимизни ёпиб беришарди. Бу пайтларда ўзи янги кийим тикилганини ҳам эслай олмайман. Баъзи йиртилган кийим-кечакни ямаш, кир ювиш, овқат пишириш, қозон-товоқ ювиш, уйда нон бўлмай қолганда қотир қотириш, сув ташиш, чой қайнатиш – буларнинг ҳаммаси менинг бўйнимда эди. Албатта, менга отам кўмаклашар, ҳар доим бош-қош бўлар эдилар.

Куз кунлари эди. Уйимизга уч киши меҳмон бўлиб келди. Уларнинг ёши каттаси Бобоқул бобо эди. Улардан кичроғи Жумабой тоғам ва ниҳоят, энг кичиги Уста Жума Камолов эдилар. Улар отамни кўришга ва шу билан бирга оғайнилариникига ҳам меҳмон бўлиб келишган эди. Булар даставвал бизницида тўхтадилар. Биз уларни баҳоли қудрат қутиб олдик. Бизницидаги меҳмондорчиликдан кейин улар бошқаларникига ҳам меҳмон бўлишга отландилар. Мен уларнинг Холбой қассоб амакимницидаги меҳмондорчилигини баён қилмоқчиман.

Холбой амакимнинг рўзфори бизларникига қараганда анча оғир эди. Бизницида оила шаклини мен ва отам сақлаб турадик. Чунки бизнинг хўжалигимиз аъзолари, асосан, Конимехда, баъзилари турмушга чиқиб кетган эдилар. Оиласизнинг энг кичиги Туроб тоғаси Асил Қурбоновнинг, кейинчалик, бўлам Ражабов Сапарнинг қўлида яшар эди.

Амаким оиласида ўзи, кампири, қизи Чинни, ўғиллари Облоқул, Эгамберди, Худойқул, кичик қизи Хадича билан бирга туришарди. Бу етти кишилик оила ўша пайтларда катта оила ҳисобланарди. Бу оиладагиларнинг кўпчилиги меҳнат қилиш қобилиятига эга эдилар. Ўша пайтларда факат Хадича ва Худойқул ишламасди. Қолганларнинг ҳаммаси иш билан банд эди. Амаким қассобчилик билан шуғулланарди. Бундан ташқари, бозорчилик ҳам қиласарди. Улар қассоб бўлиб гўшт сотмас, балки одамларнинг молини сўйиб берар эдилар. Бозордан тайёр ун олиб, нон пишириб сотар эди. Уларнинг бозорчилик қилишларига ўғиллари Облоқул ва Эгамберди ёрдамлашар эди. Бозордан келтирилган ундан уйда нон пиширилар, кейин эса уни чорбозрга: Хўжа Ориф – Шоғиркон, Вобкент, Ромитан, Зандани бозорларига олиб бориб сотишар эдилар. Бозор ҳафтасига бир кун эмас, балки навбати билан ҳар куни бўлар эди. Бозор қилишдан улар, албатта, даромад кўрган бўлсалар керак. Бўлмаса шунча ортиқча меҳнат сарфлашмас эдилар. Амакимнинг меҳнати ҳам, даромади ҳам, харажатлари ҳам бизнидан ортиқ эди. Шундай бўлса-да, келган меҳмонлар ёши улуғ бўлганлиги учун бўлса керак, биринчи бўлиб отамни излаб келишардилар. Бундан ташқари, бу меҳмонлар орасида менинг түққан тоғам Жумабой Эргашев бор эдилар. Шу ўринда номларини тилга олганим Бобоқул бобо ҳақида, у кишининг меҳнатлари ҳақида қанча кўп гапирам ҳам арзийди. Лекин улар ҳақидаги ҳикоямни кейинга қолдириб, меҳмонлар ҳақида гапиришга мажбурман.

Меҳмонларимиз бир неча кун турганларидан кейин, ниҳоят, уйларига қайтмоқчи бўлишди. Меҳмонларимиз биз билан хайрлашиш тараддудига тушиб қолдилар. Хайрлаша туриб уста Жумабой отамга қараб: – Абдикарим ака, сиз анча ёшга бориб қолдингиз, қаридингиз (отам бу пайдада, яъни 1933 йилда олтмиш тўққиз ёшларда бўлса керак). Солиҳни ҳар жойда олиб юриб, ўқишидан қолдирманг, Жумабой тоғасининг қўлига беринг, бир жойда туриб ўқисин, ўқиса яхши, – десалар бўладими. Бу сўзлар ҳали-ҳамон қуло-

ғимдан кетмайди. Шу сўзларни айтганларидағи ҳолати ҳали ҳам хотирамда. Ўшанда меҳмонларни кузатишга ҳамма қариндош-уруглар чиққан, уста Жума эса эшагининг бўйнидан чап қўли билан ушлаб, халачўпини ушлаб олган ўнг қўли билан эшак тўқимини тўғирламоқчи бўлгандай бошини чап томонга қийшайтириб, бир оз ийманиброқ туриб шу гапни айтган эди. Шу-шу бўлди-ю, мен уста Жумага бошқача қарайдиган бўлдим. Мен уларни қаттиқ ҳурмат қилиб қолдим. Баъзи камчиликларини унугиб ҳам юборганман. Балки бу айтилган гаплар уста Жуманинг ўз фикрлари эмасdir. Балки Жумабой тоғам отамга бу гапни айтишга уялганларидан, улар орқали айттиргандир. Буёғи менга қоронғи. Нима бўлганда ҳам бу гап менинг дунёимни ўзгартириб юборди. Улар жўнаб кетгандан сўнг отам иккимиз ўз жойларимизни соғиниб, ўша ерга кетгимиз келиб яшаб юрдик. Лекин ўша йил қишини шу ерда ўтказдик. 1934 йилнинг баҳорида отам билан икковимиз Конимехга қараб йўл олдик.

Бизлар Занданида Арбоб Жўравой деган қариндошимизнинг уйида турганмиз. У кишининг ичкари ва ташқари ҳовлиси бўлиб, ташқари ҳовлисида бир меҳмонхона ва бир даҳлиз ҳамда молхона бор эди. Ичкари ҳовлисида эса кунчиқарга қараб қурилган бир ҳовли ва бир даҳлез жойлашган. Унда Арбоб Жўравой хотини, ўғли Ориф ака, қизи Сарвар билан бирга туришарди. Бу аёл – Жўравой аканинг бу хотини Ориф акага ўгай эди. Бу ҳовлида яна бир уй, бир ҳовли жойлашган бўлиб, у ерда Арбоб Жўравойнинг Муродбой исмли укасининг кампири, Муродбойнинг ўғли Шариф ака, Шариф аканинг хотини, Арбоб Жўрабойнинг қизи, Ориф аканинг опаси, Шариф аканинг қизи Бахмал, ўғли Зариф, яна бир қариндошларидан қолган Ибод исмли бола (у мен қатори эди) яшарди. Мен бу ерда яшаганимизда Шариф аканинг хонадонига тез-тез кириб турар эдим. Шариф аканинг хотини, Зарифнинг онаси жуда яхши, камтар аёл эдилар. Мен билан отамга жуда кўп яхшиликлар қилган. У киши нонимизни ёпиб берардилар. Баъзан кир-

ларимизни ҳам ювиб берардилар. Қишининг совуқ кунларида мен тез-тез шамоллаб қолардим. Бундай пайтларда шу янгам мени сандалга солиб, орқаларимни уқалаб, то оғриқларим қолмагунича ўша ердан кетказмас эдилар. Бир оз тузалганимдан кейин, сандалда қуриган кийимларимни кийдириб, далада ўйнаб юрган болаларнинг ёнига юборар эдилар. Менинг онамдан жудо бўлиб, бошимдан машақ-қатлар ўтказиб юрган чоғимда уларнинг менга қилган ғамхўрликларини асло унутмайман. У кишиларни жуда кўп эслайман. Афсуски, шу ердан кетганимиздан кейин у кишини қайта учратмадим. Орадан бир неча йил ўтганидан кейин уларни излаб Занданига борсам, у киши вафот этиб кетган эканлар. Ҳозирги пайтда уларнинг қизи Баҳмал оиласи билан Бухорода туради. Ўғиллари Зарифни ҳам тез-тез кўриб тураман. У оиласи билан ўз қишлоғида яшайди.

Арбоб Жўрабой бобо анча кексайиб қолган бир киши эди. Отамдан ҳам катта бўлса керак. Мен у кишининг бирортасига сал қаттиқ гапирганини кўрмаганман. Бу эҳтимол кексалигидандир, эҳтимол табиати юмшоқ одам бўлгандир. У киши урушдан олдинроқ вафот этиб кетди. Уларнинг кампири эса 60-йиллар арафасида вафот этди. Қизлари Сарвар ҳаёт, Опандар қишлоғида яшайди.

Ориф ака биздан тўрт-беш ёш катта йигит эди. 1932 йиллар бўлса керак, отаси Ишком деган қишлоқдаги бир қариндошининг қизига айттириб қўйди.

## ИШКОМДА

Ишком сўзи узумзор деган маънони англатса керак. Бу ер ҳам биз яшайдиган Қорақалпоқ қишлоғи сингари кичкинагина қишлоқча. Авваллари мен бу ерни билмасдим. Ез кунларининг бири эди. Ориф ака мени Ишком қишлоғига олиб бормоқчи бўлдилар. Биз йўлда қишлоқча қараб кетяпмиз. Иккаламиз иккита эшакни миниб олганимиз. Анча йўл юриб, ниҳоят Ишком қишлоғига кириб бордик. Боргунимизча кўпгина қишлоқларнинг ичидан ҳам анчагина

юриб ўтдик. Йўлда кичик-кичик кўллар ҳам учраб турди. Ишком бир тепанинг ёнида, кўл бўйида жойлашган қишлоқ экан. У ерда бизни Ражаббой исмли бир йигит қарши олди. Биз кириб борган ҳовли ҳам ўша ердаги бошқа ҳовлилар қатори ичкари ва ташқари ҳовлилардан иборат экан. Менга биз борган ҳовлидаги ҳамма иморатлар паст-паст қилиб қурилгандай туюлди. Кейинчалик билсан, чиндан ҳам ҳовлидаги иморатлар паст-паст қилиб қурилган экан. Биз ташқари ҳовлига жойлашдик. Шундан кейин Ражаббой аканинг биз билан иши ҳам бўлганий йўқ. Ориф аканинг эса ўйин билан иши йўқ, у кишининг бутун фикри-зикри бир илож қилиб, ичкари ҳовлига киришдан иборат бўлиб қолган. Хўш, мени у ерга олиб борган кишининг қиласидиган иши шу бўлгандан кейин мен нима ҳам қиласдим. Мен ҳам Ориф акага эргашаман. Ичкари ҳовлига бостирма – айвоннинг тешикларидан, пастак деворларга осилиб қараймиз. Ичкарида кўзлари ўйнаб турган сариқ қизни кўрамиз. Бу қиз Ориф аканинг қаллиғи экан. У ҳам бизларни кўрганда гоҳ қочиб уйга кириб кетади, гоҳ мўралаб қарайди. Мен биринчи марта бундай ҳолатни кўришим. Ориф аканинг нима мақсадда мени Ишкомга “қариндош кўришга” олиб келгани менга энди аён бўлиб қолди. Мен кейинчалик халқ орасида тарқалган бир қўшиқни эшитганимда, негадир ўша воқеа ёдимга тушади. Бу қўшиқни сиз ҳам эшитгансиз. У шундай эди:

*Эшик олди сарҳовуз,  
Гул теграни келганимиз,  
Гулни баҳона қилиб,  
Ёр кўргани келганимиз.*

Қидириш, меҳмонга келиш бир баҳона, асл мақсад қиз кўриш экан, ўшанда. Орадан йиллар ўтиб кетди. Мен бу воқеани Ориф акага ва девордан биз томонга қарашга журъат этган янгамга айтдим. Улар ҳаётларидан жуда мамнун. Бир неча фарзандлари бор. (Бир қизлари вафот этган.) Бир қизларини 1970 йилда турмушга беришди.

## ЖОГАРИ – АРАБЛАР ҚИШЛОГИ

Жогариди асл Арабистондан келиб қолган араблар яшайди. Буларнинг мен биладиган иккита қишлоқлари бор. Булар Вобкентдан икки километрча шимолда кейин жойлашган. Бу қишлоқларни шарқдан фарбга қараб кесиб ўтадиган катта бир ариқ оқади. Ариқнинг ҳар икки томонида қишлоқ аҳолиси яшайди. Ариқнинг шарқида Жогари, фарбида Чагдари қишлоқлари жойлашган. Бу ерда яшайдиган араблар аслида араблар истилоси даврида бу ерларга келиб қолган бўлишлари керак. Ҳозиргача қанча вақт ўтган бўлишига қарамай, улар ўз она тили – араб тилида сўзлашадилар. Уларнинг тили бизнинг туркий тилдан ҳам, форстожик тилидан ҳам тамоман фарқ қиласди. Албатта, уларнинг араб тилида мактаблари ёки расмий муомала қиласдиган давралари йўқ. Лекин шундай бўлса-да, улар оиласда бир-бирлари билан шу тилда сўзлашадилар. Бу қишлоқдагиларни икки тилли аҳоли, яъни араб ва ўзбек тилида сўзлашадиган кишилар, деб айтиш ҳам мумкин. Шунингдек, улар орасида кўпгина бухороликлар сингари тожик тилини билувчилар ҳам оз эмас.

Мен отам билан бир сафар Жогариди Қосим деган кишининг уйига келиб тушган эдик. Жогарилик арабларнинг кўпчилиги отам билан қадрдан эдилар. Шулардан Қосим амаки, Тойча бобо, Бобо Хидир, Бобо Хидирнинг ўғиллари Ҳамза ва Мурод акалар ўша ерлик мен танийдиган қадрдан кишиларим эдилар.

Тойча бобо – жуда кекса одам эди, кампири ҳам ўзига яраша. Уларнинг фарзандалари бўлмаган. Тойча бобонинг кампири Қосим амакининг опаси бўлса керак. Буларнинг ҳовлиси ариқнинг жануб томонида эди. Бир-бiri билан борди-келдилари жуда яхши эди. Биз меҳмон бўлган ҳовлида Қосим ака ва у кишининг аёли, Бобо ва Хайрулла исмли икки ўғли яшардилар. Бобонинг хотини, яъни келинлари ҳам бор эди. Қосим амаки жуда яхши одам эди. Бир неча кун биз у кишининг меҳмонхонасида турдик. Доимо

отам билан суҳбатлашиб ўтирар, отам билан кимларники-гадир меҳмондорчиликка бориб келишарди. Қосим амакининг ўғиллари Бобо оиласдагиларнинг ҳеч бирига ўхшамас эди. У ҳеч ким билан яхши муомала қилмас эди. Ҳамиша қовоғи солинган, одам билан жуда кам гаплашадиган, ўйин-кулгини билмайдиган йигит эди. Жисмонан соғлом бўлиб кўринса-да, юз тузилишида нимадир етишмас эди. Унинг пешанаси кенг ва дўнг, ияги ингичка ва узун, оғзи катта ва ичига кириб кетган эди. Қилифи ва сўзи кишига ёқмас, ўзича бир одам эди. Укаси Хайри тамоман унинг акси. Афт-ангари ҳам, қилифи ҳам, сўзи ҳам, одам билан муомаласи, ҳам бутун характеристи ҳам Бобонинг тескариси эди. Бу оиласда менга Хайри жуда ёқиб қолган эди. Бобонинг хотини ҳам ўзи каби камгап, индамас, ёшгина келинчак эди. Унинг иягида кишининг ёдида коладиган даражадаги холи бор эди. (Бу киши ҳозир (1971 й.) ҳам ҳаёт.) Қосим амаки ва у кишининг аёли ҳақида ҳозир нимани ёзишни ҳам ўйлаб турибман. Чунки уларнинг қиёфалари, феъл-атфорлари хотирамда жуда ҳам яхши сақланиб қолган эмас.

Бобо аканинг умри жуда қисқа экан. Ўша йиллари йигирма икки ёки йигирма уч ёшларида вафот қилди. Улардан фарзанд қолмади. Бу қишлоқда ҳам баъзи ерларда бўлганидек, aka ўлгач, унинг хотинини укасига олиб бериш одати бор экан. Бир қанча вақт ўтгач Хайри акага янгасини никоҳлаб беришибди. Буни мен кўрган эмасман, фақат эшитдим. Уруш бошланганда, Хайри aka ҳам кўплар қатори урушга кетган. Ҳозир у киши хотини бола-чақаси билан бирга яшаети. Бориб кўролганим йўқ. Кўриш орзусидаман. Қосим аканинг авлодлари ҳозир Жогарида яшайдилар.

Биз у ерда турган пайтимиизда Хидир бобонинг фарзандлари Ҳамза ва Муродлар у ерда яшамас эдилар. (Мен Хидир бобонинг ўзларини ҳам кўрмадим.) Хидир бобонинг ҳовлисисда бир қизлари бўлиб, куёви билан шу ерда яшашарди. Уларнинг ҳовлисига бир неча бор борганман. Мурод aka билан Ҳамза aka мени кўргани келдилар. Мен эса

уларни кўриш учун бора олмаганимдан хижолатдаман. Кўнглим уларни кўришни, улар билан суҳбатлашишни орзу қилиб туради. Бу йил албатта бориш орзусидаман. Уларни бориб кўриб, насиб бўлса авлодлари ҳақида ёзиб қолдираман.

Жогарида айтилган бир гап ҳамон хотирамда сақланади. Унинг нима сабабдан ёдимдан кўтарилиб кетмаслиги ни ўзи ҳам билмайман. Воқеани батафсил баён этиб бермоқчиман:

Қосим аканинг тўғри кўчага қараб очиладиган икки та-бақали дарвозаси. Дарвоза олди йўл, ундан кейин катта ариқ оқиб ўтади. Дарвоздан сал нарида бир қозоқ деворга суюниб олиб, олдига майда-чуйдаларини ёзиб олиб кўна (эски-туски нарсалар) ямаб ўтирибди. Олдида ҳали ямалиши керак бўлган бир қанча оёқ кийимлари ётирибди. Унинг ёнида сўзлашадиган ҳеч ким йўқ. Фақат мен қозоқнинг атрофида ўралашиб юрибман. Ҳаво совуқроқ, ямоқчи ўзини офтобга тоблаб, ишлаб ўтирибди. Бир маҳал Қосим амакининг қибла томондаги ҳамсояси (қўшнисининг) уйидан аёлларнинг йиги товуши эшитилди. Йиғига мен унча эътибор бермадим. Чунки бу ховлида ўтган йили ўлган бир кишининг йил ошисини беришаётган эдилар. Ямоқчи қозоқ шу пайт менга қараб:—Ҳой бола, бу овулда нима гап бор, бирор ўлганми, - деб сўради. Мен:—Йўқ, бултур ўлган, —деб жавоб бердим. У эса: “Ўҳ-ҳӯ, бултур ўлган ўликка бу йил йиғлашяптими?” - деди.

Мен унга анқайиб қараб қолдим.

## ТЎҚМАНҒИТ ҚИШЛОГИДА

Бундан олдинги саҳифаларда отамда бундай дарбадар бўлиб юрмасдан, бирор жойда муқим яшаш истаги пайдо бўлганлигини, менинг ўқишим билан қизиқиб қолишганикливарини айтиб ўтган эдим. Мана 1934 йилнинг февраль ёки март ойларида отам мени Жогари қишлоғидан Тўқманғит қишлоғига Жумабой тоғамнинг уйларига олиб кел-

дилар. Бу ерга келишдан олдин биз Чўбалачи қишлоғида яшайдиган Сапарбой бўламникага кириб ўтдик.

Чўбалачи қишлоғи Фиштидан икки километрча узоқда бўлиб, икки руд ўртасида жойлашган эди. Улар Фиждувонга қараб оқадиган Қалқон руд ва Пармас руд эди. Икки руд ўртасида жойлашган қишлоқ энiga юз метрлар чамаси кенгликда жойлашган. Бу ерда уч тўп ҳовли бор. Мана шу торгина жойда қорақалпоқлар яшаганлар. Бу қишлоқ атрофида яшайдиган ўзбеклар қишлоқни – “Чўбалачи”ни “овул” деб атайдилар. Шу сўзнинг ўзи ҳам бу ердаги аҳолининг қачонлардир кўчиб келганидан дарак беради.

Мана шу ерда яшайдиган Ражаб исмли кишига Робия деган қариндошимиз тушган. Бу аёлни мен амма деб чақирадим. Улар эса отамни aka дердилар. Лекин аслида Робия аммам Қозоқ бобомнинг қизлари эмас, балки aka-ука ёки опа-сингилларидан бирининг қизлари бўлса керак. Буни аниқ билмайман.

Бу қишлоқ аҳолиси лухдан кашша тўқиши<sup>6</sup> ва қисман деҳқончилик билан шуғулланар эди. Робия аммам ва Ражабий язнамдан Сапарбой исмли бўлам бор (1972 йилларда ёзилмоқда). Сапарбой бўламнинг Хонча, Зулайҳо исмли қизлари ва Йўлдош исмли ўфиллари бор. Робия аммам эри вафот этгандан кейин Сойит исмли қайнакасига турмушга чиқади. Сойит язнамиздан Душан исмли ўғил кўради. Менинг Наввот опам ёшлигида шу Душан акага айттириб қўйилган эди. Наввот опамнинг бошига тушган фожиалар ҳақида ўрни билан яна гапиравман. Наввот опамнинг ҳаёти оғир аҳволга тушиб қолганда, Душан aka уни хотини Мариямнинг устига иккинчи хотин қилиб олдилар. Лекин улар бирга узоқ яшолмади. Наввот опамнинг борадиган жойи йўқлиги учун Сапарбой бўламникида бир оз муддат яшадилар. Кейин бўлам уни Салим Жўраев деган кишига турмушга бериб юбордилар. Биз ўша Салим акнинг уйидан чиқиб, Конимехга қараб юрдик. Шундай қилиб, Жогари-

<sup>6</sup> Кўғадан кашик тўқиши (шева)

дан қайтаётганимизда отам мени бу ердаги қариндошларимизни күришимни, улар билан бир-икки кун бирга бўлишимиизни хоҳлаган эдилар. Мен чиндан улар билан жуда яхши танишиб олдим.

Йўлга тушдик. Отам иккимизга битта эшак. Отамнинг эшакдан тушиб юришга кучлари етмайди. Мени эшакдан туширадилар. Бир оз яёв юрганимдан кейин яна эшакка миндирадилар. Хуллас, бир амаллаб ота-бола кун бўйи йўл юриб, кечқурун Тўқманғитга тоғамнигига етиб келдик. Ана шу кундан бошлаб мен Жумабой тоғамнинг тарбиясида қолдим. Бир-икки кун тургач отам яна кетдилар. Уларнинг кетишлари сабабини мен ўша пайтларда сира ўйламаган эканман. Мана ҳозир ўйласам, ёши етмишлардан ошган кишининг бир ўзи сарсон-саргардон бўлиб юриши қанчалар қийин эканлигини тасаввур ҳам қила олмайман. Мен ўша пайтларда отамни бир умрга йўқотаётганимни хаёлимга ҳам келтирмасдим. Тўғри, отам шу кетганиларидан кейин қишлоғимзга қайтиб келиб, бир неча йил яшадилар. Лекин ўшанда мен отам билан бирга турганим йўқ. Бу йилларда отам билан укам Туроб бирга бўлдилар. Мен эса тоғамлар оиласининг ҳақиқий аъзосига айланаб қолдим. Бу эса жуда узоқ йилларга чўзилди.

Мен келган пайтларда тоғамнинг ҳовлисида иккита хонадон яшарди. Улардан биттаси катта тоғамнинг оиласи бўлса, иккинчиси Шариф тоғамнинг оиласи эди. Бу пайтларда тоғаларимнинг иккаласи ҳам колхозда ишлар эди. Янгаларим ҳам колхозга чиқардилар. Менга эса бу ҳовлида қиласидан ишнинг ўзи йўқ. Ўйиндан бўшамайман. Ўша пайтларда тоғамнинг битта сигири ҳам йўқ эди. Лекин бир қора араби қўйи бўларди. Шу қўй асло ёдимдан чиқмайди. Чунки у менга жуда кўп азоб берган эди ўшанда. Бу қўйни ҳовлимиз ёнидаги қирга олиб чиқиб арқонлаб қўяламан. Орқамга қайтганимда, қандай келиб орқадан мени сузганини билмай қоламан. Шу пайт ўзим олдинга қараб йиқилеман. Телпагим эса орқага учиб кетади ва қўйнинг устига тушади. Қўй телпакдан қўрқиб қочади. Бу ҳолни кўриб, мен

йиқилиб ётган жойимда қотиб-қотиб куламан. Мен азобларни ҳам унугиб қўйни қувиб кетаман. Уни тутиб, жойига олиб бориб, арқонлаб қўяман. Баъзи кунлари бу иш бир неча бор такрорланади. Шундай қилиб, кунларим ўтиб бормоқда. Бироқ мен қўйдан сира хафа бўлмайман. Баъзи кунлар қўйнинг бу қилигини билган янгам қўйни ўзи олиб чиқиб арқонлади. Кейинчалик мен ҳам бу қўйнинг “тили”ни тушуниб олдим. Менинг билишимча, қўй бошимдаги катта, беўхшов, айланма, узун жунли телпагимдан қўрқар экан. Аста-секин қўйни арқрилаб келиш йўлларини топа бошладим. Қўйни қирга етаклаб бораётганимда ҳам орқамга қараб бораман. Қўзим унинг кўзига тушиб турса бас, у мени сузмайди. Қўйни қоқиб бўлганимдан кейин ҳам, орқам билан юриб, телпагимни қўлимда ушлаган ҳолда фақат қўйга қараб анча жойгача бораман. Бу пайт қўйнинг ҳоври анча босилади. Кейин мен ҳам ўз йўлимга кетаман. Мана шундай қилиб, бу йилги кўкламни ҳам бошлаб юбордик. Йил анча оғир келди. Пахта экиш учун трактор келди. Ер ҳайдалмоқда. Ҳовлимиз яқинидаги пахта ери трактор билан ҳайдалаётган эди. Бўрон тоғам бўлса керак, тракторга сув ташиб беради. Шу ернинг ичида трактор бузилиб қолди. Бузук трактор атрофига одамлар тўпландилар. Улар орасида менинг Шариф ва Бўрон тоғаларим ҳам бор эди. Мен ҳам ўша ерга бордим. Албатта, менинг боришим, болаларнинг одамлар тўпланган жойига боришидай бир гап. Тракторчи йигит мойга ботган қўлларини чоғут билан артиб турган экан. Жуда чеҳраси очиқ. Бузилган тракторини тузатиб олганидан хурсанд бўлса керак. Менга қараб очиқ чеҳра билан сўради:—Тракторчи бўласанми? Мен эса ҳеч иккиланмай, негадир ҳатто ўйламасдан ҳам:—Йўқ, —деб жавоб бердим. Улар хафа ҳам бўлмадилар. Атрофдагирага қараб, кулган ҳолда:—Булар қаламнинг кучи билан, мўйловнинг уни билан кун кўрадилар, —деди.

Мен у пайтларда у кишининг бу сўзларига сира эътибор ҳам бермаган эканман. Шунингдек, тоғаларим ҳам унинг гапларига эътибор бермагандек туюлди менга. Лекин шу

ерда тўпланганларнинг ҳаммаси бирданига кулиб юборгани эсимда. У киши мен билан кейинчалик ҳам кўп учрашди. У кишини яхши танидим. Кескантераклик экан. Исмлари Райимқул. Аслида Кескантеракда ҳам бир гуруҳ урганжиликлар яшайди. Мен олдинроқ баён этганимдек, Олим ва Ориф тоғаларим ҳам урганжилик. Бу қишлоқда яшайдиганларнинг ота-боболари асли Урганчдан, – деган эдилар. Мана шу мен билан гаплашган Райимқул тракторчи Олим тоғамнинг энг яқин жўраси, Қизбиби момомнинг савоби ўғли, Ориф тоғамнинг акаси эканлар. Кейинчалик Райимқул ака билан кўп бор учрашдим. Лекин уларнинг биринчи марта менга айтган гапларини уларга эслатганим йўқ. Балки улар ўша гапни унутиб ҳам юборгандир. Мен эса унутмадим. Чунки бу гап менинг келажатим эди. Райимқул ака мени ҳар кўрганларида, домулло деб мурожаат қиласидилар. Мен ҳам уларни мулло бува деб чақирадим. Кейинчалик у кишига Мулла Райимқул деб мурожаат қиласидиган бўлишди. У киши 1970 йилнинг куз ойларида вафот этдилар. Ўғил-қизларининг ҳаммаси уйли-жойли. Ота қишлоғида яшашади.

Ўша йили қурғоқчилик бўлди. Эрта кўкламда қаттиқ шамол бўлди. Натижада пахта ҳосилдорлиги яхши бўлмади. Ўша пайтда мана шу Тўқманғит қишлоғига – Ленин номли колхозга Давча деган киши раис эди. У кишини кўкрак чўнтагида соатининг занжири осилган, ўзи эса пахта дала-сида қўлида кесак кўтарган ҳолда юрганини эслайман. Мен ўша пайтлардаги колхоз ҳаётини яхши билмайман. Чунки колхоз ҳаётига аралашмасдим.

Ўша йили кўкламда янгамга бир қути ипак қурти бердилар. Бу қуртларга қарашиб янгам иккимизга топширилди. Бу пайтда тоғам колхозда жувоз ҳайдайди, янгам билан мен қурт боқамиз. Колхозда ҳайдалаган жувоз ёғидан колхоз болалар боғасига, тракторчиларга бўлиб беришади. Тоғамнинг жувоздан олган ёғига Момогул – Холбой кўр деган кишининг хотини қофоз ёзиб беради. У ёзиб берган

қоғозга қараб тоғам мой тарқатади. Тоғамнинг мутлақо саводлари йўқ эди. Момогул опа ёзган қоғозни менга ўқитадилар. Мен шундай қоғозлардан бирида болалар боғчасига деб ёзиш ўрнига болалар учун деган ёзувни ўқиганим эсимда. Бунинг ҳеч айблайдиган жойи йўқ. Назаримда, ўша пайтларда қишлоқда Момогул опадан бошқа саводхон одамнинг ўзи ҳам бўлмаган бўлса керак.

Биз янгам билан қурт боқиш билан овора. Тоғамнинг биз билан ишлари ҳам йўқ. Мен дараҳтлардан барг кесиб тушираман. Янгам уларни қучоқлаб ташийди. Кейин иккимиз баргларни тозалаймиз. Шоҳнинг чўкиртакларини кесиб оламиз. Шундан кейин тозаланган биргларни қуртларга соламиз. Янгамни бирдан-бир қайфуси пиллани боқиб, келишилган режани бажариб бериш эди. Ўша йиллари бир қути пилла уруғига қирқ килограмм пилла топшириш керак экан. Мен буни янгамнинг ташвишланиб қирқ килограмм пиллани тўлдира оламанми-йўқми, –деб такрор-такрор айтган сўзларидан билиб қолганман. Пилламиз яхши бўлди. Меҳнатимиз зое кетмади. Янгамнинг орзузи ушалди – режани бажардик.

Ўрни келгандан шуни айтиш керакки, боланинг қорни тўйса, ўйиндан бошқа нарсани ўйламайди. Мен ҳам қўлим уй ишларидан бўшади дегунча, ўйиним ҳақида “қайғураман”. Бу қишлоқнинг аҳолиси жуда сийрак. Шунга яраша болалар, айниқса, мен тенги болалар жуда оз. Биз бу ерда учта бола бирга ўйнар эдик. Мен, Ислом деган бола (фамилияси Юнусов) ҳамда Саид (Эргашев). Ислом Нусқа янгамнинг опасининг ўғли. Унинг отаси Юнусбой амакини биз янгам ҳисобидан язна деб чақирамиз. Саид эса бизга онам томонидан қариндош. Буни кейинроқ Бибиқиз момом айтган эдилар. Биз кунларимизни деярли ҳар доим бирга ўтка зардик. Ўйнларимиздан менинг эсимда қолгани аравача ҳайдаш эди. Бизнинг аравача жуда антиқа. Биз арава гупчагидаги темир фидиракни олиб, симдан мослама ясаб, кун бўйи уни итариб юрардик. Ёз бўйи шу “иш” билан банд бўлардик. Унинг орқасидан янгамдан қанча-қанча дашином

эшитиб олганим ҳам эсимда. Лекин унинг тафсилотини ёзгим келмаяпти. Бу вақтда бирга йинааб юрадиган биз – уч бола уч хил оиласдан эдик. Исломнинг отаси ҳам, онаси ҳам бор. Димоғи чоғ эди. Сайднинг эса отаси, бир неча амакилари ва укаси ҳам бор эди. Бироқ онаси йўқ. Мен эса отам бўлса ҳам, тоғам ва янгамнинг тарбиясида эдим. Мен бу икковидан чақон бўлсан керак, улар йинда ҳам, бошқа пайтларда ҳам мендан доим орқада қолиб кетар эди. Тўқманғит қишлоғининг юқори қисмида ҳам биз тенги болалар йўқ эди. Биттагина Сапарбой деган бола бўлиб, бизлар у билан келиша олмас эдик. Бу келишмовчилигимиз Қурама қишлоғидан мактабдан келаётган чоғимизда авжига чиқарди. Мана энди ўқишга боришимни ҳикоя қилиш пайти келди. Мен бу ерга келганимдан мактабга қатнай бошладим. Мактабимиз Қурама қишлоғимизда Жўра Қозоқнинг меҳмонхонасида жойлашаган бўлиб, у 18-сонли мактаб эди. Бу мактабда мен унча кўп ўқимадим. Мактаб қозоқ тилида эди. Мен қозоқ тилида ўқишни билмасдим. Бу ердан хотирамда қолган нарсалар асосан болалар билан йинаган ўйинларимиз эди. Мактабдан чиқишимиз билан бирдан ўйиндан бошқа ҳамма нарсани унутамиз. Шундай ўйинлардан бири “оқ терак” ўйини. Уни ўйнашни ҳозирги болалар ҳам билади. Биз бу ўйинга қаттиқ киришиб кетибмиз. Болалар икки гуруҳга бўлинниб, бир-бирига қарамақарши бўлиб туради. Бир гуруҳдан бир бола чиқиб, иккичи гуруҳдан хоҳлаган кишисининг қўлига уради ва қочади. Уни қатордаги ўша бола қувиб етиши керак. Ким енгса, “ўлжа”ни ўз гуруҳига олиб келиб қўшади. Ўйинимизда биз тенги болалар жуда оз. Катта болалар ўйин тугул ўқишга ҳам вақт топмай мактабни ташлаб кетишга мажбур бўлганлар. Уларнинг ўрнига кўпроқ қизлар келиб ўқий бошлаган. Ўйинимиз ҳам улар билан бирга. Уларнинг ҳукмдорроқ эканлиги ҳам сезилиб туради. Навбат менга келганда, мен қарши томондагилардан бирининг қўлига уриб қочдим. Қарангки, келиб-келиб мен Райимқул бобонинг қизи Санобарнинг қўлига урибман. Санобар мендан икки-уч ёш

кэтта. Бўйи ҳам баланд. У сариқдан келган бўйдоргина қиз эди. Мана у мени қувиб кетяпти. У мени ҳовуз томонга қисиб келиб, ушлаб олмоқчи бўлди. Мен тор бўлишига қарамай, ҳовузнинг қирғоғига илиниб қочдим. Қарасам, бўлмайдиган. Санобар ушлаб олай деяпти. Шу пайт ўзими ни ҳовузга қараб отдим. Санобарнинг қўли кўйлагимни ушлаб қолган экан. Кўйлакнинг қўлида ушлаган жойи – бир парчаси унинг қўлида қолиб кетди. Мен ҳовузнинг у томонидан чиқдим. Шу билан ўйинимиз ҳам тарқаб кетган бўлса керак. Ким ғолиб эканини ҳам аниқламасдан ҳамма тарқаб кетган эди, шекилли. Кўйлагимни эса қуригандан кейин Санобарнинг ўзи тикиб берди. Ўша йилдан кейин мен Санобарни бир марта кўрдим. 1946 йил бўлса керак, ўртоғи, икки боласи билан бирга Эрназар акасиникига Кўқондан меҳмон бўлиб келган экан. Ўшандада биз Сабоҳат билан бирга уни кўришга атайлаб борган эдик. У бизни кўриб, жуда хурсанд бўлди. Ҳозир Кўқонда яшайди (1972 йил). Ундан бошқа яна Рўзигул, Набот, Барно, Зуҳра каби қизлар ҳам бор эди. Уларнинг ҳаммаси 1939 йилларда биттадан болалик бўлиб улгуршишган эди. Шулардан Набот Тошлоқда. Рўзигулнинг эса иккита боласи қолди. Ўзи 1950 йилда вафот этди. Барно Фиждувонда. 1969 йилда вафот этди. Зуҳра Конимехда. Эри Кенжа Бозоров билан бирга яшашяпти...

У пайтларда бу мактабда мен билан бирга ўқийдиганлардан иккита бола бор эди. Бири Яқубнинг амакиси Ўролов Эргаш қора. У кичкинагина қора бола эди. Шунинг учун ҳам Эргаш қора дердик. Урушга кетиб, қайтмади. Иккинчиси Жонқулов Тошпўлат. Зикр этилган Эшонқулнинг укаси. Урушдан омон-эсон қайтди. Кўп вақт бирга бўлдик. 1950 йил кўкламда вафот этди.

Бошланғич мактабда ўқиётган йилларим. Жумабой тоғамникига келганимнинг иккинчи йили бўлса керак. Биз тоғам, янгам ва мен мени бир вақтлар Худойберди акам келиб, олиб кетган уйга – Турдиев Қувват аканинг кичкина меҳмонхонасига кўчиб келдик. Бу ерда энди менинг мактабдан ажралмай, узвий ўқиш даврим бошланди. Мактаб

биноси Жабборқул жевачининг меҳмонхонаси ва ичкари ҳовлисида жойлашган эди. Мен бу ерда иккинчи синфдан ўқишини давом эттирдим. Мени дастлаб Муродов деган ўқитувчи ўқита бошлади. Кейин Шокиров, Дониёров деган кишилар ўқитдилар. Улар менинг фақат иккинчи синфда ўқитган ўқитувчиларим эди. Мен иккинчи синфда уч ёки тўрт йил ўқидим. Эҳтимол, яхши ўқимаган экан-да, деган фикр келиши мумкин сизнинг хаёлингизга. Аслида ундей эмас. Ўша пайтларда саводхон кишилар етишмас эди. Бизнинг районимизда мактаблар ўттизинчи йилларда ташкил этилган бўлса ҳам, саводхон муаллимлар йўқ эди. Бизларни ўқитаётган муаллимларнинг ўзлари ҳам олти ойлик муаллимлар тайёрлаш курсларни тамомлаб қайтишган эдилар. Улар ўқиш китобида нима бўлса, ўшандан нарига ўтишмасди. Ўша йиллари ўқиган китобларимдан “тўда бола” деган жумла эсимда. Биринчи ва иккинчи синфларга ажратиш болаларнинг билимига қараб эмас, балки ёшига, айниқса, бўйига қараб амалга ошириларди. Бўйи баландроқлар иккинчи синфга, бўйи пастроқлар биринчи синфга киритилар эди. Биринчи синфларни ўқитадиган ўқитувчилардан Асад Жўраев ва Мўминов деган ўқитувчилар ҳам бор эди. Синф хонаси ҳам иккита бўлиб, ҳамма бир сменада ўқитилар эди. Бу ҳол 1936 йил биринчи сентябргача давом этди. 1936 йил биринчи сентябргача, яъни ўн беш ёшга тўлгунимга қадар мен биринчи ва иккинчи синфларда ўқиганман. Ўша йили Қобул aka Маҳмудов деган киши келиб, мени ва мен билан бирга ўқиган синфдошларимни учинчи синфга ўтказиб ўқитди. Энди учинчи ва тўртинчи синфларда ўқиб юрган пайтларимда ҳаётимда содир бўлган қувончли ва қайғули воқеалар ҳақида сўзламоқчиман.

## ОИЛАМИЗДА ЯНГИ БОЛА

Бир неча йилдан бўён тоғамнинг ҳам, янгамнинг ҳам орзулари – фарзанд кўриш эди. У пайтларда мен боланинг қадрини билмасам ҳам, ўттиз беш ёшлик тоғамнинг орзу-

армонларини бугун яхши тушунаман. Янгамнинг ҳам фарзанд кўриш истагида ўзини баҳшига боқтириб, қушночга қоқтириб юрган вақтлари кўп бўлган. Ўшандайлардан бири узун бўйли бир қозоқ кампир эди. Кейинроқ билсам, бу кампир Шодибойнинг онаси экан. Улар унча мунча қушнашлик қилиб даромад кўрса керак. Ниҳоят, менинг қадрдонларимнинг орзуси 1935 йилнинг ёз ойларига келиб ушалди. Қувват тоғаларимнинг уйида мен тенги болалардан яна иккита бола бор эди. Тўғрироғи, улар мендан бир ёшга катта эканлар. Уруш бошлангандан кейин ҳаммамиз ҳарбийга чақирилдик. Булардан бири – мен, иккинчиси – Мавлон Раҳмонов, учинчиси – Хайри Турдиев бўлади. У пайтларда ҳеч ким бизнинг фамилиямиз билан атамасди. Ҳатто синф журналишимизга ҳам фақат исмимиз ёзилган бўлса керак. Чунки ўқитувчиларимиз йўқлама қилганларида Соли, Мавлон, Хайри деб чақиравди. Мавлон чуваккина, қошиқ юзли, оқкувадан келган бола эди. Хайри эса дағалроқ, қораҷадан келган, бизнинг иккаламизга ҳам кучи етадиган қўйол бола эди. Шундай бўлса ҳам, мен бу икки бола билан бир неча йил битта ҳовлида туриб, бир марта ҳам уришган эмасман. Очифи, мени бу ерда ҳеч ким камситмас эди. Бу ердагиларнинг ҳаммаси болаларга меҳрибон ва ғамхўр эдилар. Бу ҳовлида Қувват тоғамнинг оналари Тиниқ момо ҳовлининг каттаси эдилар. Момо худди фариштага ўхшарди. Уларни, тўғриси, таърифлашга ожизман. Уларни болаларни нафақат уришганларини, балки овозини бирор марта бўлса ҳам кўтариб гапирганларини эслай олмайман. Менимча, улар нафақат бизни, балки ўзи туғиб, тарбиялаган фарзандларини ҳам уришмаган бўлсалар керак. У киши саксон ёшилардан ошиб, 1969 йилнинг баҳорида вафот этдилар. Ўғиллари, неваралари, эл-юрт иззат-икром билан тупроққа топширдик. Ўғлини ҳам халқ кўп эъзозлади.

Бу хонадонда мен таниган кишилардан яна бири Хурсанд опадир. Уларга ҳам бутун яхши фазилатлар оналаридан ўтганлар. Тиниқ момо қандай бўлса, булар ҳам худди шундай. Уларнинг исмлари Хурсанд бўлса ҳам, ҳаётдан

унча хурсанд эмас эдилар. Турмуш ўртоқлари жуда эрта вафот этиб кетди. Уч боласи билан бева қолиб, кўп қийин-чилакларни бошларидан ўтказди. Асал исмли қизи энди кўзга кўриниб келаётган бир пайтда ҳаёт яна бир марта шафқатсиз зарбасини берди. Уни ҳам ўлим олиб кетди. Ўғиллари Мавлонжон урушга кетиб, қайтиб келмади. Буларнинг ҳаммаси Хурсанд опамнинг қадини букиб қўйди. Бу ҳовлида яна Маҳар янга ҳам яшарди. Ўша йиллари бу кишининг бор-йўқликлари билан ҳеч кимнинг иши йўқ эди. У кишининг ҳам биз болалар билан ишлари йўқ. Қувват тогам эса ҳамиша от устида. Ҳовлисига ҳам меҳмондай келиб-кетади. Улар ёшлиқдаги бутун куч-қуввати ва маҳоратини колхозга раҳбарлик қилишга сарфларди. Бу ҳовлида бизлардан уч-тўрт ёшлар катта Нурилла aka ҳам яшарди. Улар мутлақо безорилик қилмас, аксинча, биз болаларга ғамхўрлик қиласарди. Ёз кунлари рудга чўмилишга борганимизда, биз билан албатта бирга бораар эди. Бирга олиб қайтар эди. Бошқа болаларга бизни урдирмас, ҳимоя қилиб юради. 1938 йил Қизил Армияга кетди.

1933 йилнинг июн ёки июл ойи бўлса керак, биз: мен, Мавлон, Хайри кичкина меҳмонхонанинг пастаккина томида ётардик. Бизларни нарвоннинг икки-уч поясигача кўтарилилган Хурсанд опа уйғотди. Ўрнимиздан турдик. Хурсанд опа бизларни хушхабар билан қаршилади. Катта тоғамнинг оиласига худо янги меҳмон – фарзанд берганлигини айтдилар. Бу боланинг менга ука бўлажагини айтиб, биз билан бирга ўзлари ҳам қувонди. Менинг қанчалик қувонганимни билсангиз эди. Менинг қувончим, тўғриси, тоғам билан янгамнинг орзуси ушалганига эди. Туғилган бола учун суюнчи олишга югуриш бошланди. Мени суюнчи олиш учун янгамнинг қишлоғи – Шўртепага жўнатадиган бўлишди. Мен янгамнинг тоғалари Тошпўлат тоғага, опаларига ҳамда отамга хабар бериш учун у ерга қараб дастлаб хаёлан югурдим. Лекин йўл жуда ҳам яқин эмасди. Хурсанд опамнинг топшириқларидан сўнг эшакни миниб, йўлга тушдим. Тошпўлат тоғанинг хотини менга суюнчига битта

каллапўш ва белбоғ берди. Болалик-да, мен шу нарсалар учун қанчалар қувонганимни билсангиз эди. Янгамнинг опалари нима берганларини ҳозир эслолмайман. Отам мени қанд, майиз билан меҳмон қилди. Гаплашиб ўтирик.

Момомга, Ориф тоғамга суюнчи олиш учун Хайри ёки Мавлон юборилган бўлса керак. Кечқурун, эртаси куни ҳам уйга меҳмонлар келиб турди. Бу болага отни менинг отам қўйган. Отасига жўра, жуфт бўлсин, дея Жўрабой исмини қўйган эди отам ўшанда.

Ўша йили Ориф тоғам “Қизил Ўзбекитон” колхозига раис этиб сайландилар. Акаларининг қувончига шерик бўлган, уларни қаттиқ табриклаган киши шу тоғам эдилар. Чунки уларнинг уйида ҳам ёш бола йўқ эди. Хотини бир ўғил туқсан, исми Раҳмонқул эди, уч ёшларида вафот этиб кетди. Улар ҳам тирноққа зор бўлиб яшашарди.

Мен ҳам Жўрабойни жуда яхши кўрадим. Ўзим меҳрга зор бўлиб ўсганимданми, билмадим, унга меҳрибонлик кўрсатгим келарди. 1935 йилдан 1941 йилгача Жўрабой менинг овунчоғим бўлган. Уни кўпинча кўтариб юрадим. Жўрабойни яхши кўришимнинг бошқа сабаби ҳам бор. Уни ҳам баён этмоқчиман. Отам унга Журабой деб исм қўйганларида бироз хафа ҳам бўлган эдим. Чунки қишлоғимизда Жўрақул исмли бир киши бўлиб, у ҳар доим бошигаmallа бўздан салла ўраб, кўк әшакка миниб олиб, иккита сигирини боқиб юради. Эрталаблари эса, иккита қўшқулоққа қатиқ солиб, бозорга олиб бориб сотарди. Рўзғор бўлса керак, биз ҳам отам иккимиз бозорга қатиқ олиб борардик. У кишини ўша ерда кўп кўрапдим. Бу кишини қишлоқда Жўрақул ёмон деб атардилар. Шу лақаб ҳали ҳам айтилади. Масалан: Жўрақул ёмоннинг боласи – Иброҳим ва ҳоказо. Лекин у кишининг ўzlари ёмон одам эмас эдилар. Укам Жўрабойга исм қўйишганда мен уни ҳам ёмон деган тахаллус орттиришидан кўрқкан эдим. Лекин ундей бўлмади. Укамнинг номи худди отам қўйганидек Жўрабой бўлиб қолди. Отамнинг ҳар бир сўзи, гапи, ҳаракатлари мана йиллар ўтиб, уларни соғинганимда армон билан эсланадиган катта бир мактаб эканини англаб етди...

Қаттиқ қиши пайти эди. Кунлар совуқ. Изгирин шамол изиллайди. Қор тинимсиз ёғади. Шамол бўлгани учун баъзи ерларнинг қори қалин, баъзи ерларда эса аксинча, юпқа. 1935 йилнинг декабри ёки 1936 йилнинг январ ойи бўлса керак. Менга яна тоғаларимдан суюнчи олишимга тўғри келди. Шакар янгам онасининг уйига меҳмонга бориб, ўша ерда ўғиллик бўлибдилар. Бу пайтда Ориф тоғам “Қизил Ўзбекистон” колхозида раис эдилар. Эҳтимол, янгам қийин пайтда онасининг олдида бўлиш учун меҳмонга атайлаб боргандир. Туғилган бола учун тоғамдан суюнчи оламан деб, азобни мен торттим.

Эрталаб мени турғиздилар. Хурсанд опам менга янгамнинг ўғил туққанини айтди. Бориб Бибиқиз момомдан, Ориф тоғамдан суюнчи олишимни топширди. Мен эрталабда Ориф тоғамникига қараб жўнадим. Шамол қаршидан эсаётган экан, роса қийнади. Йиқилиб-суриниб, бир амаллаб тоғамнинг ҳовлисига етиб бордим. Орадаги масофа чељма-чел юриб боргандা, уч юз-тўрт юз метрлар чиқади. Бориб тоғамнинг эшигини уриб турибман. Ҳеч ким чиқмайди ҳам, овоз ҳам бермайди. Бир оздан кейин момомнинг тоғамга:—Тур, эшикни оч!- деганлари эшишилди. Тоғам эшикни очмайди. Уйда уларнинг икковидан бошқа ҳеч ким йўқ. Момом аччиқланниб, тоғамни уриша бошлади:— Туққан сенинг хотининг-ку, бола бечорани нега совқоттирасан. Шундан кейин тоғам эшикни очди-да, яна қайтиб, сандалнинг ёнидаги жойига қайтиб кириб ётиб, бошини ўраб олди. Менга қарамади ҳам, ҳеч нарса сўрамади ҳам. Шундан кейин менга маълум бўлдики, янгам тоғамнинг айтганини қилмай, онасиникига кетиб, ўзи айтганидек ўша ерда туққан. Тоғам эса бундан аччиқланган. Момом менинг уст-бошимдаги қорни қоқди. Сандалга ўтқазди. Ўзи ҳам рўпарамга ўтирди. Момом мендан келишимнинг сабабини билмоқчи бўлганларини сезиб, хушхабарни етказдим. Шунда момом:—Бошқаларни юбормай, атай шу болани юборганда, ўзиники, қувиб сололмайди деб,—дедилар аччиқлангандай бўлиб.

Момом тоғамга бир неча бор “Ўрнингдан тур!” десалар ҳам тоғам ётаверди. Момом:—Турмасанг турма, бола сенга керак бўлмаса, менга керак, —деб мен билан кетишга тайёрлана бошалди. Қалин кийинди. Қават-қават дока рўмолларини ўради. Бу пайтларда момом анча қариб қолган эдилар. Белларини боғлаб, ҳассасини қўлига олиб, мен билан йўлга тушди. Қорларга гоҳ ботиб, гоҳ чўкиб момом иккамиз янги туғилган чақалоқни кўришга кетяпмиз. Менинг бу борганимда, тоғам менга бирор оғиз ҳам гапирмадилар. Туғилган болага Юсуф деб исм қўйилди. Бу номни момомнинг ўзлари қўйган бўлсалар керак. Момом халқ достонларини яхши биларди. Юсуф исми “Юсуф ва Зулайҳо” достонидан олинган бўлса керак. Кейинчалик тоғамнинг иккинчи ўғилларига Аҳмад исмини қўйдилар. Бу ҳам достондан. Тоғамнинг қизларига Зебо исмини қўйдилар. Бу эса “Ёзи билан Зебо” достонидаги гўзал қизнинг исми. Уни момом бизга айтиб ҳам берган эдилар.

Ўша куни хотинига аччиқ қилиб мени яхши кутиб олмагани тоғамга қимматга тушди. Чунки кейинчалик пайти келганда мен буни ҳазил аралаш ёдига солиб қўярдим. Тоғам эса мийигидан кулиб қўярдилар, холос. Юсуф армияга кетгандан кейин хат келмасдан қолди. Ўшанда тоғамнинг ташвишланиб юрганини кўриб (аслида чалфитиш учун), “совуқда қолганим”ни эслатиб қўйдим. Мен ҳар доим тоғам билан ҳазиллашсам ёки гап ўйнасан, енгиб чиқардим. Лекин орамизда ҳазил-кулгидан бошқа мақсад бўлган эмас. Лекин мен уларни қаттиқ ҳурмат қилардим. Шунинг учун меъёрдан чиқиб кетган эмасман. Бунинг бошқа сабаби ҳам бор. Тоғаларим ҳам отамин язна деб, ҳеч қачон ҳазиллашган эмаслар. Отамнинг ёши улардан катта бўлиши билан бирга, отам уларга кўп вақт оталарча ғамхўрлик ҳам қилганилар. Бундан ташқари, отам мен эсимни таниган пайтларда уруғимизнинг энг каттаси, мўътабари эдилар...

Бу икки бола туғилиб, оиласизга қанча қувонч олиб келган бўлса, булар иккисининг туғилиши оралиғида катта бир жудолик ҳам бўлди. Жўрабой туғилгандан қирқ кунлар

ўтгач, Шариф тоғам касалланиб, касалхонага тушди. Касалини “ичкетар” деб айтишди. Касалхонада ётиб, күп ўтмай вафот этди. Биз меҳрибонимиздан ажралиб қолдик. Энди мени эркалайдиган, қишлоғимизга биринчи трактор келганида мени күтариб юрган тоғам йўқ. Шу ўринда мен учун унча аҳамияти бўлмаган, лекин Жумабой тоғамга жуда оғир ботадиган баъзи ишлар ҳам бўлиб ўтди. Буларни мен кейинчалик фаҳмладим. Шариф тоғам ўлгандан кейин, уларнинг хотини Шакар янгамни (Шариф тоғам хотинининг исми ҳам Шакар эди) олиш учун Мамир тоғам билан Бўрон тоғам ўртасида зиддият кучайган. Аслида Мамир тоғам катта. Бунга у кўпроқ ҳақли. Лекин унинг ҳеч нарсаси йўқ эди. Бўрон тоғам кичик бўлса ҳам ҳовли-жойи, онаси, укаси, умуман хўжалиги бор. Мамир тоғам эса ҳар кимнинг (қариндошларнинг) уйида яшаб юради. Шунинг учун ҳам бу курашда Бўрон тоғам ғолиб чиқди. Шакар янгамга уйланди. Лекин янгам ҳам орадан кўп ўтмай вафот этди. Иккала тоғамдан ҳам фарзанд кўрмади.

Бу воқеадан кўп ўтмасдан Мамир тоғам бир кечада йўқолиб қолди. Мана энди ҳар хил миш-мишлар пайдо бўла бошлиди. Кимdir тўқманғитликлар Мамирни ўлдириб, қудуққа ташлаган, деса, кимdir уни ўлдириб, Зарафшон дарёсига оқизиб юборган, деган ва бошқа кўнгилсиз гапларни тарқатди. Аслида нима бўлгани қоронғи, лекин Мамир тоғамнинг йўқлиги аниқ. Ориф тоғам билан Жумабой тоғам бу гапларга ишондилар ва Мамир тоғамни ўлдига чиқардилар...

Мен бошланғич синфда ўқийман. 1937 йил бўлса керак. Мамир тоғамдан Жумабой тоғамга бир хат келди. Бу хат Чоржўйнинг Дарған ота деган жойидан эди. Хатда Мамир тоғам уйлангани ҳақида ёзган эди. Хатдан маълум бўлишича, улар трактордан ийқилиб, ўнг қўлини синдириб олибди. Хатда тоғам қўлининг расмини чизиб, билагининг синган жойини ҳам кўрсатибди. Негадир хатга ҳам, қўлининг синганига ҳам тоғаларим ишонишмади. Улар:— бу уни ўлдирган кишиларнинг найранги, —дедилар. Шундай бўлса ҳам, мен Мамир тоғам юборган адресга хат юбориб, 1940

йилгача уч-түрттә жавоб ҳам олдим. Лекин тоғаларимни ишонтира олмадим. Мамир тоғам кейинроқ ўзларининг чиқиб кетишлари ҳақида шундай деган эдилар:—Якка бошим бўлса ҳам мен шу элга сифмадим, баҳтимни бошқа жойлардан ҳам бир синаб кўрай, дедим. Кармана станциясига пиёда чиқдим. Поезд қаёқдан биринчи келса, шунга чиқаман, деб турибман. Поезд Тошкентдан келди. Краснодарск поезди экан. Ўшанга чиқдим. Шу йўл билан туркманистонлик бўлиб олдим.

Мамир тоғам 1911 йил тўнғиз йилида туғилган эканлар. Ўша йиллари Ўрта Осиёда қурғоқчилик, қаҳатчилик йиллари бўлғанлигини кексалардан кўп эшигтанман. Мамир тоғам туғилганида, оналари вафот этган эканлар. Бола туғилиб, онаси вафот этаётганида, унга ҳеч ким қарамаган ҳам. Онасини дағн этиб келишгандан сўнггина чақалоқ катталарнинг эсига тушиб қолади. Шунда Арабкампир момоси—Қарангларчи, бурчакда латтага ўралган боласи бор эди, тирикмикан, —деб қолади. Шундан кейин қарашса, бола тирик экан. Уни момоси Арабкампир эчки ва сигир сути билан боқиб катта қиласи. Бу гапларни Бибиқиз момом билан Мамир тоғам ўртасидаги сухбатлардан билб олганман. Уларнинг исмини эса эл-юрт фаровон бўлсин деб, Мамир, яъни Маъмур қўйишган экан. Аммо тоғам туғилгандаридан кейин ҳам баҳтсизлик аримаган. Мен ақлимни таниган 1926-1927 йилларда тоғаларимнинг ота-оналари оламдан ўтиб кетишган эдилар. Ўша пайтларда оилада менинг онам укаларига бош. Улардан эса Қизбуви момом хабардор эдилар. Бу ҳақда бошқа ўринларда ҳам тўхтаганман. Бизнинг оиласизга Жумабой ва Шариф тоғаларим билан бирга Мамир тоғам ҳам келиб турардилар. Ана шу 1930 йилларда Мамир тоғамнинг хаёти ярим дарбадарликдан иборат эди. Улар “кўча боласи” тарзида ҳаёт кечирад эдилар. Ўша йилларда тоғамнинг ҳаётида яна баҳтсизликлар юз берди. Дастрлаб опаси Ҳурмат, кейин акаси Умар бирин-кетин вафот этишди. Бу даврда Мамир тоғамга ғамхўрлик қиласидиган киши – аммалари Бибиқиз момомнинг

оиласи ҳамда Жумабой тоғамнинг оиласи эди. Тоғам ана шу пайтларда менга ҳам ғамхўрлик қилган эдилар. Тоғам Умар Садақов оиласидан ҳеч қачон алоқани узган эмас. Ҳамиша борди-келди қилиб туришган.

1929 йил Тўқманғит қишлоғида камбағал деҳқонлар бирлашиб “Артел” тузадилар. Бу артелга аъзо бўлиб киргандардан бири Мамир тоғам эдилар. Орадан вақт ўтиб, Тўқманғит қишлоғи колхозлаштирилган. Тоғам колхозга кирган фаоллардан бири бўлган. Колхоздаги баъзи ярамасликларни мажлисларда очиқ айтган. Бундан ташқари, қишлоқда ўғирлик содир этишгача борган айрим кимсаларни таъзирини бериб қўймоқчи бўлган. Ўзининг қатъий ҳаракатлари билан айрим кишиларга ёқмай қолган. Ўшалар ҳатто Мамир тоғамни ўлдиришмоқчи ҳам бўлишган экан. Шунинг учун ҳам Мамир тоғам йўқолиб қолгач, Жумабой ва Ориф тоғаларим унинг тириклигига ишонмай қўйишган эдилар... Мен тоғамнинг Туркманистондаги ҳаётини тўлиқ билмайман. Унинг ҳаммасини ёзиш ниятим ҳам йўқ. Фақатгина у киши билан учрашган дамларимизни, бизга учрашиш насиб этган жойларни эсламоқчиман, холос.

Мен Маъмир тоғам билан 1940 йил Янгиқўрғон бозорида учрашиб, уйга элтиб қўйганман. Шундан кейинги учрашувим иккинчи жаҳон уруши йилларига тўғри келди. Уруш кўпчиликни бир-биридан узоқлаштириди. Мамир тоғам билан алоқамиз узилиб қолди. Хат ёзай десам, уларнинг адресларини билмайман. Тоғамда эса, менимча, савод йўқ эди. Бундан ташқари, бу вақтларда одамларда, тўғриси, қорин қайғусидан бошқа қайғу йўқ эди. Ҳаётимда кўпгина ташвишлар туғилди. Жумабой тоғам урушда ҳалок бўлди. Ориф тоғам эса саксон олти минг сўм камомадга йўл қўйиб, қамалди. Уларнинг оилаларидан боҳабар бўлиш менинг елкамда эди. Ана шу пайтда бирор “Солиҳон, ҳолинг қандай?” деб сўраса ҳам хурсанд бўлардим. Узоқ қариндошим Асил aka узоқда туриб, менинг аҳволимни сўрарди. Айниқса, Қувват тоға Турдиев мендан ҳол сўраб турганлардан бири бўлди. Улардан миннатдорман.

Мамир тоғам билан кейинчалик учрашганимизда бу қийин кунларни эслар эканмиз, уларнинг ҳам бошига оғир савдолар тушганини англадим. Оиласини боқиши учун қандай машаққатлар чекканини билдим. Ҳа, деярли ҳар бир оила, оила бошлиғи бундай қийинчилакларни бошидан кечиришга мажбур эди. Шу қийинчилакларни енгган кишиларнинг авлодлари бугун баҳтиёр ҳаёт кечирмоқда. Тоғам ўша пайтларда рўзғорини тебратиш учун тракторчилик билан шуғулланган экан. Уруш тугагандан кейин Мамир тоғам ўз юртини, қариндош-уруғларини кўргани келдилар. Бу пайтда мен оиласи, бола-чақали бўлиб қолган эдим. Шундан кейин тоғам билан борди-келдимиз кучайиб кетган эди. Тоғам бир келганларида, “Менинг Туркманистонга борганимга ўн беш йилча вақт бўлди. Мамир қайдасан? – деб излаб борган одам бўлмади,” - деди. Шундан кейин тоғамни ортидан излаб боришга аҳд қилдим. Лекин уларни излаб бориш учун, тўғриси, қўлим калталиқ қилди. Уч сменалаб ишлаб топганим оила боқишдан ортмайди. Бунинг устига ўзим сиртдан ўқийман. Шундай бўлса ҳам, тоғамни излаб боришга аҳд қилган эдим, ўшанда. Урушдан кейинги биринчи сафарим Мамир тоғамни излаш бўлган эди, десам бўлади. (Бу ҳақда алоҳида тўхтаб ўтаман.)

## БОШЛАНГИЧ МАЪЛУМОТ ОЛДИМ

Мен олдинги саҳифаларда бизни учинчи синфга ўтказишгани ва бизни янги ўқитувчи Маҳмудов Қобил ака ўқитганини айтиб ўтган эдим. Қобил ака асли хоразмлик бўлиб, бизнинг томонларга қандай сабаблар билан келиб қолганини билмайман. Аввал Кесактерақда ўқитувчилик қилган. Ўша ердан уйланиб, бизнинг мактабда ишлашга келган эди.

Биз эса энди синфдан-синфга кўчиб ўқий бошладик. 1937 йилнинг сентябридан бошлаб бизларни тўртинчи синфга ўтказишиди. Ўқитувчимиз Бўриев Остона деган киши эди. У кишининг исмини мен уруш бошлангандан кейин бил-

дим. Унгача фақат фамилиясини билар эканман. У киши-нинг бўйи жуда паст эди. Шунинг учун бўлса керак, пошнаси баландроқ этик кийиб юради. Этик унга мутлақо ярашмасди.

Мен мактаб даврида ўқишдан ташқари ишлар билан ҳам банд бўлардим. Мени синф бошлиғига ёрдамчи қилиб қўйишган эди. (Уни тозалик комиссияси деб ҳам аташарди.) Синфбошимиз Сайдов Ҳайдар деган бола эди. Менинг фикримча, у синфдаги болаларнинг энг зўри эди. Безори эмас, ҳеч кимни урмас, ҳеч ким билан уришмас эди. Мен у билан кўплар қатори муомала қиласардим. Мени дарсларда ҳеч ким камситолмас, дарс ўзлаштиришда эса, ҳеч ким менга етолмасди. Шунинг учун ҳам ўқувчи жўраларим мени ҳурмат қилишарди. Мен ҳам ҳамма ўқувчилар қатори рус тилини ўрганишга қийналар эдим. Шу иили тўртинчи синфдан бошлаб, биз рус тили ўрганишга киришдик. Рус тилини бизга Қурбонғалиева Майсара опа деган муаллима ўргатар эди. Бу киши ҳам ҳеч бир болани қийнамас эди.

1975 йил 7 июн. Мен одатдагидек бўш вақт топганим учун кундалигимни варақлаб ўтирибман. Уни анча титкиладим, чангларини қоқдим. Энди уларни яхшилаб тўлдиришим керак. Булар хотира. Ёшим улғайган сари ишлашим бироз сусайди. Невараларим қувончи билан андармон бўлиб, баъзан ҳамма нарсани унутиб қўяман. Лекин ёзишм керак. Мендан болаларимга шу хотира қолади. Бундан ташқари, невараларим олдида ўтириб, ўзимнинг ўн-ўн уч ёшларимдаги ҳаётимни эслаш мени ғалати кайфиятга солиб қўяди. Шунингдек, майда-чуйда, ёлғон-яшиқ гапларни эзмаланиб гаплашиб ўтиргандан кўра мана шу иш билан банд бўлганим яхши эмасмикан. Мен бу хотираларимни асосан, бўш пайтларимда ёзганман. Эҳтимол шунинг учун бўлса керак, баъзан узилишлар ҳам сезилиб қолса, ажаб эмас.

...Аввалги саҳифалардан бирида мен бувим Арабкампирнинг исмини топа олмаганлигимни афсус билан айтган эдим. Кейинчалик бувимнинг исмини аниқ билиб олдим.

Мен бувим ҳақида улар билан замондош бўлган кишилардан сўраб билиб олишга ҳаракат қилар эдим. Ана шундай кишилардан бири Шариф исмли киши бўлиб, уни лақаби билан қўшиб, Шариф сатил деб чақиришардилар. Бу кишининг миллати араб бўлғанлиги учун мен уни тоға деб чақирадим. (Мен атрофимиизда яшайдиган арабларни онам учун тоға деб чақирадим.) Аслида эса менинг тоғам урганжи ҳисобланади. Туққан тоғаларим Жумабой ва Шарифларнинг (онамнинг ҳам) отаси бобом Эргаш дойи урганчликдир. Шариф тоғамдан сўраганимда, у киши бувимнинг исмларини “Она буви” деб айтган эдилар. Мен бунга ишонган эдим. Чунки қизларининг исмлари Қизбуви, Гулбуви эди. Демак, оналарининг исми Онабуви бўлиши мумкин. Бунга ишониб юрадим. Лекин бир ўқувчимнинг бувиси билан бўлган тасодифий учрашув туфайли мен бувимнинг исмлари Онабуви эмаслигини билиб олдим. Воқеа шундай бўлган эди: Менинг Алишер Навоий номли ўрта мактабда тарбиявий ишлар ташкилотчиси бўлиб ишлаб юрган даврим. 1974 йил баҳор фаслининг сўнгти ойида 7“6”-синф ўқувчиси Раҳматов Тўрамурод исмли бола мактабга икки-уч кун келмади. Синфдагилар бирор иш чиқара олишмади. Шу боланинг уйига бориб, суҳбатлашиб келиш менинг зиммамга тушди. Мен Раҳматовларнинг оиласига бордим. Ўқувчимиз Тўймурод ҳақида суҳбатлашдим. Оилада бу болага эътибор камлигини аниқладим. Уйдагиларга маслаҳатлар бердим. Шу пайт Тўймуроднинг бувиси менинг гапимни бўлиб, менга қараб: – Солижон, сен бувингнинг оти ким эканлигини ҳар кимдан сўраб турардим. У кишининг оти Сапаргул. Мендан сўрамабсан. Мен сенинг сўраб юрганингни эшитган эдим. Ўзингни кўрсам, айтмоқчи бўлиб юрувдим. Бувингнинг оти Сапаргул.

Мен ҳайрон бўлиб қолдим. Кампир эса ҳамон гапини давом эттиради:–Мен Бибиқиз момонг билан онасиникига ҳар вақт бориб турардим. У кишининг оти Сапаргул. Мендан сўрамабсан. Мен сенинг сўраб юрганингни эшитган эдим. Ўзингни кўрсам, айтмоқчи бўлиб юрувдим. Бувингнинг оти Сапаргул.

Шундай қилиб, бу гапларни айтаётган момо ҳақлидай бўлиб қолди. Биринчидан, мен ундан сўраганим йўқ. Шундай бўлса-да, ўзи айтди. Иккинчидан, у киши Арабкампир момомнинг замондоши. Ҳозир тўқсонга яқинлашиб қолган. Менинг момом эса 1914 – 1915- йилларда вафот этган.

Бувим ҳақида Шариф тоғам айтган Онабуви номини эса бувимнинг катталиги, аёлларга ва рўзгорга бош бўлганликлари учун айтилган бўлса керак, деб ўйладим. Аслида эса, Арабкампир бувимнинг ҳақиқий исми Сапаргулдир.

## ПАТЕНТДОР

Патент сўзи бизда замонамиздаги ўзгаришлар билан бирга кириб келди. Буни биз маълум соҳада (асосан, давлат корхоналарда) ишлаб фойда кўраётганларнинг ана шу даромадидан солиқ тўлаш деб тушунардик. Майда савдогарлар, косиблар ва шу тоифадаги бошқа хизматчилар шулар жумласидандир. Мен амаким Холбой қассобнинг патент тўлаш “тарихини” ҳикоя қилмоқчиман. Мен эсимни таниганимдан буён Холбой амакимнинг қассобчилик билан шуғулланганларини биламан. Қассобчилик ўша пайтларда ҳам энг сердаромад ишлардан ҳисобланарди. Амакимни патенти бор қассоб дейишарди. Мен бу гапнинг маъносини у пайтларда тушунмасдим.

Ўша пайтларда патент олиб ишлайдиган кишилар алоҳида ҳисобдаги кишилар ҳисобланган эканлар. Уларнинг бор-йўғи ўша патент ҳисоби билан аста-секин давлатга ўтди. Кейинчалик ўша кишиларнинг кўпчилиги тугатилди. Холбой амакимнинг патент олиб, фойда орттириш учун елиб-югуриб ишлаган даврининг бир кунинигина баён этмоқчиман. У киши эрталаб элдан бурун туради, десам хато бўлмайди. Ҳовлисида қамаб қўйилган қўйлардан битта ёки иккитасини сўяди. Сўйган қўйи битта бўлса, уни эшакка ортиб, бозорга кетади. Иккита бўлса, биттасини ўзи кўтариб кун чиқмасдан йўлга тушади. Бу гўштни сотиб келгач, озгина дам оладими-йўқми, қамаб қўйган қўйларини бо-

қиши учун қирға олиб чиқиб кетади. Күпинча уларнинг даладан қачон қайтиб келишганини бизлар билмаймиз. Албатта улар кечаси қайтиб келсалар керак. Эртасига яна шу ҳәёт такрорланади...

## БИР ТАНДИР НОН ВОҚЕАСИ

Одамлар овқатни кўп ейдиган ва шунга қараб иш қила-диган кишилар ҳақида кўп гапирадилар. Мен ҳам бу ўринда бўлиб ўтган воқеалардан айримларини ҳикоя қилмоқчиман. Мен уларни “ижрочи”ларнинг ўз оғзидан эшигтанман. Мен уларни ҳеч бир муболағасиз ҳикоя қилиш истагидаман. Ўттизинчи йилларда синфлар тугатилди. Бизнинг жойимиздаги нонини аранг топиб ейдиган кишиларнинг айримлари ҳам синф сифатида тугатилди. Шу тарзда тугатилган кишилардан бирининг хонадони бошқалар қўлига ўтди. Янги ҳовлига кўчиб келган киши шу жойни ремонт қиласди. Қишлоғимизда ўн икки рақами билан номерланган уйнинг эгаси Турмамат оқсоқол тугатилиб, унинг ҳовлисига Элмурод ака кўчиб келди ва бу уй учинчи рақам билан номерланди. Элмурод ака ўз ҳовлисини укаси Холмурод акага қолдирган. Элмурод ака “Саккизинчи март” колхозида бригадир. Кўчиб келган ҳовлисининг ташқарисини пахса девор билан ўраб олмоқчи. Бу пайтгача ҳовли девор билан ўраб олинмаган эди. Элмурод ака бу ишни мардикорлар ёрдамида бажармоқчи бўлди. Бунга икки кишини мардикор қилиб чақиради. Мардикор солган киши уларни кун давомида овқат билан таъминлаши ва бажарган ишига қараб кун ҳисобида пул тўлаши керак бўлади. Пулни аввалдан бериш ҳам мумкин эди.

Элмурод ака кўмакчи-мардикорликка Тўқманғит қишлоғида яшовчи Бобоқул бобо билан Холбой қассобни тақлиф қиласди. Улар келадиган куни Элмурод ака хотини Зиёда опага эртанги кун учун катта хамир қориб, нон ёпишни буюради. Кўмакчилар ҳам тонг саҳардан ишга келадилар. Хамир қилиниб, нон ҳам ёпилаверади, ер ағдарилиб, пахса

лойи ҳам урилаверади. Кун анча кўтарилиб, чой ичиш пайти бўлиб қолганда, Элмурод ака дала айланиб келади. Кўмакчиларни эрталабки чойга таклиф қиласди. Бобоқул бобо билан Холбой қассоб лой оёқ-қўлларини ювиб, уйга кирадилар. Ҳикоянинг шу ерини ҳикоя қатнашчиларининг ўзлари айтгандек ёзишга ҳаракат қиласман:—Уйга кираётганда, —деб ҳикоя қиласди Бобоқул бобо,—ўзим билан бир сатил сувни ҳам олиб кирган эдим. Ноннинг ёпилганини, уйга кирганини кўз қири билан кўриб турган эдик. Холбой бир томондан, мен иккинчи томондан битта нонни оламизда, иккига бўлиб, сатилга босамиз. Иссиқ нон пахтадай бўлиб ивийди. Ҳар ярим нонни иккига бўлиб бир оғиз қиласмиз. Битта нон тўртта оғизда тугайди. Пахтадай ивиган нон гоҳ чайналади, гоҳ шундай ўтиб кетади. Биз уйга киргандан уй юзига йигирма-йигирма бештacha нон ёйиб қўйилган эди. Қизиги шундаки, биздан кейин қўл-юзини ювиб, Элмурод уйга кирганда, биз Холбой билан охирги нонни еяётган эдик. У уйга киргач, чой дамлаб юрган хотинига қараб:—Ҳой кампир, ноннинг бўлса келтир,—деб қичқирди. Шунда хотини:—Нонни ёпиб ўша уйга олиб кириб қўйганиман,—деб жавоб берди. Шунда Элмурод:—Уни кўмакчилар еб бўлишибди, қолган-қутган қотган ноннинг бўлса келтир,—деб қичқирди. Ана шундай қилиб, бир чойнак чой дамлангунича, бир тандир нонни еб тугатганимиз, —деб ҳикоя қилиб берар эди бизга Бобоқул бобо.

Бу одам жуда қизиқ инсон эди. Унинг ўзи ҳақидаги ҳикоялари бундан ҳам қизиқ. Ана шулардан айримларини бобонинг хотираси учун келтироқчиман.

## БОНИМГА ЯРА ТУШДИ

1933 йилнинг кузги пишиқчилик пайти. Тоғамнинг Тўқманғит қишлоғидаги ҳовлиси. Ленин номли колхозга биринчи келган йилим. Тоғамнинг ҳовлиси билан Бобоқул бобонинг ҳовлиси яқин. Ораси юз метрлар чиқади. Бобо ўз болалари учун турли мева ва полиз әкинларини экади. Ёзда

тоғам ва Нұсқа янгам колхозда ишлашади. Мен эса уй ишларидан ташқари мол боқаман. Усти-бошимнинг мазаси йүқ. Сочларим ўсиб кетган. Тоғам бир неча бор сочингни олдир, деб пул берди, қаттиқ тайинлади. Лекин мен сартарошхонанинг яқинига ҳам бормадим. Чунки бошимнинг қоқ ярмидан бошлаб бир томонини сариқ яра қоплаб олған. Шунинг учун соч олинмайди, каллапұш ечилмайди. Ана шундай қилиб юрган кунларимнинг бирида янгам құлымга битта лаган бериб, Бобоқул бобоникидан пүчоқ келтиришимни буюрди. Мен лаганни олиб, бобоникига қараб кетдім. Бобонинг ўзи лаганимни қовун пүчоққа түлдириб берди. Қолганини тез келиб олиб кетишимни тайинлади. Қайтиб борсам, қуёш тушиб турған уйнинг ёнида кутиб турған экан. Мени ўзининг олдига чақырди. Кейин эса:—Отангнинг хизматларини күп күрганман, сочинг ўсиб кетибди, кел, олиб құяман, —деди. Қочиб кетишиңи әнди үйламасам ҳам бўларди. Бобо мени супасида стол ўрнига қўйилган ярим қоп ғалланинг устига ўтқазди. Иссиқ сув ва керакли нарсалари ёнида экан. Бобо бу нарсаларни мен келгунча тайёрлаб қўйган. Буларни излаб кетганимда, у қочиб кетади, деб ўйлаган бўлса керак. Бобо бошимдан каллапұшни олди. Бўйнимга белбоғини бойлади. Қаттиқ, дағал қўллари билан сув олиб, сочимни ивита бошлади. Шу пайт бошимда яра борлигини билган бўлса керак. Лекин менга ҳеч нима демади. Сочимни ивитиб турганда ҳам қайси қўли билан қаттиқроқ ишқаса, бўйним ўша тарафга қийшайди. Лекин оғриқ олдинда экан. Обдон сочимни ишқалаб бўлиб қўлига покини<sup>7</sup> олди. Бобонинг кўзини ўша пайтларда ҳам қип-қизил гўшт босган эди. (Умрининг охирида у киши кўрбўлиб қолдилар.)

Покини аввал бошнинг тепасида чўққайиб турған яраннинг тагидан солди. Сочни яранинг устидан эмас, остидан ола бошлади. Ҳар поки солғанда менинг бошим иккинчи томонга беихтиёр қийшайиб кетар эди. Бошимни сира тўғри

<sup>7</sup> Поки - устара

ушлаб туролмасдим. Бобо икки құллаб менинг бошимни чүзіб тұғирлаб құяды. Лекин бошим яна тушиб кетаверади. Охири бобонинг аччиғи келган бўлса керак, ўнг қўлидаги покини чап қўлига олиб, ўнг қўли билан менинг чап бетимга бир шапалоқ туширди. Бу пайтда қўёш менинг ўнг томонимда эди. Лекин чап томонимда ҳам нимадир қизил оловга айлангандек бўлди. Кўз олдимни қизил, кўк, сариқ ранглар қоплаб олгандек бўлди. Шундай бўлса ҳам мен йиғлаганим йўқ. Бу менинг мардлик кўрсатишни истаганимдан эмас, балки Бобоқул бободан қўрққанимдан эди. То эсимни йиғиб олмагунимча, бобо поки солмай, кутиб турди. Яна поки солганда, қанча ҳаракат қилмай, бошим тўғри бўлмасди. Лекин олдингидаид қийшаймаган бўлса керакки, бобо мени бошқа ургани йўқ. Сочимни олиб бўлгунларига қадар бошим, бўйним, бетларим қип-қизил қон бўлди. Бобо бошимни ювмади. Ҳамма қонларни, сочимнинг қилларини ҳеч жирканмасдан белбоғи билан артиб олди. Қўлидаги нарсаларини ташлаб, мени чап билагимдан ушлаб, ошхонаси томонга етаклай кетди. Бу пайт мен бободан ҳеч қўрққаним йўқ. Шу туришда ўзи тандирнинг устига чиқди. Мени эса сув қўядиган супачанинг устига олиб чиқди. Иккаламиз ҳам тандирнинг устидамиз. Чап қўли билан менинг билагимдан ушлаган кўйи ўнг қўли билан шилдаги неча йиллик қурумларни олиб бошимдаги яраларнинг кесилган жойларига босди. Мана оғриқнинг зўри энди бошланди. Лекин йиғлаганим йўқ. Бошимдаги кесилган яралар ўрнини қурумлаб бўлгач, тандир устидан бирга тушдик. Қўлимни қўйиб юбормасдан туриб, менга шу сўзларни уқтирди. “Эрталаб, ўрнингдан турган заҳотинг кел, мен нос чекаман. Тилимни қириб бир пиёлага олиб қўяман, бошингга суртаман, яхши бўлади”, –деди. Лекин қўлимни ҳали ҳам қўйиб юборгандари йўқ. Улар бир қўллаб лаганга пўчоқ солиб, устига битта қовун қўйди ва бу қовуни ўзинг ейсан, –деди. Каллапўшимни қўлтиғимга қистириди-да, икки қўлимга лаганнинг икки қулоғини ушлатиб қўйиб юборди. Мен ўз ҳовлимизга қараб кетдим. Йўлнинг

ярмидан ўтгач, йифлаб юбордим. Олдин янгам, кейин тоғам ҳовлидан чопиб чиқдилар. Улар мени бирор тутиб олиб, урган бўлса керак, деб ўйлаганлар. Воқеани англагач, ҳеч ким индамади. Оғриқ аста-секин босилди. Оқшом ухладим. Эрталаб туриб, бобонинг ҳовлисига бориш ўрнига қирчадан ошиб, Арабкампир момонинг ёбонига кетдим. Бобо мени тутиб олиб, тилининг қириндисини босади, деб қўрқдим. Бобо қайтиб мени йўқламади. У киши билан умрининг охирларигача бир неча бор учрашдик. Аммо бу мавзуга бирор марта ҳам қайтмаганмиз.

## БОБО “ҚИБЛАГО”НИ ҚЎТАРДИ

Бу ҳикояни Бобоқул бобо йигитлик чоғларини хотирлаб кўп давраларда, шунингдек, шахсан менинг ўзимга ҳам бир неча марта айтиб берган эдилар. Бобоқул бобо:—У вақтларда мен ёш йигит эдим. Ёшим йигирма билан ўттиз орсида. Ёз ойларида халқдан йиққан галлани, қишида эса Зарафшон бўйлариидан йиққан тарашаларни Бухорога таширдик. Биз кўпчилик аравакашлар бекнинг топшириги билан Ойдин чорвоққа яқинлашиб борсак, катта бир ариқнинг чалпақ-ботқоғига подшо Аҳадхоннинг икки фидиракли пойтуни (файтуни) ботиб қолибди. Бир нечта амалдорлари лойқага ботиб турган Аҳадхонни лойқа-ботқоқликдан чиқариб олишга уринишмоқда. Узоқдан чопиб, чарчаб келган отларни хизматкорлар олдидан тортиб қамчилайдилар, лекин отлар тортмайди. Бизлар ҳам орқадан бориб, бир оз томоша қилиб турдик. Шу ерда чопиб юрган ясовулларнинг кўпи мени танийди. Уларнинг баъзилар мени “Малла полвон” деб аташарди. Мен шу тўдага яқинлашиб:—Рұксат беринг, қиблагони (қиблагоҳни) ўзим лойдан кўтариб чиқарай, —дедим. Менга қиблагони олиб чиқишига рұксат беришди. Мен пайтунга қўшилган отларни чиқаришни буюрдим. Ўзим ечиндим. Бўз иштонни тиззамгача кўтариб олдим. Оёқ яланг-бош яланг бўлиб, пружинали пайтуннинг орқа томонидан балчиққа кирдим. Балчиқ

ҳақиқатан ҳам чўкма балчиқ, ости лой экан. Балчиқнинг устида тўрт энли келадиган лойқа суви ҳам бор эди. Олдин иккала оёғимни пайтун остига юбориб, лойга тиқиб олдим. Оёғим қаттиқ ерга боргунига қадар куч билан пастга тирадим. Тиззамдан баланди балчиқ билан, сув эса ярим белимгача чиқди. Ўзим аниқ жойлашиб олганимдан кейин “Ё Ҳазрати Али, ўзинг қўллагин, шарманда қилма”, деб пайтун остига шўнғидим. Далада бўлаётган гап-сўзларнинг бирортаси ҳам қулоғимга кирмайди. Бўйнимни ҳам қилиб, пайтунни яхшилаб елкамнинг устига жойладим-да, “Ё Али,”—деб кўтардим. Бир зўр беришдаёқ, лойдан ажратиб елкамда кўтариб турдим. Нафас олиш қийин. Чап қўлимни пайтундан олиб, ўнг қўлим билан уни маҳкам ушладим. Чап қўлим билан эса юз-кўзимдаги лойни сидириб ташладим. Шундан кейин тўйиб нафас олдим. Энди лойдан чиқиб олиш керак. Ўнг оёғимни бироз бўшатдимда, қайта тираб, чап оёғимни лойдан узиб, бир қадам олға босдим. Кейин ўнг оёғимни лойдан уздим. Шундай қилиб, “қиблаго”ни лойдан олиб чиқдим. Лойдан чиққач, пайтунни ерга қўйишмда кўмакчилар кўпайиб қолди. Аравани аста ерга қўйдим. Мен тоза сувга ювинаётганимда, улар Ойдин чорвоқча қараб жўнаб кетишиди. Биз ҳам ўз манзилимизга бордик. Орадан кўп вақт ҳам ўтиб улгурмай, мени йўқлаб подшоҳликдан сарбоз-чопар келиб қолди. Кейин билсан, подшо ўз манзили – Ойдин чорвоқча етиб боргач, ўзини лойдан олиб чиққан киши ҳақида сўрабди. Мулозимлари унга мен, яъни Малла полвон ҳақида айтишган экан, у:–Тезда Малла полвонни топиб келинглар,—деб буюриби. Мени хоннинг олдига олиб кетдилар. У кишининг олдига киргач, мен ҳеч қандай таклифни ҳам кутиб ўтирумай, таппа ўтириб олибман. Подшо ҳам индамади. Кейин буни ўзим сезиб ерга қараб, бошимни эгиб, жим ўтиравердим. Бу вақтда подшо мени кўздан кечирган бўлса керак. Кейин эса бирдан:–Қанча гуручнинг ошини ейсиз,—деб қолди. Мен ҳам ўйламасдан:–Чорак, —деб жавоб бердим. Подшо чорак гуручдан ош қилиб келишни буюрди. Мен эса тиз чўкиб ўти-

рибман. Подшо ўз кишилари билан у ёқ-бу ёқдан гапириб ўтирибди. Лекин уларнинг бирорта сўзи ҳам қулоғимга кирган эмас. Ўзим ҳам ҳеч нарса ўйламай ўтирибман. Бир пайт бир киши кириб ош тайёр бўлганини билдири. Подшо ошни келтиришни буюрди. Хизматкор кириб хонадагиларнинг қўлига сув қўйиб, сочиқ тутди. Мен ҳам улар қаторида бўлдим. Даастурхончи даастурхон ёзди. Менинг олдимга чорак гуручининг ошини катта лаган – товоққа солиб олиб келиб қўйдилар. Лаганинг атрофида мойи айланаб турибди. Ош бир оз совисин. Мен эса чоракнинг нималигини тушунтирай. Чорак оғирлик ўлчови бирлиги бўлиб, ҳозирги икки килограммга teng. Бундан эллик ёки етмиш беш грамм фарқи бор. Чорак гуручининг оши деганда унга солинадиган масаллиқлар ҳам, жумладан, гўшт, пиёз, ёф ва бошқалар ҳам чоракдан солинади. Менга: Ошни олинг,—деган таклиф бўлди. Даастлаб гўштни катта-ката, ялпоқ-ялпоқ қилиб тўғрадим. Кейин ҳеч қаёққа қарамасдан ош ейишга киришдим. Бир олганимни чайнасам, бир олганимга тишимни тегизмасдан ўтказавердим. Чорак гўштда битта ҳам суяги йўқ экан. Ошни еб, ёгини ичиб, товоқни қўлим билан яхшилаб ишқаб яладим. Қўлимни белбоғимга суртиб бўлганимда, подшо “бир заррин тўн” деб буюрди. Ясовуллар бир заррин тўн келтириб елкамга ёпдилар. “Қиблаго”га қуллуқ қилиб, чиқиб кетдим... Ана шундай.

## ҚИРҚ ТАНГАЛИК ИШБАЙ

Қишлоғимизда Абдиазиз ва Раҳмонберди деган ака-ука бор эди, деб хикоя қилиб берарди Бобоқул бобо. Акаси Абдиазиз бекнинг қоровул бегиси эди Укаси Раҳмонберди ҳар кимларнинг отини чопадиган чавандоз эди. Кунларнинг бирида Раҳмонберди мендан битта ҳовуз қазиб беришимни илтимос қилиб қолди. Мен ҳовузни ишбай қилиб қазимоқчи бўлдим. Иккаламиз қирқ тангага келишдик. У вақтларда қирқ танга жуда катта пул. Баъзи мардикорлар қирқ

тангага қирқ күн ишлайдилар. Мен бай қилиб олгач, пешин келиб ҳовуз бўладиган жойни ўлчаб, режасини тортдим. Кечки салқин билан келиб катта кетмонда ҳовуз бўладиган жойнинг тупроғини тўрт томонга чиқара бошладим. Тупроқни кетмонлаб отдим. Мачитдан хуфтон намозига азон айтилган пайтда ҳовузнинг учдан бир қисми тайёр бўлган эди. Эрталаб Конимек бозорида чошгоҳ бозор бошлангунига қадар ҳовузни қазиб бўлдим. Бошқалар қатори мен ҳам бозорга бордим ва Раҳмонбердидан қирқ тангани талаб қилдим. Унинг кўзлари олайиб: – Нима сен бир оқшомда қирқ танга оласанми? – деди. Мен қаттиқ туриб олдим. У эса: – Бор, қазиган ҳовузингни кўмиб ташла. Қирқ тангани бермайман, – деди. Мен аччиқланганим йўқ. Бозор қилиб, уйга келдим. Қорнимни тўйғазиб, кетмон билан ҳовузнинг лабига бордим. “Очилмай сўладиган бўлдинг, сув кўрмай кўмиласан,” – деб чор атрофдаги тупроқни ҳовузга ташлайбердим. Воситачиларнинг сўзига ҳам қулоқ солмадим. Эрталабгача ҳовузни кўмиб, қолган тупроқларни устига уюб бўлдим-да, кетмонимни кўтариб, жомакоримни ҳам ечмай, Конимек бегининг олдига бордим. Бўлган воқеани айтиб бўлиб: Раҳмонбердида ҳовузни қазиганим учун қирқ танга, кўмганим учун қирқ танга ҳақим бор, олиб беринг, – дедим. Мен гувоҳ сифатида номларини айтган кишиларнинг ҳаммасини чақирди. Раҳмонберди билан мен оқ бўйра устига чўкка тушиб ўтиридик. Мен арзимни яна бир бор баён этдим. Бек Раҳмонбердидан: – Тўғрими, – деб сўради. У тасдиқ жавобини берди.

- Ҳовузни қазишга қирқ танга ваъда қилибмидингиз?
- Ҳа.
- Пулини бердингизми?
- Йўқ.
- Ҳовузни кўмишга буюрдингизми
- Ҳа.

Бек ҳовузни қазиш учун қирқ танга, кўмиш учун қирқ танга тўлаш учун ҳукм чиқарди.

Укасининг бу юзсизлигига чидай олмаган Абдиазиз /

қоровулбеги ўз ҳамёнидан бекнинг олдида саксон танга санаб берип, ишни ёпди, оғайнисининг ориятини олди. Саксон тангани ҳамёнига солиб, Бобоқул бобонг уйга қайтди.

Шундай воқеа пастда мардикор ишлаб юрганимда бир бой деҳқон билан ҳам рўй берган эди. Кечаси бир бой мени мардикор қилиб, уйига чақирди, қорнимни тўйғазди. Эрталаб ариқ бўйидаги бир таноб ерига рег қумдан минг ғалтак тўкиб беришни буюрди. Эсимда йўқ, анчагина тангага келишдик. Кечгача минг ғалтакни тўкиб келдим. Бой ғирромлик қилди. “Бир мардикор бир кунда шунча пул ишломайди”, – деди у. Мен унга ваъдасини эслатдим. У аччиқланиб: – Бор, тўккан қумингни чиқариб ташла, – деди.

Мен бой билан бирга ўтириб овқатландим. Кейин ғалтагимни ҳайдаб, кетмонимни олиб, ишлаган еримга қайтиб келдим. То эрталабгача бир ғалтак тўккан жойимдан икки ғалтак олиб, ердан чиқариб ташладим. Эрталабгача бойнинг ерида мингта чуқурча пайдо бўлди. Натижада бой ўша ерига бир йил экин эколмай қолди. Мен ҳам пул талаб қилмадим. Ана бобонгнинг қандай хизматлари бор. Эсиз-эсиз – йигитлик, ёшлиқ. Билсангизлар йигитлик – одамнинг кўрки.

## ЁШЛИКДАГИ САФДОШЛАРИМ

Киши ёшлигига кўп нарсанинг фарқига бормайдиган, ҳаётни қадрлай олмайдиган бўлади, деса хато бўлмайди. Буни ўз тажрибаларимдан ҳам биламан. Киши улғайган сари болалик хотираларига яқинлашади. Мана шу гапларни хатга тушириб ўтирганимда ҳозир мен эллик беш ёшдаман. Тўртинчи синфни агар 1938 йилда тугатган бўлсам, орадан ўттиз саккиз йил ўтибди. Бу йиллар ичida бошимдан қанчадан-қанча ташвишлар ўтмади, дейсиз. Лекин бу ташвишларнинг бирортаси болалигим, ёшлигим, ўша пайлардаги дўстларим ҳақидаги хотираларимни хаёлимдан ўчириб ташлай олгани йўқ. Айниқса, сафдош-синфдошлини ҳар сафар соғиниб эслайман. Мен такрор бўлса ҳам

бошлангич синф ўқитувчиларимни, тўртинчи синфни бирга битрган ўртоқларимнинг номларини шу ўринда зикр этмоқчиман.

Биринчи ва иккинчи синфларда Шокиров Очил ака, Муродов Аҳмад ака, Мўминов Ботир ака, Жўраев Асад акалардан даре олдим. (Қозоқ мактабида ўқиганимда Товоқбоевдан дарс олганимни айтиб ўтган эдим.) Учинчи синфда фақат Маҳмудов Қобил ака ўқитди. Рус тилидан Қурбоналиева Майсара оға дарс берган эди. Тўртинчи синфда эса бизни Бўриев Остона ака ўқитди. Рус тили ўқитувчимиз ўзгармади. Мен фақат аъло баҳоларга ўқиганман. Шаҳодатномамдаги баҳоларимнинг ҳаммаси “беш”. Менинг энг яқин ўртоғим Раҳмонов Мавлон эди. У қорачадан келган, кўзлари катта-катта, ориққина бола эди ўша пайларда. Лекин жуда ширинсўз, муомаласи яхши, ҳеч кимга озор бермасди. Иккимизнинг дўстлигимиз узоқ йиллар, аниқроғи, урушга кетгунимизча давом этди. Чунки Мавлон урушдан қайтмади. Ҳозир унинг онаси бор. Мени кўрган жойида йиғлаб, юзимдан ўпади. Мен ҳам юзимни тутаман. Мени ҳар кўрганида ўғли Мавлонни эслайди. Шундай пайларда мен ҳам Хурсанд опам (Мавлоннинг опаси. Энди ёдингизга тушгандир, биз бир ҳовлида яшаганмиз) билан бирга кўзимга ёш келиб, Мавлонни эслайман. Лекин бир-биримизга у ҳакда ортиқча гапирмаймиз.

Яна бир синфдошимнинг исми-шарифи Қодиров Эшпўлат эди. Оғиргина бола бўлиб, синфдаги бир қатор болаларнинг олди, деса бўлади. Ўзи қорачадан келган.

Турдиев Хайри. Юрғанида лўқиллаб юради. Болаларга кўп озор бермайди. Кўнгли жуда юмшоқ бир бола эди. Мавлоннинг туғишган тоғаси. Урушгача қисқа бухгалтерлик курсини тугатди. Колхозда бир муддат бухгалтер бўлиб ҳам ишлади. Урушга кетиб, қайтмади.

Жабборова Холбуви. Хайрининг хотини. Уруш арафасида тўйлари бўлди. Оғир табиатли, холдор қора қиз эди. Юрғанда салмоқ билан қадам ташлаб юрарди. Биз тўртинчи синфда ўқиб юрганимизда “айттириб қўйилган” эди.

Шунинг учун ҳам мен ҳазиллашиб, “янга” деб чақирадим. У ҳам ҳазилимга аччиқланмас, беозоргина кулиб қўярди. Хайри фронтдан қайтмагач, Бобоев Нурмаматга турмушга чиқди. 1945 йилларда касалланиб, вафот этди. Ундан фарзанд қолмади.

Пармонов Сайд. Синфдошим. Паст бўйли, чор паррандан келган, сариқ бола эди. Анчагина уришқоқлиги билан ажralиб турарди. У ҳам урушдан қайтмади.

Эшмуродов Тоҳир. Сариқдан келган, бўйи ҳам, ориқлиги ҳам мен билан бир хил эди. Менинг энг яхши жўрам эди. Язнаси Жўраев Турдиқул, опасининг исми эса Хумор. Гарчи ота-онаси бўлса ҳам, опаси Хуморнинг қўлида турарди. Мени мактабдан қайтишда бир неча марта уйига олиб борган. Тўртинчи синфни битирганидан кейин ўқишини давом эттиrmади. Касалланиб, 1939 йилда вафот этди.

Сайдов Ҳайдар. Мен уни синфимиздаги болаларнинг энг зўри деб билардим. Жисмоний жиҳатдан бақувват, соғлом, ўзи камтаргина бола эди. Унинг бир нечта сингиллари бор эди. Улар жуда шўх, шаддод. Бу эса уларнинг акси. Ўртacha ўқирди. Синфкомимиз эди. Уруш бошланмасдан олдинроқ уйланди. Урушдан қайтмади.

Бобоев Пирмамат. Узун бўйли, лекин уқувсиз бола эди. Жуда ёшлигидан нос чекарди. Шунинг учун бўлса керак, оғзидан сўлаги оқиб юрарди. Дарсларда зўрға баҳо олар эди. Чекин, яъни танга ағдариб ўйнаш ўйинининг пири эди. У ҳам урушдан қайтмади.

Худойбердиев Ибодулла. Менга ўхшаган сафир бола эди. Асли арабсаролик. Акаси Худойбердиев Файзининг қўлида турарди. Урушдан қайтмади.

Бозоров Файзи. Бу бола Бозор милиция деган кишининг ўғли эди. Урушдан қайтмади.

Шукurov Karim. Ёшлигидан бошлаб жуда чиройли ёзарди. Дўмбоққина, яхши бола эди. Тўртинчи синфни битирганда вафот этди.

Ҳайитов Мамат (Муҳаммад бўлса керак) ва Искандаров Ҳамроқул. Бу болалар урушгача ўғирлик қилиб, қама-

либ кетдилар ва ўша ёқдан қайтиб келишмади. Ўша ерларда вафот этиб кетган булишса керак.

Искандаров Хўжан. Жуда чиройли бола эди. Болалигидан санъатга қизиқарди. Урушдан бир оёғидан ажраб қайтиб келди. Шундан кейин турли театрларда ишлади.

Шаропов Ёвқоч. Бу бола ўртача ўқийдиганлардан, бироз қўпопроқ бола эди. Боши бироз чатоқ, яъни тепакал эди. Урушдан олдин уйланди. Уйланиши ҳақида кўп гапириб юрарди. Хизмат батальонида ўлиб кетди.

Жабборова Рўзибуви. Жабборова Холбувининг опаси. Синфимиздаги энг зўр ва катта қиз эди. Унинг ёши бизни ўқитган Бўриев Остона ака билан тенг бўлса керак. Тўртинчи синфни битирмай, қишки каникул пайтида Қўзиев Эргашга турмушга чиқди. 1974 йил эри билан иккиси бир ҳафта ичida вафот этишди.

Ҳамроев Муҳаммад. Синфимиздаги бўладиган болалардан биттаси шу эди. Жуда кўнгилчан. Уруш бошланмасдан олдин Қизил Армияга чақирилди. Лъвовда хизмат қилди. Менинг яқин тутган дўстларимдан бири. 1941 йили отаси ўлганда ҳарбий формада бир келиб-кетди. Қайтиб кетганидан кейин уруш бошланди. Урушда биринчи қурбон бўлганлардан бири у эди.

Маҳатов Абдурасул. Ўзига қарамас, тўғриси, ўзини эпполмасдан юрарди. Жанжал бор жойда ҳамиша у бўларди. Урушдан қайтмади.

Маҳмудов Тошим. Синфимизда ёш жиҳатидан ҳам, бўйи ҳам биздан кичик эди. Шунга қарамасдан жанжалбоши у эди. Ҳар доим бақириб-чақириб юрарди. Урушдан қайтмади.

Бўронова Тошибуви. Паст бўйли, кичкинагина қиз эди. Искандаров Облоқулга турмушга чиққан. Ҳозирда ҳаёт.

Ҳотамова Зулфия. Синфимиздаги энг кичкина, энг озғин қиз эди. Ҳозир Фиждувон районида яшайди. Турмуш ўртоғи ҳам ҳаёт.

Шу синфда ўқиган болалардан булардан бошқаларини эслай олмайман. Қизлар тўртта эмас, кўпроқ эди. Бу синфа йигирма саккизта бола ўқиганмиз.

## МАҚСАДИМ ЎҚИМОҚ

Тўртинчи синфни битирган чоғларимда район марказида битта ҳам ўзбек мактаби йўқ эди. Шу пайт – 1938 йиллар район бўйича биттагина тўлиқсиз ўрта мактаб бор эди. Мен ўқишимни давом эттиришим учун ўша ерга қатнашим мумкин. Ўқиш учун у ерга ҳужжатларимни топширишим керак. Ҳужжатларни топшириш учун эса район комсомол комитетидан рухсат олишим керак. Биз – энг яхши ўкувчилардан етти кишини мактабда ўқиб юрган чоғимизда комсомолга қабул қилишган эди. Ўзим ҳам бу соҳада жуда фаол ишлардим. Мени ҳатто колхоз комсомол комитетининг биринчи секретари қилиб сайлашган эдилар. Шунинг учун ҳам ўқишига рухсат олишим ҳеч қандай қийинчиликсиз кечгани табиий.

Энди Бешработга отланишим керак. Лекин яна бир иш-кал чиқиб қолди. Қўшниларимизга кўмаклашаман деб, арава тортаётганимда оёғимга темир қозиқ кириб кетди. Чап оёғимни мутлақо ерга босолмайман. Бунинг устига у пайларда ўқишига жўнатиш, ёки кузатиш деган нарсаларнинг ўзи бўлмаган. Тоғамнинг бу ишга қурби келади, лекин мени олиб бориш ёки кузатиш хаёлига ҳам келмайди. Оёғимнинг темир кирган жойидан қон сизиб чиқиб турибди. Мактаб эса эрта-индин очилади. Ҳозир бормасам, кейин улгурмайман. Ўқишига ўзим бир амаллаб кетишга қарор қилдим.

1938 йилнинг август ойлари бўлса керак, уйда осмонга қараб ётибман. Эшикдан синфдош дўстим Ҳамроев Муҳаммад кириб келди.

- Нима қилиб ётибсан, – деди у менга қараб.
- Оёқ... Оёқ бостирмайди, жўра, – дедим мен.
- Оёқми? Тур ўрнингдан, бир амаллаб кетамиз, – деди у.

Иккимиз ўртамиздаги бу суҳбатдан кейин мен бир амаллаб ўрнимдан турдим. Чап оёғимнинг учини авайлаб ерга тирадим. Оғриғи зўрайди. Муҳаммад келиб, чап томонимдан қўлтиғимга кириб суяб қолди. Шу алфозда йўлга тушдик. Йўл ўн беш километрдан кўпроқ. Эрталаб соат тўқиз-

ларда йўлга чиққан бўлсак, кеч соат бешларга мактаб жойлашган районга етиб бордик. Мактаб яқинига боргани миздан кейин қаерга боришни, кимга учрашишимизни билмай, мактаб яқинидаги руд устига қурилган кўприкнинг харисига чиқиб ўтирдик. Кўпгина болалар у ёқ-бу ёққа ўтиб юрибди. Бизлар билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Биз иккаلامиз мўлтираб ўтирибмиз. Кун ҳам кечга тортаётибди. Паст томондан бир озғингина, қорачадан келган, тили жуда чучувк. чуваккина бир бола худди бизни олдиндан танийдигандай олдимизга кулиб келди. “Ўқишига келдингларми?” - деб сўради у. Тасдиқ жавобини эшитгач, “Юринглар, завхоздан жой олиб бераман”, - деб, бизларни юқори томонга эргаштириб кетди. Хўжалик корпуси шу тарафда экан. У ерга боргач, иккита темир кароват, кўрпача ва бошқа керакли нарсаларни завхоздан (хўжалик ишлари мудиридан) олиб берди. Кейин биз даладаги бошқа болалар қаторига жойлашиб олдик. Тўғрисини айтсам, ўшанда мен биринчи марта кароватда ухлаган эдим. Бизларга бундай ғамхўрлик кўрсатган бола олтинчи синфни битириб, еттинчи синфга ўтган ЖаҳонгировFaффор (исм-фамилиясини кейинроқ билганман) деган бола эди. Кейинчалик у билан дўстлашиб кетдик. У киши ўз фаолиятининг катта қисмини Навоий районидаги Сверлов номли колхозда ўтказди. У киши билан дўстлигимиз хеч қачон узилган эмас.

## ОНА ТИЛИ ВА ТАРИХ ЎҚИТУВЧИМ

Гапниг қисқаси, биринчи сентябрь келиб дарслар ҳам бошланиб кетди. Мен 5-“В”синфига қабул қилинганман. Бу синфга ҳамма Бешроботга яқин турадиган болалар қабул қилинган. Мен билан Конимехдан борган болаларнинг ҳаммаси “А” ва “Б” синфларида. Мен эса иккинчи сменадаги “В” синфида ўқийман. Мактаб очилганига уч ёки олти кун бўлди. Мен ўзимга таниш бўлмаган болалар орасида дарсларни бошлаб юбордим. Синфда учинчи қаторнинг охирги партасида ўтираман. Аввал бирга ўқиган, бир-бирига

таниш бўлган болалар олдинги қаторларга жойлашиб олишган. Ўзингизга маълумки, мен бир оёқлаб зўрға юраман. Синфда мендан ҳеч ким ҳеч нарса сўрамайди. Бизнинг синфимизга белгиланган раҳбир ҳам йўқ. Болаларнинг айтишига кўра, мен ўқийдиган синфга она тили ва тарих ўқитувчиси Бекмуродов Абдулла aka раҳбар экан. У киши дарс бошланган пайтда Тошкентда экан. Ўқишнинг бешинчи ёки олтинчи кунлари болалар тарих ўқитувчимиз келибди, деб у ёқдан бу ёққа чопишиб юрдилар. Уларнинг мақсади тарих ўқитувчисини кўриш эди. Мен болаларга қўшилиб чопганим йўқ. Биринчидан, у киши мени танимайди, иккинчидан, оёғим ҳам чопишга ярамайди. Учинчидан, у ҳам одам, мен ҳам одам, одам одамнинг нимасини томоша қиласди, деган факт кўнглимдан ўтган бўлса керак. Шу куни тўртинчи соатда тарих дарси борлигини билмабман. Аксига олиб, учинчи соатдан чиққан пайтда бир ичоғриқча йўлиқдим. Шунинг учун тўртинчи соатга тўрт-беш минут кечикдим. Бир томондан ичимнинг оғриғи, иккинча томондан оёғимнинг чўлоқлигидан қисиламан. Шундай бўлса ҳам дарсга киришим керак эди. Дарсга кеч қолиб кириш одобдан эмас. Илож қанча, рухсат сўраб дарсга кириш керак. Ҳеч иккиланмасдан эшикни тақијлатдим. Ичкаридан “киринг”, деган жарангдор, ўткир, ҳукмдор овоз эшишилди. Эшикни аста очиб, ичкараги кирдим. Синфда жуда хушбичим, кийиниши мен кўрган ўқитувчилардан анча фарқ қилалигандан, чиройли, сочи орқасига тараалган, оқ юзли, қирра бурун, қоп-қора ва юмалоқ кўзли, ниҳоятда кўркам бир киши туар эди. Мен бу кишини она тили, адабиёт ва тарих ўқитувчиси Бекмуродов Абдулла aka эканлигини бир кўришдаёқ билдим. Мен синфга кириб, бир оёғимни авайлаб чўлоқланганча хонанинг ўрталарига борганимда, ўқитувчининг сабри тугаб:-Юаркансида, чўлоқланниб, – деди. Мен индамасдан ўз жайимга бориб ўтирдим. Дарсга кирганимда, ўқитувчи йўқлама қилиб бўлган экан. Тарих дарси экан. Болалар ҳар хил мактаблардан келганлиги сабабли ҳам уларнинг ўқиши ҳар хил эди. Ўша вақтда СССР

тариҳи бобларга бўлиниб, “Қизил Ўзбекистон” газетасида чоп этилиб турарди (Бу вақтда мен тўртинчи синфда ўқир эдим). Кейин билсам бу рус тилидан таржима қилиниб, бо- силар экан. Ўқитувчи болалардан қайси мавзуга келиб тўхтаганини сўради. Болалар чувалашиб жавоб беришарди. Мен индамай ўтирас эдим. Ўзим кечикдим. Бунинг устига чўлоқланиб юрган эдим. Мен ҳам бошқа болалар сингари тариҳдан Пётр I мавзуига қадар ўқиган эдим. Ўқитувчи мана шу давргача бўлган мавзуларни сўраб, ўқувчиларга савол берди.– Ким айтади? – деган саволга ҳеч ким жавоб бера олмади. Савол яна такрорланди. Ўқитувчи ўз ўрнидан қўзғалмас эди. Мен эса саволнинг жавобини билиб турибман. Айтишга эса ийманиб турибман. Охири бўлмади. Ўқитувчидан қўрқа-писа қўл кўтардим. Ўқитувчи турган жойидан: – Айтинг, – деди. Мен саволга тўғри жавоб берган бўлсан керак, унинг юзида мамнуният сездим. Иккинчи саволни ўртага ташлади. Бу сафар ҳам ҳеч ким жавоб бермади. Мен бўйнимни чўзиб ўқитувчига тик қараб турдим. У менга : – Айтасизми? – деди. Мен бу саволга ҳам жавоб бердим. Шундан кейин ўқитувчи билан қўйидаги мазмунда савол-жавоб қилдик.

Савол: – Исм-фамилиянгизни айтинг.

Жавоб: – Солиҳ Каримов.

Савол: – Қайси мактабдан келдингиз?

Жавоб: – Ўн саккизинчи бошланғич мактабдан.

Савол: – Тарихдан ким ўқитган?

Жавоб: – Остона Бўриев.

Кейин учинчи саволни бердилар. Бу саволга ҳам ҳеч ким жавоб бермади. Савол иккинчи марта такрорланганда, мен қўл кўтардим-да, жавоб бердим. Дарс якунланишига озгира фурсат қолган шекилли, ўқитувчимиз ўзини бизнинг синфга раҳбар эканлингини эълон қилди. Ҳозирнинг ўзидаёқ кичкинагина синф мажлиси қилиб, синфком сайланишини айтди. Ўзлари эса: – Мажлис қарори билан бугундан бошлаб Солиҳ Каримов синфком қилиб сайланди, – деди. Бошқа ҳеч ким, ҳеч нарса демади. Мен шу соатдан бошлаб

синфбоши бўлиб сайландим. Ўқитувчим мени синфбоши орқада ўтирумайди, у олдинда ўтириши керак деб, мени ўзининг олдидағи биринчи партада ўтиришимни буюорди. Мен биринчи партага қандай борганимни билмайман. Оёғим чўлоқландими –йўқми ҳозир ҳам кўп ўйладим. Эслай олмадим. Мен биринчи партада ўтирадиган Майрам Эргашева ва Қумри Қазоқова деган қизларнинг орасидан жой олдим (Бу қизларнинг исми-фамилиясини кейин билдим).

Шу Бешроботдаги тўлиқсиз ўрта мактабда олган билимим мен учун пойдевор бўлди. Кейинчалик сиртдан ўқиб билим олдим. Шунинг учун ҳам шу ердаги ҳаётимни умримнинг энг яхши, қувончли даври деб ҳисоблайман.

## ДЎСТИМ – РУСТАМ ХУДОЙБЕРДИЕВ

Мен шу мактабга кирганимда қандайдир сабабларга кўра, ўз ўртоқларимдан ажralиб, Бешработ қишлоғидан ҳамда “Оқ олтин” колхозидан келган болалар билан иккичи сменада ўқишига тушиб қолдим. Бу болалардан мен Рустам исмли йигит билан яхши танишиб олдим. Рустам бўйи пастроқ, бироқ ўзи катта йигит экан. Уни дастлаб пайқамаган эканман. Уни қишлоқдош болалари жуда қаттиқ хурмат қилишини ҳам сезиб қолдим. Мен унинг ҳамма болалардан зўр эканлигини ўқув йилининг яримларига бориб билдим. Мен синфда аълочи ва фаол бўлганлигим учун районга ҳам бориб турардим. Мен болаларнинг ҳаммасига бир хилда муомала қиласар эдим. Кейинчалик билсан, Рустамдан болаларнинг ҳаммаси қўрқар экан. Бу йигит менинг сўзларимга ҳам қулоқ тутарди. Мени ўзига яқин оларди. Ҳатто у менинг яхши ўқишимдан хурсанд бўлар экан. Буни унинг ўзи кейинчалик айтиб берди. Бир куни Рустам мени қўймасдан уйига олиб борди. Уйи “Оқ олтин” колхозига ўтиб кетадиган йўл устида экан. Мен у билан бирга уйига бордим. Унинг уйида Равшан исмли акаси, янги тушган янгаси, синглиси ва укаси бор экан. Рустам онасига “она” деб мурожаат қиласар эди. Менинг унга ҳавасим келди. Рустам

тамнинг онаси худди менинг армонимни сезгандай, мени “болам” деб айтди. Рустамимга жўра бўл, кичик болала-римга aka бўл, – деди. Кейинчалик у кишини мен ҳам “она” деб чақирадим. Синглиси Руқия ва укаси Кенжада мени ҳам “ака” деб чақирадилар. Шу-шу, мен Пардагул кампирнинг ўғлига айланиб қолдим. Рустамнинг янгаси мени “қиёматлик ука қиласман”, деб юрарди. Лекин бу орзуси тўлигича амалга ошмади. Мен у кишини янга деб эмас, опа деб чақирадим. Бу унинг хоҳиши эди. Орадан йиллар ўтиб кетди. Мен ҳалиям у кишининг ҳурматларини сақлаб, уларни опа деб чақираман. Менинг бу опам ўша йиллари бева қолган эди. 1939 ёки 1940 йилда Равшон aka Қизил Армияга олиниб, Эронда хизмат қилиб турган пайтида отдан ийқилиб, вафот этди. Хотини – менинг “опам” Хатирчи районига турмушга чиқиб кетди. Рустамнинг бу янгаси ўзининг бо-босининг қизи экан. Хатирчидаги қариндошларидан бирига турмушга чиққан. Ҳозир бола-чақаси билан яшайди. Қандай яшашини билмайман. Рустамнинг ва укаларининг уйига келиб-кетиб тураркан.

Мен Рустам билан биринчи сафар борганимда, онаси сандиқни очиб, Рустамнинг ҳам, менинг ҳам киссамни қора майиз билан тўлдирди. Мен учун майиздан кўра ҳам менга қилган зътибори муҳим эди. Шу-шу Рустам билан қалин дўст бўлиб қолдим. Бу дўстлик мактабда менинг обрўйими ни яна ҳам оширди. Мени ёқтирмайдиган болалар Рустамдан қўрқани учун ҳам менга оғиз очолмасди.

Шу ўринда дўстим Рустам билан боғлиқ айрим воқеаларни эслагим келди.

1939 йилнинг кеч кузи. Дўстлашиб олганимизга ҳам анчагина бўлиб қолган эди. Биз иккаламиз ҳам олтинчи син-фда ўқиймиз. Кунлар совуқ. Биз ётоқда бир хонада тўртта бола яшаймиз. Мен орқадан очиладиган эшик ёнида ётаман. Ухлаб қолган эканмиз. Орқа эшик тиқ-тиқ этди ва Рустамнинг секингина “Соли” деган овози эшишилди. Мен “ҳа”, дедим. У эса “эшикни оч”, деди. Мен унга эшик очилмаслигини, қоровул ҳам йўқлигини айтиб, “залга кел”, деди.

дим. У ҳам залга кириб келди. Хонамга кириб, чироқни ёқишимни сўради. Ёқдим. Чироқ ё еттинчи ё бешинчи эди. жуда хирар ёнарди. Рустам менга товоқ олиб келишни буюрди. Мен тумбочкадан товоқ олдим. Шу пайт у қўлтиғида ўралган тугунни ерга қўйиб очди. Бир зумда хонани кабоб иси босиб кетди. Мен билан бирга яшайдиган болалар Усмон, Сарибой, Равшанлар уйғонгани ҳам йўқ. Рустам иккаламиз бир товоқча кабобни тушириб олдик. У қўлтиғида олиб келганидан қолган нарсаларини менга қолдириб кетмоқчи бўлди. Мен эса бунга розилик бермадим. Уйинга олиб кет, –дедим. У эса: – Онам хафа бўлади, акам уради. Бўлмаса, Қодир аравакашга олиб бориб бераман, –деб, нарсаларни кўтариб кетди. Олиб керган нарсалари иккичу қило қўй гўштидан пишган кабоб, бир қўйнинг бутун сони, уч-тўртта ароқдан иборат эди. Булар ҳақида менга бир оғиз ҳам индамади. “Эртага мактабга боргандада айтаман”, –деб чиқиб кетди. Эртасига мактабга боргандада, Рустамни топиб, бўлган воқеани суриштиредим. Воқеа бундай бўлган экан. Ўша куни Рустамларникига Хатирчидан меҳмон келган экан. Бу меҳмонларни колхоз раиси Парда Ҳайдаров чақирган экан. (Унинг лақаби Парда кўса эди.) Бу киши Рустамнинг қариндоши, аниқроғи, тоғаси бўлади. Парда ака кундуз соат бешларда Рустамлар дарвозаси олдидан ўтаётуб, Рустамга “Равшан аканг ишдан келса, меҳмонларнинг олдига борсин”, деб тайинлаб кетибди. Лекин Рустамга “ўзинг ҳам кел”, демабди. Акаси пунктда пахта қабул қилувчи бўлиб ишлар экан. Кечқурун акаси ишдан келмабди, Рустамга эса тоғасининг уни чақирмагани алам қилибди. Кун ботиши билан Рустам раиснинг уйига қараб йўл олибди. Буларнинг ҳовлиси Рустамларникидан тахминан уч-тўрт километр узоқда. Овқат пишгунича пайт пойлаб ётибди. Овқат пишгач, кампир (раиснинг онаси) бир юмуш билан уйга кириши билан, қозоннинг устига ёпилган дастурхонга кабобни солибди. Шундан кейин хом гўшти йифиштириб кетай, овқатига ҳам гўшт қолмасин, деб уйнинг даҳлизига кирибди. У ерда қўйнинг бир сони ва

тўрт шиша ароқ турган экан. Ҳаммасини олибди. Ҳовлидан чиққунича, овқатнинг ёғини оқизибди. Кейин қайси томонга кетгандигини аниқлаётмасликлари учун пахталик пинжагини ечиб, овқатни ҳам, бошқаларни ҳам шунга ўраб, менинг олдимга келаверибди.

Мен бу гапларни эшитиб, унинг қилган ишларини маъқулламадим. У эса бу ишларни тоғасининг уни одамга ҳисобламаганлиги учун олган ўчи, деб тушунтиришга ҳаракат қилди.

Кейинчалик бу ишнинг нима билан тугаганини Рустамнинг ўзидан сўраб билиб олдим. Раис бу воқеадан хабардор бўлиши билан уйидагилардан “Рустам келувдими?” деб сўрабди. Хотини кун ботгандан кейин Рустамни уй атробида кўрганини айтибди. Шунда раис:—Бу Рустамнинг иши, —дебди. Лекин Рустамнинг ўзига бу ҳақда ҳеч нарса демабди.

Рустамнинг шўхликларидан яна биттасини келтирмоқчиман. Ёз тунларининг бири. Мен ўқувчи дўстларим билан далада ухлаб ётибмиз. Ярим кечаси Рустам келиб, мени уйғотди. Мен унинг келишидан ҳайрон бўлмадим. Чунки у кечалари менинг олдимга кўп келиб турарди. Лекин бу куниги келиши бошқача эди. Мени тез кийинишга қистади. Мен бормайман десам ҳам, қўймасдан ўзи билан бирга олиб кетди. Бунинг бунчалик шоширишида бир гап бор, деб ўйладим. Нима гап эканлигини у менга айтмади. Бизнинг ётогимиздан уч юз-тўрт юз метрлар нарида ўзимиз билан бирга ўқийдиган Карам исмли қиз ўз қариндошлари билан турарди. Мени тўппа-тўғри шуларнинг ҳовлиси томонга бошлаб борди. Кеча ойдин. Ҳовлига яқинлашсам, ҳовлининг олдида ариқ бор экин. Ариқлабида катта ўрик дарахти ўсиб ётибди. Шу ўрик тагида кароватда Карам ухлаб ётибди. Унинг оёқ учи томонида Faффор деган бир бола турибди. (Faффор Рустамнинг қишлоқдоши. Сал очкўзроқ эди. Урушга кетиб, ҳалок бўлган.) Кейин билсан, Рустам билан Faффор шу қизни ухлаб ётган жойидан каровати билан кўтариб, далага олиб чиқишиган. Шундан кейин бу “қаҳра-

монлик"ларини менга күрсатиб, мени қойил қолдиришмоқчи бўлишган.

Мен уларга бу ишлари тўғри эмаслигини тушунтиришга ҳаракат қилдим. "Агар мени дўстим деб билсаларинг, шу қизни уйғотмасдан жойига олиб бориб қўясизлар", – дедим. Ўзим эса, Рустам ўжар, Faффорнинг олдида сўзими икки қиласди, деб ўйладим. Ундай бўлмади. Рустам индамасдан менинг айтганларимни бажаришга тушди. Иккаласи кароватни кўтариб, ҳовлига олиб кириб кетди. Мен уларни ўша дараҳтнинг тагида кутиб турдим. Улар чиққанларидан кейин Рустам билан мен интернатга, Faффор ўз ҳовлисига кетди. Бу қилмиши учун Рустам мендан кўп дакки еди. Лекин бу гап мактабга тарқалмади. Faффор ҳам ҳеч кимга ҳеч нима демади. Карам ҳам билмади.

Ҳозир орадан қирқ йил ўтганидан сўнг ҳам безориларга қўшилмасдан, аксинча, уларни йўлдан қайтарганимга жуда жуда хурсанд бўламан. Бўлмаса бу иш нима билан тугашини худо биларди. Рустамни мен жуда кўп безорилик ишларидан қайтариб туардим. Қизиги, у ҳам менинг сўзларимга қулоқ тутарди. Лекин мен йўғимда Рустам оғир бир безорилак қилган. Ва оқибатда комсомолдан ўчирилиб, қишлоқдан бадарға қилинибди. Шу билан Рустам билан менинг бирга ўйнаб юрган кунларимиз ҳам тугади.

Мен Рустамни кейинчалик бир неча бор учратдим. Рустам уйлангач, бир оз вақт ўтиб, Хатирчига кўчиб кетди. 1941 йил уруш бошланмасдан сал олдин Қизил Армия сафига чақирилди. Кейин урушга кетди.

## МЕН ЎҚИШГА ИНТИЛАМАН

1939 йили бешинчи синфни ўртоқларим билан яхши та момладим. Шу йили ёзги каникулни ҳовлида ўтказдим. Кузда мактабимга борсам, катта ўзгаришлар бўлган. Бир юз йигирма болалик интернат ўрнига йигирма болалик интернат сақланиб қолибди. Қолган болалар қатнаб ўқидиган бўлишибди. Интернатда эса мутлақо стим – ҳеч кими

йүқ болалар яшайдиган бўлишибди. Бу пайтларда мен мутлақо етимман. Лекин мени боқиши мумкин бўлган қариндошларим бор. Бундан ташқари, мен ўзимни етим ҳиоблай олмайман. Чунки мен Бешработ тўлиқсиз ўрта мактабига борганимда, мендан яхши кийинган боланинг ўзи йўқ эди. Бизнинг қишлоғимиздан борган болаларнинг ҳаммасини Кескантерак қишлоғида очилган ТЎМ(тўлиқсиз ўрта мактаб)га қайтаришган эди. Мен ҳам бирга ўқиётган ўртоқларим билан Кескантеракдаги тўлиқсиз ўрта мактабнинг олтинчи синфига қатнай бошладим. Бу ерга ҳар куни қатнаймиз. Орадаги масофа саккиз километр. Биринчи сменда ўқиймиз. Эрталаб қоронғида уйдан чиқиб кетамиз. Дарс бошланмасдан мактабга етиб борамиз. Кечикиб борган кунимизни сира эслолмайман. Йўлда қийналаётганимни сезган Ориф тогам менга битта оқ эшак олиб берди. Бир неча кун мактабга эшакда қатнадим. Бироқ қолганлар пиёда борганидан кейин мен ҳам эшакда боришни истамадим. Болаликдаги дўстим Мавлоннинг отаси асли Кескантераклик. Уларнинг қариндошлари бизларга жой берадиган бўлишди. Мавлоннинг қариндошларидан бири Сувон боғонинг меҳмонхонасида яшаймиз. Энди уйга кунда эмас, кунаро ёки икки-уч кунда бир келамиз. Тўғриси, олиб борган нонимиз тугашига қараб уйга қайтамиз. Ана шундай қилиб, мен ўқиши давом эттиридим. Бироқ бу ерда билмасдан қилган хатоим мактабдан кетишимга сабаб бўлди. Ўшанда адабиёт дарси эди. Ўқитувчимиз Муродов Шароф деган киши. Товуши дўриллаб чиқади. Мутлақо шираси йўқ, фақат шовқиндан иборат. Ўқитувчи бизга “Ким айбдор?” деган ҳикоянинг мазмунини сўзлаб бера бошлади. Ҳамма тинч ўтириб тингляяпти. Менинча, ўқитувчимиз бу ҳикояни олдинроқ ёки эътиборсизлик билан ўқиган бўлса керак, баъзи жойларини ўзгартириб ёки ташлаб кетиб айтиб бераётганида, мен ўтирган жойимда уларнинг хатоларини “ундай эмас, бундай”, деб тўғирлаб ўтирибман. Ҳатто ўрнимдан ҳам турмабман. Лекин менинг кўнглимда болаларча шошқалоқликдан бошқа ҳеч нарса йўқ эди. Ўша

пайтларда ўқитувчининг, айниқса, мактаб директорининг хатоларини бу тарзда тўғирлаш қанчалик ўринсиз эканлигини мен қаердан билай? Мен гапирганимда, болалар ҳатто кулгани ҳам йўқ. Дарс тинч ўтди. Қўнғироқ чалинди. Ўқитувчим мени олдиларига чақириб, чап билагимдан қаттиқ қисиб ушлади. Мен ҳеч қаршилик кўрсатганим йўқ. Мабодо қаршилик кўрсатсан, билмадим, нима бўларди. Ҳозир ўйласам, ўқитувчимнинг ўша пайтдаги важоҳати мени бир хумордан чиқиб уриш экан. Менинг кулгим келади. Лекин ўшандаги кулмаган эдим. Мени мактабдан ҳайдаб юборади, деб ўйламаган ҳам эдим. Ўқитувчи ўша билагимдан ушлаганича ўқитувчилар хонасига олиб кирди. Мени ушламасдан, “юр”, деб буюрса ҳам бораман-ку! Мени билагимдан ушлаб, судраб олиб бориши ўқитувчиларга мени катта айбдор қилиб кўрсатшдан иборат бўлган бўлса кепрак. Идорага киргандан кейин менга берган биринчи саволи тахминан шундай бўлди:

- Кўзинг кўкариб қаердан келгансан?
- Бешработдан, - дедим мен.
- Ҳужжатларинг қаерда?
- Бешработда.
- Сени ҳужжатсиз бу мактабга ким қўйди?

Бу саволга мен жавоб беролмадим. Чунки менинг ҳам, мен билан бирга келган болаларнинг ҳам ҳужжатлари ҳали бу мактабга келмаган эди.

Шу вақтда Шароф ака менга ҳужжатларинг бўлмаса, мактабда ўқимайсан, деб оёқ тирагани билан, ичини тирнаб турган нарса бошқа эди. Мен ўша вақтда бунинг фарқига борган эмасман. Шу вақтда ўқитувчилар хонасида мени ўқитган ўқитувчи Турсун ака Бекмуродов ҳам бор эди. У киши илмий бўлим мудири. Турсун ака директорга менинг бешинчи синфда ўқиганлигим ҳақида айтса ҳам, у эшишини истамади. Агар ҳужжатларим бўлмаса, мени мактабга қўймаслигини таъкидлади. Ўқитувчиларнинг орага тушганидан фойда чиқмади. Мени мактаб ҳовлисидан чиқариб юборди-ю, ўзи орқамдан қараб қолди.

Мен ҳужжатларимни олиб келиш учун Бешработга қараб жүнадим. Мен хаёлимда у ердан ҳужжатларимни олиб келиб, ўқиши давом эттироқчиман. Күнглимда шундан бошқа ҳеч нарса йўқ. Мени мактабдан қувиб юборишяпти, деб ҳатто ўйлаган ҳам эмасман. Бешработ билан Кескантерак ораси етти километр. Мен учинчи соатдан чиқиб кетган эдим. Тўртинчи соат тамом бўлмасдан Бешработга етиб бордим. Директор жонасида у кишини кутиб ўтиредим. Бизни ўқитган ўқитувчилардан айримлари шу ерда эканлар. Қўнғироқ чалинди. Ўқитувчилар бирин-кетин хонага кириб келдилар. Чунки директор билан ўқитувчилар хонаси битта эди. Ниҳоят, мактаб директори Омон ака Ҳайитов ҳам кириб келди. Мени бу ерда кўриб, аввал ҳайрон бўлди. Кейин мендан ҳол-аҳвол, бу ерда юришимни.иг сабабини сўради. Мен ҳамма ўқитувчиларнинг олдида у кишига бўлиб ўтган воқени битта қолдирмасдан айтиб бердим. Ҳужжатларимни олиб бормасам, Муродов мени мактабга киритмаслигини айтдим. Шунда Ҳайитов менга қараб: – Сен Муродовнинг уч юз болалик мактабига сифмаган бўлсанг, менинг йигирма болалик мактабимга сифасан. Мана, –деб, қўлимга қофоз тутқазди, – ва завхозга бор, кўрпа-тўшак олиб, ўзингнинг синфингда ўқийвер, - деди.

Мен хурсанд бўлганимдан, директор хонасидан қандай чиқиб кетганими ҳам билмадим. Мен яна ўзимнинг жонажон мактабимда эканлигимдан беҳад шод эдим. Мактабда яна ўз мавқеимни тиклаб олдим. Мен аввал ўқиганимда бу ерда учком бўлиб ишлардим. Ўша ер ҳали бўш турган экан. Уни эгалладим. Сен энди бутун мактабнинг саркардаси бўлиб фаолият олиб боряпман. Ўқишлирим аъло. Мен шахсий деломни Омон аканинг қўлидан олдим. Бу воқеа мен мактабни битирганимдан кейин содир бўлди, уни битириш ҳақидаги гувоҳномага қўшиб олдим. Бу шахсий дело ва шаҳодатномамни ҳалигача эъзозлаб асраб қўйганман.

## ИНТЕРНАТДА ЙИГИРМА БИРИНЧИ

Интернатда яшаб, ўқиб юрган йилларим энг яхши пайтлар эди. Дарслардан мутлақо қийналмас эдим. Болаларнинг кўпи менинг сўзимдан чиқмасди. Мен ўқитувчиларимни сира хафа қилган эмасман. Бир марта қилган хатоим мени мактабдан маҳрум қилишига оз қолди. Энди ўзимни эҳтиёт қилишим кераклигини яхши тушунаман. Шунинг учун ўқитувчиларим қандай дарс берсалар ҳам индамайман. Ўқитувчиларнинг дарсларига болаларнинг халақит беришлирига мутлақо йўл қўймайман. Синфимиздаги болалар менинг бу жиҳатларимни тушунадилар. Тўғриси, ўқитувчиларимизнинг айримлари мутлақо саводсиз кишилар. Нима илож бор. У пайтларда ўқимишли кишилар жуда кам эди. Мен ўз ўқишиларим, учкомлик ишим билан бандман. Район марказига ҳам жуда кам ҳолларда бораман. Баъзан завхозимиз районога келиб, районодан нтернат учун керакли нарсаларни олиб кетади. Ҳисобот беради. Шундай пайтларда менинг кўнглимни хира қиласидиган бир топшириқ ҳам олиб боради. Районнинг мактаблар бўйича инспектори, менинг бешинчи синфдаги рус тили ўқитувчим Исаев Равшан ака мени ёки дўстим Шукуров Орифни интернатдан чиқаришни топшириб, мактаб директорига хат бериб юборади. Бу топшириқ кўпроқ Орифга эмас, менга қаратилган бўлади. Энди ўйласам, бу ишда Муродов Шароф аканинг қўли бўлса керак. Исаев Шариф акани эса мен яхши хотиралар билан эслайман. Мен рус тилини ўрганишни аслида шу кишига ҳавас қилиб бошлаганман. У кишининг ўзи шахсан менинг ўқишимга ҳеч бир монеълик қилишни истамаган бўлса керак, деб ўйлайман. Мен ўқиётибман, Исаев хат жўнатиб турибди. Мактаб директори Омон ака эса бу хатни менга кўрсатиш тугул, у ҳақида оғиз очмайди ҳам. Мени йигирма биринчи деб, мактаб-интернатдан чиқариб ҳам юбормайди. Бу хатлар(запискани) мен баъзан завхознинг ўзидан билиб оламан. Баъзан ўқиб ҳам кўраман. Омон ака менга уларни кўрсатмасликни маъқул кўрга-

ни бежиз эмас экан. Чунки улар менга барибир таъсир этарди. Айрим ўқитувчилар буни сезиб юришар экан. Ҳаётим шу тарзда ўтиб юрган кунларнинг бирида Конимех район халқ маорифи бўлимининг мудири Абдулла ака Бекмуродов келиб, мактабда педсовет ўтказди. Мактаб педсоветига ўқитувчилар билан бирга мен учком бўлганлигим учун, Санъат (татар бола) – комсомол комитетининг секретари ҳам қатнашамиз. Биз худди педсоветнинг ҳақиқий аъзоларидекмиз. Педсоветда одатдаги масалалар кўриб чиқилди. Масалалар кўриб бўлингандан сўнг мактаб директори Омон ака Ҳайитов Советни ёпди. Ҳамма ўрнидан туриб чиқиш учун эшик томон юра бошлади. Шу пайт менинг ўқитувчиларимдан бири, географиядан дарс берадиган паст бўйли киши, яъни Остона Тошимов ҳаммага мурожаат қилиб:

- Ўртоқлар, ўтиринглар, - деб хитоб қилди. Бу кишининг сўзларидан кейин ҳамма қайтиб жой-жойига ўтириди. Тошимовнинг ўзи қайтадан ўтирмай тикка турган Абдулла Бекмуродовга мурожаат қила бошлади:

- Ўртоқ Бекмуродов, Сиз Каримов деган ўқувчимизни танийсиз, - деб қўли билан мени кўрсатди. – У фақат аъло баҳоларга ўқирди. Ҳозир баҳолари яхшига қараб тушиб кетяпти. Сабаби, инспекторингиз Исаев завхозимиз ҳар сафар районга борганида, “Каримовни интернатдан чиқаринг. Унинг қарайдигани бор”, – деб директоримизга хат бериб юборади. Агар шу болани ўқишдан чиқариш керак бўлса, мана бугун ўзингиз чиқариб кетинг. Бўлмаса, одамларингизнинг гапларини тўхтатинг. Бола бечора тинч ўқисин, – деди.

Бекмуродов Абдулла ака гапнинг нимада эканлигини тушунди. Ҳеч кимга ҳеч қандай савол бермади. Ўтирганларга қараб:

- Мен районо бошлиғи эканман, Каримов шу мактабда ўқиди, - деди.

Кўп қатори, аниқроги, ҳаммадан кўра ҳам мен кўпроқ хурсанд бўлдим. Болалигимга бориб, ҳеч кимга раҳмат ҳам

демабман. Лекин бир умр мени қўллаб-қувватлаган устозларимни менинг меҳрибонларим эканлигини чукур ҳисқиламан. Улардан ич-ичимдан хурсанд бўламан.

Ҳақиқатан ҳам Абдаулла aka айтганини қилди. Шундан кейин районо инспектори томонидан юбориладиган хатларга чек қўйилди. Мен ҳеч нарсани ўйламасдан ўқишларимни давом эттиравердим.

## МЕН ҲАМ ЎҚИТУВЧИМАН

1940 йилнинг октябр ойи эди. Бешработ тўлиқсиз ўрта мактабига Свердлов колхозидан ҳам болалар қатнаб ўқишар эди. Шунга кўра, Свердлов колхози ҳам мактабимиз участкаси ҳисобланар эди. Ўша пайтларда ҳукуматнинг шиорларидан бири саводсиз ва чаласаводликка қарши кураш эди. Ҳамма қишлоқларда саводсиз ва чаласавод кишилар ўқитилар эди. Мен дастлабки ўқитувчилик фаолиятимни саводсиз ва чаласавод кишиларни ўқитишдан бошладим. Мактабда тўлиб-тошиб ётган ишларим устига бир куни мактаб директори Омон aka мени чақириб: – Каримов, биз сени ўқитувчи қилиб тайинлаймиз. Бунга маориф мудири Абдулла aka Бекмуродов ҳам рози. Шунга ўзинг нима дейсан, – деб қолди. Бирданига берилган бу савол қаршисида мен бироз эсанкираб қолдим. Чунки ҳали еттинчи синфни тугатмаган бир болага бу жуда катта ишонч эди. Аслида-ку, муаллимлик менинг бирдан-бир орзуим эди. Мен қачонки, бешинчи синфга бориб, қашлоқ ўқитувчилари қўлида таълим-тарбия олган кунимдан бошлаб, Абдулла aka Бекмуродовдек доска олдида туриб, адабиётдан дарс беришни истар эдим. Омон аканинг менга билдирган бу ишончи орзуларимнинг ушалишига очилаётган катта йўл эканлигини кейин англадим. Мен Омон акага: – Абдулла aka розилик берган бўлса, сиз менинг ўқитувчи бўлишимга ишонсангиз, мен бу топшириқни бажаришга ҳаракат қиламан. – дедим. Омон aka менга ёрдам беражагини, ўзимнинг ўқитувчиларимдан менга раҳбар белгилаб қўйишини айт-

ди. Мен директор кабинетидан қувона-қувона чиқиб кетдим. Эртаси куни ўқитувчиларимдан иккитаси мени дарс берадиган мактабим билан таништириш учун олиб кетишиди. Булар она тили ва адабиёт ўқитувчимиз Пўлатов Мұхаммад ака ҳамда математика ўқитувчимиз Мавлонов Мұхаммад ақалар эди. Менинг ётоқхонам билан у мактабнинг ораси бир километрлар чиқарди. Мактаб бир кишининг меҳмонхонасига жойлашган. Меҳмонхонанинг қибла деворига доска осиб қўйилган. Кириш эшикдан доскага қараб икки қатор стол қоқилган. Стуллар ҳам қозиқларга қоқиб қўйилган узун тахталардан иборат. Ўқувчилар тўрттадан бўлиб ўтиришиади. Ҳар икки қатор бир-бирига қараб ўтиради. Ўртада эса ўқитувчи юрадиган йўлак бор. Ўқувчиларнинг икки қатори доскага қараш учун ўнгга қараса, икки қатори чап томонига қарайди. Мен 1940 йилнинг октяброда меҳнат фалиятимни ана шундай мактабда бошлаганман.

Биз уч киши бўлиб кириб борганимизда, синф хонаси ўн саккиз-йигирма билан қирқ ёшлар орасидаги хотин-қизлар билан лиқ тўла эди. Ёшларга қараганда, ўрта ёшли аёллар кўпроқ эди. Шу куни дарсни ўқитувчим Пўлатов Мұхаммад ака олиб борди. Мен кузатувчи бўлиб қатнашдим. Дарс тугагач, у киши синфда ўтирганларга қараб:— Эртадан бошлаб, сизларга Каримов Солиҳжон дарс беради, — деб, мени таништириди.

Мен шу саводсиз ва чаласаводлар мактабида дарс бера бошладим. Эрталаб кун чиқмасдан олдин шу мактабда бўламан. Мендан олдин ўқувчиларим келишиади. Улардан олдин келишнинг барибир иложи йўқ. Эрталабки сменада ҳамма аёллар ўқишиади. Улар синф хонасида ўтирганларида ҳам бошига ёпиниб олган яктак, чопонларини олишмайди. Уларнинг ҳаммаси ёш жиҳатидан мендан анча катта. Мен ҳам улардан бирортасининг юзини кўришга қизиқкан эмасман. Ҳатто улар юзини мендан яширди, деган хаёлга ҳам бормасдим. Ёзув ишлари доскада бажариларди. Улар доскадан қараб ёзишлари учун доскага ёзиб бўлгач, эшик томонга ўтиб турадим.



С. Каримов турмуш ўртоги ва фарзандлари билан.



Солиҳ ака қизлари Ҳалимахон  
ва Салимахонлар билан.



Солиқ Каримов дүстлари даврасида.



С. Каримов ўғиллари билан.



Сабоҳат опа ўғли Нурланжон  
ва қизи Салимахон билан.



С. Каримовнинг жияни  
Турди Салимов.



С. Каримов Хумсонда. 1969 й.



С. Каримовнинг шогирди  
Хосият Усмонова.



Сабоҳат ая фарзандлари Баҳодиржон ва  
Ҳалимахонларниң оиласи билан.



С. Каримов оила аъзолари, неваралари билан.

Бу мактабда фақат савод чиқариш мақсад қилиб олинган эди. Эрталаб икки соат дарс бўлса, бир соати ёзиш, иккинчи соати ўқиш билан ўтарди.

Кечқурун эса бу ерга эркаклар тўпланарди. Бу сменадагилар ҳам кун ботиши билан синфда ҳозир бўлар эдилар. Эрталаб ҳам, кечқурун ҳам ҳеч ким сабабсиз дарс қолдирмайди. Ҳеч ким жавоб ҳам сўрамайди. Улар бир соат ҳам дарс қолдириш мумкин эмас, деб ўйлаган бўлсалар керак.

Мактабда бу ўқувчилар учун маҳсус ўқиш китоби бор эди. Ўқиш китобининг устида катта ёшдаги одамнинг китоб ушлаб турган расми бўлиб, у сариқ рангда эди. Шу биринчи марта дарс бергандаги сариқ китобимни урушдан кейин ҳам кўп йиллар асраб юрдим.

Бу мактабда 1941 йилнинг апрел ойигача дарс бердим. Ўқувчиларим ўқиб ёза оладиган бўлдилар. Мен уларга ўзимнинг қўлимдаги китобимдан ўқитардим. Бу ўқиш китоби уларнинг ҳаммасида бор эди. Шу китобни ўқий оладиган, китобдан айтилган сўз ва гапларни ёза оладиган кишиларни мен саводли деб ўйлайман.

Ўша пайтларда мен ҳеч ишлаб чарчамас эдим. Менинг иш куним ўн соатларга teng келарди. Шундай бўлса ҳам, ҳеч қийналмасдан ўзимга берилган топшириқларни жондилим билан бажаардим.

Демак, мен ўз меҳнат фаолиятимни 1940 йилда бошланман. Ўзим эса ўша вақтда ўн саккиз ёшда бўлиб, еттинчи синфда билим олаётган эдим. 1941 йилнинг май ойи охирларида еттинчи синфни муваффақиятли тамомладим. Мактаб битирувчиларининг кечасида иштирок этдим. Қисқа қилиб айтганда, 1938 йилдан 1941 йилгacha ўтган ҳаётимдан мамнунман. Бу даврлар менинг ҳаётимнинг энг мазмунли саҳифалари сифатида ёдимда қолади. Чунки айнан шу даврлар мени инсон сифатида шакллантирди, ҳаётдан тарбия олдим. Шу даврда менга билим берган, ширин сўзини аямаган устозларимнинг ҳаммасига чексиз миннатдорчилигимни билдираман, улар олдида ўзимни ҳар доим қарздор деб ҳисоблайман. Улар мени ўз бағрига олиб, бир одам

бўлиб шаклланишим учун жон кўйдирдилар. Керак бўлса, мен учун ҳам тортишиб-талашдилар. Қани айтинг-чи, менинг келажак авлодларим, шундай кишиларни ардоқламай, ҳурматламай, ёдламай бўладими?

Сизлардан бир илтимосим шуки, бу сатрларни – хотираларимни ўқиганингизда, мана шулар орқали мени тушунасиз, деган умидимдан маҳрум қилмассиз.

## ФРОНТ ВОҚЕАЛАРИ

### Шум хабарни эшитишим

Мактабни тугатган йилларим. Энди бола эмасман, қандай қилиб бўлса ҳам, ўқишни давом эттиришим керак. Ўзимни катталар қаторига қўймасам ҳам, ўртоқларим орасида ўзимга яраша обрўйим бор. Яланг оёқ кўча чангитиб чопадиган пайларим аллақачон ўтиб кетган. Ёшим ҳам йигирмага бориб қолди. Ўртоқларим аллақачон одат қилиб олган папирос чекиш ёки ароқ ичишдан матлақо йироқман. Бу “камчиликларим” учун баъзан кулгига ҳам қолардим.

Шундай кунларнинг бирида Ровут язнам (Насим жиянимнинг отаси, қандолат опамнинг эри – бошланғич синфлар ўқитувчиси эди) мени чақириб, гиштига божаси, менинг Салим язнамнинг уйига бормоқчи эканини, мени ҳам ўзи билан олиб кетиш нияти борлигини айтди. Энди ўйласам, мен Салим язнамникуга бир неча марта борганман, Ровут язнам у ерга сира бормаган, шунинг учун ҳам ўзига йўлдош қилиб олишни ўйлаган бўлса керак. Мен албатта, Жумабой тогамдан рухсат олиб, язнам билан қидирадиган<sup>8</sup> бўлдик. Ўқиш очилгунича бир айланиб келсам, ёмон бўлмайди. Шундай қилиб, язнам, опам ва мен иккита эшакда йўлга чиқдик. Язнам билан опам икковлари бир эшакни, мен ўзим битта эшакни миниб олганман. Биз йўлга чиқкан кун 1941 йилнинг 20 июни эди. Кун жуда иссиқ. Бу

8 Шевада: меҳмоңга бориш маъносида.

пайтда Насим ҳали туғилмаган. Йўлда эшак билан йиқилиб-суриниб кетмоқдамиз. Ҳасанча деган қишлоқнинг йўли ўнқир-чўнқир, кўприги баланд. Кўприкдан ўтаётганимизда, улар минган эшак қоқилиб кетди-ю, устидагилар билан бирга йиқилди. Ҷўчиб кетдим, чунки бу пайтда опам ҳомиладор эди. Опамга жудаям ачиндим. Яхшиямки, ҳеч нарса бўлмади. Шу куни соат тўртларда Салим язномникига етб келдик. Улар бу вақтда Зарафшон бўйидаги “Оқ олтин” колхозида, қалқонруд деган руднинг бошида давлат уйида туарар эди. Бизларни Салим язном жуда яхши кутиб олди. Опам Наввотдан кўра ҳам улар бизларга кўпроқ ғамхўрлик қиласарди. Бу ўринда опамдан язномниң ҳурматини баланд қўйиб турганимнинг сабаби, у киши Наввот опамнинг учинчи эри. Бироқ бу борада Наввот опамни ҳам ҳеч ким айблай олмайди. Улар ҳақида олдинги саҳифаларда қисқача бўлса-да, тўхтаб ўтган эдим. Наввот опам бирор марта ўз хоҳиши билан турмушга чиққан эмас. Уни фақат ҳаёт – турмуш мажбур қилганлиги учун эрга берганлар. Биринчи марта турмушга чиқишилари оталарим қулоқ қилинган пайтга тўғри келади. Ўша вақтдаги қишлоқ советининг раиси Эшонқул Жонқулов мажбуrlаб хотин қилиб олиб кетган. Бу воқеа шундай бўлган эди: Кечаси опаларим билан Худойберди акамнинг уйи томида ётган эдик. Эшонқул ва унинг олдида яна бир-икки отлиқ келди. Эшонқулдан бошқалари гапирмаганликлари сабабли уларни таниб ололмадим. Шундай қилиб, 1930 йилнинг ёз кечасида Эшонқул дўжпўписа билан опамни томдан тушишга мажбур қилди. Ҳовлида отам, амаким, акам ҳам бор эди. Шундай бўлса-да, улар қишлоқ советининг раисидан қўрқиб, қаршилик кўрсатмаган бўлсалар керак. Чунки қаршилик кўрсатиш бефойда эди. Чунки ҳукумат нима бўлганида ҳам, уларни ҳимоя қиласар эди. Ким ҳақ, ким ноҳақ, кимларни қулоқлар рўйхатига киритиш керак, кимларни тугатиш керак – буларнинг ҳаммаси қишлоқ советлари ихтиёрида эди. Отам ва амаким ўз ор-номуси, шаънини ҳимоя қилгани учун қулоқлар рўйхатига илинди...

Наввот опам ўз холасининг Душан исмли ўғлига айттириб қўйилган эди. Ҳиштилик Сапарбой бўламнинг укаси эди. Улар бирда-ярим учрашиб турган бўлишлари ҳам мумкин, чунки Душан бизнигига тез-тез келиб турарди. Душаннинг онаси Робия аммам (мен уни амма дер эдим, чунки Робия отамни ака, дер эди. Улар узоқ бўлса ҳам қариндош эдилар)нинг опаси ё синглиси – Сапар амакимнинг хотини. Үндан Худойберди, Наввот, қандолат туғилган. Наввот опам Эшонқул билан баҳтли бўлмади. У 1931 ёки 1932 йилда опамни қувиб юборди. Шундан кейин уни айтдириб қўйган бўласи Душан олиб кетди. Буни мен ўз кўзим билан кўрганим йўқ. У вақтларда мен Зандани туманида эдим. Худойберди акамни эса, яна ўша Эшонқул бошчилигидаги фаоллар “синглисини отди”, деган тұхмат билан қаматиб юборган. Акам қамоқда ўлиб кетди. Душан опамни олган вақтида унинг Мариям исмли хотини ва бир қизчаси бор эди. Опам у билан ҳам баҳтли бўлмади. Кундош устига қандай баҳтли бўлсин. Бунинг устига эрдан ажралган деган оти бор. Душан уни ўшлигида яхши кўргани учун олган бўлса керак. Бироқ улар бирга узоқ яшай олмадилар. Борарага жойи бўлмаган опам бечора Душаннинг акаси Сапар бўламнинг қўлида қолди. Сапар бўлам кейинроқ опамни ўз уйидан Салим Жўраевга узатган. Жияним Турди Жўраев уларнинг фарзанди. Уларнинг кўп фарзандлари бўлди, бироқ ҳаммаси турли касалликлар туфайли вафот этиб кетди.

Язнамнинг хушмуомалалиги-ю, опамнинг совуққонлигига аслида унинг бошидан кечирганлари сабаб бўлса керак, деб ўйлайман. Кейинчалик эса опам руҳий касалликка мубтало бўлди...

Тунни язналарим ва опаларим билан бирга ўтказдик. Бу хонадонда бизлардан бошқа яна икки бола, Салим язнамнинг аввалги хотинидан қолган икки боласи Ҳалим ва Маруса ҳам шу ерда эди. Маруса 18 ўшга чиққанида вафот этган.

Эрталаб язном ва опам меҳмон кутиш тарааддулага тушиб кетдилар. Бир мол сўйилди. Нон ёпилди. Уй ичидаги

ишилар опаларим зиммасига тушди. Кечга яқин “Оқ олтин” колхозининг йигитлари бирин-кетин кириб кела бошладилар. Уларнинг ҳаммалари оқ яктак кийиб олган. Язнам уларни уйи олдидаги супага жой қилиб кутиб олди. Кун ботгач, уларнинг ўтириши, мажлиси – меҳмондорчилиги бошланди. Бу ўтиришда фақат Ровут язнам меҳмон бўлиб ўтириш. Ўтириш ярим кечадан ошгунича давом этди. Кўп ароқ ичган кишилар маст бўла бошладилар. Кейин ўтириш тарқалди. Мен эса уйда ухладим.

Эрталаб тонг ёришгач, далага чиқиб, қизиқ манзарани кўрдим. Меҳмондорчиликка келган кишиларнинг баъзилари ўтирган жойларида ётибди. Айрим кетгандарни ҳам узоққа бормаган, улар уй орқасида ўрилган буғдой дасталари устида ухлаб қолишган. Қизифи шундаки, ўрилган буғдой устига сув қўйиб юборилган ва ўрилган буғдой ҳам, устидаги одамлар ҳам сув билан лойга қоришиб ётибди. Уларга эътибор қилган бирорта одамни ҳам кўрмадим. Кўп ичкилиқдан кейин язналарим хомуш, келган кишиларнинг ҳоли ҳалигидай. Уйда қандайдир мудҳиш сукунат давом этар эди. Шу пайт кимдир девордаги радиони қўйиб юборди. Радиодан уруш бошланганлиги ҳақидаги даҳшатли хабар тарқатилаётган эди. Ҳамма ғалати аҳволга тушиб қолди. Германия Советлар Иттифоқига қарши ва Совет Иттифоқининг унга қарши уруш эълон қилганлиги ҳақидаги хабар бир зумда ҳаммани шопириб қўйди. Кечаги шоду хуррамлиқдан асар ҳам қолмади. Бизлар қайтиш тараффудига тушиб қолдик. Салим язнам бизларни яна бир кун қолишга кўндириди.

Уйга қайтиб келганимиздан сўнг радио орқали ҳар куни бир-биридан хунук хабарлар эшиитамиз. Немислар кўп ерларни босиб олмоқда, уруш кундан-кунга оғирлашиб боряпти. Туманимиздан йигитларни гуруҳ-гурӯҳ қилиб урушга олиб кетишмоқда. Мен ҳам кунларни навбат кутиш билан ўтказдим. Лекин менга ҳадеганда навбат келавермади. Мен декабр ойининг 16-кунигача навбат кутиб, вақтимни уйда бекор ўтказдим...

## **Мамлакатда уруш, кўнгилда эса севги можароси**

Севги туйғусини ҳар ким ҳар хил таъриф қиласди. Ҳар қайси ёзувчи ижодида у турлича юксалтирилади. Бу нарса инсонлар бошидан кечирилган воқеа-ҳодисаларнинг мукаммаллашган умумлашмасидир. Севги дарди мени ҳам четлаб ўтмаган. Унинг қиссасини озми-кўпми баён қилиш истагим бор. Мен баён қилаётган воқеаларнинг бирортасида ҳам тўқиб чиқарилган образлар учрамайди. Буларнинг ҳаммаси бошимдан кечирган воқеалар. Одатда, қиз болалар ва ўғил болалар ўртасида бир-бирини яхши кўриш 12-13 ёшларда бошланади. Бу даврдаги “яхши кўриш”ни ҳали муҳаббат деб бўлмайди. Лекин шуни ҳам айтиш керакки, кўпчилик ўртасида шу “яхши кўриш” муҳаббатга айланниб турмуш қуришга ҳам асос бўлади. Бунда баъзилар бахтли бўлиб кетишади, баъзиларнинг эса турмуши бузилиб, издан чиққан оилалар қаторига қўшилиб кетаётганликларини ҳам кўриш мумкин.

Мен 5-синфга синфбоши бўлиб сайланганимда, синф раҳбаримизнинг икки қизни икки томонимга ўтказиб қўйганини юқорида айтиб ўтишим керак. Ўша пайтдан бошлаб, бирга ўтирган синфдошим менинг кўзимга яхшироқ кўринди. Бу – Эргашева Мариям исмли қиз эди.

Мен бу қизни кўрмасимдан олдин ҳам қишлоғимизда яшаган бир қизни онда-сонда кўриб қолар эдим. Бу қиз асли самарқандлик Восий бобо исмли кишининг қизи бўлиб, исми жисмига монанд Хуррам эди. Қандай айтсан экан, тўғриғи, менга кўпроқ шу қиз ёқарди.

Ўзим Бешработ қишлоғида тўлиқсиз ўрта мактабда ўқиб юраман. Ўзим Эргашева Мариямнинг ёнидаман. Уни ҳар куни кўриб тураман. Мактаб ҳаваскорлик тўғаракларига қатнашамиз. Биргалашиб роллар ўйнаймиз. Бизнинг бу юришимиздан шу мактаб ўқувчилари, қишлоқдагилар турли гаплар тўқиб чиқара бошладилар. Ваҳоланки, биз ўртоқларча муносабатда эдик. Кейинчалик менинг кўнглим ҳам шу қизга мойил бўла бошлади. Бу орада, 1940 ёки 1941 йилда бўлса керак, Хуррам менинг дўстим Искандаров

Хўжанга турмушга чиқиб кетибди. Тўғрироғи, Хўжаннинг отаси қуда тушиб, ўғлини уйлантириб қўйибди. Бу воқеани мен мактабдан дам олишга келганимда эшилдим. Бу хабарни зшигач, миямга яшин тезлигида бошқа бир қиз ҳақида фикр келди. Бу қиз район ижроия қўмитасининг отбоқари Ҳафизов Садоқ бобонинг (лақаби Гаранг чол) қизи эди. Бу қиз шу вақтлардан жуда баркамол, районимиз қизлари ичida яккаю ягона эди. Булар асли Фиждувонлик бўлиб, айrim сабабларга кўра биз томонларга келиб қолишган. “Хўжан Хуррамни олган бўлса, мен Янгиқишлоқдаги Гаранг чолнинг қизини оламан”. Бу Хуррам кетганини эшилгандан кейин, миямга келган биринчи фикр эди.

Мен яна ўқиши давом эттиравердим. Гаранг чолнинг қизини оламан, деганим билан буни қандай амалга оширишни билмасдим... Ҳаёт ўз изидан бормоқда. Фақат мен беқарор. Кўнглимга илиқлик бахш этган Хуррам турмушга чиқиб кетган. Гаранг чолнинг қизи, унинг отини ҳам билмайман, “қушбеги билан шўла емайди”<sup>9</sup>. Қўлимнинг тирноғи куяди, деб унга етолмасам керак. Уни орзу қилиш саробга ўхшайди. Шуларни ҳисобга олиб, мен ўзим билан бирга юрган Мариямга умид боғлаб юрибман.

Шундай қилиб юрганимда, ўқишлиар ҳам тугади. Мен Конимехга кетдим. Мариям уйида қолди. Мамлакатимиз бошига оғир кунлар тушди. Уруш бошланди. Ҳамма нарса урушга сафарбар қилинди. Мен уйланиш фикридаман. Шу орада Мариям Карманадаги тракторчилар тайёрлаш курсига ўқишига кетибди. Қандай бўлиб, мен унинг адресини олиб хат ёздим. Ундан битта расмини юборишни илтимос қилган бўлсан керак, у менга кичкинагина расмини юборибди. Бу расмга у қаердадир, ким биландир тушган-у, қирқиб олиб, менга жўнатган. Қандайдир костюмнинг енги ҳам кўриниб турибди. Бу расмни кўргач, Мариямдан ҳафсалам пир бўлди. Шундай бўлса ҳам, 1941 йилнинг декабри охирларида уни кўриш учун Бешработга Рустам жўрам-

9 Ҳеч кимни менсимайди, маъносида.

никига бордим. Бу вақт Рустам Совет Армиясида хизмат қиласарди. Оиласидагилар мени яхши кутиб олишди. Шуни очиқ айтишим керакки, шу уйдагиларнинг бирортаси ҳам менинг Мариямга уйланишимга рози эмас эдилар. Рустам эса менинг Мариямга уйланишимга ишонмас; келиб-келиб шуни оласанми, ундан кўра Мукаррам ўн карра яхши, ўшанга уйлан, – деб юрарди. Мукаррам – синфдошим. 1940 йил мактабни тамомламай, ўз қишлоғидаги бир йигитга турмушга чиқиб кетди. Жуда келишган қиз эди. Мариямни шу оиласага чақирилди. У мендан қочгани йўқ. Менинг олдимда уч йил бирга ўқиган Мариям эмас, аксинча, кўкраклари осилган, қовоқлари салқиган бир беҳаё ўтиргандай бўлди. Бу ҳолни факат мен эмас, бирга борган дўстим Равшан ҳам, опам ҳам сезди. У ёқ-бу ёқдан гаплашган бўлсак ҳам, жиддий бир гап бўлмади. Шу кўришда мен ҳеч қачон Мариям билан бирга туролмаслигимни, у менинг умр йўлдошим бўла олмаслигини ҳис қилдим. Мариямга ҳеч нарса демадим. Яқинда урушга кетишимни айтиб, хайрланидик.

Шу ўринда мен ўзимдан бошқа бир инсонни жуда камситиб юбормадимми, деб ўйлаб қоламан. Балки шундай бўлгандир ҳам. Аммо нима қилай, мен ҳеч нарсани ошириб-тоширмадим, бор ҳақиқатни ёздим, холос.

Мана шундай қилиб, Мариям билан боғлаб турган охирги ришталар ҳам узилди. Менинг эса урушга чақирилишими га саноқли кунлар қолган. Урушга кетсам, хат ёзадиган отонам бўлмаса ҳам, мени тарбиялаган тоғам бор. Бирга ўстган яхши жўраларим ҳам бор. Лекин улар ҳам ҳадемай урушга кетишади. Менга Совет Армиясига – урушга чақирилмайдиган, мени йўқлаб узундан-узоқ хат ёзадиган, дилбар, кўнгли кенг қиз керак... Кўнглим яна Гаранг чолнинг қизига мойиллик билдириди. Мен у гўзал билан қандай алоқа боғлайман? Қандай гаплашаман? Мен ўзимни ерда ҳис қилсам, у ўзича осмонда бўлса-чи? Барибир шу қизни кўргим, сўзлашгим, кўнгил зорини айтгим келаверди. Лекин мен буни уддай олмайман. Совчи юбориш ҳақида ўйлаб ҳам кўрган эмасман. Чунки осмондаги ойга ким совчи қўярди. Ким сов-

чи бўлиб боради. Унинг ҳовлисига бораётган совчиларнинг саноғи йўқ. Буларни ёзишни ортиқча деб билдим.

1941 йил 20 декабр куни эрталаб ҳаракатдаги Совет Армияси жўнаб кетиш олдида миз. Ҳозирги “Конимех” қоракўлчилик совхозининг клубига кўп киши тўплланган миз. Эрталабдан Карманаданми ё Бухороданми катта-катта автобуслар келмоқда. Ҳарбий комиссар майор Логоткин бизни жўнатишни ташкиллаштироқда. Ҳайрлашувга жуда кўп кишилар борган. Мени кузатишга фақатгина қандолат опам бирга келган. Унинг эри 16 декабр куни жўнаб кетган эди. У ҳомиладор, юролмасдан қийналарди. Мен опам билан ҳайрлашиб, кетишини илтимос қилдим. Бироқ у кўнмади. Четга чиқиб кузатадиган бўлди. Менинг кўзим шу эрта тонгда жўнаб кетувчилар орасида сайд қилиб юрган икки қизда эди. Уларнинг бири Гаранг чолнинг қизи, иккинчиси Даминов деган татарнинг қизи Амина эди. Иккаласининг ҳам ошиғи олчи. Ҳеч кимни кузатишга чиққан ҳам эмас. Шунчаки райондан шунча йигитлар фронтга кетар экан, халқ билан бирга ҳамشاҳарларини кузатгани чиқишган. Ҳеч ким билан ҳайрлашмайди ҳам, сўзлашмайди ҳам, ўзлари билан ўзлари овора. Кўпчиликка қўшилмасдан кетувчиларга қараб-қараб юрибдилар. Менинг бутун диққат-эътиборим шуларда. Аминага ҳам унча эътибор қилмаяпман. Бутун борлиғимни банд этган гўзал – шу Гаранг чолнинг қизи. Олдига бориб эзмалик қилиб, ҳайрлаша олмайман ҳам. Шундай қилиб, ўзим билан ўзим бўлиб турган пайтимда мени биринчи автобус билан Бухорога жўнатиб юбордилар. Бу автобусда район марказида бирга ўйнаб-ўсган жўраларимнинг кўпи мен билан бирга эди. Шулардан: Идрисов Аҳмад, Турсунбоев Очилбой, Жонқулов Тошпўлат, яна қанчадан-қанча жўраларим.

Мана орадан қанча йиллар ўтиб кетди. Баъзилари хотирадан кўтарилади. Шулар орасида Райимқулов Камол ҳам бор эди. Шўркўлдан иккита Ҳидирбой исмли йигитлар. Булар ҳаммаси урушдан соғ-саломат қайтганлари. Биздан бошқа ёши катталар, ёши кичиклар қанчадан-қанча эди.

Мен қизил Армия сафига кетар эканман, дунёда бирги-

на орзуим амалга ошмай қолганига, хизматда ва фронтда юрган чоғимда орқамдан мени йўқлаб, хат ёзадиган севгилим йўқлигига ачиндим. Бу орзуларимнинг кўп ўтмай амалга ошишини, менинг кўнглимдаги қизни худонинг ўзи етказишини, унинг ўз оёғи билан мени йўқлаб боришини мен қаердан ҳам билибман. (Биринчи учрашганимизда у шахсан мени излаб борган эмас! Бу бир тасодифий учрашув эди. Кейинроқ ҳикоя қиласман.)

## 101 – ЎЗБЕК МИЛЛИЙ ДИВИЗИЯСИДА

Уруш бошлангач, бутун ҳаракатимиз разил душманустидан тезроқ тўла-тўқис ғалаба қозонишга қаратилди. Бу соҳада мамлакатимизда рўй берган катта-катта ўзгаришларни мен ўз ҳаёт йўлимни ёзиб қолдириш учун бошлаган қайдларимда баён қила олмайман. Бунинг учун узр. Тарих яратган катта саҳифалардан уруш даври воқеаларини ўқиб-ўрганарсиз, дилбандларим.

Мен хизмат қилаётган бу дивизия фронтдаги ишлrimизни енгиллаштириш учун ташкил этилган. Миллий Республикаларнинг ҳар бирида миллий дивизиялар тузилиб урушга тайёргарлик ишлари кўриш ишлари бошланган эди. Шундай миллий дивизияларда бири – бизнинг областимиз марказида – Бухорода тузилиб, у 101-ўзбек миллий дивизияси эди. Бу дивизиянинг бир неча ютуқлари бўлиб, улар Бухоро, Ромитан, Фиждувон туман марказларида жойлашган эдилар (Булар фақат мен биладиганларим). Мен шу дивизиянинг 3-Фиждувон полкida хизмат қилдим.

Мана биз Бухорода. Бу ерда бир-икки кун яшадик. Ундан кейин бизни кичик-кичик командаларга бўлиб, автобусларда жўната бошладилар. Шундай бир кичик бўлинмага мен ҳам командир бўлиб қолдим. Бу командада аксарият бизнинг Конимехдан келган йигитлар йигилган. Район марказидан чиққанимиздан бошлаб мен ўзгариб қолдим. Менга маҳмаданалик қиласдан, кўзга илмай олдинги сафга ўтиб мени орқада қолдириб кетадиган жўраларим ҳам бирдан ювош тортиб, тортинчоқ бўлиб қолдилар. (Булар қато-

рига мен Аҳмаджон Идрисов билан Тошпўлатни қўшаман.) Мен эса тортинчоқликни ташлаб, аксинча, болаларнинг олдида юрадиган бўлдим. Район марказидан чиққанда ўйнаб юрган жойларимга тикилиб қарадим. Бу қаравша кўнглимдан ўтган нарса “Мен яна шу ерларга қайтиб келамми-йўқми?” деган фикр бўлди. Шундан кейин ўз кўнглимни ўзим кўтариб, тик ва бардам юришга ҳаракат қила бошладим ва нимадир мени хушчақчақ юришга унда-ди. Бу ҳаёт бўлса керак. Шу пайтдан бошлаб, мен ғамгин-ликни ташлаб, йўлда бутунлай бошқача, хушчақчақ, бир айтиб икки куладиган одам бўлиб қолдим. Йўлда катта ке-тиб, ўртоқларимга ҳикоялар, латифалар айтишга тушиб кетдим. Нималарни айтганимни бугун асло эслай олмай-ман. Лекин шу нарсага аминманки, бу латифаларнинг ҳам-маси ҳам йигитлар орасида айтиладиган кулгили латифа-лар эди. Биз автобус билан Фиждувонга етиб келдик ва полк олдида ундан туша бошладик. Полкимиз Фиждувон пахта тозалаш заводининг қаршисидаги эски пахта пунктига жой-лашган экан. Автобусдан тушганимизда, полк дарвозаси-нинг ичикарисида биз-келувчиларни кутиб турган бир ко-мандирни кўрдим. У узун бўйли, оқ қувадан келган катта лейтенант унвонидаги киши эди. Унинг кўзлари катта, ўзи Тошкент шевасида сўзлар эди. Бошига гражданлар уруши пайтида кийиладиган кийим – шлём кийиб олган. У киши мени олдига чақириб, шу полк бошлиқларидан бири экан-лигини айтиб, ўзига солдатлардан бири, яъни адъютант ке-раклигини айтди. Мен у пайтда адъютант нима эканлиги-ни билмасдим. Кейин билсам командирнинг хизматкорига ўхшаган бир киши экан. Лекин менинг ишим хизматкор-ликдан тамоман бошқача бўлди. Мен полкда “махсус бўли-м”га адъютант бўлиб хизматни бошладим. Менинг бош-лиғим маҳсус бўлим бошлиғи Маҳмудов эди. Исми-шари-фини кейинчалик ҳам билмадим, билишга қизиқмадим ҳам.

Бу ерда менинг хизматим иккита отга қарав эди. Ўзим хўжалик взводи ихтиёридаман. Хўжалик взводида ҳеч қан-дай иш қилмайман. Полкда фақат Маҳмудовнинг топши-

ригини бажараман. Маҳмудовдан полк командирлари ҳам, рота, взвод командирлари ҳам ҳайиқадилар. Маҳмудов эса, менга ўзига керакли кишининг номини ёки унвонини, взводини айтиб, чақириб кел, деб, топшириқ беради. Мен кимни йўқлаб борсам, ўша кишининг безовталанишини, мендан норози бўлишини, айримларининг ҳатто қўрқиб кетганигини сезаман. Бундай ҳолатлар баъзан полкда менинг обўйим ошиб боришига сабаб ҳам бўлади. Кейинчалик мен билдимки, полкда маҳус бўлимнинг обрўси баланд бўлиб, ҳақиқатан ҳам уставнинг бирор жойини бузган ёки бузилига ҳаракат қилувчи кишилар бу бўлимдан ўтдан қўрққандек қўрқишар эдилар. Буни мен кўп ўтмасдан сезиб қолдим.

Махсус бўлим бошлиғи Маҳмудов шу полкнинг прокурори бўлса, мен у кишининг алоқачиси эдим. Кейинчалик отларни ҳам хўжалик взводи ихтиёрига ўтказиб қўйиниди. Уларга қарааш учун ҳам бошқа кишилар тайинланди. Мен фақат от керак бўлганда, эгарлаб келаман, колос. Бундан ташқари, отнинг оёғи ёзилиб туриши учун эрталаб салқинда битгасини (бу тўриқ жайрон қашқа от бўлиб, бўйи баланд, Маҳмудовга мос эди) миниб шаҳар айланаман. Роталарга бораман. У ерларга боришимнинг сабаби, албатта, у ердаги дўстларимни кўриш бўлади. Маҳмудов алоқачилик ишларидан бўшаган пайтларимда мени сиёсий дарсларга ҳамда матчаст, отни машқларига қатнаштиради. Кўпинча, бу машқларни қандай ўтаётганимни ҳам сўраб туради. Бир куни қайси бир ротадан қайтаётганимизда пахтазор оралаб юрдик. Ариқ ёқаларига тутлар экилган, ўзи ҳам отни қийнаб гоҳ тутнинг, гоҳ ариқнинг у томонига, гоҳ бу томонига ўта берди. Мени ҳам ўзининг ҳаракатларини такрорлашимни талаб қилди. Мен ҳам бу ишларни бажардим. Кейин текис йўлга тушиб олганимизда, нима сабабдан бундай қийин йўллардан юрганимизни сўради. Мен эса, “тез кунларда бундан ҳам қийинроқ йўллардан юришимизга тўғри келади”, деб жавоб қайтардим. Менинг бу жавобимдан қониққан бўлса керак. Шундан кейин у кишининг менга бўлган муомаласи ўзгарди. Йўлда юрганимизда ёки

штабда ёлғыз иккіміз қолиб ўтирганимизда, менга ўз укаси билан сүзлашиб ўтиргандай, фақат ишдан эмас, балки дилдан сұхбат қиласынан бўлди. Менга қизиқ латифа, ҳангома, ҳатто эртаклар ҳам айтиб берар эди. Ҳар ҳолда биз яхшигина дўстлашиб олдик. Лекин Маҳмудов ўз хизмати, вазифаси ҳақида оғиз очмас эди. Менинг бу бўлимда хизмат қилишим ўзим учун жуда яхши бўлди. Узоклаб кетмасам ҳам полк жойлашган ерларнинг ҳамма жойига хоҳлаган пайтимда бориб кела оламан. Ўртоқларимни истаган пайтда кўра оламан. Хоҳласам, командирга айтиб, шаҳарга бориб келишим ҳам мумкин. Бу томондан ўртоқларим ҳам меңдан хурсанд. Менинг бу полкда эрка ўғил бўлиб юришим ўзимнинг кўнглимга ёқсан, уйқуларини бузган, бир умр суйиб яшаганим – севган қизим билан учрашишимга, танишишимга, бир умрлик баҳтимни топишимга сабаб бўлди.

## САБОҲАТХОН ЎТАГАНОВА – ГАРАНГ ЧОЛИШИГ ҚИЗИ

Гаранг чол – Ҳафизов Садоқ бува. Конимех районида Гаранг чол номи билан 1930 йилларда танилган. Асли Фиждувоннинг Жапари қишлоғидан. Ёшлиқ ва йигитлик йиллари Бухорода ўтган. Уларнинг Бухорога бориш сабаби менга маълум эмас. У кишининг қариндошларидан эшишишимча, улар отадан тўрт ўғил бўлиб, жуда қашшоқ яшашган. Шунинг учун ҳам ишлаш, оила аъзоларига ёрдам бериш мақсадида Бухорога борган. Бухорода амир Олимхон чорбоғида боғбонлик қилган. Боғбонлик даврида чорбоғда фақат гул ўстирган. Топган-тўплаганларини Жапаридаги қариндошларига олиб келиб берган. Уйланмаган. Қариндошлари, инқилоб арафасида ва ундан кейинги қийинчилик йилларида улардан фақат Қурбон исмли укаси уйланганини эътироф этадилар. Учала аканинг топгани бир укани уйлантиришга етган экан. 1920 йил 2 сентябр куни Бухоро ҳалқи билан бирга Садоқ Ҳафизов ҳам янги тузумга ўтади. (Мен, бу кишининг хон чорбоғида боғбон бўлиб

қолишини ўзимча, сарбозликка бориб, хон чорбоғида хизмат қилиб қолган бўлса керак, деб ўйлайман.) Болаларим, киши ёшлигига кўп нарсаларни билмайди, кўп нарсаларга ётиборсизлик билан қарайди. Улгайгандан кейин эса қанча пушаймон қилмасин, натижаси бўлмайди. Мана мен кўп нарсаларни сўраб билишим мумкин бўлган кишиларим ҳаётдан ўтганларидан кейин вақт ўтганини энди сезиб турибман. Шунинг учун ҳам ўз билганларимни баён қилишга ошиқмоқдаман. Чунки мен ҳаёт билан хайрлашганимдан кейин сизларга анча оғир бўлади. Ўша мен ўйлаган кишини топгунингизга қадар менинг ҳаёт йўлимни билиш сизлар учун зарур, буни сиз кимдан сўраб биласиз. Сўрашга аниқ биладиган одам топилмайди. Бу ишларни сизларга осонлаштириш учун ишдан кейин шу сатрларни битмоқдаман. Фарзанд учун ота-онадан жудо бўлган пайт жуда оғир бўлади. Ана шундай оғир дамларингизда сизлар билан бирга бўлмоқ учун бу эслалик-хотираларни олдиндан ёзмоқдаман.

Гаранг чол -Садоқ амаки, Бухородаги инқилобдан кейин у ер-бу ерда ишлаб юрган. Ўз жойида яшашга қўрқсан. У кишини “Бу ҳам хон чорвоғида ишлаган”, – деб қамаб юборишлари ҳам мумкин эди. Инқилобдан кейинги йилларда хон саройида амалдор бўлган киму, хон эшигига хизматкор бўлган ким, бунинг фарқига бормасдан, барчасига баробар жазо бериш ҳоллари кўп бўлган. Садоқ амаки ана шу жазодан қочиб, 1930 йиллар бошида Конимехга келиб қолган. Бу киши кўчиб келгач, бизнинг қишлоғимизда етти сони билан рақамланган Шомурод қассоб ҳовлисидан бошпана топган. Ўзига ўхшаб кўчиб келган кишилар кўмагида Кумуш исмли бир бева аёлга уйланган. Буларнинг фарзандлари бўлмаган. Улар қариндошларидан бири Ҳамид ўғли ўтаганбийнинг қизи Сабоҳатни Фиждувондан олиб келиб тарбиялай бошлаганлар. Сабоҳат бу оиласга келганимда, беш-олти ёшларда эдим, деб эслайди. Мен бу оиласи ва уларнинг қизи Сабоҳатни 1937 – 38-йиллардан бошлаб биламан. Бу пайтларда Сабоъат 13 ёки 14 ёшларда эди. Ота-онасининг ёлғиз қизи бўлгани учун ниҳоятда тоза ва чиройли кийиниб юради. Тиниқ юзи, тоғ кийигидай ҳур-

каклиги уни янада жозибали қилиб кўрсатарди. Бу қизга менинг ёшимдаги йигитлар эмас (рашким келса ҳам инкор қилмайман), катта – балоғат ёшидаги йигитлар ҳам етишишни орзу қиласар эдилар. Айниқса, 15-16 ёшга тўлган пайтларида совчиликка бориб, эшигнин танг қилганлар ҳам бўлган. (Мен уларнинг кимлигини ёзишни ўзимга эп кўрмадим. Узр.)

Кўзимга қиз болалар яхши кўрина бошлаган пайтда мен шу қизга кўнгил қўйишим кераклигини унча билмаган бўлмасам керак. Иккинчи жаҳон урушининг қизғин даври. 1941 йил 3 июл куни И.В. Сталиннинг радио орқали нутқ сўзлаган куни бўлса, ажаб эмас. Кичик район марказида у ёқданбу ёқقا кезиб юрибман. Район кутубхонасига кирдим. Китоб олиб ўқиш менинг азалий ишim эди. Шу куни кутубхонада Сабоҳатни учратаман, деб ўйламаган бўлсам керак. Кутубхонага кирганимда, тахта тўсиқнинг у томонида, яъни китоблар териб қўйилган томонида Сабоҳат ўтирган экан. Мен кутубхонада узоқ қолиб кетдим. Бироқ уни томоша қилиб қолиб кетганимни ҳеч ким, ҳатто Сабоҳатнинг ўзи ҳам сезган эмас. Бу ёлғиз ўзимнинг кўнглимда қолиб кетган сир эди. Бу қиз билан яна бир бор учрашганим ҳам ёдимда. 1941 йилнинг август ойи бўлса керак. Конимех колхоз бозоридан узум олиб еб келаётган эдим. Чорвоқ ариққа етган жойда олдимдан Ойша опа, қўлида ўғли Абдулла, ёнида Сабоҳат билан бозор томон келаётган эканлар. Олдиларидан чиқиб, саломлашдим. Ойша опа билан бир неча йил битта ҳовлида турганмиз. Саломлашмасдан ўтиб кетиш одобдан эмас. Шунинг учун улар билан тўхтаб саломлашдим. Ойша опага:– Узумдан енг, – деб мурожаат қилдим. Ойша опа узумдан олиб Абдуллага берди. Мен ёnlарида бирга турган Сабоҳатга эътибор қилмаган эмишман. Кейинчалик бунинг учун Сабоҳатдан жуда кўп марта таъна эшилдим.

## ФИЖДУВОНДА

Мен Фиждувонга борганимда, у ердаги бозорнинг иккита жойи мен учун жуда қадрли. Бу ҳақда аввал гапирган

бўлсам ҳам, мавзумиз Фиждувонга тегишли бўлгани учун шу жойлар ҳақида ҳикоя қилгим келди. Бу жойларнинг биринчиси ҳозирги район партия ташкилотининг тўрт қаватли биносидан кунботишга қараб, “Шодлик” ресторани томонга чўзилган бофнинг ўрни 1932 йилларда майдон бўлиб, бу жойлар бозорнинг ўрни эди. Шу бозорнинг фарброғида колхоз бозори билан чорвоқ томон кесиб ўтадиган ариқча бор. Отам бозордан иссиқ нон билан нишолда олиб, мени шу ерда ўтиргизиб тўйдирган эди. Ўзлари ҳам бирга едилар. Ўзлари қийналаётган бўлсалар ҳам, мени бозор айлантириди. Бу воқеа бизнинг Занданидан Конимехга келишимизда, ёки Фиштидан Занданига отам билан бориншимиизда 1932 йили куз пайтларида бўлиб ўтган бўлса керак. Иккинчи жой эса бозорнинг ичидаги бўлиб, бозорга “Шодлик” ресторани томонидан киришдаги дарвозанинг чап томонидаги жўроб<sup>10</sup> бозоридир. Агар мен Фиждувонга минг марта борсам ҳам, ҳар сафар шу иккисига кириб ўтаман. Жўроб бозорида отам 1935-36,37 йиллари жўробфурушилик қилган. Отам Хатирчи устидаги тоғлардан укам Туроб билан жўроб ўриб келиб, уни боғлаб, Фиждувон бозорида сотиб, тирикчилик қилишган.

Бу пайтларла мен Жумабой тоғамнинг оиласида эдим. Фиждувоннинг мен учун бу мўътабар жойларидан ўтаётганимда, ҳар сафар отамни эслайман. Отам билан боғлиқ кўп жойлар бузилиб кетди. Кечирасизлар, мен Фиждувоннинг уруш йилларидағи аҳволи ҳақида сўзламоқчи эдим. Бироқ хотиралар яна отам билан бирга ўтказган кунларга олиб кетди. Отам менинг учун ҳамма нарсадан аъло ва мўътабардир. Мен у кишига ҳеч бир хизмат қила олмадим. Афсус.

Мен 101-ўзбек миллий дивизиясининг 3-Фиждувон полкида хизмат қилиб турган пайтимда командирим Маҳмудовни ҳаракатдаги армияга жўнатиб юборишиди. Мен полкда, маҳсус бўлимда бир ўзим қолдим. Шунда кўк отни миниб, кўча айланиб, полкка қайтсан, полк дарвозаси олдидаги чойхона олдида туриб Сабоҳатхон менинг отимни айтиб чақирди. Тан олишим керак, унинг товушини бирин-

10 Жўроб - супурғи

чи марта эшитиб туришим эди. Бу пайт у мени “сиз”лаган эмас. Ўзини қанчалик бўлса ҳам, мендан устун тутиб турар эди. Мен унинг товушини эшитганим ҳамоно отни тўхтатиб, отдан тушдим. Отнинг ўзини қўйиб юбордим, унинг ўзи жойига бориб тураверади. Мен тез юриб келиб, Сабоҳатхон билан кўришдим. Менимча, қўл бериб кўришдик. Аниқ билмайман. Ҳозир кўп нарсани эслашим қийин...

Шу ўринда Кумуш опа ва унинг эри ҳақида ҳикоя қиласман. Кумуш опа асли қорақалпоғистонлик, эри ҳам ўша томон кишиси. Урушдан олдин Киров номидаги 1-мактабда завхоз (хўжалик ишлари мудири) бўлиб ишлаган, ўшанда танишганмиз. Урушга бир кунда чақирилганмиз. Фиждуонда бирга хизмат қилияпмиз. У киши алоқа взводида хизмат қилади. Сабоҳатнинг товушини эшитиб, мен уларнинг олдига бордим. Кумуш опа билан ҳам саломлашдим. У мендан эри қолдибоевни чақириб чиқишни илтимос қилди. Мен у кишини полқдан топиб келдим. Улар эр-хотин чойхонанинг бир чеккасига бориб суҳбатлашиб ўтиридилар. Мен эса Сабоҳатнинг ёнидаман. Узун скамейкада ёна-ён ўтирибмиз. Менинг бошимда “Қани эди, шу қиз менинг умр йўлдошим бўлса”, деган хаёл. У эса нималарни ўйлаяшти экан, билмадим. Лекин бизга четдан қараган одам, эски танишлар бўлса керак, деб ўйлаши мумкин. Бизнинг бир-биримизга танишлигимиз, дўстлигимиз шу кундан бошланган бўлса ажаб эмас. Кумуш опа Сабоҳатнинг қариндошлари уйида бир неча кун турди. Бу даврда мен ҳам Сабоҳат билан қариyb ҳар куни кўришиб турдим. Лекин орамизда муҳаббатга доир бир сўз ҳам бўлган эмас. Мен командирим Маҳмудов ҳаракатдаги армияга кетиб қолгани учун ҳам хўжалик взводи билан бирга қолдим. Полк командири ўринбосари мени хўжалик взводига бўлим командири қилиб тайинлади. Хўжалик взводининг битта кичик командири менинг ўқитувчим Тошматов. У киши ҳам ишни менга ишониб топширади.

Менинг Сабоҳат билан очиқ сўзлашишимга бир воқеа сабаб бўлди. Мен взводим билан Қизилтепа станциясига кетсам, у мени сўраб полкка келибди. уни мен билан хиз-

мат қилиб юрганлардан бир-иккитаси күрган бўлса керак. Мен бехабарман. 1942 йил январ ойининг охирлари бўлса керак. Қизилтепадан кечроқ келдим. Кечки овқатни еб дарвозага чиқмай, ётоқда ўтиридим. Олдимга бухоролик Жумаев деган киши кириб келди. Мендан катта, оиласи, болачақаси бир неча бор Бухородан келиб-кетганини ҳам кўрганман. У менга: – Солиҳон, нима қилиб ўтирибсан, чойхонага чиқ. У қиз бугун сени сўроқлаб келиб эди. Сайлиев (қоракўллик) сени кечга келади, деди. Буни сенга айтмасдан, ўзи яна бир-икки солдат билан ўша қизни кутиб, чойхонада ўтирибди, – деса бўладими. Мен бунга ишонишни ҳам, ишонмасликни ҳам билмай қолдим. Менинг кўнглимда, Сабоҳат кечаси соат тўққизларда чойхонага асло келмайди, деган фикр келди. Келиши мумкин ҳам эмас... Жумаев менга яна гап ташлади: – қани бир чиқинг, дўстларингизнинг ўтиришини кўрасиз, – деди у. Мен полк олдидаги чойхонага чиқдим. Ҳақиқатан ҳам Сайлиев ва менинг хизматдошларимдан икки-учтаси ўтиришибди. Мен кириб борганимда ўтирганларнинг юзида ўзгариш бўлдими ёки менга шундай туюлдими, билолмадим. Ўзим ҳам улар олдида очилиб ўтиrolмадим. Кўнглимда Сабоҳат кечаси келмайди, келса ҳам бу яхши бўлмайди, деган ўй ўтди. Мен полкка кириб кетдим. Улар ҳам соат ўнларгача ўтириб, кейин қайтиб бордилар. Сабоҳат келмади. Мен дўстларимга ҳеч нима демадим. Чунки Сабоҳат менга ҳеч бир жиҳатдан қарам эмас эди. Шу воқеадан кейин у билан очиқ гаплашмоқчи бўлиб, эртасига уни излаб чиқдим. Қизилтепага бормадим. Районни икки марта айландим. Уни топа олмадим. Қайтиб кетаётib, уни кўчада учратдим. Мен отда, у пиёда. Менга тери ширкатига бораётганини, у ердан пул олиши кераклигини айтди. Мен ҳам у билан бирга бордим. Гапим жуда бачкана бўлмасин, деб хат ёзиб қўйган эдим. Уни Ойша опангдан, деб бердим. Лекин у ишонмади. Алдаётганимни сезиб турса ҳам, хатни олди. Мен: – Хатнинг жавобини кечқурун кинода оламан, – дедим. Тақдир бизни бир-бишимизга яқинлаштираётганини ич-ичимдан чўчиб

жис этдим. Ёзишга жуда қийналганим бу хатнинг мазмуни тахминан шундай эди: “Бугун мени излаб келибсан. Раҳмат. Излаб келсанг, менинг боримда келгин. Мен йўғимда келиб юрма. Ўртоқларим устимдан кулишмасин. Агар хат ёзишиб туришни лозим топсанг, хурсанд бўлар эдим. Менинг орзу-умидим бир умр сен билан бирга бўлишдир...”

Кечқурун кинода у билан учрашдим. Кинога полкда шоғёрлик қиласиган қаршилик Қораев билан бирга бордик. Қораевнинг қўлида ҳар эҳтимолга қарши ярим метр келадиган лом бор эди. У ўзича, бизни бошқалардан ҳимоя қилмоқчи эди. Биз Қораев билан кинога бошқалардан кечроқ келибмиз. Қораев залга киргач, бўш жойга тезда ўтиради. Мен эса Сабоҳатхонни қидира бошладим. У ўртадаги қаторлардан бирида ўзи каби бир нечта қиз билан ўтиради. Қизлар унинг чап томонида бўлиб, унинг ёнида битта жой бўши эди. Мен тўғри бориб ўша ерга ўтирадим. Фиждувоннинг шаддод қизлари бу ерга ўтиришимга қаршилик кўрсата бошлидилар. Мен индамасдан ўтирадим. Жанжал авжига чиқишини билган Сабоҳатхон қизларга бир нима деган бўлса керак, қизлар бирдан жимиб қолишиди. Шундан кейин қизларнинг мен билан иши ҳам бўлмади. Чироқлар ўчиб, кино бошланди. Ўша куни қандай кино кўрганимни фақат бугун эмас, ўша куннинг ўзида ҳам мутлақо эслай олмасдим. Мен учун керакли нарса – бу хатимга жавоб олиш эди. Сабоҳатхон хат костюмининг сиртқи чўнтағида эканини айтди. Хатни ўзим олдим. Энди менинг бирдан-бир орзум – тезроқ олган хатимни ўқиш эди. Кино тугагунича қимир этмай ўтирадим. Қиз билан бошқа сўзлашганим ҳам йўқ, кино тамом бўлди. Биз ҳамма қатори ташқарига чиқдик. Қизлар бизни ёлғиз қолдириб тарқаб кетдилар. Мен Сабоҳатни биринчи маротаба Горький кўчаси бўйлаб тоғасининг ҳовлиси томонга кузатиб кетдим. Менинг ортимдан Қораев ҳам тўртбеш метр чамаси фарқ билан келарди. Мен қизни тоғасининг дарвозасидан киргизиб, Қораев билан бирга ортга қайтдим. Ҳонамга кириб биринчи қилган ишим – хатни ўқиш бўлди. Жуда хурсанд бўлдим. Хурсандлигим шу даражага етиб бор-

дики, хатнинг мазмунидан бирор нарса ҳам эсимда қолмаганди. Фақат шуни эслайманки, Сабоҳат мени эсга олиб хат ёзиб туришига сўз берган эди. Бу менинг энг катта орзуим, энг катта баҳт эди. Бундан катта баҳт борми, кишига, деб қувончим ичимга сифмасди. Мана шу кун ва шу соатдан бошлаб мен ўзимга бу ҳаётда умрбод йўлдош топиб олган эдим.

## КОМАНДИРЛАРИМ МАҲМУДОВ

### ВА АҲМЕДОВ...

Мен Фиждувонда маҳсус бўлим бошлиғи Маҳмудовнинг қўл остида ишлай бошладим. Бу одам ниҳоятда қаттиқўл ҳарбий – чекист эди. Бу киши полкда бўладиган ҳар қандай жиноятнинг олдини ола биладиган ҳамда жиноят қилган шахсларга нисбатан қаттиқ чора кўрадиганлардан эди. Полкда олдинги қисмларни ҳаракатдаги Армияга олиш бошланди. Бу 1942 йилнинг март ёки апрел ойлари эди. Шу пайтда Маҳмудов ҳам ҳаракатдаги Армияга юборилди. Унинг ўрнига дивизия штабида ишлайдиган катта лейтенант Аҳмедов бошлиқ бўлиб келди. Аҳмедов мендан бор-йўғи бир-икки ўш катта эди, холос. Ўзи Қозон шаҳрида туғилиб ўсган. Уруш бошланмасдан илгари хизматга чақирилган. Уруш бошлангни пайтда Узоқ Шарқда ҳарбий хизматда бўлган. Уруш бошланиши билан 101-миллий ўзбек дивизиясига юборилган. Аҳмедов полкимизнинг маҳсус бўлимига бошлиқ бўлиб келган пайтда полкимизнинг олдинги қисмлари ҳаракатдаги Армияга ва Эрон тупроғига жўнаб кетган эди. Менинг энг яқин дўстларимдан Идрисов Аҳмед ҳаракатдаги Армияга, Турсунбоев Очилбой Эронга кетган эдилар. Мен эса полкда қолганлар билан биргаликда Аҳмедов билан ишламоқдаман. Шуни очиқ айтмоқчиманки, мен Сабоҳатхон билан учрашган пайтимда Маҳмудов кетиб, ўрнига ҳали ҳеч ким келмаган пайтлар эди. Бу даврда мен бошлиқсиз хўжалик взводида турадим. У ерда кўп турганим йўқ. Аҳмедов бошлиқ бўлиб келди. Аҳмедов Маҳмудов каби қаттиқ ишламас эди.

Балки ишлашга иш йўқдир. Олдинги қисмлар кетган. Қолгандари бугун-эрта кетиши олдида турибди. Шунинг учун ҳам Аҳмедовнинг иши бўшроқдир. Бу эса мен учун жуда қўл келди. Менда полкнинг тўртта эскадронида, Фиждувон шаҳри ва Фиждувон тумани қишлоқларида юришим учун рухсатномам бор. Аҳмедов ўз иши билан банд. У кўп вақтини ўз кайфиятини чоғ қилишга сарфлайди. У жуда яхши киши эди. Мени ўз укасидек яхши кўтар эди. Менга жуда ғамхўр эди. Баъзи вақтларда мени полкда кўриб қолиб, кўчага чиқиб ўйнаб келишимни, бугун, албатта кинога боришимиз кераклигини айтар эди. Бу киши билан бирга ишлаган чоғларимда Сабоҳат билан бир кунда бир неча бор учрашишга ҳам вақт топилар эди. Бироқ бу учрашувлардан Сабоҳатхоннинг қариндошлари хабардор эмасдилар. Мен ўша вақтдаёқ ўзим учун жуда ғамхўр ва меҳрибон киши – Сабоҳатни топганимга ишонар эдим.

## БЕШ СУТКАЛИ ТАНАФФУС

Фиждувондаги полкимизнинг қолган-қутгандарини тўплаб, темир йўлга яқинроқ бўлишимиз учун уни Ромитанга кўчирдилар. Кўчаётганлар анча кишини ташкил этарди. Мен ҳам кетувчилар билан бирга кечқурун йўлга тушдим. Полкимиз олдида одам жуда кўп эди. Булар кузатувчилар эдилар. Кимнингдир ота-онаси, кимнингдир қариндошлари, кимнингдир севган ёри кузатишга чиққан эди. Кузатувчилар орасида бир тўп Фиждувонлик қизлар билан бирга келган Сабоҳатхон ҳам бор эди. Полкдан тўрт қатор колонна бўлиб чиққан солдатлар билан уларнинг кузатувчилари йўл бўйлаб Бухоро томонга қараб аста-секин силжимоқда. Мен ҳам Сабоҳатхон билан бирга узоқ сафарга кетмоқдаман. Бу сафар ниҳоятда узоқ ва хавфли сафар эди. Гозир қатор бўлиб кетаётганлардан кимлар ўз тупроғини қайта босишига мусассар бўлади? Кимлар бу сафарбарликда Ватан учун қурбонга айланади? Бу номаълум эди. Лекин ҳамманинг кўнглида эсон-омон ўз уйига қайтиб келиш истаги. Шулар қатори мен ҳам шу қонли урушдан омон қай-

тишни ўйлаб борар эдим... Мен йўлда ўз дўстларим билан, Сабоҳатхон қизлар билан йўлнинг четидан бормоқда. Шаҳар марказидан чиққандан кейин мен қизларнинг ёнига келдим. Бир қанча вақтгача қўл ушлашиб бирга кетдик. Шаҳардан уч-тўрт километр узоқлашгач, қизлар билан хайрлашдим. Сабоҳатни бағримга босдим. Бу ҳеч кимнинг эътиборини тортмади. Айрим дўстларимнинг кўзига ёш келди. Бу ердаги хайрлашув кўплар учун сўнгги хайрлашув эди. Буни ҳамма юракдан ҳис қилиб турарди. Шунинг учун ҳеч ким бирорни айблай олмасди. Мен ҳам қизларни орқага қайтардим. Улар ҳам кўпчилик кузатувчилар қатори орта қайтдилар... Кўзимдаги ёшларни артиб-артмай югуриб, дўстларимга етиб олдим. Бу ерда кимлар билан кетаётганимни билмайман. Саф бўлиб, Бухорога қараб олға интилмоқдамиз. Ҳаёлим эса, урушдан омон қайтиш-у, Сабоҳат билан бирга ҳаёт кечириш ҳақида эртакнамо ўйлар билан банд. ғеч ким билан сўзлашганим ҳам йўқ. Кечаси алламаҳалда Вобкентга кириб келдик. Шу ерда тунаш мақсадида ўтин қилиб (олов ёқиб) очиқ далада ётиб қолдик. Совет Армиясида биринчи марта тўшаксиз, очиқ далада ётишим эди. Вобкент шифохонаси олдидағи ўтпоялар ичидаги тонг оттирдик. Бундай кенг далада ётишимиз кейингилари олдида ҳолва экан. Буни, албаттаги ҳаммамиз ич-ичимиздан ўша пайтда сезганмиз. Тонг отгач, овқатланиб йўлга тушдик. Шу куни Ромитан районидаги Наримонов номли колхознинг идораси, чойхонаси, умуман, шу колхоз қўрасига жойлашдик. Бу ердаги штабимиз район марказида эди. Отларнинг ҳаммаси фронтга жўнатилган. Ўзимиз ҳам кўп вақтимизни бекор ўтказамиз. Командирлар ҳам яхши машғулот олиб бормайдилар. Улар ҳам солдатларга ўхшаб, фронтга ана кетамиз, мана кетамиз, деб кутиб ўтиришганга ўхшарди. Кундузлар бекорчилик, кечалар уйқу билан ўтаверди. Бу пайтда мен эскадронда, Аҳмедов эса полк штабида туради. Ҳар куни тез-тез учрашиб турдик. Шундай учрашувларнинг бирида Аҳмедов менга Фиждувонга бориб келасанми,—деб сўраб қолди. Мен эса Фиждувон баҳонаси билан Конимехга бориб келишимни ҳам айтдим. Аҳмедов менга

ўз номидан уч суткага рухсат берди. Штабга бориб комиссаримиз Раҳмоновдан жавоб олишимиз керак эди. Аҳмадовнинг жавобига Раҳматов ҳам бир сутка қўшиб, тўрт суткага рухсат берди. Бош писар(котиб)дан прописка-рухсатнома ёэдириб олиш учун штабга борган эдим, бош у рухсатноманинг қаерга бориб келиш учун олинаётганини сўради. Мен Конимехга боришимни айтдим. Бу киши ҳам Коnimехдан экан. Фамилияси қартовбоев. Бу киши ҳам ўз номидан рухсатномага бир кун қўшиб, менга беш суткага рухсатнома ёзиб берди. Мен рухсатномани олган замон Галаосиёга қараб йўлга чиқдим. Ромитан билан Галаосиёнинг ораси ўн километрдан кўпроқ келади. Бу ерга пиёда етиб келдим. Ёз куни соат 5.00да Бухородан Фиждувонга автобус юради. Шуни мўлжаллаб етиб келдим. Мен келгандан анча кейин автобус келди. Автобусга ўтириб олиб, Фиждувонга қараб жўнадим. Кўзим йўлда. Фикрим Фиждувонда. Чунки мени у ерда Сабоҳат кутиб турибди. Ромитандан унга хат ёзиб юборганман. Адресимиз – почтадан сўраб олиш, яъни “довостребования”. У менинг адресимни тўлиқ ёзади. Мен эса почтага ёзаман. Биз деярли ҳар куни хат орқали сўзлашиб турамиз. Менинг Фиждувонга боришимни у билади. Мен фронтга жўнаб кетгунга қадар у Фиждувонда туришга қарор қилган. Ҳар куни Бухородан кела-диган автобусни кутиб олиш учун чиқади. Бу ҳақда биз хат орқали келишиб олганмиз. Мен унинг турган уйига очиқ боролмайман. Удумимиз шундай. У мени ҳар куни йўлга чиқиб кутади. Мен автобусда келяпман. Автобус Фиждувон бекатига келиб тўхтади. Одамлар туша бошладилар. Мен ҳам тушдим. Узоқроқда туриб, автобусдан тушаётгандарни кузатиб турган Сабоҳатхонга кўзим тушди. Ўша-ўша туриши. Икки томонида иккита қиз. Бири мени қиёматлик акам деб юрган Нусқа исмли қиз. У Сабоҳатнинг узоқ қариндоши. Иккинчиси Музайян исмли қиз. У Фиждувондаги полкимизнинг сигналчиси Холнинг синглиси. Учала қиз мени кутиб олдилар. Қизлар билан кўришиб, сўрашиб ҳам олдик. Бу қизлар менинг энг яқин кишиларимдек бўлиб кетган. Сабоҳат ҳам мен билан турмуш қурмоқчи эканли-

гини улардан яширмайды. Улар ҳам бизнинг бирга бўлишимиизга қаттиқ ишонадилар. Лекин олдинда уруш, қонли жанглар борлигини ҳам унутолмаймиз. Қизлар билан бир-бир ярим соатлар чамаси район марказини айландим. Учқиз ва менинг бир ўзим. Маслаҳатимиз бир жойдан чиқиб, мен шу куниёқ Конимехга кетмоқчи бўлдим. Сабоҳат Фиждувонга келганида, отаси учун Фиждувоннинг носидан олиб борар экан. Мен туфайли Фиждувонда узоқ қолиб кетгани, отасининг носи тугаб қолганлигини айтди. Менга Фиждувон носидан олиб, бериб юборди. Бу баҳона мен Сабоҳатнинг оиласини кўришга ҳам муваффақ бўлдим.

## ШАЙДУЛЛА АБЗИЙ

Жумабой тоғам билан ишлайдиган кишилардан бири – аравакаш Шайдулла Абзийдир. Абзий деган сўзнинг маъноди ака демакдир. Биз Шайдулла ака билан кўп вақт бирга турдик. У киши Татаристоннинг қаеридан эканлигини ҳеч қачон айтган эмас, мен ҳам сўраганман. Бу одам ўрта бўйли, семиз, оққувадан келган киши эди. Гапирганда кўпроқ тилининг учидаги гапиради. Уруш бошланмасдан олдинроқ қозонданми, Уфаданми келган эди. Унинг татар ёки бошқирд эканлигини ҳам аниқ билмайман. Уруш бошланган йили мен ва дўстим Абдулла Идрисовнинг яқин кишишимиз – шу Шайдулла Абзий эди. 1941 йилнинг ёзи. Уруш давом этмоқда. Ҳаммамиз фронтга жўнаб кетишимиш керак. Унга ҳамма тайёргарлик кўриб қўйилган. Ҳар куни кишилар жўнаб турибди. Ана шундай кунларда мен, Аҳмад Идрисов ва ўша Шайдулла ака ёзда икки-уч ой давомида улфатчилик қилдик.

Аҳмад Идрисов қозоқ миллатидан. Уруғи – олтин. 1940 – 41 йиллардан бошлиб менинг тутинган дўстим бўлиб қолди. Бизларни бир-биrimизга яқин қилган кишилар унинг амакиси – Жумабоев Илёс ва менинг тоғам Эргашев Жумабойлардир. Илёс ака нонхонанинг бошлиғи, тоғам эса нон пиширувчи уста. Катталаримизнинг бир нонхонада ишлашлари бизни бир умрга яқинлаштириди. Шайдулла ака

шу нонхонада аравакаш бўлиб хизмат қиласди. У ўзини катталаардан узоқроқ, бизларга яқин тутади. Ана шундай қилиб, Шайдулла ака билан қадрдан бўлиб қолдик. Тоғам Шайдулладан хурсанд. Ишдан бўш вақтларида бизнинг уй юмушларимизга қарашиб юборади. Шайдулла ҳақида тоғам шундай дегани ҳали-ҳали эсимда: “Шайдулла келдию, худди Шариф тирилиб келгандай бўлди”. Чунки Шайдулла уй ишларини жуда саранжом қилиб уддалар эди...

Мен ҳозир беш кеча-кундузлик дам олишдаман. Шунинг учун ҳам тезроқ Фиждувондан Конимехга кетишим керак. Қизлар билан хайрлашиб, Сабоҳатхонни қолдириб, фишти йўлига пиёда чиқдим. “Ростгўй” деган қишлоқда Салим язнам туради. Шу ерга пиёда келдим. Язнамнинг эшагини мишиб, эрталаб йўлга чиқдим. Кундузи соат ўн иккиларда Конимехга кириб бордим. Менинг уйга келишим қариндошларим учун бир байрамга айланди. Бу келишим май ойининг учинчи ўн кунлигига тўғри келган эди. Мен бу ерга келган вақтимда, бир қатор дўстларимни 1942 йил 25 майда Армияга кузатиб қолдим. Шу кузатиб қолган дўстларимдан бири, менинг яқин дўстим Қодиров Эшпўлат бўлади. У мен билан тенг ёшда бўлса ҳам мендан кейин урушга олинди. Мен район марказида яшаганим учун бир йил олдин, у эса қишлоқда тургани учун кейинроқ кетган эди.

Ҳозир мен беш суткалик отпускадаман. Эшелонда кутиб турган дўстларимнинг олдига шошиб турибман. Бу ерда дам олган чогимда айтарли ҳеч гап бўлмади. Бироқ баъзиларини барибир эслатим келди. Армиядан келганларни уйига меҳмон қилиб чақириш азалдан одат бўлиб қолган. Шу келганимда мени ҳам баъзи қаридошларим чақирди. Қариндошлардан ташқари мени Қурбонов Абсалом ака<sup>11</sup> (лақаби Абсалом кал) уйига таклиф этди. Бордим. Тоғаларимдан ҳеч ким йўқ. Мени қандай таом билан сийлаганларини эслай олмайман. Хотирамда бори шу уйда ўтирганлар – уй эгаси Абсалом ака, Раис Турдиев Қувват ака, дўстим-синфдошим,

11 Абдусајлом ака

сирдошим, то бешинчи синфгача бирга ўқиган қадрдоним. Жўрам Мавлон Раҳмонов ва мен узоқ суҳбатлашиб ўтиридик. Назаримда, уруш кўпимизни ичкиликка ўргатди. Мавлон соқийлик қила бошлади. Бир пиёлани қуйиб ўзи бошлади (уруш пайтида чўқишириб ичиш одати йўқ эди, бундай на-мойишкорона ичишлар хурсандлик пайтларида бўларди-да). Ичди-ю, аҳволи ёмонлашди, аммо ҳеч кимга сездирмаслика ҳаракат қилди. Бир муддат нафас ололмай афтини буриши-тириб ўтириди. Озгина вақт ўтгач, пиёлани тўлдириб, менга узатди. Мен ҳам унинг аҳволига тушдим. Биз ёшларнинг бу ҳолимиз биз билан бирга ўтирган Турдиев Қувват аканинг назаридан четда қолмади (Мавлон Қувват аканинг опаси Хурсандой опанинг ёлғиз ўғли эди).

– Қани, менга ҳам қўйчи, – деди. У кишига ҳам қўйилди. Пиёлани бир ҳўплади-да, Абдусалом акага қараб:

– Нима бало, шу ёшларда қасдинг борми? – деди. Пиёла-га қўйилаётган ичимлик спирт экан. Биз унинг соғлиғимизга қанчалар заарли эканини билмасдик ҳам. Кейин бу ичим-ликка сув қўшиб ичилди. Менга ҳам Мавлонга ҳам ҳеч нарса қилгани йўқ. Мен шу дам олиш кунларимнинг кўп қис-мини Мавлон билан бирга ўтказдим. Кун бўйи биргамиз. Кечқурун бизникига келиб, алламаҳалгача суҳбатлашиб ўтирамиз.

Икки кеча уйда ётдим. Бу ердан тезроқ Фиждуонга ке-тишимни ўзгалардан сир тутаман. Тезда қайтишга ҳозир-лик кўра бошладим. Нусқа янгам юзга яқин тухум, бир неча кило пишган гўшт, ўн-ўн бешта кулчани солдатча халтам-га солиб берди. Ўша пайтлар учун бу нарсалар жуда кўп ва қиммат ҳам эди. Жўнаб кетишим учун нарсаларим таҳт, эшак ҳам тайёр. Салим язнамнинг уйигача эшакда бордим, ўёғига пиёда кетишим керак. 26 май куни йўлга чиқдим. 28 май кеч соат 12.00 да қисмда бўлишим керак. 27 ва 28 май кунларини Фиждуонда ўтказмоқчиман. Мени бу ерда Са-боҳат кутарди...

Йўлда кетяпман. Эшак билан кенг сойни босиб ўтишим керак. Эшакни қистайман. Йўл унмайди. Олға сплжимоқда-

ман. Ёдимга ўтган кунлардаги воқеалар бир-бир туша бошлади. Айниқса, Сабоҳат бериб юборган носни унинг отасига олиб бориб беришим қийин бўлди. Ўзим уларнинг хонадонига бора олмадим. Борсам, Сабоҳатнинг номига яхши иш бўлмайди. Бунинг устига унинг ота-онасидан уяламан. Авваллари ҳам бу хонадонга сира борган эмасман. Уйини ҳам билмайман. Янгамдан илтимос қилай десам, у ҳам уйини билмайди. Охири Ойша опанинг уйига бордим. Сабоҳатнинг омонатини отасига топширишини у кишидан илтимос қилдим. У киши менинг аҳволимга ҳазил аралаш кулди. Лекин Сабоҳатни яхши кўриб қолганимни сезди. Балки менинг хуш кўрмаганди ҳам. Лекин барибир менга кўмаклашди. Омонат эгасига тегди. Шу билан бу носни Фиждувондан мен олиб келганим Сабоҳатнинг ота-онасига маълум бўлди. Онасининг: Сабоҳат носни кимдан бериб юборибди? – деган саволига Ойша опа шундай жавоб берибди:

– Жума нонвой бор-ку, шунинг қўлида бир жияни турди. Шу бола Фиждувонда қизил Аскарда хизмат қиласди. Ўша жавоб олиб уйига келаётган экан, ўшандан бериб юборибди, – деб жавоб қилибди.

Шундай қилиб нос олиб келган киши сиртдан бўлса ҳам, қизнинг ота-онасига шундай таниширилган. Шу пайт чолу кампир қандай кайфиятга тушган, билмайману, бироқ мен уларнинг хотирасида “Жума нонвойнинг жияни” бўлиб қолган бўлсан, ажаб эмас.

... Қоржовбоевнинг топширигини бажариш учун унинг уйига бордим. Хотини Қоржовбоева Гули опани ва унинг икки боласини кўрдим. Саломини айтдим. Лекин уларнинг саломини, уларнинг соғлиғи ҳақидаги хабарни Қоржовбоевга айта олмадим. Чунки у кишини қайта учратмадим. Ҳаёт бизни кейинчалик ҳам қайта учраштиrmади.

Кун пешин бўлганида язнамнинг уйига етиб келдим. Бу ерда кўп турганим йўқ. Уларницида ота авлодимнинг кўзи – укам Туроб ўтирган экан. Менинг ҳаракатдаги Армияга кетишими ҳаммадан ҳам шу укам – Туробга қаттиқ таъсир килди. У менинг ҳарбий халтамни кўтариб олди. Биргала-

шиб Фиждуонга қараб йўлга тушдик. Ҳалтани дам у, дам мен кўтариб кетяпмиз. Анча оғир. Биз йўлга чиққан жойдан Фиждуонгача чамаси ўн километрлар келади. Йўлда ўтириб, дам олганимиз ҳам йўқ. Иккимизнинг хаёлимизда ҳам бир фикр – яна қайтиб учрашамизми ё йўқ? Фиждуонга тўрт километрлар қолганида, Туробни орқага қайтардим. Агар шаҳаргача бирга борса, қайтиб пиёда келиш ёш бола учун қийин эди. Сталин номидаги колхоз марказидан уни орқага мажбурлаб қайтардим. У менга, мен унга қараб-қараб бир-бирамиздан узоқлашдик. У орқага, мен олға кетдим. Қоронги тушмасдан Фиждуонга кириб бордим. Мени бу ерда Сабоҳат кутар эди. Фишти йўли билан шаҳарга кирап жойда мени учта қиз – Сабоҳат, Нусқа ва Муяссар кутиб олди. Улар мени тўғри Нусқаларнинг уйига бошлаб боришиди. Бу ҳақда олдиндан келишилган бўлса керак. Кечаси алламаҳалгача тўрттовимиз гаплашиб ўтиридик. Нимадан гапирмайлик, гапларимиз ҳазин ва ғамгин чиқарди. Уруш ҳаммаёққа ўз таъсирини ўтказган. Европадан кўчиб келтирилган кишиларнинг ўликлари Фиждуон кўчаларида ҳам ётарди. Очлик, муҳтоҷлик, ўлим хавфи ҳаммага ўз кучини кўрсатган. Биз ҳам ўтириб, ўзимизни қувонтирадиган бирор гап топишимиз амри маҳол эди. Мен, бу қизларни яна қайтиб кўярмиканман, деб ўйлаб ўтириб, уларнинг ҳам шу ҳақда ўйлаётганларини ич-ичимдан ҳис этдим...

Тонг отди. Менинг ҳали ўттиз олти соатлик бўш вақтим бор. Кундузи қизлар ўз ишлари билан кетдилар. Биз Сабоҳат билан кунни Фиждуон кўчаларида юриб кеч қилдик. Бу кун 1942 йилнинг 27 майи эди. Биз шу куннинг сира тугамаслигини, бир умр давом этишини истардик. Биз ҳеч кимнинг уйига ҳам бормадик. Ошхонада овқатландик, чойхонада чой ичдик. Биз билан ҳеч кимнинг иши ҳам бўлмади... Бизнинг ҳоҳишимиз билан, албатта, кун узайгани йўқ. Кеч кирди. Тунаш учун жой излаб меҳмонхонага бордик. У ернинг мудири ҳам, қоровули ҳам битта чол экан. Меҳмонхонада тонгни оттириб, кейинги кун ҳам биргаликла кўчаларни айландик, чойхонада, ошхонада бўлдик. Хуллас,

кечки соат 5.00 даги автобус билан Сабоҳат мени Бухорога кузатиб қўйди. Биз ажралганимизда йиғламадик. Сабоҳат ҳам мард экан.

Мен автобусда кетаётиб ўзимга ҳисоб бердим. Сабоҳат билан бирга ўтган кунларимдан мамнун бўлиб, кўнглим ёришди. Мабодо, урушдан ўлмай қайтсам, биз албатта турмуш қурамиз. Шу ўй билан Галаосиёга етиб қолганимизни ҳам сезмай қолибман. Шу ерда автобусдан тушдим. Ромитанга қараб пиёда жўнадим. Бирор улов йўқ. Бу томонларга ҳеч нарса юрмайди. Икки кеча яхши ухламаганим учун юриб кетаяпман-у. кўзларим уйқуда. Ётиб ухлаб олай десам, кечаси иккода частда (бўлимда) бўлишим керак. Бир амаллаб, кечаси худди 12.00 да бўлимга кириб бордим. Борсам, штабда бир қоровул ва комиссар Раҳматов ўтирган экан. Кириб, келганимни билдиридим. Совғага олиб борган нарсаларимни стол устига қўйдим. Бир оздан кейин Раҳматов менга Аҳмедовга учрашишим кераклигини айтди. У сенга икки марта “йўлга чиқ”, деб телеграмма берди, деди. Мен у телеграммаларни олмаган эдим. Мен Аҳмедов турадиган уйга бордим. Далада ухлаб ётган экан. Уйфотмадим. Ўз бўлимимга қайтиб кетдим...

Наримонов номли колхоз чойхонаси. Бу ердан икки километр олисда. Пиёда етиб бордим. Ҳамма дўстларим кийиниб, этикларда, халталарини бошлари остига қўйиб, ухлаб ётишибди. Мен ҳам уларнинг сафига қўшилдим. Эрталаб “подъём” бўлди. Ҳамма қатори уйғондим. Кейин конимехлик дўстларим билан саломлашдим. Мени хурсанд бўлиб кутиб олган киши Жуманазаров Эрназар ака бўлди. (Изоҳ: Бекназар ака Эрназар аканинг укаси. Эрназардан Нурилла, Бекназардан Хайрулла туғилган.) Мендан ҳолаҳвол сўради. У кишига шу вақтларда район ижроия комитетида секретарь бўлиб ишлаётган укаси Бекназарнинг саломини етказдим. Анча хурсанд бўлди. Шу куни кундуз соат ўн бирларгача бирга бўлдик. Мен олиб борган нарсалардан тановул қилдик. У киши менинг олдимда анча салобатли кўринарди, оғир-вазмин табиатли киши эди.

Соат ўн бирларда тревога берилди. Ҳамма ўз бўлимларига тўпланди. Биз икковимиз ҳам ўз бўлимларимизга шошиб етиб келаяпмиз. Ошхона олдида бизни полк ошпази қаршилик Тоғаев aka чақирди. Катта қозонларда гўшт қайнаб ётибди, овқатланишга эса вақт йўқ. Тоғаевнинг маслаҳати билан халтамизга пишиб турган гўштдан солиб олдик. Йўлда овқатланишимиз мумкин. Шу пайт Наримонов колхозида жойлашган бизнинг эскадронимиз Ромитанга қараб йўлга чиқди. Мен ҳам кўпчиликнинг бири бўлиб йўлда кетяпман. Ромитанга етиб келсак, запасда турган бутун полк оёққа турган экан. Ҳамма Бухоро йўли билан темир йўл сари юриб кетди. Командирлар отда, солдатлар пиёда, уларни гоҳ юргизиб, гоҳ югуртириб олиб кетмоқда. Бизни Ромитан билан Галаосиёнинг ўртасида бир нафас ҳам тўхтатмасдан югуртириб олиб бордилар. Бундай югуришдан аҳволим анча оғирлашди. Чунки ҳали халтамда анчагина совға-саломлар бўлиб, менга оғирлик қиласарди. Бунинг устига Тоғаев солиб берган пишган гўшт. Булар билан чопиш осон эмас. Бахтимга Ромитандан чиққан пайтимда Аҳмедов от миниб ёнимдан ўтиб қолди. У мени кўриб, ёнимга келди. Мен уни кўриб, қувониб кетдим. Ахир у менга бошлиқлардан жавоб олиб берган эди-да. Агар шу эшелондан қолиб кетсан, бошлиқлар олдида мен учун юзи қаро бўлиши мумкин эди. У ҳам мени кўриб, қувончини яширмади. Тезгина саломлашиб, орқамдаги халтани унга узатдим. У ҳам индамасдан олдида, елкасига осиб олди. (Ичидаги нарсалар унинг учун эканлигини айтмасам ҳам бўларди. Чунки биз бир-биримизни сўзсиз тушуниб турибмиз.) Мен юқдан озод бўлганимдан сўнг дўстларим қатори гоҳ юриб, гоҳ югуртиб эркин кетавердим. Командирлар эса колоннанинг у бошидан бу бошига от чоптириб бориб келмоқдалар. Галаосиёгача тўхтамасдан келдик. Шу ерда тўхтаб дам олдик. Командирлар, чопиб келгандарнинг барчаси ерга ётди. Оёқларимизни кўтариб дарахтларга тираб олиб ётдик. Бу ҳолат пастга тушган қонни танага қайтишига ёрдам берса керак. Анчагина дам олганимиздан кейин янга Бухоро томонга йўл бошладик. Бухоро

құрғонига кирган пайтимизда йигитлардан баъзилари юришга ярамай, орқада қола бошладилар. Уларни орқада келаётгандан хўжалик бўлимининг араваларига чиқариб олишардилар. Кун ботгандан кейин поезд вокзалига етиб бордик. Қизил вагонларга жойлашиб олдик. Поезд ҳали-бери юрмаса керак. Тушган тушиб, минган миниб ётибди. Қоронгида Аҳмедов халтани кўтариб келиб қолди. У мени излаб топди. Мен поезднинг ўрта қисмида эдим. Ҳозир бизларнинг иккавимининг ҳам истагимиз солдат халтасини очиб, ичидағи-ларни тановул қилиш эди. Бу ишни тик турган ҳолда бажардик. Яна ёмон жойи шу бўлдики, ароқ ичишга на пиёла, на бирор идиш бор эди. Нима қилиш керак? Кўп ўйлаб ўтирумай икковимиз икки шиша ароқнинг оғзини очиб кўтариб ичдик. Овқатланиб бўлгач, ҳар ким ўз ўрнини эгаллади. Кечаси қуруқ озиқ-овқат (сухой паёк) улашилди. Мен поезд кетишини ҳам кутмай ухладим. Шундай қилиб, шу кеча Бу-хородан чиқиб кетдик. Кечаси бир уйғонсам, Когонда турган эканмиз. Менинг фронтга жўнашим шундай бошланди. Поездда ётиб-туриб кетаяпмиз. Иккинчи куни бўлса керак, Тошкентга етиб бордик. Мени Аҳмедов чақириб:-қара, Тошкентга келдик,- деди. (Биз у киши билан бир вагондамиз. Алоқачилар уч кишимиз: мен, бухоролик яна бир Солих Каримов, қоракўллик Сайлиев.)

Тошкент вокзалида поезд тўхтади. Бизларни шу ерда овқатлантиришиди. Жуда катта ошхонада овқатландик. Ўзбекистон фронтга кетаётган аскарларини ош билан зиёфатлади. Ош ҳар бир солдатдан ортиб қолди. Бу ош жуда кўп йиғилганлар учун сўнгги ош бўлган эди. Тошкент бизга янги этик берди. Ана шундан кейин биз ғарбга қараб йўл олдик. Эшелонимиз тўхтаб-тўхтаб олға силжиб бормоқда. Волга дарёсидан ўтиб, Правая Волга деган станцияда тўхтадик. Жуда кўп эшелонлар тўхтаб туради. Мен ҳам ўртоқларим билан вагондан тушдим. Ҳожатхонага ўтдим. Шу пайт паровоз сигнал берди. Сигнал паровозим сигналига ўхшади. Мен ҳам эшелонга қараб югурдим. Йўл вагонлар билан тўсилиб қолган. Етиб келсан, бизнинг эшелон кетиб

қолибди. Ана-мана дегунча шу эшелондан қолган кишилар бир ерга түплендик. Ўн беш-үн олти киши эканмиз. Бу энди жуда ёмон нарса. Энди бизни қочоқ деб ҳисобладилар. Қочоқни эса ҳарбий трибунал суд қилиб, отиб ташлайди. Ҳаммамиз биргалашиб ҳарбий комендатурага бордик. Бу пайтда СССРнинг фарбий шаҳарларида ҳарбий комендатура ташкил қилингган эди. У ердагилар бизни яхши кутиб олишди. Эшелоннинг тез кетиб қолиши-ю, бизнинг қолишимиз қочоқлик эмаслигини улар биздан яхши билардилар. Шунинг учун ҳам бизларни түплаб, талон билан кечқурун овқатлантиришди. Кечаси тезюрар (скорый) поезд бўлди. Бизни Москвага шу поезд билан эшелонимиз ортидан жўнатиб юборишли. Мен поездда кетар эканман, дўстим Аҳмедовнинг қиёфасини кўз ўнгимга келтирдим. Дўстим мен учун иккинчи марта ўз ўртоқлари олдида хафа кўринди. Мен кечаси билан ухламай, ҳар бир станцияда тўхтаганимизда ўзимизнинг эшелондан ўтиб кетмаслигимиз кераклигини ўйлаб, хабар олиб келар эдим. Бирга кетаётгандардан “Москвага ўтиб кетаверайлик, ўша ердан ҳам бизни ўз эшелонимизга юборадилар”, деганлари ҳам бўлди. Мен уларнинг гапига кўнмадим. Мен учун ўз эшелонимга, ўз дўстларим олдига тезроқ етиб бориш муҳим эди. Бундай уруш кетаётган чоғда ўз ўрнини бир дақиқа ташлаб кетгандарнинг ҳоли нима кечгани менга аён..

Мен бу пайтларда жуда кўп қадрдан кишиларимдан ажralганман. Отамдан, онамдан, амакимдан, Ҳудойберди амакимдан ва бошқалардан. Ҳозир фронтга кетаётган чоғимда орқамда Жумабой тоғам, унинг оиласи, фарзандлари, Туроб укам, опаларим Наввот ва Қандолатлар қолишли. Булардан ташқари, мени севгилим Сабоҳатхон ҳам кутади. Мен уларнинг юзини ерга қаратмаслигим керак. Агар улар мен ҳақимда бирор совуқ хабар олсалар, қандай ахволга тушибади? Мен “қочоқ” деган ном олсан нима бўлади? Шуларни ўйлаб тун бўйи поездда ухламай бордим. “Скорый” дегандар ҳам жуда тез юравермас экан. Фронтдан келувчи ва кетувчи поездларга йўл бериб секин кетмоқда. Шундай қилиб

кечаси йўлга чиққан поездимиз эртасига пешинда бизнинг эшелон тўхтаб турган станцияга етиб келди. Поезддан тушибоқ, ўзимнинг штаб вагонимга қараб югурдим. Командирларим, Айниқса, Аҳмедов мени кўриб қувониб кетди. Кейин билишимча, қолиб кетганларнинг ҳаммаси аниқлашиб, уларни (яъни бизни) қочиб кетган деган хulosса чиқарилиб, уй-уйимизга, ҳарбий комиссариатларга “қочоқ” лигимиз ҳақида хабар юбормоқчи бўлишган экан. Ҳамма иш тахт бўлган пайтда ҳам хабар беришга Аҳмедов кўнмабди. Эшелондаги Аҳмедовдан бошқа ҳамма одам, эшелон бошлиғи ҳам, эшелон комиссари ҳам запас (захира) полкка топширилиши керак экан. Фақат Аҳмедовнинг ўзи ортга – Ўзбекистонга - ТуркВОга қайтиши керак экан. Аҳмедов то захира полкка етиб боргунларича бизнинг уларга етиб боришимизга ишониб, хабар бердирмабди... Биз етиб келганимизда, Аҳмедов биздан кўра ҳам кўпроқ қувонди. Эшелон бошлиғи ва эшелон командирлари қирқдан ошиб қолган кишилар экан. Бу пайтда мен йигирма бир, Аҳмедов эса йигирма икки ёшларда эдик. Иккаламиз бошлиқлар олдида қучоқлашиб кўришдик. Шундан кейин Аҳмедов бошлиқларга қараб: – Менинг айтганларим тўғри чиқдими? – деди кулиб. Менинг дўстим Каримов Солиҳ етиб келди-ку, сўзим тўғри чиқди. Шундан кейин топиб қўйган нарсасини олди. Бир шишани бошлиқ билан комиссар олдига қўйиб, иккинчисини иккавимиз учун очиб, иккита солдатча кружкага қўйди. Бу “тадбир”ни амалга оширганимиздан сўнг бошлиқ билан комиссар вагондан тушиб кетишиди. Биз – икки дўст штаб вагонида ўтирибмиз. Аҳмедовнинг одатдагидай илҳоми келиб кетди: – Сенинг етиб келишинингни билардим. Шунинг учун ҳам хабар беришларига йўл қўймадим. Урушдан кейин Соня билан албатта баҳтли бўлинглар. Мен, сен ҳақингда совуқ хабар юбориб, Сонянинг кўзлари намланишини истамайман. Сен ҳам унинг кўзларини ёшлатма. Эсингда бўлсин. Соня менинг қиёматли синглим бўлади,” – деди. Дўстимнинг бу сўзларини бир умр унугтганим йўқ. “Мен Узоқ Шарқда хизмат қилдим, – деди Аҳмедов сўзларини давом эттиаркан, –

хизмат муддатим тугаган чоғда уруш бошланиб қолди. Шу ёқдан Узбекистонга қайтишда Қозонга кириб ўтаман, ота-онамни кўраман, уларни кўрмаганимга тўрт йилча бўлди. Албатта бораман.

Шу пайт жўнаш учун команда берилди.

Солдатлар шоша-пиша вагонларга кира бошладилар. Поезд ҳам юришга сигнал берди ва ўрнидан жилди. Бизнинг штаб вагонимиздагилардан ҳеч ким келмади. Бу эса суҳбатимизнинг чўзилишига имкон берди. Мен халтамни ковлай бошладим. Аҳмедов кулиб: – Ҳа, Солиҳ, яна бор эканми? – деди.

– Ҳа, битта қолибди, – дея Шайдулла абзий совға қилган шишалардан сўнггисини олиб очдим. Бунисини ҳам очиб, ичдик. Вагонимизда егулик нарса жуда кўп. Колбаса, консерва, нон, майиз, ёнғоқ, айниқса, Тошкент ҳўлини<sup>12</sup>.

Поездимиз бир тўхтаганда штабнинг ҳамма аъзолари жам бўлдик. Биргалашиб овқатландик. Ҳаммамиз бир оила аъзоларига айланиб қолгандай эдик.

Эрталаб уйғонсам, орқадаги вагонлар олдинга қараб, бошқа йўналишда кетяпмиз. Шу кетишида Москванинг шарқида жойлашган Иваново областининг Кавров деган шаҳрига етиб бордик. Кавров русларнинг қадимий шаҳарларидан бири бўлса керак. Жуда кўп черковлари бор экан. Иморатларининг кўпи ёғочдан ишланган. Шу йилнинг июн, июл ойларини Кавровда ўтказдик.

## КАВРОВДА

Эшелонимиз Кавровга кириб боргандга, у ерларда ҳали эрта кўклам эди. Июнь ойининг бошлари. Бизда эса саратор жазирамаси. Кавровда тахтадан кенг қилиб ишланган уйларга – баракларга жойлашдик. Бу уйларга кўникишимиз қийин бўлди. Кўпчиликни тахта канга – қандала чақиб ташлади. Баъзан ҳатто далага чиқиб кетиб, тонг оттирган пайтларимиз ҳам бўлган. Бу баракларда кишилар каран-

12 Ҳўлин – туршак.

тин пайтида сақланар эди. Каратин эса ўн-ўн беш кун дәвом этади. Бу ерда ҳам Аҳмедов билан биргамиз. Аҳмедининг вазифаси – бизни шу ердаги запас полкка топширишдан иборат. Каратин кунлари ҳаммомга ва ошхонага боришдан бўлак ишимиз йўқ. Шундай қилиб, орадан бир неча кун ўтиб кетди. Аҳмедов олиб борган кишиларни топшириб бўлди. Энди Ўзбекистонга қайтиш ҳаракатига тушиб колди. Унинг ягона орзуи – тўрт йилдан буён кўрмаган ота-онасини кўриш кунлари ҳам тобора яқинлашмоқда эди. Кетишидан бир кун олдин тушки овқатдан олдин шаҳардан барагимизга келди. Унинг полкда ётоқ ўрни бўлса ҳам, баракда биз бирга ётардик. У: – Каримов, мен эртага кечки поездда кетадиган бўлдим, – деди. Кейин ўрмонга чиқиб кетмоқчи бўлдик. Мен битта флакни тўлдириб сув олдим. (Флак – солдатнинг белига тақиб юрадиган сувдони.) Ўзбекистондан ўзимиз билан олиб келган майиз, гўлин, қурут ва бошқа нарсалардан оливолдим. Колбаса, нон, консерва каби нарсаларимиз ҳам бор. Барак ҳам шаҳарнинг бир четида эди. Бир томон ўрмон. Ўрмонга кириб бир дарахтнинг остига одеял солиб ўтиридик. Аҳмедовнинг флагида спирт бор экан, сув қўшиб ичдик. Узоқ ўтиридик. Бу ўтириш иккимиз учун ҳам энг охирги суҳбат, учрашув ёканлигини икковимиз ҳам ич-ичимиздан ҳис этиб турардик. Ич-килининг эса суҳбатимизга ўринсиз таъсири бўлмади.

Ажралиш олдидан мен тоғамга ҳамда Сабоҳатхонга хат ёзиб дўстимга топширдим. Туробга ёзай десам, у яшайдиган жойнинг адреси йўқ эди. Икки дўстнинг ўтириши ана шундай тугади. Ажралиш олдидан биз бир-биримиздан жуда хурсанд эдик. Баракка келиб ҳам анча вақт суҳбатлашиб ўтиридик.

Эрталаб турганимда қуёш анча кўтарилиган эди. Иккаلامиз бирғаликда ўтадиган охирги кунимизни шаҳарни томоша қилишга бағишиладик. Шу куни менга ҳам кеч соат 12.00 га қадар шаҳарда юришга рухсат берилган. Бўлмаса, патруль юришга қўймайди. Аҳмедовнинг поезди кеч соат саккизларда жўнаб кетадиган эди. Уни жўнатишга ўнга яқин

киши вокзалга чиқдик. Орамизда комиссаримиз Раҳматов ҳам бор эди. Бизлар билан ҳеч кимнинг иши бўлмади. Аҳмедовни поездда жўнатдик. Жўнаш олдидан бир-биримиз билан қулоқлашиб хайрлашдик. Аҳмедов солдатчасига честь бериб, орқага айланиб вагонга чиқиб кетди. Шу пайт поезд ҳам ўрнидан қўзғала бошлади. Поездга чиққандан кейин, Аҳмедов тезда ўзини вагонга олди ва ва деразадан қўл силкита бошлади. Бу пайтда поезд анча ерга бориб қолган эди...

Дўстим менга берган ваъдасининг устидан чиқди. Тошкентга борганида, менга хат ёди. Унда ота-онасининг олдига борганини, уйида ҳаммаси бўлиб йигирма соатгина турганини ёзибди. Бухорога бора олмаганини, ТуркВОда хизмат қилаётганини, хизмати эса фронтга тайёр эшелонларни олиб бориши эканлигини ҳам ёзибди. Менинг тоғамга ва Сабоҳатга ёзган мактубларимни Бухорога кетаётган поездлар орқали жўнатиб юборибди.

Бундан кейин Аҳмедов ҳақида эшитганим совуқ хабар бўлди. 1942 йилнинг сентябрь ойлари. Смоленск осто наларида қаттиқ жанглар бораётган бир пайт эди. Мен Бухородан эшелон бошлиги бўлиб борган ўзбек йигити – капитанни фронтда кўриб қолдим. (Унинг қиёфаси ҳамон кўз ўнгимда. Узун бўйли, оқ-сариқдан келган, турқи совуқроқ, бироқ одамга ёмонлиги йўқ, 35-40 ёшлардаги киши эди. Қанча уринмай, исми-шарифини эслай олмадим.) Шу киши траншея ва окоплардан ўтиб, менинг олдимга келди. Ўзбекча саломлашдик. Менга меҳрибонлик қилгандай бўлиб туюлди. Аҳмедовдан қандай хабар борлигини сўради. Тошкентга борганида унинг менга хат ёзганини айтдим. У менга анча вақт қараб турди. Юзи сўлғин эди. Ўзининг шу олдинги линияда қандай командир эканлигини ҳам менга айтмади. Бир оз тўхтаб, биз турган фронт линиясига Ўзбекистондан ҳарбий эшелон келаётганини ва унинг немислар томонидан бомбардировка қилинганини айтди. Аҳмедов ҳам шу ҳарбий эшелонда фронтга топшириш учун олиб келаётган йигитлардан кўпчилиги билан бирга ҳалок бўлибди. Унинг шу сўзларидан кейин қулогимга ҳеч нарса кирмади. Ҳеч нарса эшитма-

дим. Энди Аҳмедов йўқ. Дўстим йўқ. Миям караҳт бўлиб қолгандай эди... Аҳмедов менга, мен унга ажралиш пайти-мизда уй адресларимизни берган эдик. Мен ярадор бўлган пайтим солдат халтам қум остида қолиб кетди. Адреслар ёзилган блокнот ҳам ўша ерда эди. У жанг майдонида йўқо-либ кетди. Аҳмедов урушдан омон қолган бўлса эди. Унда менинг адресим бор. У мени излаб топарди. Мана орадан қариб қирқ йил (ўттиз саккиз йил) ўтди. Бир-бири издан қайтиб хабар топмадик. Мен ўша капитаннинг “Аҳмедов ҳалок бўлди”, - деган гапларига ишонишни сира истамаган бўлсам ҳам, унинг тўғрилигини англадим. Менинг энг яқин дўстим Смоленск остоналарида Ватан учун йигирма икки ёшида ҳалок бўлганлардан бирига айланди.

Аҳмедовни жўнатиб, кўпчилик билан баракка қайтиб келдим. Вокзалдан пиёда юриб келдик. Комиссаримиз Раҳматов жуда хушчақчақ бўлиб кетди. Келгунимизча ҳаммамизни кулдириб келди. Барак олдида ажралишдик. Баракка кирганимдан кейин мен ўзимни ёлғиз қолиб кетгандай ҳис қилдим. Олдимда мен билан бирга кўпчилик одам бор. Бироқ мен уларни кўрмайман. Иқрор бўлишим керак, олдимдаги кишилардан ўзимни четга олдим. Ошхона узоқда. Мен фақат тушлик қилишга бораман. Қолган пайтлар ёлғиз қолишни афзал биламан. Оч юрган кунларим ҳам бўлди. Шундай пайтларда ёнимдагилар мени унутмадилар. Олдинига бир-икки кун аzonда ҳам, кечқурун ҳам овқат олиб келиб юрдилар. Бу билан ҳам тинчимадилар. Кўплашиб мени ошхонага бирга олиб борадиган бўлдилар. Қани кўпни айтганини қилмай кўр-чи, сени кўтариб ҳам кетадилар, судраб бўлса ҳам олиб борадилар. Мен кўпчиликдан – ёнингдаги ўртоқларинингдан ажралиш керак эмаслигини тушундим. Шундай қилиб, юрган кунларимизда карантинимиз ҳам тугаб қолди. Тинимизиз кунлар бошланди. Кавровдаги запас полкнинг эскадроннига бизларни тақсим қилдилар. Мен олтинчи эскадроннинг иккинчи взводига тушдим. Бу жой Кавровдан икки километрча жанубда ўрмон ичидаги жойлашган. Эскадронимизнинг еттита взводи бўлиб, ҳаммаси қиблага қаратилиб очилган

Эшикдан кирадиган ертўлаларга жойлашган эди. Ҳар бир взводнинг ертўла – ётоғида қирқтага яқин бола ётамиз. Взводимиз командири бир рус йигити – лейтенант эди. Фамилияси Иванов. Бўйи паст, ўзи ориқ. Овози чийиллаб чиқарди. Лекин шунга қарамай, ўткир эди. Взводимиз помкоми (командир ёрдамчиси) катта сержант бўлиб, исми Карпенко эди. Ўзи мен белорус, деб юарди, лекин фамилияси украинча эди. Бу взводда яна иккита бўлим командирлари бўлиб, улардан бири мен, иккинчиси бир татар бола эди. Бу татар бола кўпинча қисмда бўлмас, унинг ишини ҳам кўп вақтларда менга топширас эдилар. Кейинроқ билсам, у кўпинча бошлиқларнинг шахсий топшириқларини бажариш учун кетар экан. Бу ерда ҳарбий интизом жуда қаттиқ, машқлар қатъий ўз вақтида ўтади. Ҳат ёзишга ҳам вақт топмайсан, киши. Ўзбекистондан борган кишиларнинг икки кўзи почтада. Ҳамма ўз уйидан хат келишини кутади. Мен ҳам шуларнинг бири. Қўлим бўшади, дегунча, хат ёзаман. Куналарнинг бирида ўзбекистонликлардан биринчи бўлиб менга хат келди. Хат Сабоҳатдан экан. Кайфиятим жуда кўтарилиб кетди. Бу ерда бухоролик Жумаев, қаршилик Қораев, Тоғаев, қоракўллик Сайлиев, бухоролик Каримовлар билан биргаман. Улар хатимни олиб, кўзларига суртиб, кейин ўқиб кўрадилар. Сабоҳатхоннинг бу хатида дўстларимдан яширишим мумкин бўлган ҳеч қандай гап ёзилган эмас. Мен хатни иккиланмай дўстларимга узатаман. Улар ўқиб кўриб, мен каби хурсанд бўладилар. Бу хурсандчиликлари нима учун эканлигини ўз уйидагилар, ўз жойидаги кишилар аниқ ҳис этолмайди. Бундай шодлик фақатгина ўз уйидан, яқинларидан, ўсган шаҳридан узоқда бўлганларга яхши маълум.

Мен дўстларим билан шу иккинчи взводда туриб ҳарбий машқларни бошлаб юбордим. Ҳарбий машқлар мен учун унча қийин ишлар эмас. Лекин ёши улғайиб қолган кишиларга бироз оғирлик киларди. Машқлар худди урушдагидай ўтказиларди. Айрим кечаларни айтмагандা, деярли ҳар кеча тревога бўлиб турарди. Бу қийинчиликлар олдинда турган оғир жангларга тайёргарлик эканини ҳаммамиз билар-

дик. Мана шу ерда бўлиб ўтган ҳастий воқсалардан айримларини ёзмоқчиман. Шулардан бири – менинг “кир ювишм” ҳақида. Бу шундай бўлган эди. Биз Тошкентдан чиққанимиздан кейин ташқи кийимларимизни бирор марта ҳам алмаштирганимиз йўқ. Ички кийимлар алмаштирилади. Ҳаммомга борамиз. Бироқ бўрк билан кийиб юрган гимнастёркамизнинг ранги ҳам билинмай кетган. Аввал ўша ернинг тупроғига мослашиб қорайган бўлса, кейин биратўла ялтираб, тусини бутунлай ўзгартирди. Бир дам олиш куни мен ошхонага бориб, кийимларимни ювишга олдиндан тайёргарлик кўриб қўйдим. Лаган (тоғора), совун, сув тахладим. Эрталабги чойдан кейин отларга қараб бўлгач, мен ўзим мўлжаллаб қўйган ишимни бошладим. Гимнастёрка ва шимни тез ювдим (ўзим эса оқ ички кийимда қолдим.) Ювилган кийимларни қуёшга ёзиб, тез-тез ағдариб қуритиб ўтирибман. Лекин кийимларим ҳали тоза қуриганича йўқ. Тушки овқатга ҳам ҳали вақт бор. Бирдан тревога бўлиб қолса бўладими. Бу сигнал чоғида ҳамма ўз ўрнида бўлиши шарт. Мен ҳам қуrimаган кийимларимни кийиб казармага қараб юурдим. Казарма билан ошхонанинг ораси унча узоқ эмас эди. Ўзимга тегишли куролларни олиб, сафга етиб келганимда, бутун эскадрон саф тортиб туради. Келган кишилар, полк командири ёки юқорироқдан бўлса керак, отда сафни айланиб юрибди. Мени эса кечикканим учун взвод командири Иванов урушиб, сафга қўймай турибди. Ҳамма сафда, бир мен сафнинг олдиdamан. Иванов менга еб қўйгудай бўлиб, хўмрайиб турибди. Бақириб урушай деса, ўзидан катта бошлиқлар бор. Уларнинг олдида бақиролмайди. Иккаламиз бир-биримизга караб турган шундай пайтда узоқроқдан бизни кузатиб турган бошлиқлардан бири олдимизга келди. Мен ҳайиқмасдан туравердим. Чунки уставга хилоф ҳеч қандай иш қилганим йўқ. Кир кийимини ювиб кийиш айб иш бўлмаса керак. Отда келган киши бизнинг жанжалимизни олдиндан билган экан. Мендан:–Кирни қаерда ювдинг, –деб сўради. Мен отхонада ювганимни айтдим. У киши менга бир, ўртоқларимга бир қаради-да, Ивановга танбеҳ берга бошла-

ди. Бу пайтларда мен рус тилини унча яхши билмас эдим. Шундай бўлса ҳам бу кишининг гапларини яхши тушундим. Бу ер уруш майдони змас, яхши командир ўз солдатларининг устки кийимларини ювиш учун ҳам вақт топиб бериши кераклигини айтиб, Ивановга танбеҳ бера бошлади. Менга эса жилмайиб бир қаради-да, сафга туришимга рухсат беришни Ивановга топширди. Мен Ивановнинг рухсати билан ўртоқларим қаторидаги ўрнимни эгалладим. Бу воқеадан икки-уч кун ўтгач, ўрмон ичидаги кўл ёқасига бордик. Взводдаги ҳамма солдатларга совун улашилди. Кўлда чўмилиш, устки кийимларни ювишга рухсат берилди. Биз ўрта Осиёдан борган йигитлар учун бу кўлда чўмилиш қийин эди. Сув бизларга совуқлик қиласарди. Лекин бир неча рус йигитлари, командирларнинг ўзлари чўмилдилар. Биздан боргандар эса сувга кириб, устки кийимларнини ювишди. Ювиб бўлганимиздан кейин ҳар жой-ҳар жойга гулхан ёқиб кийимларни қуритдик. Кейин кийиб олдик. Шу ишларнинг ҳамаси бир-икки соат ичидаги бажарилди. Бу ишларнинг ҳар бири хотирамда муҳрланиб қолган. Бу ерда – Кавровда менинг ёдимда қолган воқеалардан яна бири эскадронлараро ўтказилган волейбол ўйини бўлди.

Давлатимиз бошидан жуда оғир ва қийин даврларни ўтказиб турган бир пайтда ёшларнинг кўнгил очишлари учун керак бўладиган ўйинларга ҳам имкон даражасида эътибор қаратарди. Шулардан ўзим шоҳиди бўлган, полк биринчилиги учун ўтказилган волейбол ўйини ҳақида ҳикоя қилмоқчиман. Бу воқеа 1942 йилнинг ёзида Кавровда бўлиб ўтди. Эскадрон бўйича волейбол командалари тузилди. Мен ҳам взводимдан шу командаага аъзо бўлдим. Мусобақалар жуда қизиқ ўтди. Адашмасам, бир ҳафталар давом этди. У пайтларда волейбол ўйнаш футбол ўйнашдан ҳам қизиқроқ эди. Бу ўйинларнинг томошибинлари ҳам ҳарбийлар. Баъзан катта бошлиқлар ҳам томоша қилишига келашиардилар. Бизнинг эскадронимиз волейбол командаси шу мусобақада биринчиликни қўлга киритди. Шундан кейин бу командини полкларнинг биринчилигини олган командалар билан ҳам ўйнатиб,

дивизия биринчилегини белгиламоқчи бўлдилар. Командамиз дивизияда биринчи ўринга чиқиб олди. Мусобақанинг охирги ўйинлари Кавров шаҳри жамоатчилигига ҳам намойиш этилди. Ўйинлар шаҳарда ўтказилди. Голиблар бошликлар томонидан турли мукофотлар билан тақдирланди. Менинг учун мукофотнинг энг қимматлиси дивизия командири томонидан берилган уч кунлик (суткалик) эркин дам олиш(увольнительный) бўлди. Машқ ва ўйинлардан чарчаган болалар учун бундай ҳордиқ чиқаришдан яхшироқ нарса бўлмаса керак. Волейбол ўйнаганлар ичидаги менинг жўраларимдан ҳеч ким йўқ эди. Конимеҳдан Хидирбой деган жўрам билан бирга ўйнадик. Лекин кейинги ўйинларда у ҳам қатнашмади. Дам олишни мен ўзим ёлғиз ўтказдим. Ётдим, ухладим – дам олиб кунни ўтказдим. Дам олишнинг биринчи куни казармада ўтди. Иккинчи кунни эса Кавровни айланиш билан кеч қилдим. Эрталаб нонуштадан кейин пиёда Кавровга қараб кетдим. Биринчи келиб тушган вокзалимиз, тахта бараклар, Аҳмедов билан бирга юрган жойларни бир-бир томоша қилдим. Бир пайтлар шу ерда турганимда узоқ деб бормайдиган шаҳар четидаги ошхонагача пиёда юриб бордим. Кўпроқ айланган жойим шаҳар бозори бўлди. Бошқа қаерга ҳам бораман. Бу ерда менинг аммам ёки холам бўлмаса, борадиган. Ошхонадан овқат емоқчи бўлсанг, бу ҳам талонга берилади. Менда эса ҳеч қанақа талон йўқ. Шунинг учун ҳали овқат пайтига казармага етиб боришим керак. Бозорда ейдиган ҳеч нарса йўқ. Бозордан қуруқ чиқиб кетиш ҳам қийин экан. Бир рус кампиридан бир литр су олиб ичдим. Сут ҳам пишмаган экан. Энди бу ерлардан дўстларимга ҳам нимадир олиб боришим керак. Олишга фақат барра пиёз топилди. Взводга бир қучоқ барра пиёз олиб келдим.

Учинчи кунни турган жойимизга яқин бўлган темир йўл вокзалига бориш билан ўтказдим. Темир йул вокзали биздан унча узоқ эмас. Лекин бу ерга боришга вақт йўқ эди. Бугунги дам олиш куним шу ерларни айланиш билан ўтди. Яна бир ўзим. Бу ерда қилган ишим нима бўларди. Мендан ажралиб кетган дўстларим билан хаёлан сўзлашиб, улар-

нинг айримларига хат ёзиб жўнатиб юбордим. Дўстларимдан Идрисов Аҳмаднинг Турсунбоев Адашбойнинг, Аҳмедовнинг адреси йўқ эди. Уларга хат ёзиб бўлмайди. Бир хатни уйга – тогамга, иккинчисини – Сабоҳатга ёзиб, жўнатиб юбордим. Хатларим эгаларига етиб борарди. Бу пайтларда Сабоҳатга айтадиган гапларим кўп бўлса керакки, бўш вақт топдим дейишим билан, унга хат ёзардим. Ундан ҳам қатор-қатор мактублар олиб турардим. Бу хатларни олганимдаги хурсандлигимни сўз билан таърифлай олмайман.

Шу ўринда овқат масаласи билан боғлиқ ҳазилнамо бир воқеани ҳикоя қилиб ўтмоқчиман. Бу воқеа шундай бўлган эди. Полк ошхонасига взвод тўлиқ навбатчилик қиласди. Бир куни навбатчилик бизнинг взводга тўғри келиб қолди. Катта навбатчи – Иванов. Унга ёрдамчи эса – мен. Соат ўн иккilarда бошланган тушки овқат соат тўртларда тугади. Шундан кейин ошпазлар менга ҳам овқат солиб беришиди. Бу вақтгача мен барча взводларга заявка (талабнома) бўйича овқат тарқатиб турган эдим. Менга ўртacha катталикдаги оқ сатилга овқат солинди. Аввал гуруч бўтқа, устидан суюқ овқат солинди. Мен сатилни кўтариб, ошхонадан чиқдим. Ошхонадан чиқдинг – у ёғи ўрмон. Бир қарағай дарахтининг остига бориб ўтиридим. Этик қўнжидан солдат қошиғимни олиб, қўлга бир суртиб, овқатга урдим. Бир ўзим эринмасдан овқат ичиб ўтирибман. Нон нормадаги дек 200 гр. Шу сатилдаги овқатни еб тутатдим. Тўймадим, деб айтолмайман. Тўйдим. Бироз ўтириб, дам олганимдан сўнг, туриш олдидан белимдаги қиличим дастасидан ушлаб, уни ерга тираб ҳасса қилдим-да аста ўрнимдан турдим. Кейин эса кечки навбатчилик ташвишида юриб кетдим. Шундай қилиб, солдатлик давримда бир марта нормадагидан ортиқ овқат еганим бор. Бундан кейин уруш вақтида бундай лаззатли ва кўп овқат еган эмасман. Кейинчалик умрим давомида жуда кўп марта тўлиб-тошган дастурхон атрофида ўтириб, ширин таомлар едим, лекин уларнинг ҳеч бири ўша кунгидек ширин ва кўп бўлиб туюлмайди.

Кавровда хизмат қилиб юрган пайтларимда катта коман-

дирларимдан икки марта раҳматнома ҳам олганман. Бу воқеалар шундай бўлган эди. Ёзги программа машқларини тутатган кунимиз тревога бўлиб, отиш машқлари ўтказилди. Бу, аввал ёзиб ўтган эдим, – мен кир ювиб сафга кечикиб келган куним. Отиш машқлари тугагач, ҳамма сафга тизилди. Саф олдига барча взвод командирлари чақирилди. Кейин командирларимиз келиб бизга шундай топшириқ беришди. Ҳар бир взвод ётоқхонасида ТОЗ 8 винтовкаси бор. Ҳозир команда берилганда, ҳар бир взводдан бир солдат бориб, шу винтовкани олиб келиши керак. Масофанинг узоқяқинлиги ҳисобга олинмайди. Ким тез ўз ётоқхонасидан олиб келса, шу взвод биринчиликни оладиган бўлди. Команда берилди. Бизнинг взводдан мен биринчи бўлиб ётоқхонага қараб югурдим. Ҳар взводдан бир солдат югуриши керак. Қалин дарахтзорга кирганимдан кейин, этикларимни ечиб бир дарахтнинг остига қўйдим. Сўнг қаттиқ югуриб кетдим. Бу ерлар икки ойдан буён менга жуда таниш бўлиб қолган. Бу чопишка менда узоқроқ (тезроқ) чопадиганлар ҳам, ётоқхоналари яқинлари ҳам бор. Бизнинг взвод ётоқхонаси ўртада эди. Мен чопиб борувчилардан ҳеч кимни кўрмайман. Жуда кисқа муддатда ётоқхонага етиб бордим. ТОЗ 8 винтовкаси милтиқлар турадиган жойга қўйилган экан. Ўз взводидан солдат келса, шу винтовкани бериб юбориш қорувулга топширилган экан. Эшикда турган солдат мени кўриши билан турган милтиқни менга кўрсатди. Ҳеч қандай тўхтовсиз винтовкани олиб, ортимга югурдим. Очиқ майдонни чопиб ўтиб, ўрмонга кириш олдида ётоқхоналарига қараб чопиб кетаётганиларни кўрдим. Йўлимдан ҳеч адашганим йўқ. Этикни қўйган жойимдан олиб кийдим-да, йўлимда чопишка давом этдим. Шу тарзда ТОЗ 8 ни ўз взвод командиримга топширдим. У эса ўз бошлиқларига олиб борди. Ана шундай қилиб, кисқа масофага ўтказилган курашда бизнинг взводимиз биринчиликни олди. Масофани чопиб ўтган – менга эса раҳматнома эълон қилинди. Бу воқеанинг бўлиб ўтганига кўп йиллар ўтди. Мен билан бирга юргурган йигитларни ҳозир эслай олмайман ҳам. Ҳар сафар шу воқе-

аларни эслаганимда хижолат бўламан. Ўшанда этик билан югуриш керак бўлган бўлса керак. Мен эса этикни ечиб биринчи ўринни олдим. Шунча хижолат тортишимни билсам эди, этикни ечмай югурадим... Бу хотираплар ҳар сафар қизиқ бир эртакдай кўз ўнгимдан ўтади.

Бу ердаги машқларимиз ҳам тамом бўлди. Ҳамманинг оғзига фронт деган сўз тушиб қолди. Ўрмондаги лагерлардан бир неча қисмга бўлиниб, Кавровга жўнатишиди. Биз яна Кавровда тахта баракларда турибмиз. Бу ерда асосий машқлар бўлмади. Лекин постда турамиз. Айрим қисқа муддатли машқлар бўлиб туради. Ана шундай кунларнинг бирида катта бир кросс ўтказилди. Бу кроссда ҳамма, ҳатто катта командиралр ҳам қатнашди. Кросс Кавров шаҳрининг катта ва кенг кўчаларида ўтказилди. Шаҳар кўчаларининг аксарият қисмига қайроқтош ётқизилган. Бундай узоқ масофага югуриш кайроқтошда унча осон бўлмади. Саф тортилиб, югура бошланди. Шаҳарни иккинчи, учинчи айланишларимизда сафлар бузила бошлади. Кучлилар, соғломлар олдинга, кучсиз ва касалмандлар орқада қолиб ажрала бошладилар. Бу ерда командирлар ўзгарган. Биз билан кросс ўтказаётган командирлар кулранг кийимли фронтовик кишилар эди. Мен ҳеч орқада қолмасликка ҳаракат қилиб чопар эдим. Бизни бошлаб чопувчилардан бири – ўттиз ёшлардан ошган, узун бўйли бир капитан билан бирга чопа бошладим. Бу ўз бўлинмамизнинг колонна бошлиғи эди. Ундан ўтиб кетсан, бошқа бўлинмадагиларга қўшиламан. Лекин олдинги бўлинмалардан қолувчилардан биздан ҳам кейинда қолиб кетмоқда. Агар бир орқада колсам, кейин ўзимни колонна олдига олишим қийин. Шунинг учун ҳам ўзим билан бирга чопаётган капитандан қолмасликка ҳаракат қилиб чопиб борар эдим. Бу кроссда қанча йўл босганимизни, қанча вақт юргурганимизни билмайман. Бу пайтлар ёшликтининг энг яхши дамлари эди. Ўртоқларимдан қолмай ҳар ишга ҳаракат қиласардим.

Бу пайтларда эсда қолган воқеалардан яна бири Жуманазаров Эрназар aka билан қаршилик Тоғаевнинг кураши

бўлди. Эрназар аканинг полвонлиги ҳақида аввал ҳам тўхтаб ўтган эдим. У анча вақтлардан буён Тоғаев билан курашиб юрарди. Лекин улар ҳеч қачон бир-бирларини йиқитган эмасдилар. Ана шу фронтга кетиш олдида Эрназар ака билан Тоғаев яна курашди. Бу кураш олдингиларидаи завқ-шавқли бўлмади. Полвонлар бел олишиб, пишиллаб курашар эдилар. Бир оз олишишгандан сўнг Эрназар ака Тоғаевни йиқитди. Йиқилган Тоғаев ўрнидан ярим турган ҳолатда, бир қўлини ерга таяб, лоқайдлик билан: – Ўртоқ командир, сиз мени йиқита олмасдингиз. Ҳозир менинг қорним тўқ эмас. Ундан кейин сиз – командир, мен эса солдатман. Шунинг учун ҳам енгдингиз, бўлмаса йиқита олмасдингиз, – деди.

Мен Тоғаевнинг ҳолатини қандай кўрган бўлсам, шундай ёздим. Гапирган гапларини ҳам ўзгартирганим йўқ.

Шуни айтиш керакки, Эрназар аканинг кайфияти ҳамиша чоғ бўларди. У хушчақчақлиги, ўйин-кулгига борлиги, бардам ва бақувват юриши билан бу ердан борганилардан ажралиб турарди. Эрназар аканинг яна менга қилган бир яхшилигини айтиб берай. Менга Фиждувонда Маҳмудов ўзи полкдан кетаётганида отлиқ командирлар тақиб юрадиган бир сумкасини эсадликка бериб кетган эди. Мен уни ҳар доим ўзим билан бирга олиб юрардим. Сумкачанинг ўзи жуда чиройли тикилган. Ичига битта ўн икки варақли дафтардан бошқа нарса кетмасди. Кавровга қайтиб келганимиздан кейин взводимиз командирининг ёрдамчиси бир рус боласи шу сумкани мендан олишга ҳаракат қилди. У сўрайди, мен бермайман. Шундай қилиб, у билан ҳар куни жанжаллашамиз. Бир куни постда иккаламиз жанжаллашиб, иккинчи қаватга кўтарилаётган эдик, тепадан Эрназар ака тушиб келаётган экан. Бизнинг жанжалимизни кўриб, ўртадаги кенг жойда тўхтади. Биз ҳам шу ерга чиқдик. Бизни тўхтатиб, нима учун жанжаллашиб келаётганимизни билгач, менинг ёнимдаги взвод командири ёрдамчисининг юзига бир тарсаки тортиб юборди. У 10-12 зина пастга юмалаб тушди. У тушгунча, Эрназар ака ҳам пастга тушиб, унинг ёқасидан ушлади ва ўрнидан турғазди-да, унга қараб: – Еше будешь? – деб сўра-

ди. У: – Нет, –деганидан кейин қўйиб юборди. Кейин менга қараб: – Солиҳ, энди бу сенга ҳеч тегмайди, –деди жилмайиб. Шу-шу бўлди, мен унинг сумка жанжалидан қутулдим. Лекин Эрназар аканинг шу жилмайиб туришини, ҳаракатларини сира унутганим йўқ. Инсон ҳеч нарсани, айниқса, яхшиликни унутмайди. Чунки унинг ақл-идрохи, қалби бор. У шунинг учун ҳам инсон. Ҳаётимда бир оғиз илиқ сўз эшитган кишиларимдан миннатдорман. Уларни такрор-такрор ёдга оламан. Менга ёки қариндошларимга ёмонлик қилган кишилар ҳам бўлгандир. Уларнинг баъзиларини биламан. Лекин аччиқланмайман. Улар мендан эмас, ҳаётдан ўз жазосини олиб кетадилар. Бунинг учун хафа бўлиш керак эмас.

...Менинг Кавровдаги кунларим ана-мана дегунча ўтиб бўлди. Фронтта ҳам жўнайдиган бўлдик. Кунларнинг бирида кечки пайт темир йўл вокзалига қараб йўл олдик. Ўзимизга таниш бўлган қадрдан вокзал. Бирин-кетин қизил вагонларга жойлашдик. Ҳар бир қизил вагонга нормадагидан кўра кўпроқ одам жойлаштирилди. Ўтирганимизда, жойнинг торлиги унча сезилгани йўқ. Лекин кечаси уйқу кела бошлиди. Мен биринчи марта уйқунинг кучини синааб кўрмоқчи бўлдим. Авваллари от устида туриб ухлаш, сафда кетиб бораётib мудраш каби ҳолатларни бошимдан кўп кечирганиман. Мана шу вагонда ухлаш эса улардан ҳам ёмонроқ бўлди. Балки олдин ўтиб кетгандари эсдан чиқиб кетгандир. Билмадим. Тикка турган ҳолда, ўтирган ҳолда мудраб, қандай қилиб солдатларнинг оёқлари остида ухлаб қолганимни, ётганимни билмайман. Эрталабга яқин солдатлар қаерим тўғри келса, босиб ўтиб кетаётганликларини сезиб уйғондим. Бирданига туриб кетолмай, эсанкираб ўтирдим. Шу куни тонгнинг отишидан бошлаб ҳаётимиз хавф остида қола бошлиди. Биз фронт линиясига яқин келиб қолган эдик. То туш пайтигача вагонлардан тушганимиз йўқ. Гоҳ тўхтаб, гоҳ дарахтлар орасидан йўлни давом эттиридик. Вагонларда турган пайтимида ҳаво ҳужуми бўлмади. Шундай бўлса ҳам вагонда юриш хавфли эди. Вагонлардан тушдик. Атроф қалин ўрмон. Шу ерда қайтадан янги бўлинмалар тузилди.

Деярли ҳамма командирлар алмашди. Запас полкдаги командирлар запас полкда қолди. Фронтта олиб келинган командирлар ҳам шу ерда алмаштирилди. Бизга бўлим командири қилиб Шишkin деган лейтенант тайинланди (ўзи жуда қўрқоқ эди. Бир-икки марта жангда бўлган бўлса керак.) Эндиги ҳаётимиз шулар билан бирга бошланадиган бўлди. Биз поезддан қаерга тушганимизни билмайман, ўша пайтларда хизмат қилган кисмларимнинг адресларини олиб юриш одатим йўқ эди. Биз фронтта яқинлашаган пайтда Москванинг шимолида Калинин обlastida жанг кетаётган эди. Бироқ биз бу ерда жангта кирмадик. Farbga қараб юришини кечалари давом эттирамиз, кундуз кунлари яланглик чиқиб қолса, колонна (эшелон) ётади. Ўрмон бўлса, кундузлари ҳам юришда давом этамиз. Бу юришимиз бир неча кунга чўзилди. Шу юришда ўзим билан бирга Конимехдан чиққан икки кишини баъзан кўриб қоламан. Бири Сабоҳат билан танишишимга сабаб булган Кумуш опанинг эри Қолдибоев. Урушгача районимиздаги Киров номли совхоздаги ўрта мактабда завхоз бўлиб ишлаган. Ҳозир эса алоқа бўлимида алоқачи. Иккинчиси қарши aka Пармонов. У киши мен билан бир жойда улғайган. Урушгача молияда пул йиғувчи бўлиб ишлар эди. Мен бу кишини Фиждувонда ҳам, Ромитанда ҳам кўриб турардим. У тартибли солдатлардан эмас эди. Қарши aka шу юришларимизда жуда кўп қийналди. Оёқларининг таги тешилиб кетди. Бу йўл юришда ҳаммамиз ҳам қийналдик. Ўрмон учрамаса, кундузлари ётамиз, Агар олдимиздан ўрмон чиқиб қолса, кечаю кундуз олдинга қараб интиламиз. Кундузлари унча сезилмаса ҳам, кечалари фронт линиясининг яқинлиги аниқ билиниб туради. Бу юришларимиз ўн кунларга чўзилди. Юриб-юриб келиб, оёқларимизни дараҳтга суюб, баландга кўтариб ётамиз. Ана шундай юришларимизнинг бирида фронтдан темир қафасга солиб, олиб келишаётган немисни кўриб қолдик. Бу ҳарбий асирининг қўли ҳам кишанланган эди. Ўзи эса чорчақ арава устига ўрнатилган темир қафас ичиди эди. Уни фронт ортига олиб ўтиб кетишиди. Биз эса фронтта қараб кетаяп-

миз... Бир куни айни пешин чоғи эди. Ўзимизнинг солдатлар чорчақ аравага солинган бир ярадор солдатни йўл билан олиб келишаётган эканлар. Ярадор кишининг белидан юқори қисми яланғоч, қонга беланганд, худди чопиб ташланган гўштга ўхшар эди. Бу манзара фронтга эндингина кириб бораётган ёш йигитларга ғалати таъсир қилди. Ҳамма бирдан ўзгариб қолди. Ёнимда Қашқадарё ёки Сурхондарёдан Ҳафизов деган бир ёш йигит бор эди. У ўша пайтларда ҳали ўн саккизга ҳам тўлмаган бўлса керак, олиб кетишаётган ярим ўликни кўриб, йиғлаб юборди. Мен эса уни – Ҳафизовни юпатишга киришдим. Бу болани ўзимга яқин тутишимнинг бошқа сабаби ҳам бор. Чунки Сабоҳатхоннинг фамилияси ҳам Ҳафизова эди. У менга худди ўз укамдек бўлиб қолган. Аммо фронтга биринчи куни кирганимиздан кейин қарши акани ҳам, Ҳафизовни ҳам қайтиб кўрмадим.

## ФРОНТДА

Мен ҳам бир йилга яқин ҳарбий тайёргарликдан ўтиб, мана Ватан мудофааси учун фронтга етиб келдим. Фронт майдонига мен гарбий фронт деб ҳисобланувчи Смоленск области ўрмонлари – Ока дарёси қирғодидан кирдим. Бу ерга келганимда отлиқ армия сафида эдим. Кейин бу ерда от бўлмади. Ҳаммага қурол тарқатиши. Мен эса миномётчи наводчик (мўлжалга олувчи) бўлиб хизмат қила бошладим. Бу миномёт кичик бир взводники эди. Бўлимимиз командири Шишгин қурол олган пайтдаёқ яраланиб, қайтиб кетди. У тозаланмаган винтовкани ўқлаб, рухсатсиз осмонга қараб отди. Затвор очилиб кетиб, орқага отилган патрон гильзаси Шишгиннинг бир кўзини юлиб кетди. Фронтostonасида туриб, иккинчи марта кўрган қонимиз шу бўлди. Бу ерда взводимиз командири бир татар бола эди. Исми Вали, унвони лейтенант. Уни кўпчиллик Валишин деб чақиради. Қайсиниси фамилияси-ю, қайсиниси исми эканлиги менга маълум эмас эди. Иккаламиз ҳамтенг, бир йилда туғилган эканмиз. Унинг ўзи Самарқандда туғилиб ўсган. Ўша

ерда ўқиган, ўзбекчани жуда яхши гапиради. Ўзининг айтишича, уруш бошланган пайтда СамДУнинг студенти бўлган экан. Биз бир ойларга яқин бирга бўлдик. Лекин сирлашгани вақтимиз бўлмади. Бизларнинг қисмимиз кечки пайт тонгга тайёргарлик кўра бошлиди. Вали Валишин мени ўзининг ёнидан узоқлаштирамайди...

Биринчи фронтга киришим шундай бўлган эди. Кечки соат тўртлардан ўтган пайт. Турли калибрли қуроллардан отишмалар давом этмоқда. Осмонни тутун ва чанг қоплаб олган. Шундай пайтда биз қалин дарахтзорда, дарахтлар томирлари орасидан қазилган окопларда ўтирибмиз. Ўлим, ўлиш ҳеч нарса эмас. Менинг кўнглимдан шу пайт нималар кечди экан. Эслай олмайман. Бир нарсага ишончим комилки, шу ўтиришимда менинг юрагимдан ўлим талвасаси ёки ҳаётдан кўз юмиш хавфи каби ўйлар кечган эмас. Снарядлар портламоқда. Взвод командири топшириқ бериб юрибди. Биринчи топшириқ уч-тўрт кишидан бўлиб, переправа орқали сим кемадан дарёнинг нариги томонига ўтиш ва дарё қирғоғидаги окопларни эгаллаш. Умумий команда бўлгунинг қадар ҳимояда сақланиш. Мен взвод командири билан биргаликда дарёдан биринчилардан бўлиб ўтадиган бўлдим. Мен ўз ҳисобим бўйича биринчи деб ўтирибмал. Лекин биздан олдин ҳам бир неча взвод ўtkазилган экан. Кун ботиш олди. Дарё томонга биз тўрт киши бўлиб қўзғалдик. Дарё лабига етганимизда бир старшина катта бочкадан кружка билан ичимлик улашиб турган экан. Ичимлик ичиш мажбурий эмас, хоҳлаган киши ичади, хоҳламагани эса йўқ. Бизнинг орамиздагилардан фақат бир киши ичди. Уч киши, шу жумладан, взводимиз командири ҳам ичмади. Қўлимизда ҳарбий қуролларимиз. Мен шу ўтишда пулемёт расчётида наводчик бўлиб ўтмоқдаман. Дарёга яқинлашдик. Дарёга сим тортилган. Симга эса қайт ўрнига катта бирлаштирилган тахта бириктирилган. Бу тахтани икки томонга сим билан тортиб ўтказилади. Сим кема ҳам турли тарафидан ўқча тутилиб турибди. Шу ҳолатда тахта кемага қуролларимиз билан тўрт киши кириб ўтирдик. У қирғоқдагилар отишма-

лар орасида бизни зарб билан торта бошладилар. Ҳеч қандай талафот күрмай, қирғоққа чиқиб олдик. Бириңчи бўлиб командирим, ундан кейин мен ўзимизни окопга отдик ва шу заҳотиёқ даҳшатли манзаранинг гувоҳи бўлдим. Биздан олдин нечта взвод ўтган бўлса, битта-яримта ярадорларни ҳисобга олмаганда, уларнинг ҳаммасини немислар қириб ташлабди. Одам ўлиги худди қўй ётоғидагидай бўлиб ётибди. Бизларни эса тезда қоронғи тушиб қолганлиги асраган бўлса керак. Мен Вали Валишин билан бир окопда ўтирибман. Ҳар замонда бир-биримизга қараб қўямиз. Орқамиздан эса одам ўтказиш ишлари давом этмоқда. Отишма ҳам давом этяпти. Бизнинг устимиздан ҳар икки томонга ўқлар учиб турибди. Бир пайт бизнинг олға юришимиз учун команда берилди. “Ура-а” дея янграган овозлар билан олға чопмоқдамиз. Лекин олдинги мэрралаги окоплардан ўзимиз чиқдик. Бир қанча вақт ўқ овозлари өшлишилб турди. Чопиб борувчилар, ура деб қичқиравчилар тобора камаймоқда. Вақт ҳам тонг отишига қараб яқинлашмоқда. Вали Валишин тўхтаб менга даҳшатли хабарни айтди. Немислар қаршилик кўрсатмай, бизни олдинга ўтказиб юборган экан. Орқамиздан эса ёрдам келмайди. Биз қуршовда қолдик, деди у. Тонг отди. Ҳар хил взводлардан қолганлар бир ерга тўпланди. Шу ерда қалин рус ўрмони бизнинг ҳаётимизни бир неча кунга сақлаб қолди. Ҳаммамиз 19 киши бўлиб бирикдик. Булар ичига бошлиқлардан фақат бизнинг командиримиз ва бир замполит бор. Замполит ҳам лейтенант экан. У кавказлик эди. Бу ерда руслар деярли йўқ эди. Иккала лейтенант ўтласида озгина келишмовчилик бўлди. Бизнинг командир қуршовни ёриб чиқиш тарафдори, нариги лейтенант эса умидсизликка тушиб қолган эди. Вали Валишин:—Ким кетса, мен билан юради, қолганларнинг ўзи билади. Менинг улар билан ишим йўқ, —дэя ўзи олға юриб кетди. Унинг орқасидан эргашган бириңчи киши мен бўлдим. (Шундай қилиш кераклигини биз олдиндан келишиб олган эдик.) Шундан кейин қолганлар ҳам бизга эргашди. Бу ерда ҳеч ким қолмади. Охири ўша замполит ҳам ортимиздан юришга мажбур бўлди.

Ана шу пайтдан бошлаб ўн түккіз кишидан иборат гурух қуршовдан чиқыш йўлларини излай бошладик. Бу сафаримиз бир неча кунга чўзилди. Биринчи қилинган исп ўрмонда қаттиқ яшириниши эди. Яшириниб узоқ туролмас эдик. Чунки ҳеч биримизда еб-ичгулик нарса деярли йўқ эди. Кундуз кунлари ҳеч қандай ҳаракат қилмаймиз. Кечалари эса атрофни ўрганамиз. Лекин хавф-хатар катта. Катта командирлар йўқ. Кичиклардан уруш кўрган биргина Вали Валишин. У ҳам ҳали ёш бола. Имкони борича фронт линиясини немислар йўқ жойдан кесиб ўтиш режалаштирилмоқда. Кундуз кунлари қалин бутали дараҳтлар орасидан реза мева (ягода) териб еймиз. Бу жуда аччиқ. Мабодо кўп еб қўйилса, кишини касал қилиши ҳам мумкин. Бир томондан душман хавфи бўлса, иккинчи томондан очлик балоси ҳам яқинлашиб келди. Тезроқ ҳаракат қилиш керак. Жой ўрганишга кетган кишилар дарёга яқин келиб қолганимиз ҳақида хабар топиб келишди. Шу кечаси дарёдан каскада сув олиб келиб ичдик. Ана шундан кейин дарёдан кечиб ўтиш узоқ муҳокама қилинди. Сузишни билмайдиган кишиларнинг дарёга тушмаслиги таъкидланди. Лекин сузишни билмайдиганлар топилмади. Ҳаммамиз сездирмасдан дарёдан сузиб ўтишга келишдик. Лекин бу ишга ҳеч ким мажбур қилинмади. Кечув тонгта яқин бошланадиган бўлди. Кечаси дарёга қараб ётибмиз. Менинг ниятим шу кечувдан омон-эсон ўтиб олиш. Авваллари сузишни унча-мунча билардим. Аммо кийим билан ҳеч қачон сузиб кўрмаганман. Вали Валишин ўзидан кейин мен сузиб ўтишимни лозим топди. Иложи борича ўзидан кўп узоқлашмай, дарёни қиялаб, оқимга қаршилик кўрсатмай ҳаракат қилишни маслаҳат берди. Ҳаммага ҳам ҳудди шунга ўхшаш маслаҳатлар берилди. Оғир ҳисобланган нарсаларнинг ҳаммасини ташлаш топширилди. Солдатда автомат, гимнастерка, камар, бўрк, этик бўлиши шарт деб кўрсатилди. Ана шундай қилиб, сувга тушиш олдидан этиклар бир қоқиб кийилди. Камар тортиб бойланди. Шундан кейин дўстлар бир-бири билан видолаша бошладилар. Биз Вали Валишин билан видолашмадик. Сувда ҳам ёнма-ён кетамиз,

деб ваъдалашиб олдик. Совуққонлик билан хайрлашдик. У сувга тушиши олдидан менга қаради. Бу эса унинг менга юр дегани эди. Мен ҳам секин-аста сувга туша бошладим. Бу Ока дарёси бўлиб, ташқаридан унинг оқиши ҳам сезилмайди. Автоматни кўтариб олға юриб кетмоқдаман. Бахтимизга дарёнинг яйдоқ жойи экан. Тезоқар бизнинг дарёларимиз эса албатта камарлардан иборат бўлади. Дарё яримдан ошди ҳамки, бўйлаб кетаяпман. Қирғоқча 10-12 метр қолганда ердан оёғимни узишга мажбур бўлдим. Энди жуда эҳтиёткорлик билан сузмоқдаман. Вали Валишин мендан уч-тўрт қулоч олдинда сузиб кетяпти. Биз иккаламиз қирғоқча деярли бир вақтда етиб келган бўлсак керак. Мен сувдан жуда қийналаб чиқдим. Ўзимни окопга олганимда, шу окоп сувга тўлиб қолди. Этиклар сувга тўла. Биздан кейинги дўстларимиз ҳам қирғоқча ёпишган пайтда ўзимизникилар томонидан кучли ўт бўрони бошланди. Бунга душман томонидан жавоб ўти отилди. Бизлар икки ўт орасида қолдик. Айниқса, дарё ичи-дагиларнинг аҳволи ёмон эди. Ярадор бўлмай чиққанимиз тўрт киши, енгил яраланган бир киши сафда қолди. Оғир яраланган икки киши самбатга жўнатилди. Қолган ўн бир киши шу кечувда ҳалок бўлди. Ҳалок бўлганлар орасида замполит ҳам бор эди. Ярадор бўлмай чиққанимиз тўрт киши ва бир ярадорни ўзимизникилар ўраб олди. Бу қирғоқда немислар йўқ эди. Бизни ўраб олганлар бизга қўшни бўлган полкнинг солдатлари экан. Улар ҳам бизга бирданнига шафқат кўрсатгани йўқ. Олдиндан анчагина текширув ишлари олиб борилди. Бизларга осон бўлгани уларнинг қўшни полклиги бўлди. Улар бизнинг полк билан алоқа боғлаб бизнинг бундан бир неча кун илгари атака пайтида дараксиз кетганлигимиз ҳақида маълумот олдилар. Шундан кейин ярадорларга ёрдам кўрсатилиб, улар санбатга жўнатилди. Енгил ярадор ўзимиз билан қолди. Уларнинг бизга биринчи ёрдами оз-оздан суюқ овқат бериш бўлди. Орадан оз вақт ўтгач, бир алоқачини қўшиб, ўзимизнинг полкка жўнатиб юбордилар. Тонг отиб, қуёш анчагина кўтарилиб қолган бир пайтда биз полкимизга кириб келдик. Бу ерга келганимиз-

дан кейингина ўзимизнинг анчагина бедармон эканимизни сеза бошладик. Полкимизда биздан ҳеч ким ҳеч нарса сўраб ўтирмади. Воқеа бошлиқларимизга беш қўлдай аён экан. Бизларни биринчи линиядан иккинчи эшелонга ўтказиши. Кийим-бошларимиз қуруқлари билан алмаштирилди. Ўзимизни эса дала ошхонасига олиб бориши. Биз ошхона (ара-ва устидаги қозон) ёнида овқатланиб ўтирибмиз. Фронт жуда ғалати воқеаларга бой бўлади. Овқатланиб ўтирас эканмиз, атроф шундай сокин ва тинч эдики, худди уруш бўлмаётгандек. Шундан кейин бизни бир меча кун дам олишимиз учун “дам олиш уйи”га юбориши. Бу уруш майдонидан икки километрча ичкарида ўрмон ичидаги жойлашган ер уйлар эди. У ерда бизга ўхшаб қийналганлар бир неча кун дам олар экан. Мен ҳам шу ерда бир неча кун бўлдим. Буларни кунма-кун ёзиш менга оғир. Ўша пайларда тутган кундаликларим уруш майдонида қолиб кетган. Бу ерда кунлар нисбатан сокин ўтди. Фақат овқатланамиз. Овқат фронтдагидан кўра кўпроқ ҳамда ўз вақтида берилади. Овқатнинг кўп қисмини колбаса ташкил этади. Тўшак-ўрнимиз эса ерга ташланган тахта ва унга тўшалган похолдан иборат. Деворлар остига хода ётқизилган. Ётганда бу ходалар ёстиқ вазифасини бажаради. Ҳар куни бир неча марта тревога бўлиб туради. Бу кўпинча ҳаво жанглари бошланган чоғда такрорланади. Бу масканга келиб-кетувчилар ҳам кўп.

Мен яна фронтдаман. Командиrimиз Вали Валишин. Ока дарёсининг қирғофида ётибмиз. Уруш ҳаво ҳужумлари ва узоққа отувчи оғир тўплардан отилаётган ўқлар билан давом этмоқда. Бизниkilар куч топиб, яна Оканинг нариги кирғоfigа ҳужумга тайёргарлик кўрмоқдалар. Бу тайёргарликнинг асосида полкларга янги солдатларнинг келиши кутилмоқда. Бир куни кечаси шу кучлар ҳам етиб келди. Энди ҳужум тайёргарлиги тезлаштирилди. Биз айрим жой ўзгаришларини ҳисобга олмагандан, асосан, ўша эски жойимиз атрофларида ҳаракат қилмоқдамиз. Бир куни кечаси дарёдан ўтказиш ишлари худди аввалдагидек такрорланди. Ҳозир мен олдинги сафардагидек ботир эмасман. Дарёning у

томонидаги ақвол бу томондагидан анча оғир эканлигини ўз күзим билан күриб келганиман. Бу ўтишимизда дарёning ўзида ҳам, ундан кейин у ёқда ҳам анча қийин бўлди. Мен ва командирим дарёдан ҳеч қандай ҳалокатга учрамай ўтишга муваффақ бўлдик. Лекин у ёқда жуда қийин бўлди. Мен билан Фиждувонда бирга хизмат қилган дўстим, акамдай бўлиб қолган Жумаев шу ерда ҳалок бўлди. Бу менинг ўлимга жуда ҳам яқин эканимизни тушунишимга яна бир турткى бўлди. Воқеа шундай бўлган эди: Жумаев шу кунга қадар ҳимоя линиясида экан. Бизларга ёрдамга келувчилар ичидан бирга келди. Қучоқлашиб кўришдик. Дарёдан бирга ўтдик. Кечаси билан отишмалар бир минут ҳам тўхтагани йўқ. Ҳар икки томон ҳам отмоқда. Эрталаб тонг отганда худди маслаҳатлашиб олишгандай икки томонда ҳам отишмалар бирдан тўхтади. Шу пайт старшина овқат тарқатадиган бўлди. Мен ўзимиздан йигирма қадамча нарида овқат улашаётган старшинанинг олдига туриб юриб бордим. Унинг олдига етганимда кимнингдир мени сўкиб, "ложись снайпер", деганини эшилдим-у, ўзимни окопга отдим. Старшина менга икки киши учун икки кунлик сухой продукта (озиқ-овқат) берди. Мен уни олиб, окопдан-окопга сакраб, ўз жойимга келдим. Шеригим Жумаев. У кишининг менга қилган хизматларини олдин ҳам эслаган эдим. У ҳам овқат олиб келгани окопдан эмаклаб чиқди. Икки-уч окопдан ўтиб бўлган чофида снайпер урди. Ўқ орқасидан кириб, қорнини ағдариб чиқиб кетди. Жумаевни санчастга олиб боришга ҳам ҳожат қолмади. Икки-уч окопдан оширилганда жон берди. Шу ерда бир қанча вақт турдик, жуда қийин бўлди. Кечалари қаттиқ отишма бўлади. Бизниклар бизнинг устимиздан ошириб отадилар. Немислар ҳам устимиздан ошириб, дарёning у қирғонини ўққа тутади. Дарёning немислар жойлашган қирғонида ер қаърида ётибмиз. Аҳволимиз жуда оғир. Кечаси ухлаб бўлмайди. Ухласанг, немислар тутиб кетиши мумкин. Кундуз куни кўринсанг, снайпер ер тишлатади. Ҳамма қийинчиликларга чидашга тўғри келди. Биздан бошқа жойларда ҳам аҳвол бундан бадтар эди. Менинг шу кеча-кундуздаги яго-

на орзуим – оёқларимни ечиб, ёзилиб ухлаш эди. Чунки неча сутка ювинмаган бўлсам, шунча муддат этикларимни ҳам ечмаган эдим. Эмаклаб юриш чоғида этикларимнинг ичи қумга тўлган, этик оёқларимни қисиб борар эди. Мени шу аҳволга солган этикларимни дала госпиталда санитарлар оёқларимдан кесиб ечиб олдилар. Бизларнин бу аҳволда туришимиз жуда хавфли эди. Бекордан-бекорга ўлиб кетишимиз ҳеч гап эмас эди. Бизнинг бўлинмамиз орқадан келадиган кучни кутиб турган экан. Ана шундай куч келиши билан ҳаракатга кириб кетдик. Кеч кириши билан Оканинг бир ярим километрларидан симлар тортилиб, сим қайиқлар кўпайтирилди. Эрта тонггача биз томонга анчагина одам ўтказилди. Бу эса бизникиларнинг ҳужумга ўтишга тайёрлананаётганидан дарак берарди. Бу ҳаракатимиз душман томонга ҳам маълум бўлиб қолди. Отишмалар авжига чиқди. Ҳар бир окопга снаряд туша бошлади. Кимлардир окоплардан парча-парча бўлиб учиб кетмоқда. Бу пайтда мен ўлимдан бошқа нарсани кутган эмасман. Бу тонгда менинг ўлмай қолишим бир тасодиф бўлса керак. Бизлар ётган окопга икки томондан ўқ ёғилиб портлай бошлади. Одамлар окоплардан очиқ жойга чиқиб қолдилар. Мен ана шу ерда яраландим. Ўнг қўлим ишдан чиққан эди. Икки қошим орасидан ҳам қон сизиб чиқарди. Ўнг тиззамнинг усти ҳам йиртилиб кетган, этигим қонга тўла эди. Ёнимда жанг қилаётган бухороликлар мени судраб, бир амаллаб дарё бўйига олиб келдилар. Яраланган жойларимдан ўнг қўлим анча оғир аҳвolda эди. Билагим тамомила синиб, қўлим орқага қайрилиб қолган эди. Кўзимни очиб қўлимга бир қарасам, қўлимнинг суяклари билан билак суяклари қон орасида оппоқ бўлиб кўринди. Шундан кейин қўлимга мутлақо қарамасликка ҳаракат қилдим. Дўстларим қўлимни тўғирлаб топган латталари билан боғладилар. Барибир қон тўхтагани йўқ. Шундай бўлса ҳам, яна устидан топган нарсалари билан боғлаб бўйнимга осдилар. Бу ерда бундан ортиқ ёрдам қилиш мумкин эмас эди. Улар мени тезроқ дарёнинг бу қирғогига ўтказиб юборишга ҳаракат қиласдилар. Ўзим турган жойдан 50

метрлар нарида чап томонда сим кеманинг турганини кўрдим. Менинг бирдан-бир холоскорим шу сим кема эди. Мен ҳам гоҳ туриб, гоҳ ўтириб ё судралиб – бир амаллаб кеманинг ёнига етиб келдим. Сим кема ҳамон биз томонга одам ўтказар эди. Орқага эса бўш қайтади. Менинг сим кемага ўтириб қайтишимга рухсат берилди. Кемада икки қўриқчи бор. Кемага ўтирас эканман, ўлим билан яна бир бор юзма-юз келганимни ҳис этдим...

Дарёдан минг азоб билан ўтиб олдим. Гозир энг хатарлиси бир снаряд ўқидан кема-пема билан учиб кетиш ҳам мумкинлиги эди. Бундай бўлмади. Бу сафар ҳам тирик қолдим. Бирор ўлиб ётибди. Бирорни ўлим гўё кўрмасдан ўтиб кетаётиди. Мен ҳам ана шундайлардан бири бўлдим. Ўлимга чап бердим. Бўлмаса қанча ўртоқларим кўз ўнгимда жон бердилар. Менинг ҳам улардан фарқим йўқ эди. Бироқ ажалим етмаган экан. Ана шу ўлим масканидан тирик қайтдим. Худога шукур. Дарёдан ҳам анча хавф-хатар билан ўтиб олдик. Якка ўқлар учиб юрибди. Лекин катта снаряд яқинимизга келмади. Мен дарёга тушган пайтда ҳаво ҳужуми ҳам тўхтаган эди. Бунинг ҳаммаси катта атаканинг бошланишидан дарак берарди.

Дарёнинг бу қирғоғида ҳаёт бутунлай бошқача. Ўрмонда кишилар сиз билан туриб гаплашади. Сўроғингизга жавоб беради. Сизга керакли бўлган жойларни кўрсатади. Полкимиздан санчастга қараб кўрсаткич белгилар қўйилган. Бу кўрсаткичлар орқали керак жойни топиб олиш қийин эмас. Шу белгилар ёрдамида санчастни топиб олдим. “Санчасть” деган тахта белги дарахтга қоқилган. Шу ерда икки офицер, врачлар бўлишса керак, ўтиришибди. Сумкаларидан бошқа ҳеч нарса йўқ. Улар мени қарши олдилар. Аҳволимнинг оғирлигини кўриб, зудлик билан ёрдам беришга киришиб кетдилар. Юзимда қотиб қолган қонни ювишди. Икки қопим ўртасида қадалиб турган темир парчасини олиб қўлимга тутиқазишиди. “Сал бўшроқ тегибди”, - деб кулди биттаси. У мия суюгини синдирганда нима бўлиши менга аён эди. Нима ҳам дейман. Кейин шимимни йиртиб юбориб, тиззамни ҳам боғ-

лаб қўйиши. Ишнинг ёмони энди бошланди. Қўлимни очганларида, ҳушимдан кетиб қолибман, нима қилғанларини билмайман ҳам. Ҳушимга келсам, врачлардан бирни бинтлар устидан тўқилган сим қўйиб, яна бинт ўраб қўяётган экан. Кейин ҳушимдан кетмадим. Нималарни дир ҳидлатган бўлишди. Шундан кейин ўтиргизиб қўйдилар. Бир оз ўтиргач, терларим қуриди. Қўлим бўйнимга осилган. Қофоз ёзишиб, гимнастёркамнинг киссасига солиши. Бу қофоз яраланиш тарихининг бошланиши экан. Мени турғазиб врачлардан бирни йўл бошлаб кетди. Юз қадамча юриб, инграб ётган ярадорларнинг сафига қўшилдим. Бу ер ярадорларни тўплаб, орқага олиб кетадиган пункт экан. Бу ерда ярадорларга қарайдиган битта-яримта санитарка ҳам бор. Шу ерда менга нонушта бўлса керак – ейишга нимадир бердилар. Лекин ўлим хавфи бу ердан ҳам олислаган эмас. Самолётлар тепадан бомба ташлаб турибди. Ўқ ҳам учиб ўтади. Бизларни бу ердан тезроқ орқароққа олиб кетиш пайига тушганлар шошилиб иш кўришмоқда. Лекин орамизда юра олмайдиганлар ҳам бор. Узоқ кутишга тўғри келмади. Бир чорчак арава келтирилди. Шунга бир нечтамиз чиқиб, жўнаб кетдик. Орқамизда отишмалар давом этмоқда. Бу аравада ўрмон тамом бўладиган жойгача етиб келдик. Очиқ далага бундай аравачалар чиқа олмас экан. Самолётлар уни, аниқроғи, ундаги одамларни уриб мажақлаши мумкин. Бизлар шу ерда тушиб қолдик. Арава ортига қайтди. Ёнимизда бизларни бошлаб борувчи киши бор. У медиклардан бўлиб, уни санитар деб аташардилар. Бу ерда, яъни ўрмон четда баъзилар ертўлаларда, баъзилар эса чодирларда ётибмиз. Турган жойимиз ниҳоятда ифлос. Кечани шу ерда ўтказишга мажбур эдик. Ярадорларнинг остига похол солинган. Яралардан оқаётган қон, йиринг бадбўй ҳид тарқатади, айримларнинг остидаги похоллар қуртлаб ётибди. Одам кўп. Ярадорларни бу ердан олиб кетиш имкони бўлмаса керак. Енгил яралангандар шу ерда даволаниб, яна жангга қайтишмоқда. Бу ерда менга ҳеч қандай ёрдам кўрсатилмади. Ярим кечаси оёқда тура оладиган ярадорларни тўплаб битта машинага

чиқаришди. Мен ҳам машинага чиқдим. Йўл ҳали ҳам хатарли. Фронт чизигидан узоқлашаган бўлсак ҳам, тез-тез ҳаво ҳужуми бўлиб турибди. Лекин машинамиз бундай ҳужумларга дуч келгани йўқ. Баъзан очиқ жойлардан, баъзан ўрмон ичидан юриб бир қишлоқка юриб келдик. Бу ер оз бўлса ҳам госпиталга ўхшар эди. Бу ерда икки кунга яқин турдим. Бу ердан биринчи навбатда узоқча жўнатиладиган, юра олмайдиган ярадорлар жўнатилар эди. Нима бўлса ҳам мен ўз оёғида юрувчиларданман. Ҳаво ҳужуми бўлиб қолгудай бўлса, туролмайдиган ярадорлар ўз жойида ётаверадилар. Бизлар эса тревога бўлиши билан ўрмонга кириб кетамиз. Шу сабабли ҳам биринчи навбатда уларни жўнатиш лозим. Бу ерда менга бир рус қизи қаради. У нимаси биландир ўзимизнинг Шарқ қизларини эслатиб турарди. Икки кун ичida яраларимни уч марта очиб қайта боғлади. Мен ярани очишаётганда ҳушимда бўлсан ҳам, оғриқ туфайли кейин нима бўлганини сезмасдим. Ярани тозалаб, боғлаганларидан кейингина ўзимга келардим. Бу – аҳволим анча оғир эканини кўрсатарди. Мени ҳам бу госпиталдан кетувчilar сафига қўшиб қўйишган пайтида янги ярадорлар кела бошланган эди. Улар орасида мен командирим Вали Валишинни кўрдим. У ётган ярадорлар ичидан эди. Уни носилкада кўтариб келдилар. У тетик. Носилкада бошини кўтариб, ёнбошлиб келарди. Биз бир-биrimizni таниб турибмиз. Мен ҳеч кимдан рухсат сўрамасдан, уни олиб кириб кетишган палатага кириб бордим. У ҳамон носилкада ёнбошлаб ётар эди. Саломлашиб, кўришиб, сўрашиб кетдик. Бу ерда иккимиздан бошқа ҳеч ким йўқдай эди. Бир оздан кейин у ўнг оёғидан оғир яраланганини айтди. У ҳам мен кетгандан кейин кўп ўтмай яраланибди. Оёгининг фақат пошна қисми қолган. Бош қисмини снаряд юлиб кетганини, бу ерга келгунча бошидан ўтказган машаққатларини бир-бир ҳикоя қилиб берди. Шу орада биз кетувчilarни кечки овқатга чақириб қолишли. Мен фронтовик дўстим билан хайрлашиб, овқатланишга чиқдим. Кетищдан олдин командирим билан хайрлашиш ниятида яна унинг хонасига кирдим. У жойида йўқ

экан. Уни ярасини боғлашга олиб кетишибди. Геч кимдан сўрамай врачнинг хонасига кирдим (сўрасам, барибир рухсат беришмайди). Машина мени кутмайди. Лекин дўстим мени кутишини биламан. Бу ердан бирданига икки киши билан – мени икки даволаган врач ва дўстим билан хайрлашиб чиқдим. Шундан кейин уларни ҳеч қачон учратганим йўқ. Улар бир умр менинг хотирамда сақланиб қолди.

Ҳамма ҳам ўзига яхшилик қилган, ҳеч бўлмаса бирор ширин сўзи билан кўнглини кўтартган кишиларни ҳеч унумаса керак. Бизлар бу вақтларга ҳаёт тажрибасига эга бўлмаган бўлсак керакки, уларнинг ҳатто адресларини олишни ҳам ўйламаганмиз. Балки бошингда ўлим хавф солиб турган бир пайтда бу ҳақда ўйлашга имкон ҳам бўлмагандир. Бу ишларни бизларга фақат ҳаёт мактаби ўргатиши мумкинлигини кейинроқ англашим. Ҳаёт саҳифаларини, сабоқларини ўргангандан киши ўз даврининг илфор кишиси бўлади, деб ўйлайман...

Мен дўстларим билан хайрлашиб чиққанимда, машина мени кутиб турган экан. Машинага чиқишим билан у жойидан қўзғалди. Бир қанча вақт юргач, темир йўл станциясига бориб тўхтади. Ярадорлар вагонларга жойлаштирилмоқда. Вагонлар устига шоҳ-шаббалар ташлаб қўйилган. Икки-уч соат ичida ярадорларни ортиб бўлишиди ва тун ярмида паровозга уланган вагонлар ўрнидан жилди. Шу кетишимда мен Калуга шаҳрига келиб тушдим. Калуга – русларнинг қадимий шаҳри. Ҳозир у ерда косманавтлар музейи барпо этилган. У шаҳарда улуғ рус ёзувчиси Н.В.Гоголь яшаган. Мен буларни Калугага қилган кейинги сафарларимда биллиб олганман ёки кўрганман. Ярадорлар машиналарга ортилиб, темир йўлдан олиб кетилди. Мен ҳам шу шаҳардан жарроҳлар томонидан операция қилиндим. Бу иш анча оғир ўтди. Операцияда наркоздан фойдаланишди. Ҳушимга келсам, жароҳатларим кесилиб, қўлим гипслаб қўйилган. Уни икки ойдан кейин очиш лозимлигини устига ёзиб ҳам қўйишибди. Бу ер фронтдан ярадорларни қабул қилиб олиб, биринчи ёрдам кўрсатилиб, кейин уларни мамлакат ичкариси-

га жүннатадиган жой экан. Бизлар ҳам бу ердан тез жүнаб кетдик. Шундан кейин мен русларнинг қадимий ва катта шаҳри Рязанды бўлдим. Бу шаҳарларни Рязань I, Рязань II деб атар эканлар. Шу яраланиб қолишимда мен Рязань ІІда бўлдим. Кейинчалик ҳамма катта шаҳарлар ҳам шундай атата бошлади. Бу ердаги ҳамма катта бинолар госпиталга айлантирилган эди. Биз ётган госпитал тинчлик пайтида ўрта мактаб бўлган тўрт қаватли бино эди. Бу ерда бир неча кун бўлдик. Шу вақт ичидан мен яраланганим ҳақида хат ёзиб қариндошларимга жўнатган эдим. Кўчган жойимизга шу ернинг адреси билан биринчи бўлиб менга хат келди.

## ФОЛБИН

Мен Рязань II даги госпиталда бир қозоқ йигити билан бир палатада ётдим. Палатамиз юқори қаватлардан бирида эди. Атрофдагилар билан таниш эмасман. Биргина Жақип билан ўз тилимизда (туркий тилда демоқчиман) сўзлашамиз. Бир-биrimizни яхши тушунамиз. У мендан ўн-ўн бир ёшлилар чамаси катта эди. Мен энди 22 ёшга кирган бўлсам, у ўттизлардан ошган эди. Кўпчилик қозоқлардай мақтанчоқ эмас, жуда камтар киши эди. Бир-икки кундаёқ қалин суҳбатдош бўлиб қолдик. Унинг фамилияси қўрғонбоев бўлиб, Жамбул обlastining қорақамиш ёки қораўзан деган районидан экан. Касби – тракторчи. Лафзи ҳалол, содда киши эди. Мен у киши билан 1942 йили 4 ёки 5 сентябрдан 21 деқабргача бирга бўлдим. Шу даврда қанча-қанча суҳбатлар қурдик. Жақип ofa ҳам мен қатори Армияга олинниб, тезлик билан фронтга жўнатилган экан. Улар кўпи билан 2-3 ой тайёргарлик кўришган. Кейин фронтга жўнатилган. Чап қўлининг билагидан яраланган. Билагининг кичик суюги синган. Гипс ичидан ҳам қўрт-қўрт қилган овоз эшитилиб туради. Борганимизга оз вақт ҳам бўлмай, Жақип ofa: – Сен яхши бола экансан. Сенга бир фол очирайлик, – деди. Мен у кишининг мактаган фолбинини кўришга, ҳатто фол очиришга ҳам қизиқиб қолдим. Иккаламиз пастга – биринчи қаватга туш-

дик. Бу ерда Жақип ака еру күкка ишонмай мақтайдиган машҳур қумалоқчи фолбин бор экан. Унинг палатаси чиқиш эшигига яқин биринчি хонада экан. Фолчи кўзлари катта-катта, юмалоқ, қораҷадан келган, шоп муйловли, жуда кам-гап, гапини ҳам фақат ўйлаб гапирадиган вазмин киши экан. Исми-шарифини ўша вақтларда ҳам эшитмаганман. Ҳамма уни фолчи деб атарди. Ўзи шимолий Қозогистоннинг Семипалатинск деган жойидан. Урушгача ишчи бўлиб ишлаган.

Жақип оға билан биз кириб келганимизда кун кеч бўлиб қолган эди. Шунинг учун ҳам у бизга қараб: –Мунов бир увуздай ёш бола экан. Мен бугун кўп алжирадим. Эртанг аzonда келинглар, биринчи фолди шу болага очайин, –деди. Жақип оға: –Маъқул, – деди. Шундай қилиб, биз эртага фол очирадиган бўлдик. Эрталаб чойни ишиб борсак, фолчини врач кўраётган экан. Кутиб турдик. Жақип ака шу пайтдан фойдаланиб, менга фолчи нима деса ҳам индамай туришимни, кўп гапирмаслигимни қайта-қайта уқтирди. Врач чиқиб кетиши билан хонага кирдик. Фолчи кеча ўзи айтганидек, биринчи бўлиб менга фол очди. Фолчи тумбочка устига сочини ёйди. Уни тахлади. Устига чиройли қилиб тикилган кичик халтасасидан қумалоқларни тўқди. Қумалоқ – бу бир хил катталиқдаги майдада қора тошчалар бўлиб, уларнинг сони 41та эди. Буни қирқ қумалоқ деб атар эканлар. Уларни фолчи икки-уч бўлакка ажратди. Бу бўлакларни яна майдада бўлакларга ажратди. Бир неча бўлакчалар ҳосил бўлди. Бу бўлакчалардан уч қатор – тўққиз бўлаги қолди. Бошқаларини қўшиб қўйди. Жақип менга: –Фолчи сўраса, отингни айт, – деган эди. Фолчи отимни сўраган эди, “Аҳмад”, деб жавоб бердим. Фолчи менинг отимни билмайди-ку! Жақип отимни “Аҳмад” деб айтганимга ҳайрон бўлди. Лекин индамади. У менинг отимни биларди. Фолчи узоқ ўйланиб ўтирди. Ўзи ясаган қўлбола носидан чекди. Нималарни ҳисоблади. Билмадим. Тошчаларини санади-да, менга шундай деди: Аҳмад сен эмас. У ҳозир ҳеч кимнинг қўлида эмас. Ўз бўсағасига қўшилган. Эртадан бир деб сана. Йигирма бир кун дегандা. Аҳмаддан бир хабар эшитасан.

Мен фолчига беш сүм фол боши бердим. Жақип иккаلامиз унга раҳмат айтаб қайтдик. Жақип мендан Аҳмаднинг кимлигини сўради. Мен унга Конимехда бирга ўқиган дўстларимдан бири эканини айтдим. У биринчи бўлиб фронтга кетган эди. Шунинг ҳоли нима бўлганинини билмоқчи бўлганимни айтдим. Жақип фолчининг сўзларини қайта-қайта изоҳлаб тушунтириди. Мен изоҳсиз ҳам фолчининг сўзларига тўлиқ тушунган эдим. Тонг отди. Бир деб санадим. Аҳмаддан хабар эшитишинга йигирма кун қолди. Шундай қилиб, кунлар ўтаверди. Орадан икки-уч кун ўтгач, бу ердан ҳам кўчдик. Бизнинг янги жойимиз Москва обlastinинг Ска-пина деган райони эди. Бу ерга шу Рязандаги адресимиз билан кўчган эканмиз, чамамда. Госпиталимиз Скапина шаҳридан бир-бир ярим километрча шимолроқда темир йўл бўйида. Шарқдан фарбга қараб чўзилган ўн беш корпусдан иборат эди. Темир йўлнинг юқори қисмида бошқа бинолар ҳам бор эди. Уларда врачлар ва хоздворлар (хўжалик ишлари бўйича ходимлар) туради. Мен билан Жақип биринчи корпусга жойлашдик. Энди палатамиз бошқа-бошқа эди. Лекин хоналаримиз бир коридорда, эшиклари бир-бирига қарама-қарши. Палатамизда уч кишимиз. Мен киришда – эшик олдилади. Удод исмли украин йигит тўрда, Иван Скучиров исмли рус кишиси иккевимизнинг ўртамиздаги кроватга жойлашган. Дераза олдига стол ва стуллар қўйилган. Бу ерга сентябр ойининг биринчи ярмида келган эдик. Удод ёши мен қатори, ўзи жуда чиройли, қора кўз, қалин қошли, келишган йигит. Жуда камтар ва хушмуомала йигит эди. Кўп гапирмасди. Иван Скучиров эса 40 ёшларга бориб қолган, жуда ақлли киши эди. Урушгача у Смоленский обlastida област қасаба уюшмасида бошлиқ бўлиб ишлаган, кўпни кўрган коммунист эди. Бу ерда узоқ шарқлик Новиков деган дўстим ҳам бор эди. Бу киши менга дала госпиталидан бери ҳамроҳ эди. Калугада ҳам, Рязанда ҳам, бу ерда ҳам бирга эдик. Мен ўзимни анча тортинчоқ ҳисоблайман. Новиков ҳам рус бўлишига қарамай, мендан ҳам тортинчоқроқ. У билан битта корпусдамиз. Баъзан учрашиб турдими. У тез-

да даволаниб, бу ердан кетиб қолди. Жақип ака менинг акамдай. Ҳоҳлаган пайтида хонамга кириб келади. Узоқ сұхбатлашамиз. Мен билан Жақип рус тилини яхши билмаймиз. Бироқ руслар билан муомала қила оламиз. Жақип менинг палатамдагиларга әл бўлиб кетди.

Мен Жақип оғадан:—Фол нима бўлди, у ердан кўчиб кетдик?— деб сўрайман. У эса: — Кун санайвер, —деб қўяди. Ана шундай қилиб, кунлар ўтмоқда. Мен тилни яхши билмаганим учун бўлса керак, кўп гапирмасликка ҳаракат қиласман. Ёдимга Навоийнинг:

*Сүҳат тиласанг, кўп ема,*

*Иззат тиласанг, кўп дема, — деган ҳикматли сўзлари келади.*

Палатадошим Иван Скучиров менга рус тилини оғзаки ўргатишга киришиди. Менга бир сўзнинг маъносини ҳар турли йўллар билан тушунтирас эди. Эртасига шу сўзларнинг русча ва ўзбекчасини мендан сўрар эди. Агар мен унутсам бир чертоқ олиши керак эди. Лекин у мен сўзларни унуган бўлсан ҳам чертоқ олган эмас. Лекин менга русча ўргатар эди. Оғзаки гаплашиб ҳаётдаги зарур сўз запасларини такрорлаб ўргатар эди. Мен госпиталда ётган пайтларимда ҳар ҳолда русча гапиришни бир мунча ўргандим. Иван Скучиров менга раҳбар эди. Баъзи кунлари мен ўрнимдан туриб овқатга бормас эдим. Бир куни овқатсиз қолдим. Шунда Иван Скучиров госпиталда жанжал кўтарди. Шундан кейин ҳеч овқатсиз қолмадим. Биринчи сменада овқатга бормасам, олиб келиб берар эдилар. Мана менга Иван Скучировнинг яхшиликлари. Бундан ташқари Иван Скучиров менга шахмат ўйнашни ҳам ўргата бошлади. Аста-секин шахмат ўйнай бошладим. Баъзи вақтда Удодни, баъзан Иван Скучировни ҳам ютар эдим. Улар ҳам зўр шахматчи эмас эдилар. Ана шундай қилиб кунларни ўтказар эдик. ғозир эса урушнинг иккинчи йили – ҳали қаттиқ вақтлар.

Мен ҳар қанча бошқа нарсалар билан банд бўлсан ҳам ҳар куни уйга ҳамда севгилимга хат ёзиши канда қилмас эдим. Бу пайтларга келиб, чап қўлим билан анча дуруст хат

ёзишни ўрганиб олдим. Шу билан бирга фолчининг йигирма бир кунини санаши ҳам унутмайман. Кейинчалик кунларни унутиб қўймаслик учун ёзиб ҳам борадиган бўлдим. Мана бугун йигирманчи куни почта бўлди. Хат келмади. Эртага йигирми биринчи кун тўлади. Почта бўлмайди. Мен қайдан хабар эшитаман. Кечаси билан ухлаб-уйғониб тонгни оттирдим. Бугун эрталаб госпиталга ярадорлар келар эмиш деган хабар тарқалди. Мен ҳеч ким билан ишим бўлмай, чойдан кейин Темир йўлга чиқдим. Темир йўл шундай корпусларнинг ёнидан ўтади. Ҳақиқатан ҳам ярадорлар кечроқ келди. Тушки овқат пайти ҳам ўтиб кетди. Ярадор солдатлар ҳам корпусларга тарқаб кетди. Мен танийдиган ҳеч ким учрамади. Темир йўл бўйлаб кўп юриб, ҳориб-чарчаб палатамга бордим. Овқат келтириб қўйилган экан, едим. Идишларни чиқариб бердим. Овқат ейдиган жой шу корпус ичида эди, қайтиб палатага келдим. Ҳеч ким йўқ. Ўзим ётибман. Бугун мана фол очтирганимга йигирма бир кун бўлди. Ўзимнинг эса уруш майдонидан кетганимга бир ойга яқин вақт бўлди. Лекин ҳеч хабар эшитмайман. Бугун ётиб, эрталаб Жақипни олиб фолчининг қошига бормоқчиман. Гали айтмабман, фолчи ҳам бизлар билан бирга шу ерга келган. У ўн бешинчи корпусда ўтади. Мен нима бўлса ҳам тонгни ўтказиб, эртага фолчининг “ёлғончи” лигини юзига айтмоқчиман. Ана шундай хаёллар билан ётганимда, коридор бўйлаб “Каримов в какой палате?”- деган овоз янгради. Бу овоз қиз боланинг овози эди. Гамширалардан бири бўлса керак. Овоз яна такрорланди. Энди яқинроқ эшитилаётган бу овоз эгаси мен ҳали ўрнимдан туришга улгурмасданоқ: – Каримов, танцуй, – деб палатага кириб келди. Қўлида учбурчак хат. Мен “танца” қилишни унутиб, ҳамширанинг қўлидаги хатга ташландим. У хатни орқасига яширмоқчи бўлди. Лекин кўп қаршилик кўрсатмади. Мен унинг қўлидан хатни олдим. Хатнинг манзилига қарадим. Манзил қора қалам билан ёзилган бўлиб, дўстим Идрисов Аҳмаднинг дастхати эди. Хат ёзувчининг фамилиясига қарасам ҳам Идрисов Аҳмад ёзилган экан. Мен қувонганимдан бир қанча вақт

хатни очмасдан ушлаб ўтирибман. “Читайте” деган товуш ҳушимга келтирди, қарасам хат келтирган ҳамшира ҳали ҳам ёнимда турган экан. Энди хатни очиб, ўқий бошладим. Хатда фолчининг айтган ҳамма гаплари тасдиқланган эди. Аҳмад 1942 йилнинг бошларида ярадор бўлиб, франтдан уйига қайтган ва қўйбағирова Пернеш исмли қизга уйланган экан. Булардан бошқа хатда бирор нарса айтган бўлса айтгандир, аммо ҳозир хотирамда йўқ. Орадан қарийб қирқ йилга яқин вақт ўтиб кетди. Лекин мен фолчининг шу очган фолининг тўғрилигига ҳали ҳам қойилман. Бундан кейин ҳам анча фол очдирдик. Ҳаммаси ҳам тўғри келди. Қойилман. Булар ҳақида ҳам навбати билан ҳикоя қиласман. Бу кишидан кейин ҳам анча фолбинларни кўрдим. Ҳеч бири бу одамдай шарт қўйиб, шундай бўлади дея олмайди. Хат бетўхтов Жақипга ўқиб берилди. Жақип фолчининг яна айрим фазилатлари ҳақида узоқ гапириди.

Фолчи ҳақида Жақип шундай ҳикоя қилиб берган эди:

- Биз кўпчилик уруш майдонига кириб борар эдик. Атака олдидан бизга дам берди. Шу вақт бир йигит фолчига: — Менга бир фол очинг, шу атака пайтида менга нима бўлади? — деб қўймади. Фолчи ҳам фолини очди. Фолчи: — Сен урушга кирмайсан, атакага бормайсан. Лекин Худонинг омонатини кўп ўтмай топширасан, — деди. Ҳаммамиз ҳайрон бўлдик. Шу пайт “встать” деган команда бўлди. Туриб юриб кетдик. Кўп юрмай олдимиздан бир синиб кетган дарахт чиқди. Дарахтни айланиб ўтаётганимизда, ҳалиги фол очтирган йигитни ари чақди. Жуда безовта бўлди. Командиримиз икки йигитни унинг олдида қолдириб, бизларни олға бошлаб кетди. Кўп ўтмай ҳалиги қолдириб кетган икки йигит ҳам орқамиздан етиб келди. Ари чаққан йигитнинг ўша жойда ўлиб қолганини айтди, — деди Жақип.

Бусиз ҳам мен фолчининг фолига қойил эдим. Эрталаб Жақипни олиб, ўн бешинчи корпусга, фолчининг олдига раҳмат айтгани бордим. Боришим қуруқ эмас эди, икки пачка “Беломорканал” попироси ва ўн сўм пулни фолчига бердим. Фолининг тўғри чиққанини айтиб, қанча

хурсанд қилдим. Ана шундан кейин бу фолчи билан жуда қадрдан бўлиб қолдим. Кейинг фоллари ҳақида ўрни билан ҳикоя қиласман.

Мен ёш бўлганим учун ҳам палатадошларим мени баъзи сирлардан огоҳ этиб турар эканлар. Буни мен тасодифан бир воқеадан кейин билиб олдим. Иван Скучиров мени баъзи кечалари ўз ҳолимга қўймай, “қизил бурчак”ка шахмат ўйнагани олиб борар эдилар. Ана шундай ўйинларнинг бирида мен Иван Скучиров билан эмас, бошқа бир шахс билан ўйнаб қолдим. Улар ҳам шу корпуснинг ярадорлари. Бирини шахмат ўйинида ютдим, иккинчисидан ютилдим. Шу пайт Иван Скучиров менинг ўрнимни олиб, мени ютган киши билан шахмат ўйнашга киришди. Мени эса уларнинг шахмат ўйинлари қизиқтирмас эди. Вақт алламаҳал бўлиб қолган. Мен ухлаш учун “қизил бурчак”ни секингина тарк этдим. Палатамга келиб электр лампочкани ёқиб юбордим. Удоднинг кроватида у билан бир аёл бир-бирига ёпишиб ўтирасар эдилар. Чироқ ёкилганда, улар менга, мен уларга қарадим. Уларнинг бири мени ва шу палатадошларни даволаётган шифокоримиз Галя Филиповна, иккинчиси Удод эди. Галя Филиповна менга қарааш учун бўйини ўнг томонга бурди. Удод эса бўйини чап томонга бурди. Мен бундай нарсаларни кўрмаганимдан уларга анграйиб қараб турардим. Ҳеч биримиздан садо чиқмайди. Ниҳоят, чироқни ўчириб, кетиш кераклигини билиб, чироқни ўчирдим эшикни ёпиб чиқиб кетдим. Қаерга ҳам бораман. Бошқа борадиган жойим йўқ. “қизил бурчак”ка қайтиб бордим. Шахмат томошабинларидан бири бўлиб ўтирдим. Шу куни кечаси “қизил бурчак”дан мен энг охирги киши бўлиб чиқдим. Чироқни ёқмай, ўрнимга кириб ётиб олдим.

Эрталаб ҳаммамиз ҳам ҳеч нарса кўрмагандай ўрнимиздан туриб, одатдаги ишлар билан мишфул бўлдик. Мен кеча оқшом кўрганим ҳақида Удодга ҳам, Иван Скучировга ҳам, Жақипга ҳам, Новиковга ҳам оғиз очмадим. Эрталаб шифокор текширадиган пайт бўлди. Қўшни палатага шифокор кирди. Биз учаламиз ҳам ўз ўрнимизда шифокорни кутмоқ-

дамиз. Мен бошимни чойшаб билан ўраб ётибман. Шифокор бизнинг палатага кирмай ўтиб кетди. У нима учун бизнинг палатага кирмади? Бу ҳақда ҳам ҳеч кимдан садо чиқмади. Мен билан Удод ичимиздан тиниб ётибмиз. Иван Скучиров ҳам индамайди. Шунга қараганда. Удод Иван Скучировга бўлган воқеани айтган. Иван Скучиров булар орасидаги алоқани аввалдан билса кераку, фақат мендан сир тутган. Мен ҳам бу воқеани ҳар иккаласидан Удод билса ҳам, ўзимча сир тутмоқдаман. Мана шу қилиқларини юзига солсам, бирор менга раҳмат айтадими? Қайтага ўзим бебурд бўлиб қоламан. Шунинг учун сирни сир тутганим яхши. Шундай қилиб, яни бир кун ўтди. Мен шифокорнинг кўзига кўринмадим. Унинг хонаси ёнидан бир марта бўлса ҳам ўтмадим. Эртаси куни яна шифокорнинг текширадиган вақти бўлди. Ҳамма ўз ўрнида. Мен бошимни чойшаб билан ўраб ётибман. Бугун Галя Филлиповна палатамизга кирди. Уларни юзаки бўлса ҳам кўрди. Ёнида ҳамшира қизлари бор. Улар шифокорнинг топшириғига тайёр турибдилар. Шифокор менга индамай чиқиб кетди. Шундай қилиб, яна бир кун ўтди. Учинчи куни шифокор кўриш пайтида: “Каримов, долго спите?” деб менинг чойшабимни тортиб юзимни очди. Менинг юзимга қараб турди. ғеч қандай киноя, кулги аломатларини юзимдан топа олмагач, яраларимнинг қандайлигини, оғриб азоб бермаётганлигини сўради. Менинг яраларим гипсда. Бошқа кўра олмайди. Очилиш муддати ёзиб қўйилган. Ана шундай қилиб шифокор билан алоқамиизда ҳеч соvuқлик сезилмади. Кунларнинг бирида Удод:—Шифокор сенга олти ойлик отпушк берамиз, уйига боради,- деган гапини айтди. Иқрор бўлишим керакки, Удоднинг бу гапи мени жуда қувонтириб юборди. Фронт машаққатларини бир кўрган кишига олти ой эмас, олти кун бўлса ҳам бу бир қувончили ҳол эди. Ана шундан кейин вақти-вақти билан отпуска берса, уйга қайтаман деган фикр ҳам туғилиб қолди.

Юқорида фол очиш ҳақида гапирган эдим. Яна фолбин билан бўлган гапларимиз ҳақида гапиргим келди. Госпиталда деярли ҳамма унинг ҳузурига “ташриф” буюриб ту-

рарди. Биз ҳам "эски одатимиз"ни канда қилмай, уни "йўқлаб" турардик. Мен, Жақип навбат билан фол очирамиз. У Жақипга ҳам, менга ҳам бир хилда:—Сизларни ҳеч ким тутмайди. Сизлар шу ердан ўз уйларингизга кетасизлар,— деб айтарди. Биз ўзингизга ҳам фол очинг, деб қўймаганимиздан кейин у ўзига ҳам фол очди. Ўзининг фолида: "Ҳали мени ушлаб турибди. Хизматга бораман".— деб айтади. У кишининг чап қўлида ўртадаги уч бармоғи йўқ.

Ана шундай қилиб юрганимизда, кунлар ҳам совий бошлиди. Енгил ярадорлар яна фронтга қайтиб кета бошлиди. Фолчи яна бир куни мен билан Жақипга фол очиб берди. Бу фолида менга айтган гапи шу бўлдики, Жақип мендан бир ой олдин уйига кетар экан. Кейин эса: —Кўп яхши кунларни кўрасан, фарзандли бўласан, — деди. Шундай кунларниг бирида Жақип билан бир қатор йигитларни комиссияга чақиришди. Менинг қўлимдан гипсни олишди. Гипсни олганлари билан ҳали жароҳатларим битишига анча борлиги маълум бўлди. Жақипга комиссия олти ойлик отпуска (таътил) берди. У 1942 йилнинг 21 декабрида уйига жўнаб кетди. Ана шундан кейин ундан ҳеч қандай хабар зиштмадим. Излаб борай десам, адреси ҳам йўқ. Лекин гаплари, қилиқлари ҳали ҳамон ёдимда. Уруш туфайлими ё ётиборсизликми, ишқилиб, уларнинг адреслари сақланиб қолмаган. Жақип кетгандан кейин кўп ўтмасдан Иван Скучиров хам фронтга жўнаб кетди. Госпиталда эканимда Иван Скучировдан хат олдим. У юборган адресга хат ёздим. Яна битта хат олдим. Унда Иван Скучиров менга ўзининг суратини ҳам юборган экан. У сурат альбомимда ҳали ҳам турибди. Иван Скучиров кетганидан кейин декабрь ойининг охирларида фолчи солдатча кийинган бир қиёфада палатамга кириб келди. "Бола, сенмен амандасқани келдим, сов бўл, мен хизметге кетдим", — деди. Омонлашдик. Эшиккача кузатиб қўйдим. Дала қор, кун совуқ эди. Палатага қайтиб келдим. Яқин бўлиб қолган кишиларимнинг ҳаммаси бир-бир кетиб бораяпти. Менинг ҳолим нима бўларкин? Шундай ўйлар билан юрган кунларимнинг бирида, декабр охирлари эди, мени гарнизоннинг

комиссиясига туширдилар. Комиссия шу врач хонасида бўлди. Мен комиссияга кириб чиққач, анча вақтгача у ерга одам чақиришмади. Бу эса комиссия аъзоларининг келиша олмаётганликларидан дарак берарди. Ниҳоят, бошқа кишини чақирдилар. Бизнинг масала ечилмай қолди. Комиссия хulosаси ҳақидаги хабарни Удод бизга шу куни кеч бўлса ҳам етказди. Госпитал бошлиғи бир яҳудий чол эди. У мени Камчаткага тилла қидириш мактабига ёзибди. Бунга мени даволаган врач Галя Филипповна ва яна шу корпуснинг иккинчи врачи (татар қизи эди) ва шу икки врачнинг бошлиғи қарши чиқибдилар. Галя Филипповна мен ҳақимда гапириб:— У иссиқ жойнинг боласи. Қишида Сибирдан ўта олмайди, совуқ уриб кетади. Агар Камчаткага юбориладиган бўлса, май ойигача госпиталда қолдираман. Мен даволаган врачман, — деб туриб олибди. Бошлиқ ҳам ўз сўзида туриб олган ва бунинг оқибатида улар бир қарорга кела олмаганлар. Шундан кейин менинг ишим кейинги комиссияга қолдирилибди. Менинг қўлимдан Удоднинг кечқурун айтиб берган шу гапларини эшитишдан бошқа яна нима ҳам келарди. Комиссия нимани лозим кўрса, шу бўлади.

Госпиталда ётган давримда кўп радио тинглардим. Узбек тилида ёзилган газета-журнал ёки китоб деган нарсалар йўқ. Русча ўқиши, тушуниш эса барибир оғирлик қиласди. Тил билмаганимга ачиниб кетаман. Шунинг учун бўлса керак, кўпроқ радио эшитаман. Ана шундай радио эшитиб юрган кунларимнинг бирида И.В.Сталиннинг овозини иккинчи марта радиодан эшитдим. Биринчи марта 1941 йили 3 июлда унинг бутун совет халқига қилган мурожаатини эшитган эдим. Бу мурожаатда у аждодлар руҳи бизга ёр бўлсин, биз, албатта, енгамиз, деган эди. Иккинчи, яъни бугунги нутқи 1942 йил 7 ноябрда революциянинг 25 йиллигига бағишилаб Москва Кремлидаги тантанали мажлисда сўзлаган нутқи кеч соат етти билан тўққизлар орасида олиб берилётган эди. Бу овоз жуда майин. Айни пайтда қатъий ва ишончли эди. Ўша куни (1942 йил 7 ноября) Москва остоналарида жанг қилаётган қўшинлардан қўпчилиги Москвага чақирилиб,

қызил майдонда ҳарбий парад уюштирилди. Ҳарбий параддан кейин қүшинларимиз түгри жант майдонига жұнаб кетдилар. 1942 йил халқымиз учун жуда оғир йил бўлди. 1941-1942 йилларда душман томон тўлиқ ҳужумда бўлди...

Мен янги 1943 йилни госпиталда кутиб олдим. 30 декабр куни Удод олдимга келиб, янги йилни кутиб олиш учун Галина Филипповна бизни уйига таклиф қилганини айтди ва борамиз-а,-деди. Мен унга ишонмадим. Чунки мени даволаб турган врач киму, мен ким. Удод: – Мен сени олиб боришига ваъда берганман, албатта борасан. –деди. Мен агар борсам ҳам, совға олиб боришим кераклиги тўғрисида ўйлаб ҳам кўрмабман. Врачнинг уйига қуруқ қўл билан бораверибман. Пулим ҳам йўқ эмасди. Ўйласам, ҳозир ҳам ҳайрон қоламан. Удод ҳам бирор нарса олиш кераклигини айтмабди. Фақат мени ўша ерга боришига қистади. 31 декабр кунин кечқурун овқатдан кейин Удод иккаламиз темир йўлни кесиб ўтиб, госпитал хизматчилари яшайдиган томонга ўтдик. Кийимларимиз совуққа мослашмаган. Госпитал халатидан иккитадан кийиб олганмиз. Кун совуқ. Тез юришига тўғри келди. Йўл узоқ эмас. Биз Галия Филипповнанинг уйига тезда етиб бордик. Бизлар бироз кечикибмиз. Бошқа айтилганлар келиб улгуришган эканлар. Улар мезбондан ташқари учкиши бўлиб, икки кишини танидим. Бири бизнинг корпусда Галия каби даволовчи врач. Унинг татар қизи эканлигини шу ерда билдим. Чунки у ҳамиша русча гапиради. Иккинчиси бизнинг корпусда турадиган ярадорлардан бири бўлиб, у танкист эди. У танк жангидаги куйиб келиб даволанаётган татар йигити эди. У ҳам ҳар доим русча гапиради. Уни ўша “татар врач” даволайди. (Татар қизи шу танкистнинг маъшуқаси экан.) Учинчиси ҳам бир қиз бўлиб, кийиниши жиҳатдан ёнидагиларга ўхшарди. Лекин бир қарашда уни шарқпик деб ўйлаш мумкин эди. Мен кириб саломлашгандан кейин уй эгаси ҳаммамизни ўтиришга таклиф этди. Ҳаммамиз олти киши эканмиз. Уч ярадор ва уч даволовчи врач. Аралашиб ўтирдик. Удод билан танкист ўз маъшуқалари-нинг ёнида ўтирдилар. Мен танимайдиган меҳмон ва мен бир

жойда ўтиридан. Ёнимдаги қизни мен тожик бўлса керак, деб ўйладим. У ҳам менга гоҳ яширин, гоҳ ошкора бир-икки қараб қўйди. Мен эса ҳадеб қарайберишга уялдим. Жим ўтиридан. Уй соҳибаси ўртадаги совуқликни кўтариш учун бизларни таништириди. Мен танимай ўтирган қиз 15-корпуснинг даволовчи врачи экан. Таништириш навбати менга келгандা, ўша қизга қараб: “Ваш земляк”, деб қўшиб қўйди. Шундан кейин ҳалиги қиз:— Сиз ўзбекистоннинг қаеридан? — деб сўради. Мен жавоб бердим. У қиз Самарқанддан экан. Шундан кейин биз ўзбек тилида гаплашиб ўтиридан. Суҳбат асносида бу қизнинг анча ўқимишли эканлигини сездим. Ёши ҳам мендан бир-икки ёнга катта бўлса керак. 1941 йилда мед.институтни тугатган экан. Биз қадрдонлардай суҳбатлашиб ўтиридик. Танкист йигит билан унинг ёнидаги қиз баъзи-баъзида бизнинг суҳбатимизга қўшилиб ўтиришиди. Улар иккаласи ҳам ўзбекчани тушунар ва татарча сўзлашар эдилар. Шу кеча мен биринчи марта русларнинг янги йил кутишларини билдим. Кейинчалик бу байрам бизларда ҳам анъянага айланиб кетди. Шу кеча Галя мени самарқандлик қиз билан таништириш мақсадида байрамга уйига таклиф этган бўлса керак. Менинг бу қиз билан таништиришни ҳам узоқча чўзилмади. 1943 йилнинг 14 январида мени гарнizon комиссиясига чақиришиди. Бу комиссия ҳам ўз корпусимизга келди. Мени кечки пайт чақиридилар. Кирдим. Ўша-ўша олдинги ҳолат. Бизларга қаровчи врач қисқача гапирди. Госпитал бошлиғи ўз фикрида қолган бўлса керак, яна оз-моз келишмовчиликлар бўлди. Шу пайт менинг деломни госпитал комиссари олиб, устига “6 месяц” деб ёзиб қўйди. Буларнинг барчасини кўриб турдим. Шундан кейин менга рухсат беришиди. Чиқиб кетдим. Менга аниқ олти ойга жавоб берилган эди. Мен палатига кириб ўтирганимдан бироз вақт ўтмасдан Удод келиб, мени отпуска (таътил) билан табрижлади. Бу хабарни унга навбатдаги кишини комиссияга чақириш учун чиқсан Галя етказгани табиий.

Ана шундан кейин менинг қайтишим ҳам маълум бўлиб қолди. Менинг уйига қайтишим олдидан госпитал маъму-

рияти менга катта ёрдам берди. Ўн-ўн икки кунга етадиган озиқ-овқат беришди. Шуларнинг ўзи бир халта бўлди. Бундан ташқари яна егулик нарсалар йиғиб беришди. Кўпгина ўзбекистонликлар хатлар ёзиб беришди. Улар уйларига бориб, қариндош-уруғларига салом айтишимни ҳам топширишди. Ҳамма хатларнинг устига адреси ёзилган. Бири Тошкентга, бошқаси Самарқанд, Андикон, Бухорога уйига хат ёзган. Мабодо, уларнинг уйига боролмасам, почтага ташлашим керак. Мен 21 январ куни госпиталдан жўнаб кетдим. 20 январ куни менинг фронтда кийган кийимимни келтириб бердилар. Эрталаб кийиб олдим. Бу ерда мени кузатадиган дўстларимдан фақат Удод қолган эди. Бошқалар мендан илгари жўнаб кетишган. Мени фақат Удод кузатди. Кетиш олдидан мен врачнинг кабинетига кириб, Галя билан хайрлашдим. Мен кирганимда у оппоқ халатда эди. Қўлини юваётган экан. Мени кўриб ҳайрон бўлиб қолди. Чунки мени бундай кийимда у ҳеч қачон кўрган эмас эди. Таниб, жилмайди. Кўнглимдан нима кечганини билмайман. Лекин унинг нигоҳидан уялгани сезилиб турарди. Менинг ярадор қўлимни совуқ ўтмайдиган қофоз билан ўзи боғлаб қўйди. Менга оқ йўл тилади. Хайрлашиб залга чиқдим. Орқамдан залга чиқди. Дала эшик олдида мени Удод кутиб турар эди. Галя ҳам келди. Шу ерда яна бир бор қўлимни олиб хайрлашди. Менинг халтамни Удод олиб далага чиқди. Эшикда январ қори. Совуқ. Мени эса битта от қўшилган чана кутиб турарди. Удод билан қучоқлашини хайрлашдик. Чанага ўтириб, мен жўнаб кетдим. Ҳаёлимни эса ҳали госпиталдан узолганим йўқ...

Чанамиз қор устида олдинга илдамлайди. Биз тезда Скафина марказига етиб келдик. Скафинада темир йўл тармоғи бор экан. Мени олиб келган киши мени темир йўл станциясида қолдириб, ўзи ортига қайтиб кетди. Мен бу ердан поездда Москвадан ўрта Осиёга кетувчи поездлар тўхтайдиган станциялардан бирига чиқиб олдим. Бу станция катта шаҳар яқинида жойлашган эди. Номини эслай олмайман. Шу ерда туриб, Москвадан ўрта Осиёга ўтувчи поездни кутиш

керак эди. Шундай ҳам бўлди. Шу станцияда бир кунга яқин поезд кутдим. Станциядагиларнинг деярли барчаси ярадорлар бўлиб, улар ҳам уйларига қайтишаётганлар эди. Вокзалда қайтувчилар жуда кўп. Уларни ҳарбий комендант тартиб билан жўнатаётган эди. Мени ҳам Москвадан келаётган поездлардан бирига жойлаштириши. Ўрним умумий вагоннинг учинчи полкаси(қаватида) эди. Учинчи полканинг менга рўбарў томонида Ленинград қамалидан чиқсан бир қиз келаётган экан. Иккинчи полкада ҳам биттадан одам жойлашган. Пастки полкада эса одамлам сиққанича ўтириб олган. Йўлакларнинг ҳаммасида одамлар тик турганча кетарди. Иккинчи полкада ёши қирқлардан ошган, кўпни кўрган бир комиссар жойлашган эди. Бу менинг қаршимда жойлашган қизнинг остидаги полка эди. Поездга чиққанимдан кейинги ҳамсуҳбатим эди. Унинг хотини ва болалари Шарққа кўчирилган бўлиб, у ўз оиласини излаб Олмаотага кетаётган эди. Ленинградлик қиз эса Фрунзега, қариндошлариникига кетаётган экан. Поездда одам жуда кўп бўлса ҳам, мен бошқа кишилар билан суҳбат қурганим йўқ. Бу менинг камсуқумлигимдан, торгинчоқлигимдан. Четдан қараганлар эса мени мағрур деб ўйлашади. Ундан эмас. Мен ўстан давр, замон, ҳаёт бизни мағрур бўлишга қўйган эмас.

Вагон тўла одам. Оёқ босгани жой топилмайди. Шу вагонимизда ўн-ўн бешта тожик болалари эътиборимни тортди. Кўриниб турибди, улар жуда оч. Улар Москвадан Тошкентга қайтаётган эдилар. Уларни Армияга юборишган экан. Москвадан эса ёши тўлмагани учун қайтариб юборишибди. Болалар озиб-тўзиб кетган. Уларга раҳмим келди. Халтамдаги нарсаларимдан тамадди қилишлари учун бердим. Шушу улар билан яқин бўлиб қолдик. Ҳар куни менинг кичкина дўстларим менга кўринадиган жойда турадилар. Комиссар менга ҳазиллашиб:—қўшни, болаларинг келишди, —деб ҳам қўяди. Шундан кейин мен халтани очиб комиссарга узатман. Болалар унга яқинроқ. У болаларга биттадан сухари (қуритилган нон бўлаги) тарқатади. Шундай пайтда комиссар менга қаради-да, қизни кўрсатиб, унга ҳам бер, деган

ишорани қилди. Шундан кейингина қизнинг ҳам очлиги эсимга тушди. Ахир у ҳам биз билан бирга келяпти-ку! Унга ҳам сухаридан бир дона узатдим. Лекин у ҳеч нарса олмади. Комиссар икковимиз уни зўрға бирор нарса ейишга кўндиридик. Бу қиз ўз иши билан бизнинг олдимиздан чиқиб кетганида комиссар мени танқид қилди. Чиндан халтамда шунча нарса бўла туриб, қизга бирор нарса бериш ҳақида ўйламабман ҳам. Шундан кейин то манзилимга етиб келгунча, қизга егулик нарсалардан бериб турдим. Шу аҳволда биз бир амаллаб ўрта Осиёга кириб келдик.

Поезддаги, у ердаги аҳвол, манзара ҳали-ҳали кўз ўнгимдан кетмайди. Айниқса, поездни бит босиб кетганини ўйлаганимда, ғалати аҳволга тушаман. Поездни, унинг ичидаги кишиларни ҳам бит босган эди. Ҳеч ким унга қарши курашиб кераклиги ҳақида қайғурмасди. Битлар поезд тахталарида қумурсқадай ўрмаларди. Кишиларнинг устки кийимларида ҳам бемалол ўрмалаб юрарди. Бунга ҳеч ким парво қилмасди. Эҳтимол, чораси йўқлигидан ўзларини шундай тутишаётгандир. Биз, хусусан мен келгунча, шу битлар билан олишиб келдим, десам хато бўлмас. Поездимиз Куйбишевдан ўтиб, қозоғистон чўлларига чиқди. Йўл юришимиз яна қийинлашди. Темир йўлни қор босиб қолган. Поезд юра олмай тўхтаб қолди. Олға юришга ҳеч илож бўлмади. Уч кеча-кундуз очиқ майдонда туриб қолдик. Энди ёрдам кутишдан бошқа иложимиз қолмади. Ёрдам орқа томондан эмас, оддиндан келди. Йўлнинг қор босган, музлаган жойларини тозалаб, аскарлар бизга йўл очиб берди. Ана шу ерда сухари тарқатиш бошланган эди. Йўл очилиб, поезд ўрнидан жилди. Қозоғистон чўлларида кетяпмиз. Туркистон то монга яқинлашган сари қор камайиб, ҳаво очила бошлади. Кундуз соат ўн-ўн бирларда поездимиз Туркистонга етиб келди. Шу поездга чиққанимиздан буён биринчи марта Туркистонда ерга гущдим. Туркистонга тушганимда ҳаво очиқ эди. Вокзалда уни-буни сотувчилар бор эди. Мен улардан бир неча бўлак қовунқоҳи сотиб олдим. Бу менинг урушга кетганимдан буён ўрта Осиё мевасидан биринчи марта та-

тиб кўришим эди. 1942 йил Ковров ўрмонида Аҳмедов билан бирга еган майиз ва фўлин эсимга тушиб кетди.

1943 йил 1 феврал куни Арис станциясига келиб тўхтадик. Кун совуқ. Изфирин баданни чимчилайди. Биз тушган поезд шу ердан Шарққа кетиши керак эди. Биз эса (анчагина одам) жанубга – Тошкент томонга кетишимиз керак. Поезд кетишидан олдин менинг ёнимда келган ленинградлик қиз пастга тушиб мен билан хайрлашди. У Фрунзега кетаётган эди. Поезд сигнал бериши билан у қўлимни қаттиқ сигиб, хайрлашди. Менинг йўлда оч қолмаслигимни ўйлаб, халтамни озиқ-овқат билан тўлдирган, ўзлари узоқларда қолиб кетган дўстларимдан ич-ичимдан жуда хурсанд бўлдим. Поезд юриб кетди. Изфирин кучайиб бормоқда. Вокзалга одам сифмайди. Кўпчилик Москвадан келадиган Тошкент поездини кутяпти. Мен ҳам шулардан бириман. Поездда танишган кишиларимнинг ҳаммаси кетиб, яна ёлғизланаб қолдим. Атрофимдаги шунча одамдан бирортасини ҳам танимайман. Поездни кутяпмиз. У эса кечқурун қоронғи тушганда келди. Билетларимизни ҳеч ким қайд қилиб ҳам ўтирамади. Поезд бирор кишини олиб кетмоқчи эмас. Бирорта вагоннинг эшиги очилмади ҳам. Вагонлар лиқ тўла. Нима қилишим керак. Поезддан қолиб кетиб ҳам бўлмайди. Бир ҳарбий киши менинг фронтдан қайтаётганимни билиб, биргаликда кетамиз, деди. Поезд юрай деганида, икки вагон оралиғига кириб олди-да, менинг ҳам қўлимдан тортиб ўша ерга чиқарди. Поезд ораликлари ҳам бирпасда одам билан тўлди. Буларни ҳеч ким тушириб юбормас, туширишга ҳарарат қиласидиган одамнинг ўзи йўқ эди. Кун жуда совуқ. Бу совуқнинг кучи поезд юргандан кейин янаем кўпроқ билинди. Одамнинг бу изфирин совуққа чидаш бериб туриши мумкин бўлмай қолди. Поезд оралиғидаги кишилар аввалига, поезд юргандан кейин вагонларнинг эшиклари очилар, деб ўйлаган эди. Афсуски, бундай бўлмади. Энди ҳарбий кишилардан бир нечтаси эшикни бузишга киришдилар, эшикларни қаттиқ уришга тушдилар. Шундан кейин проводник эшикни очди. Вагон ичи лиқ тўла бўлнишига қарамасдан.

Ҳаммамиз вагонга бир зумда кириб олдик. Бир оз исигач, ўзимга келдим. Вагон ичидә ўтиргани ҳам жой йүқ эди. Шу аҳволда 2 феврал куни Тошкентга кириб келдик.

## ТОШКЕНТДА

Тошкентга иккинчи сафар келишим. Биринчи марта бир йил илгари фронтга кетаётганимизда бу шаҳарда бўлган эдим. У вақтда мени уруш кутаётган эди. Ҳозир эса уйга қайтаяпман. Олдинда нималар бўлиши қоронғу. Булар ҳақида узоқ ўйлашга ҳам илож бўлмади. Кишилар оқими мени ўз гирдобига тортиб кетди. Қиладиган ишларим ҳам ойдинлашиб қолди. Мен 21 январдан бўён ҳали талонларимни ишлатганим йўқ. Озиқ-овқат оливолишим керак. Бўлмаса куйиб кетади. Ҳалтам ҳам бўшаб қолган. Мен ҳам озиқ-овқат оладиган жойни изладим. У вокзалдан узоқ эмас экан. Вокзалдаги трамвай изидан ўтдик. Ҳарбийларга озиқ-овқат бериладиган дўконлар бор экан. Мен талонларимга нон олдим. Яна колбаса, шакар ва қуритилган балиқ ҳам беришиди. Ҳалтам яна тўлди-қолди. Энди госпиталда қолган дўстларимнинг топшириқларини бажаришим керак. Ҳат бериб юборганларнинг бири Тошкентдан, иккинчиси самарқандлик, учинчиси андижонлик... Хўш, булардан ҳар бирининг уйига бора оламанми? Избосканлик йигитга хатини почтадан юборишими айтганиман. Самарқандлик қиз ҳам уйига боришим шарт эмаслигини, хатни Самарқанд вокзалидан почтага ташлашимни илтимос қилган эди. Бироқ тошкентлик йигит уйига боришимни ва унинг саломини ўзим етказишимни қаттиқ илтимос қилган эди. Кўп ўйланиб туриб, бу йигитнинг уйига бормасликка қарор қилдим. Чунки менинг уст-бошимда мингтадан ортиқ бит бўлса керак. Буни орқалаб, кимнинг уйига бораман. Тошкентга тушгандан кейин шинелнинг устидагиларини супуриб ташладим. Лекин ички кийимлардагини йўқ қилишнинг иложи йўқ. Бу аҳволга тушган бир мен эмас. Ҳамманинг аҳволи шу. Ҳеч ким ҳеч кимга қарамайди. Шундай бўлсада, бирорвнинг уйига боришга уялдим. Ҳамма хатларни

Тошкент вокзалидан почтага ташладим. Карманалик йигитнинг хати ўзимда қолди. Энди кетишга тайёрланиш кепрак. Биз уйга кечқурун жўнайдиган бўлдик. Одам жуда кўп. Мен ҳам шу кўпчиликнинг бири бўлиб, анча қийинчиликлар билан поездга чиқиб олдим. Тошкентда Конимехлик бир бола билан учрашиб қолган эдим. У “Жингилди” совхозидан экан. Илгарилари бу болани Конимехда бир-икки марта кўрган эдим. Поездга иккаламиз бирга чиқдик. У бола ҳам Москвадан ўрта Осиёга кетувчи мен чиқсан поездда келаётган экан. У мени Россияяда поездга чиқаётганимда кўрганини айтди. У билан гаплашиб ўтиридик. Бу поезд ҳам битга тўла эди. Тунни поездда ўтказиб, эрталаб Кармана (ҳозирги Навоий) станциясига тушдик. Ерда қирпириққина кор бор эди. Ҳаво ҳам унча иссиқ эмас. Поезддан тушганимиздан кейин Кармана (Навоий)га кетиш учун арава кутдик. Машина йўқ эди. Арава ҳам бўлмади. Шундан кейин биз уч киши бўлиб, Конимех районидаги колхозларнинг станцияларига бориб арава изладик. Поезддан тушганимизда, бир киши олдимизга келиб:-Солдатлар, қаерга борасизлар? – деб сўради. Бизнинг Конимехга боришимизни билгач, бизларга йўлбошловчи бўлиб олди. У кишининг фамилияси Медовбоев эди. Ўзи эса ҳарбий қисмларга одам олиб бориб, топшириб қайтаётган экан. Бизлардан уч-тўрт ёш каттага ўхшарди. У киши ҳам бизлар билан бирга бир нечта саройга борди. Саройбонлар Конимехга ҳафталаб арава бўлмаслигини айтдилар ва оёқларингиз соғ булса, пиёда кетаверинглар, дейишди. Медовбоев уларнинг маслаҳатига қўшилди. У кўп келиб-кетиб юргани учун ҳам улов бўлмаслигини бурундан билар экан. Учовлашиб эрталаб чойхонадан чой ичиб олдик-да, йўлга тушдик. Соат ўн бирларда Кармана марказига етиб келдик. Бу орадаги йўл саккиз километр эди. Бу йўлда унча қийналмадик. Карманада ҳам бирор арава ёки бошқа нарсани кутиб ўтиришнинг фойдаси йўқ эди. Шунинг учун ҳам овқатланиб олдик-да, “Қайдасан, Кармана?” – деб йўлга тушдик. Бу йўлда бирорта уловни ҳам, бирорта одамни ҳам учратганимиз йўқ.

Бу йўллардан ҳафталаб одам юрмаган бўлса керак. Йўлнинг бошида анча яхши юриб кетдик. Зарафшон дарёсидан хурсанд бўлиб ўтдим. Бундан бир неча йил олдин шу дарёдан ўтиш яна насиб қиласими-йўқми, деган хаёл билан ўтган эдим. Худога шукур. Мана яна ўзим туғилиб ўсган масканга қараб кетяпман. Бу қувончни тасвирлай олмайман. Гарчи мамлакатда уруш давом этаётган бўлса-да, бу қадрдан жойларни қайта кўрганимда кўнглим тоғдек кўтарилиди. Бу ердаги сокинлик урушдан мени жуда узоқлаштириб қўйган-дек бўлди. Зарафшондан ўтгандан кейин чапга бурилиб, Конимех йўлига тушдик. Бу йўлимизда Янгиқўргон билан Зарафшон ўртасида Охунбобоев номли колхоз бўлиб, унинг идораси йўлнинг шундайгина Конимехга кетишида ўнг томонида эди. Шу қишлоқлик бир киши ҳам менга хат бериб юборган эди. Хатни колхоз идорасига олиб кириб беришимни илтимос қилганди. Уйи эса идоранинг рўпарасида бўлиб, хатни олган одам уни уйимдагиларга албатта олиб чиқиб беради, деб ишонган ва мени ҳам ишонтирган эди. Мен ҳамроҳларимни йўл четида қолдириб, ўзим идорага кирдим. Берилган омонат хатни кимга бўлса ҳам топшириб кетмоқчи бўлдим. Бахтимга, идорада колхоз раисининг ўзи бор экан. Мени яхши кутиб олди. Ҳол-аҳволимни сўради. Қаердан келаётганим, қаерга кетаётганимни суриштириди. Мен пайт пойлаб, ўзимга сўзлаш навбати келганда, мақсадга ўтдим. Хатни чиқариб, раиснинг қўлига бердим. Мен хатнинг кимга ёзилганига қарамаган ҳам эканман. Раис хатни олиб адресига қаради-да, анча афсусланиб, хафа бўлди. Раисдаги ўзгаришни назардан қочирмадим. Мен унга савол назари билан боқдим. Раис эса:—Бу йигит хатни онасига ёзмай, хотинига ёзибди. Афсуски, хотини у урушга кетгандан кўп ўтмасдан эр қилиб кетган, - деди.

Мен раисдан хатни қайтариб олмадим. Менинг вазифам тугаган эди. Бу хатни раис кимга хоҳласа, шунга берсин. Бу хат згасини топадими? Ёки раиснинг чўнтағида йиртилиб кетадими? Бу томони менга аён эмас. (Шу хатни бериб юборган кишини урушдан кейин шу колхозда кўрдим. У

ҳам ўша яраланганича урушдан қайтган экан. Мен раисга топширган хат ҳақида сўз очилган эмас.)

Колхоз идорасидан анча оғирлашиб, хафа бўлиб чикдим. Бу ўзгаришни ҳамроҳларим ҳам сездилар. Воқеани уларга ҳам айтиб бердим. Уларнинг ҳам кайфияти ўзгарди. Биз ҳамон йўлдамиз. Бу ердан чиққанимиздан кейин менинг юришим анча секинлашди. Оёғимни кўтариб юриш қийин эди. Ўзимни мажбурлаб, қадам ташлардим. Қоражон қишлоғига яқинлашганимизда юришим яна ҳам қийинлашди. Мен ёнимдагиларга тез-тез ўтириб дам олишни таклиф киламан. Лекин Медовбоев бунга кўнмайди. Мен госпиталда кўп юрмай қўйган эканман. Агар юрмай ўтириб қолсам, кейин умуман юролмасдан қолишимни Медовбоев таъкидлайди. Шундан кейин яна юриб кетаман. Қийнала-қийнала Конимех билан қоражон ўртасидаги баландлик – қирга чиқдик. Шу пайт Медовбоев менга аста-аста юришни топшириб, ёнимдаги шеригимга менинг дам олишимга йўл қўймаслигини тайинлаб, ўзи тоғамдан суюнчи олишга, оғайнilarимни қувонтиришга шошиб, биздан илгарилаб кетди. Мен қирнинг тугаш жойида, Шомурод Валламатнинг ҳовли жойларида яна ўтирдим. Овқатланишни баҳона қилиб, шеригими ҳам ўтиргиздим. Иккаламиз бир дона тузланган балиқни нон билан еб олдик. Кейин шеригим мени қўлимдан тортиб турғазди. Ўрнимдан зўрға турдим. Оёқларимни жуда авайлаб, аста босдим. Икки оёғимнинг ости қавариб, ёрилиб яра бўлиб кетган эди. Аслида мен ўтириб овқатланиш учун эмас, балки юра олмаганлигимдан тўхтаган эдим. Кўпроқ ўтирсам, туриб юра олмаслигим аниқ эди. Шунинг учун ҳам ёнимдаги ҳамроҳим менинг ўтиришимга йўл қўймасди. Минг азоб-уқубат билан она қишлоғим Тўқманғитга етиб келдим. Шу пайт қишлоқ томондан икки кишининг биз томонга гоҳ чопиб, гоҳ юриб келаётганлиги кўринди. Мен ҳам оёқларимни дадил босиб юришга ҳаракат қилдим. Мен ҳозирги заводга қайтадиган айланмадан районга қараб бурилганимда, келаётган кишиларни танидим. Каттаси Ориф тоғам, иккинчиси Холбой амакимнинг ўғли Худойқул эди. Тоғам

катта-катта қадам босиб. Худойқул эса чопиб келарди. Уларни күриб, анча дадиллашдим. Лекин оёғим қаттиқ азоб беріб турарди. Худойқул укам билан құчоқлашиб күришиб бўлганимиздан кейин тоғамнинг менга берган биринчи саволи ҳам оёғим ҳақида бўлди: – Оёғингдан яраландингми? Нега юролмаяпсан? – деб сўради у.

Мен уларнинг кўмаги билан юра бошладим. Орқамдаги солдатлик халтамни Худойқул кўтариб олди. Тоғам бир қўлтиғимга, Худойқул иккинчи қўлтиғимга кириб менга ёрдам бера бошладилар. Бизлар шу аҳволда ҳовлимизга яқинлашяпмиз. Ҳозирги ҳовлимизнинг қун чиқиш томонидан оқадиган Беглик ариқнинг яқинига келганимизда, қишлоқда қолган оғайниларимнинг ҳаммаси мени кутиб туришарди. Булар орасида мен биринчи бўлиб Жумабой тоғамни танидим. У киши кўзларидаги ёшни артиб менга қарши чиқди. Янгам, укаларим Жўрабой, Раҳмат. Яна шу ерга яқин турадиган ҳамсоялар ҳам бор эди.

## ҚАРИНДОШЛАРИМ ОРАСИДАМАН

Тоғам ва янгам мени ўша аввалги пайтлардагидек, худди ўз боласидай куттиб олишди. Бу пайтда фронтдан хонадонинг одам қайтиб келган кишидан баҳтироқ киши йўқ. Шу куни тоғамнинг хонадони ҳам ана шундай баҳтиёр хонадонлардан бирига айланди. Мен туфайли ҳамма қариндошлар тоғамнинг уйига тўпланди. Мен ҳам ўзимда йўқ шод эдим. Шу кечанинг қандай ўтганини ҳеч хотирлай олмайман. Уйимизга келганларнинг кўпчилаги хурсанд бўлиб ўтирган бўлсалар, баъзилар ғамгин, кўзларида ёш билан ўтирилар. Чунки кўпчиликнинг уйига “қора хат” келиб улгурган эди. Айримларининг фарзандларидан мутлақо хабар йўқ...

Шу кеча энг баҳтиёр кишилардан бири тоғам эди. Тоғам шу пайт қирқ уч ёшда эдилар. Унинг учта фарзанди бўлиб, мен эса уларнинг каттаси – тўртинчиси эдим. Тоғам мени ўз фарзандаларидан кам кўрмасди...

Нон масаласи жуда қийин бўлган пайтлар. Қатъий карточка системаси. Ишлаган кишига 600 грамм, ишлама-

ганларга 400 граммдан нон берилар эди. Бошқа жойда нон топишнинг сира иложи йўқ. Бозорларга жуда камдан-кам вақтларда дон олиб тушилар эди. Шундай бир даврда солдат тўйи қилиш ҳам қийин эди. Мана шундай бўлса ҳам фронтдан келган кишиларнинг ота-оналари, қариндошлари ўз жигаргўшаларининг келган кунларини бир амаллаб бўлса-да, нишонлар эдилар. Хурсанд бўлган кишилардан яна бири Нусқа янгам эди. У киши худди ўз ўғли урушдан келгандай атрофимда гирдикапалак. Мен шу оиласга келибманки, улар менга она ўрнида она эдилар. Менинг отимни сира айтган эмас, ҳар доим “жиян бола”, деб чақиравдилар. У кишининг бирор топшириғини бажармай ё гапига қулоқ солмай кетиб қолган эмасман.

Уйга келиб менинг биринчи қилган ишм кийимларими-ни алмаштириш бўлди. Кийим-бошимнинг аҳволини янгамдан яширганим йўқ. Бир-икки соат ўз кийимимда ўтиргудек бўлсам, иссик печда ҳаммаёқни бит босиб кетиши аниқлигини яшириб ўтирганим йўқ. Янгам тоза кийимларимни берди. Кийинишга қийналганимда, кўмаклашиб ҳам юборди. Ҳуллас, тоза кийимларни кийиб, кечқурун укаларим қуршовида ётиб кечани ўтказдим. Яна шуни таъкидламоқчиманки, 1943 йиллар бутун мамлакатда, шу жумладан, бизнинг Конимехда ҳам шароит жуда оғир эди.

Мен ҳамма қариндошларимни кўрдим. Лекин келганимдан буён кўнглим безовта бўлиб, бир кишини кўришни истаётганимни ич-ичимдан ҳис қилардим. Бу фақат ўзимга аён. Бирорга айтолмайман ҳам. Бошқалар буни сезмасдилар ҳам. Уларга бунинг қизиги ҳам йўқ... Мен уни кундузи ўн бир ёки ўн иккилар атрофилда кўрдим. Район марказини айланиб келиш учун, иложи бўлса, район ҳарбий комиссариатига учрашиш учун уйдан чиқдим. Бу келган кунимнинг иккинчи ёки учинчи куни эди. Конимех унча катта жой эмас. Бор-йўғи битта катта кўча ва бир нечта майда кўчалардан иборат. Ленин номидаги катта кўча бўйлаб район марказига қараб кетяпман. Район маркази деганимиз, Конимех рудининг кўприги ўрнатилган жойлар ҳисобланади. Районнинг бош

идоралари шу кўприкнинг ёнидан боришидаги чап қўл бинода жойлашган эди. Бу бинода кўп вақт райком, райисполком иш олиб борди. Марказ деганимиз шу бинонинг рўпарасидаги кичкина майдон бўлиб, бу майдон ўртасида сув сотадиган дўкон бор. Орқаси ҳозирги кунда дорихона. Мен шу сув дўконига қараб борар эканман, бозор томондан шу сув дўконига қараб, яъни мен томонга Сабоҳат юриб келмоқда эди. Менинг уйга келганимдан бўён кўришни истаётганим – ўша эди. Бизнинг учрашмаганимизга ҳозир бир йилга яқин вақт бўлган эди. Лекин бу вақт ичида хат ёзишиб, бир-биrimizning ҳолимиздан хабардор бўлиб турган эдик. Бизнинг бу учрашувимиз ҳарбий хизматдан қайтган йигит билан йўл устида тасодифан учрашиб қолган қизнинг учрашви эди. Саломлашдик. Сўрашдик. Иккаламиз икки томонга қараб кетдик. Биз икки-уч дақиқадан ортиқ сўзлашиб туролмасдик. Чунки “гаранг чолининг қизи билан Жумабойнинг жияни кўчада сўзлашиб турибди”, деган гапнинг тарқалиб кетиши ҳеч гап эмасди. Биз иккаламиз ҳам мана шундай ортиқча гаплардан қўрқиб, тезда икки томонга қараб кетдик. Бўлмаса, Сабоҳат ҳам, мен ҳам узоқ гаплашиб турини жуда-жуда истар эдик. Лекин кўчада бирорнинг эътиборига тушишдан ҳайиқардик, тўғрироғи, уялардик.

Мен бу эсдаликни ёзар эканман, унда бирор андишасиз сўз, ибосиз мисра бўлишинни хоҳламайман. Бироқ ҳакиқатдан ҳам кўз юммоқчи эмасман. Мен ҳарбий хизматдан қайтиб келган пайтимда дўстим Идрисов Аҳмад ўз уйидаган бўлиб, уйланган ҳам эди. Қариндошларимдан кейин менинг борадиган уйим – шу Аҳмаднинг хонадони эди. У Қўйбоқарова Парнеш деган қизга уйланган. Ўша Парнеш Сабоҳат билан бирга ўқиган. Унинг дугонаси экан. Парнешнинг кўнгли жуда очиқ. Парнеш орқали анча вақтгача Сабоҳат билан гаплашиб турдим.

Бу гаплар ўз йўлига-ю, мен тоғамнинг уйидаги турсам ҳам, ишлашим керак эди. Армиядан келгандан кейин ҳам тоғамнинг мени боқиши инсофдан эмас эди. Шунинг учун ҳам бир ишнинг бошини тутишга ҳаракат қила бошладим.

Нима иш қилишни ҳам билмасдим. Ишлайман, деб юрган кезларимда, райпода умумий овқатланишга бошлиқ бўлиш иши чиқиб қолди. Ўйлаб туриб, бу ишга кирмадим. Чунки мен тоғам ишлаб турган жойга (тоғамга) бошлиқ бўлиб юришни сира-сира хоҳламасдим. Ундан кейин ҳамманинг фикри-зикри овқат бўлган бу замонда мен райпода бу ишнинг уддасидан чиқолмайман. Бу иш менга тўғри келмади. Ишламадим. Дўстим Идрисов ДОСААФда бошлиқ эди. У райпога ишга кетди. Мен эса унинг ўрнига ишга кирдим. ДОСААФнинг асосий вазифаси ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш. Бу ерда менинг ишим унча юришмади. Мамлакатда уруш кетаётган бу йилларда армияга одам тайёрлайдиган эмас, балки яроқли одамнинг ҳаммасини ҳарбий комиссариат урушга жўнатаётган бир пайт эди. Бу ерда ишлашим нон карточкаси олишдан нарига ўтмади. Лекин ишлаб турган жойингни ташлаб кетиб бўлмайди. Мен ишлашин давом эттиравердим. Ана шундай кунларда уйлашиб мажороси ҳам чиқиб қолди. Бу муаммо оиласизда асосий масалага айланган эди. Гўё шундан бошқа иш йўқдай. Аслида эса, бунинг ҳам баъзи сабаблари бор. Булар ҳақида ҳам айрим тафсилотларни айтиб ўтмоқчиман.

Конимех деганлари кичкина жой. Кишилар бирор янгилик топиб олсалар, кечаю кундуз шуни гапирадилар. 1943 йилнинг март ойларида бу ердагиларнинг гали Жумабойнинг жияни Солиҳ билан гаранг чолнинг қизи – Сабоҳатдан нарига ўтмади. Мен ҳарбий хизматдан қайтганимдан кейин Фиждувон ва Вобкент, Занданидаги қариндошларимни кўргани кетдим. Бу қидиришларим ўн-ўн икки кунларга чўзилди. Шу пайт районимизда ҳар хил миш-миш гаплар тақалиби. Эмишки, тоғам менга Сабоҳатни олиб бермаганилиги учун мен уларга аччиқ қилиб, кетиб қолган эмишман. Бу мутлақо нотўғри. Менинг шу қидиришга кетгунимгача уйланиш ҳақида ҳеч қандай гап бўлган йўқ эди. Бу кетишим менинг уйланишимни тезлаштириди. Бу пайтда менинг энг яқин кишиларим – Ориф тоғам ва Жумабой тоғам эдилар. Менинг Сабоҳат билан гаплашиб юрганим уларга маълум.

Буни янгам ҳам билади. Янгам 1941 йили мени күргани борганида, Сабоқатнинг тоғаси уйида ётиб ҳам келган эди. Янгаларимни мен унга қўшиб, қариндошларидан бирортаси-никида тунашларига ёрдам беришини илтимос қилган эдим. Үшанда янгамнинг кўнглига “буларнинг танишлиги бежиз бўлмаса керак”, деган фикр ҳам келгандир. Эҳтимол, икки тоғам ва янгам мени ўзлари хоҳлаган қизга уйлантироқчи бўлиб юргандирлар. Бу мен армиядан қайтганимдан кейин маълум бўлиб қолди. Жумабой тоғам ўзининг қишлоқдаги бир жўраси Ҳақбердиев Нурназар аканинг (иккаласи ҳам 1900 йилда туғилган) қизини олиб беришини орзу қилиб юрган экан. Ориф тоғам ҳам чўлдан бир қизга уйлантираман, деб у қизнинг отасига айтиб ҳам қўйган экан. Янгамнинг ҳам бир қизни мўлжаллаб юргани аён бўлиб қолди. Лекин янгам ундан осонгина “воз кечди”. Тоғаларимнинг эса ўз “номзодлар”ини қайтиб олишлари анча қийин бўлди. Мен меҳмондорчиликда юрган кезларимда, уларнинг учаласи маслаҳатни бир ерга қўйиб, келишим билан ишни бошлаб юбормоқчи бўлган эканлар. Мен меҳмондорчиликдан келган куни моқ, улар мени ўртага олдилар. Жуда кўп “можаролар” бўлди. Мен: – Сабоқатдан бошқасига уйланмайман, – деб туриб олдим. Тоғаларим менга насиҳат қила бошладилар. Мени урганлари ҳам, сўкканлари ҳам йўқ. Лекин ўзларининг фикрларини ўтказиш учун қаттиқ туриб олдилар. Жумабой тоғам: – Мен Нурназарга қуда бўламиз, деб айтиб қўйган эдим, қандай бўлади, у ҳозир колхоз раиси, яхши бўлмайди. Сен уйланаман, деган қизнинг ота-онасини биз танимаймиз. Қандай қилиб, қуда бўламиз, бу ишимиз анча қийин бўлади. Одамларнинг айтишича, у бой қиз, гаранг чолнинг эрка қизи экан. Бизнинг оиласига бош қўшадими-йўқми, буни ҳам билмаймиз. Шу ишимизнинг охири яхши чиқмайдими, деб қўрқаман, – деса, Ориф тоғам: – Мен фалончининг қизи учун йигирмата қўй қалин тўлаб қўйганман, шу қизни келин қила-миз, – деб мени куйдирарди. Шу куни ярим кечасигача бу масалани ҳал этолмадик. Жўрабой, Раҳмат уй юзида думалаб ухлаб қолган. Уларни совқотмасинлар, деб янгам усти-

ларига нарса ҳам ёпиб қўйибди. Кичик қизлари Маликани эса бешикка бойлаб ташлаган. Мен қанча уринмай, уларга ўз фикримни ўтказолмай турибман. Жума тоғамга қараганда ҳам Ориф тоғам ўз сўзларида қаттиқ туриб олган. Вакт алламаҳал бўлиб қолган. Тоғаларим олдида йўнаб-кулиб юрадиган мен ўзимни жуда ожиз сездим. Қандай қилиб, кўзимдан ёш чиқиб кетганини ўзим ҳам сезмай қолибман. Менинг бу ҳолимни биринчи бўлиб Жумабой тоғам сезди. Бу пайтда Ориф тоғам қаттиқ-қаттиқ гапираётган эди. Нималар деяётгани эса қулогимга мутлақо кирмасди.

Жумабой тоғам укалари Ориф тоғамга қараб— қани, Ориф, гапни қўй! —деди. Бу ҳаммамиз учун буйруқ эди. Уй ичи сув сепилгандай жим бўлиб қолди. Шунда Жумабой тоғам:— Солижон! Отанг ўрнида мен сенга рухсат бераман, ўзинг хоҳлаган қизингга уйлан, —деди.

Бу гап шу кечадан қолиб тортишган гапларимизнинг якуни эди. Тоғамнинг бу сўзларидан кейин мен қанчалар қувонганимни ўзим ҳам билмайман. Тоғам, эртага шу қизнинг уйига совчи қилиб одам юборишларини, қуда тушишларини, агар қизини бермаса, яна бир гап бўлишини айтди. Шу пайт Ориф тоғам ўрнидан туриб, ҳеч кимга қарамай, ҳеч ким билан хайрлашмай чиқиб кетди. Эртасига ҳам, индинига ҳам келмади. Кейин эшитсан, Янги ғозғонга кетиб қолган экан. Бу пайтгача Ориф тоғам колхоз қўй фермасида ишларди.

Шу кечаси ўтказилган оила мажлисидан кейин уйланиш тараддуни бошланиб кетди. Мана шундай пайтларда оғайни — жонкуяр кишинг бўлгани яхши экан. Тоғам қудаликка бориш учун қувват тоға Турдиевни ҳамда менга отам томонидан қариндош бўлган Қурбонов Асил акамни танлади. Булардан бошқа борадиган одамимиз ёки ишончли кишимиз ҳам йўқ эди. Булар бир-икки бориб келдилар. Рўмол ҳам олиб келдилар. Келинни тушириш тайёргарликлари ҳам бошланиб кетди. Сабоҳатхоннинг онаси қизининг кўнгли менда эканлигини билган. Қизи билан гаплашган бўлсалар керак. Ҳар қалай розилик берганлар. Шу ерда

ёзаётгандарим бироз мужмалроқ. Чунки бу ишларнинг бирортасида ўзим қатнашолмаганман да. Нихоят, қизни тушириб келадиган кун ҳам белгиланди. Бу 1943 йилнинг 18 март куни эди.

Бу куни келин олиб келишга фақат икки киши – мен ва Асил акам бордик. Тоғам келинга қуруқ борманглар, деб Асил акамнинг қўлига ўша пайтнинг пули билан минг сўм берди. Катта бир дастурхонга кулча ва патирларни бойлашди. Қоронғи тусиши билан биз келинни олиб келиш учун Сабоҳатларникига жўнадик. Бу пайтларда бизда келинга қалин бериш одати йўқ эди. Қизнинг отаси уйида ҳам тўй қилиниб, қиз узатилмасди. Агар булар ошкора бўлса қиз олган томон ҳам, қиз берган томон ҳам жавобгарликка тортиларди. Ана шунинг учун ҳам қиз олиб келгани гарчи отонаси рози бўлса ҳам, яшириниб, кечаси икки киши бордик. Сабоҳатларнинг ҳовлиси қурама қишлоғининг мен юқорида айтиб ўтган aka-ука Шомурод ва Хўжамурод қассоблар ҳовлисида жойлашган эди. Бу хонадонга мен шу пайтгача бир марта ҳам кирган эмасман. Бир пайтлар бўлиб ўтган нос воқеасида ҳам бирорвнинг кўмагидан фойдаланган эдим. Бугун ҳам менга бу дарвозадан ичкарига кириш насиб қилмади. Ҳафизов Садоқ бобонинг, Сабоҳатнинг отаси, менинг қайнотамнинг дарвозаси катта бўлиб, ундан битта от бемалол кириб чиқа оларди. Асил акам дастурхонни кўтариб, менга дарвозадан ташқарида туришни амр этиб, кириб кетди. Ичкарида нималар бўлиб ўтганини билолмайман. Ташқарида эса Сабоҳатларнинг бойланмаган кучуги юрган экан. Бир пайт шундай бостириб келиб, ўзини устимга ташлади, мени гажимоқчи бўлди. Аввалига нима бўлаётганини тушумай қолдим. Яхшиямки, ит бирданига юзимга оғиз солмади. Бу пайтда ўнг қўлим ҳали яхши ишламайди. Итга қарши чап қўлим билан курашишга тўғри келди. Мен уни бир қўллаб қайтара олмайман. Ҳеч ўйлаб ўтирмасдан, чап қўлим билан итнинг бўғзидан хиппа бўғиб ушладим. Бир томондан эса қаттиқ қўрқув ҳам бор. Бирдан қутула олмаслигини сезибми, ёки нафаси бўғилибми ит жим қолди. Лекин мен

қўлимни бўшатганим йўқ. Шу пайт дарвозадан чиқиб келаётган қиз боланинг товуши эшитилди:—Язна, кучугимизни ўлдириб қўйманг, — деди у. Шунда ҳам мен итни бўшатмадим. Бўшатсам, тишлайди, деб ўйлайман. Ичкаридан чиқкан қиз Сабоҳатнинг савоби синглиси, Садоқ бобонинг асрорди қизи, қосим тоғанинг қизи эди. У ёнимга келиб тўхтади-да:— қўйиб юборинг, боғлаб қўяман, — деди. Менинг қўлимдан қутулган ит думини қисиб, ҳовлига кириб кетди. “Боғлаб қўяман”, — дея ҳалиги қиз — Рўзима ҳам кириб кетди. Ўзим яна ёлғиз қолдим. Итни боғлаб қўйишган бўлишса керак. У қайтиб чиқмади. Рўзиманинг ўзи чиқиб, мендан хабар олиб турди. Лекин мени ичкарига ҳеч ким таклиф қилмади. Ўтаётган дақиқалар мен учун соатларга teng эди. Вақт ўтиб бораяпти. Мен ҳали ҳам ичкаридан бирор киши чиқиб мени таклиф қиласб қолар, —деган умидда ўтирибман. Бир маҳал дарвоза очилди. Ичкаридан аввал акам, ундан кейин Сабоҳат чиқиб келишди. Мен уларнинг олдига бордим. Акам:—Юринглар,—дэя бизга буйруқ оҳангига гапирди-да, ўзи олдимизга тушиб кетди. Биз акамнинг ортидан йўлга тушдик. Акам тез-тез юриб, бизлардан узоқлаб кетди. Сабоҳат билан мен ошиқмасдан жуда секин юриб боряпмиз. Иккаламиз ҳам товуш чиқармаймиз. Орқадан Садоқ амакининг биздан норози оҳангдаги овози эшитилди. Уни юпатаётган Омон бобонинг овозини ҳам эшилдик. Иккаламизнинг ҳам диққатимиз шу овозларга қаратилган эди. Бизнинг йўлиминиз ҳозир Раҳмат ўтирган ҳовлининг ўринидаги пахта ерларининг ўртасидаги йўл эди. Анча юргандан кейин Сабоҳатнинг совуқ еганини сездим. Март ойининг ўн саккизинчи кечаси. Ҳаво анча совуқ ва нам эди. Сабоҳатнинг устида бир оқ кўйлак ва бир костюмдан бошқа ҳеч нарса йўқ эди. Устимдаги шинелимнинг чап енгини ечиб, уни шинелга ўраб олдим. Бу ишимга Сабоҳат қаршилик кўрсатмади. Лекин, отонасининг уйидан кетаётганига бўлса керак, унинг кўнгли алланечук безовта бўлиб турганини мен сезиб турибман. Унга тасалли берадиган бирор сўз ҳам тополмайман. Ҳаёлимга ҳеч нарсани сиғдиролмайман. Авваллари бир-бири-

мизни кўрганда, қанчадан-қанча гапларни гаплашиб олар эдик. Қанча-қанча хатлар ёзишганмиз. Ҳозир эса иккаламиз ҳам лом-мим дейлмаймиз, тили-забонимиз бойланган. Бизни нималар кутяпти. Бу ёғига ҳаётимиз қандай бўлади? Булар бизга қоронғу. Менинг бошимда ҳеч нарса йўқдай. Ҳатто фикрлашга ҳам қийналаман. Сабоҳат бўлса, қадрдон уйини ўйлабми ёки келажагини ўйлабми, ишқилиб, йиғлаб кетяпти. У жуда хомуш. Мен унинг ўй-фикрларига халақит бермадим. Акам анча илгарилаб кетган. Уйга бориб, келин келаётганидан дарак берган бўлса керак, уйимизнинг уч ерида – супада, йўлакда, далада олов ёнганини кўрдим. Бу – келини айлантириш учун ёқилаётган олов эди. Биз иккимиз ҳам ҳозирда яшаб турган ҳовлимизнинг ўринларига келиб қолган эдик. Олдимиздан хотин-халаж чиқа бошлади. Биринчи бўлиб янгамнинг жияни Тошпўлат тоғанинг қизи Улбўл етиб келди. Энди Сабоҳатни шинель ичидаги ушлаб туриб бўлмасди. Етиб келган қиз-жувонлар уни ўртага олиб кетдилар. Мен ҳам улар изидан уйга қараб боряпман. Оловлар ёнидан бошини эгиб, энкайиб ўтаётган келинни дугонаси Парнеш олиб юрибди. Менинг Аҳмад жўрам ҳам шу ерда эди. Янгам ва тоғам баҳоли қудрат келин туширишнинг барча ирим-жиримларини қилдилар. Чимилдиқ қурилди. Чимилдиққа овқат тортилди. Ойна кўрсатилди. Бу ерда менга маълум бўлмаган иш – “оёқ босиш” деганлари бор экан. Буни менга чимилдиққа киришимдан олдин қизбуви момо айтди. “Чимилдиққа киргач, ўнг оёғинг билан келиннинг ўнг оёғини бос!” - деб тайинлади. Мен у ерга кирганимда, Сабоҳат дугоналари билан тикка турган экан. Бу оёқ босиш мајороси унга ҳам олдиндан тушунтирилган бўлса керак. Мен оёғини босганимда, у қаршилик кўрсатмади. Кейин ўтиришга рухсат берилди. Ўтирганимиздан кейингина унинг йиғлаётганини кўрдим. Бу менга жуда қаттиқ таъсир қилди. Мен ахир уни умр бўйи ҳеч қачон йиғлатмайман, деб юрсам, у келган куниданоқ йиғлаб ўтирибди. Уни юпатиш керак, деб ўйладим. Менимча, ота-онасидан ажралганига йиғлаб ўтирибди. Буни биламан. Лекин айни пайтда уни ота-онасининг

олдига олиб бориб ҳам бўлмас эди. Шунинг учун ҳам мен ҳеч нима демадим. Қиз-келинчаклар, дугоналари унинг диқ-қатини бошқа нарсаларага тортиб, йифидан бир амаллаб тўхтатдилар. У йиғлаганда, юракдан, товуш чикармасдан **йиғлар** эди.

Ўша куни бир хонада тўрт киши бўлиб ётдик. Менинг дўст-жўрам – Аҳмад, унинг оиласи Парнеш билан тунаб қолдилар. Биз – Сабоҳат билан гаплашиб тонг оттирдик. Чироқ тун бўйи ёниб турди. Одат бўйича, эртасига Аҳмад, Парнеш, мен ва Сабоҳат ЗАГСга бордик. ЗАГС бошлиғи Гулчеҳра исмли татар қизи менга тегажоқлик қилиб:–Мен сени қиз бола деб юрсан, сен ҳам ЗАГСга қиз олиб келдингми, – деди. Орада енгил кулги кўтарилди. Мана шу воқеага ўттиз етти йил бўлди. Бу гапнинг маъносини ҳали ҳам чақолмайман. Қайси қилиғим қиз болаларникига ўхшаган экан, ўша пайтларда. Эҳтимол, у менинг тортинчоқлигими ни назарда тутгандир.

Мана уйланиб ҳам олдим. Турмушимиз яхши. Оилада энди етти кишимиз. Тоғам, янгам. Уларнинг уч фарзанди ва биз икковимиз. 1943 йилнинг кўклами серёгин келди. Тўйимиз кунларида бошланган намрез қирқ кунлар давом этди. Ёмғир баъзи пайтлари майдалаб, баъзан эса жала бўлиб қуярди. Уйланганимнинг ўнинчи кунлари бўлса кепрак, тоғам менинг Янги Фазонга бориб келишим кераклигини айтиб:–Солиҳ, сен бир Янги Фазонга бориб кел. Ориф тоғангнинг отаси вафот этган. Ҳеч ким фотиҳага боргани йўқ. Бориб кўнгил сўраб кел, – деди.

Мен сафар ҳақида ўйлай бошладим.

## ЧЎЛГА САФАР

Ориф тоғам “Қизил Ўзбекистон” колхозининг фермасида ишлайди. Қўйлар Янги Фазонда боқилади. Мен у ерга шу колхознинг түкашлари билан билан бирга боришим кепрак. Ниҳоят, кетадиган вақтимиз ҳам тайин бўлди. Бозор куни жўнайдиган бўлдик. Колхознинг Нормурод деган туя-

каши бор. У киши туяларга юкни босиб, кечқурун бизникин га келди. Бирга овқатландик. Ёмғир майдалаб ёғиб турибди. Овқатдан кейин тұякаш жүнаймиз, деб тараддуд күра бошлади. Мен эса, әрталаб йўлга чиқсак, яхши бўларди, дедим. Лекин Нормурод бобо кўнмади. Йўл узоқ, кечаси юрмасак, кундузи йўл юриб бўлмайди, деб туриб олди. Кетаётган карвонимизда бор-йўғи учта тая. Оддинги туяга икки қоп ортилиб, устига туякаш миниб олган. Ўртдаги туяга икки қоп тахта кўндаланг қилиб оргилган. Учинчи туяга эса икки халта туз ортилган. У билан колхознинг барра териси тузла-нади. Булар колхознинг юклари. Ана шундай қилиб қоронғида йўлга чиқдик. Булардан ташқари, менга тоғам тўлдириб берган хуржун ҳам бор. Унда Ориф тоғамга бериб юбо-рилаётган ҳамда мен йўлда ейишим учун бир нечта бўлка нон солинган. Кетаётибмиз. Атроф қоп-қоронғи. Ер лой. Ёмғир майдалаб ёғиб турибди. Қанча вақт юрганимизни билмайман. Шу вақт туякаш: “Шу ерда ётамиз”, - деб туяларни тўхтатди. Туялар чўгирилиб, юклар туширилди. Ўзимиз ҳам тая билан қоплар орасига кириб ухладик. Эрталаб уйғониб қарасам, Конимехдан тоғ томонга чиқиб, озгина юрибмиз. Конимех қоракўлчилик совхозининг шимолий шарқига қараб бирор километрча юрганмиз. Шу ерда ётибмиз. Уйда ётмай, келиб ухлаган жойимизни қаранг. Юрган йўлимизнинг ҳаммасини ҳисоблаб чиқса, кўпи билан икки километр чиқади. Нима ҳам дейман. Туяларни турғазиб, барвақт қоратоққа қараб йулга тушдик. Шу куни узоқ йўл юриб, кеч бўлгандан тоғдан ошиб ўтдик. Оқтош деган жойда Нормурод бобонинг таниши бор экан. Шу ерда бир бобонинг уйида тунадик. Нон ўзимиздан. Кечқурун бизни ширин қатиқ, әрталаб эса пишган сут билан сийлашди. Мен кетаётганда бобога бир неча сўм пул бердим. Менга раҳмат айтиб, ким эканимни, кимнинг боласи эканимни суриштириб, аниқлади. Мен айтдим. У киши отамни яхши танир экан. Айтганларидан кейин у кишини мен ҳам танидим. Умар қори деган ҳамсоямиз бўлиб, унинг хотинини биз опа деб чақи-рардик. Бу киши Ризқол опанинг отаси Шодимерган деган

киши экан. Шодимерган асли Шодибек қишлоғидан чиқкан. Шодимерган бобонинг уйидан чиқиб, Фазонга қараб кета-япмиз. Кечқурун Фазонга кириб бордик. “Қизил Ўзбекистон” кишиларининг ҳар доим тўхтаб ўтадиган бир жойлари бор экан. Бизлар ҳам шу ерга тушдик. Уй эгаси бизни уйига киргизиб, чой-пой қилди. Шундан кейин Туя бобо (Туябоев Равшан) колхознинг тафтиш комиссияси раиси чўлда келаёт-тиб, ярамай қолган туясини шу ерга ташлаб кетганини, колхознинг бу қора нори ўлар ҳолатга келганида, бобо уни ҳалоллаб олганини айтиб берди. Кейин бизларни сайисхонага олиб борди. Норнинг гўшти ўзининг териси устида уюлиб ётган экан. Уй эгаси бу колхоз молининг гўштини олиб кетишини тұякашдан илтимос қилди. Лекин тұякаш гўштни чўлга қаерга хам олиб боради. Сон гўштидан икки-уч кило-ча кесиб олдик-да, “гўштни қайтишда кўрамиз”, - деб йўлга тушдик. Туяларимиз юришга ярамайди. Кўклам ҳавоси. Шу куни булут тарқаб, ҳаво очилиб кетди. Кун чошгоҳ бўлганида туяларимизни тўхтатиб, юкларни туширдик. Ҳар бир шувоқ – ювшон чарҳдай бўлиб турибди. Ер пўрсилдоқ, юмшоқ. Иккаламиз ювшон тўплаб, катта гулхан ёқдик. Ювшондан анчагина чўф йиғилгандан кейин Нормурод ака хуржундаги гўштдан юпқа-юпқа қилиб кесиб, ўтга ташлай-верди. Менга эса шувоқдан ўт устига ташлаб туришни тай-инлади. Гулханга у киши гўшт, мен эса шувоқ ташлаб ту-рибмиз. Гулхан ёниб кулга айланди. Ташлаган гўштларимиз кулга аралашиб ётибди. Анча вақт ўтгандан кейин Нормурод бобо кулдаги гўшт парчаларини шол қоп устига олиб ташлади. Ўзи гўшт парчаларини шол қопга ишқалаб, кейин ея бошлади. Менга ҳам:—Гўштдан е, яхши пишган,—деди. Мен ҳам бир бўлак гўштни олиб, қопга яхшилаб ишқаладим. Бир тишилаган эдим. Тишимнинг оралари кулга тўлди. Шундай бўлса ҳам, мендан катта одам еб ўтирибди, емасам ҳурмат-сизлик бўлади, дедимда қўлимда қолган гўшт парчасини мажбурлаб оғзимга тиқдим. Нормурод бобо ҳам бир неча бўлак гўшт еганидан кейин қолганини қайтириб кулга кўмди. “Биз қайтиб келгунимизча пишиб туради”,— деди жиддий

оҳангда. Мен бу гапларга ишониб ўтирибман. Беш-олти кундан кейин қайтиб келганимизда гўштдан асар ҳам йўқ эди. Уни тулкими, шоқолми еб кетгани табиий.

Биз ўша куни кечқурун Кориз деган қишлоқда тунадик. Қишлоқ ўн-ўн беш хонадондан иборат бўлса керак. Биз Эргаш бобо деган кишининг уйига тушдик. Уни бу ерда Мулла Эргаш дейишаркан. Ўзи ҳам мулла экан. Биз келганда, у киши қаергадир кетган экан. Бизни кампири кутиб олди. Чой дамлаб чиқди. Дастурхонга битта қотирма ўраб келди. Қотирманинг ранги сариқ эди. Мен унга унча ёътибор берганим йўқ. Нормурод бобо эса менга қараб: “Кўрдингми, кунжарарадан қотирилган”, - деди.

Қотирма кепак билан кунжаранинг аралашмасидан пиширилган эди. Бизнинг юкларимиз кўчада. Қишлоқ кишилари юкларимиз атрофида айланишиб юрибди. Тарқаб кетишимайди. Нормурод бобо чиқиб бир неча тахта кунжарани қопдан олиб, айланишиб юрган кишиларга бўлиб берди. Кечаси мен Эргаш бобонинг уйида ўз хуржунимни бошимга қўйиб ухладим. Нормурод бобо ярим тунгача туяларнинг қошида ўтириб чиқди. Тун оққанидан кейин мени турғизди ва биз юкларни туяларга ортиб жўнаб кетдик. Йўлда бобонинг: “Халқ оч. Кунжара еб ўтирибди”, – деган сўзлари ҳали ҳам қулоғимдан кетган эмас. Йўл бўйи чўлда яшаётган одамларнинг аҳволи кўз ўнгимдан кетмади. Кун тик туш бўлганда бир қудуқ олдига етиб келдик. Ўзимиз сув ичдик. Туяларни ҳам сугордик. Бу ерда кичкина гиштдан бўлган бир ҳовли ҳам бор эди. Ҳовлида бир неча хона девор қилиб ўралган. Янги разгон деганлари шу ер экан. Қоронги тушмай бир қудукқа етиб бордик. Бу қудуқнинг номи Берди экан. Бу “қизил ўзбекистон” колхозининг қудуғи бўлиб, Ориф тоғамнинг қўй фермаси шу ерда эди. Колхоз фермасида иккитагина хўжалик яшаркан. Бири Шертой бобо ўтови. Тоғам шу ўтовда туради. Шертой бобонинг фамилияси Туябоев. Ўзи, хотини, яна икки қизи туради бу ерда. Яна бир ўтов Кенжа деган кишиники. У ҳам ўзи, хотини ўрин, яна бир қизи ҳамда Мамат деган ўғли – ҳамма-

си шу ерда туришади. Ўрин билан қиз Кенжә бобога ўгай, ғамдам билан Мамат ўзининг боласи. Халил бобо шу ерда вафот этган. Шертой бобонинг уйида дуюи фотиха қилдик. Бир неча кун шу ерда бўлдик. Чўпонларнинг ҳам, чорванинг ҳам аҳволи ёмон. Колхознинг қўйлари қаторасига ўлиб ётибди. Ўлган қўйларнинг ичидаги боласининг терисини шилиб олиш учун ҳам одам етишмайди. Бу ишларни ферма мудирининг ўзи – Ориф тоғам бажарар эди. Иш кўп, чўпоннинг қўли бўшамайди. Барра сўйиш, тери тузлаш, ўлган қўйларнинг терисини шилиб олиш – буларнинг ҳаммасини бажариш катта кучни талаб қиласди. Чўпонларнинг аёллари ёргичноқ тортиб, чой қилиш, овқат пиширишдан бўшамайди. Болалар оталарининг ёнида. Колхоз раҳбарлари бу аҳводдан хабар олмас эди. Раҳбарларнинг ҳам кўплари ўз бошларининг ғамида эдилар. Бири фронтга кетиб, бошқаси қайтаётган – ҳамма учун қийин бир давр эди. Халқ бошига тушган оғирликлар Берди қудуқда яшовчи кишиларни ҳам четлаб ўтмаган эди. Шу қийинчилакларни Ориф тоғам ҳам эл қатори бошидан ўтказаётган эди.

Биз Янги Фазгон деган жойда кўриб ўтган ҳовлимизга тоғам ва Нормурод бобо билан меҳмон бўлиб келдик. Бу ерда Элибой Қўйчиев турар экан. Бу ер қўй маҳсулотларини қабул қиласидиган пункт экан. Шу пунктда Элибой ака мудир экан. Оиласи билан шу ерда туради. Бу ерда даставвал қудуқ қазилган. Элибой ака шу қудуқ бошида пункт очган. “Заготживсырье”га қарайди. Бу пунктда Элибой аканинг оиласи учун бир уй ва бир даҳлиз бор. Катта бир сайисхона ва айвон. Ҳовли атрофи девор билан ўралган дарвозали жой. Булардан бошқа бу ерда ҳеч нарса йўқ. Атрофдаги колхоз фермалари ҳам айрим маҳсулотларини шу пунктга топширадилар ва керакли маҳсулотларни шу ердан олиб туришади. Бу ерда қурилган иморатларнинг чўпини Элибой ака Нуротадан тужада олиб келган экан. Элибой акани олдин ҳам танирдим. Шу борганимиздан кейин жуда яхши таниш бўлиб қолдик.

Янги Фазгон 1943 йилда яккаю ягона уйдан ташкил топ-

ган бўлса, 80-йилларга келиб бутун бошли совхознинг марказига айланди.

Янги Фазондан қайтаётганимизда тоғам бир неча дона қотир қилириб берди. Шулар билан уйга етиб келишимиз мумкин эди. Қайтиб Фазон қишлоғига етиб келдик. Қора норнинг гўшти қуртлаб кетибди. Гўштнинг қуртлари сайисхонада ўрмалаб юрибди. Бу таян шу корхоз мол дўхтириларидан бир ҳужжат олмасак, бўлмайди. Туяни ҳаром ўлганлиги ҳақида маълумотномани олдик. Туякашга гўшти колхознинг чўчқаларига берилиди, деган далолатнома олиб бердим. Шундан кейин колхоз териларини туяларга ортиб қайтидик. Фазондан чиққан кунимиз Фазон тоғи жанубидаги Коризновга келдик. Кориз деганлари ҳакиқатда халқимизнинг сув учун тортган машақатлари ифодасидир. Бир неча қудуқлар ёнма-ён қатор қилиб қазилади. Уларнинг ости бирлаштирилиб, сувлари биридан-бирига ўтказилади. Ана шу йўсунда ер ости суви ариқ бўлиб ер юзига оқиб чиқади. Ана шу чиқарилган сувга экин экадилар, тегирмон қурадилар. Биз туякаш билан Оролсойдаги Фазон мармар тоғидан жанубга қараб қазилган кориз-ариқ устидаги ун тегирмонга келиб тушдик. Келган йўлимиз унча узоқ эмас. Кўпи билан беш-олти километрни ташкил этади. Туякаш бобо бу ерга келгандан кейин:—Иссиқ овқат қилиб ичамиз, —деди. Тегирмончининг уч-тўрт челак сифадиган қозонини сўраб олди. Ориф тоғам менга ўзимиз олиб борган буғдойдан икки косяча берган эди. Туячи шуни олиб тегирмончига берди. Тегирмончи эса унинг ҳисобига бизга ун берди. Бобо бу унни атала қилмоқчи бўлди. Менинг вазифам тезак териб, олов ёқишидан иборат. Бобо бўлса қозонни сувга тўлдириб, уни аралаштирди. Атала қайнаб пишиши олдидан қозонга туз солинди. Овқат пишгач, уни иккаламиз оловдан зўрға тушириб олдик. Бу пайт биздан хабар олгани келган тегирмончи овқатимизни кўриб:—Бундай ёвғон овқатни ичиб бўлмайди,— деди-да, чайласидан кеча пиширилган шўрва ва пиёз олиб чиқди. Уни аталага қўшдик. Овқатга мой ва пиёз билан таъм кирди. У кишига ўзи шўрва олиб келган товоқ-

часида атала бердик. Тұякаш тегірмөнчидан бир товоқ ва иккита қошиқ сүраб олди. Иккимиз челға ёнбошлаб, овқат ичишга киришдік. Мен бобо билан бир-бір ярим товоқ овқатни биргә ичдім. Бошқа ичолмадым. Бобо менға яна овқат ичиб олишимни айтди. Мен унамадым. Шунда: “Агар овқат ичмайдыган бўлсанг, бориб тұяларни қайтариб кел”, - деди. Мен тұяларни қайтариб келиш учун кетдім. Орадан анча вақт ўтди. Қайтиб келсам, тұякаш овқатни ичиб бўлиб, қозонні қўли билан ялаб ўтирган экан. Бу воқеанинг бўлганинга анча бўлди. Шу овқатни бир чолнинг ичганига ҳали ҳам ишонмайман. Яна бир нарсага ҳайронман. Ўша пайтда ёнимизда битта қўйнинг ва бир қанча ширвоздарранинг гўшти ҳам бор эди. Шулардан овқатга солмадик. Бунинг сабаби – уруш. У ҳаммани қийин бир ахволга солиб қўйған эди. Бугун ёшларга бу воқеаларни айтіб берсам, уларнинг ишонгилари келмайди.

Бу манзилни пешиндан кейин тарк этдик. Туяларга юкларни ортдик. Туяларга миниб, йўлга тушамиз, деб турган пайтимизда. Туякаш бобо менга қараб: -Солиҳ, хуржунда қолган қотир бўлса, ол, бир еб тўяйлик, - деди. Хуржунни титкилаб қарасам, иккита қотир қолган экан. Биттасини бобога олиб бердим. Биттасини майдалаб шимимнинг киссасига солиб қўйдим. Энди уйга етгунимизга қадар егулик бирор нарсамиз қолмади. Биз ҳам йўлга тушдик. Ёмғир ҳам майдалаб ёға бошлади. Йўлимиз оғирлашди. Ҳаво қоронғилапиди. Туялар йўлдан чиқиб кетди. Йўлни тополмай қолдик. Туялардан тушиб, йўлни изладик. Топилмади. Тахминан юрмоқчи бўлдик. Иккаламиз келиша олмадик. Бири-миз ўнгга юрамиз, десак, иккинчимиз чапга юрамиз, деб туриб олдик. Қоронғи бўлса ҳам тоғ чўққилари кўриниб турибди. Бобонинг айтган томонига юрсак, тўғри Нурова тоғига қараб юрамиз. Бобонинг эса мен кўрсатган томонга юргиси келмади. Маслаҳатлашиб, шу ерда ётадиган бўлдик. Ҳайдалмаган ерни топиб, туяларни чўқтиридик. Ҳар ким ўзи кетамиз, деган томонга боз қўйиб ухлайдиган бўлди. Эрталаб ўрнимдан туриб қарасам, биз бундан бир неча кун

илгари тунаб кетган жойимиз Оқтошнинг шундай ёнгина-сида ётибмиз. Туякаш бобо кеча менинг сўзимга кириб, яна икки юз метргина юрганимизда, Оқтошга – Шодимерган бобонинг уйига келиб қўриқда тунаган бўлардик. Ўша куни мерган бобоникидан сут ичиб йўлда давом этдик ва кечқурун ҳовлига кириб келдик.

1943 йилнинг март, апрел ойлари жуда серёғин бўлди. феч унумтмайман. Март ойининг йигирмаларида бошланган ёмғир апрель ойида ҳам тўлиқ ёғди. Кексаларимиз: – ўша йили қирқ кун ёмғир тинимсиз ёғди, – деб эслашади. Бу ёғин-гарчилик кўп кишиларни бошпанасиз қолдирди. У пайтларда томда шифер йўқ. Ўтирган ҳамма уйларимиздан томчи бирдай ўтади. Ундан ташқари уй деворларининг остини ҳам ёмғир бирдай ялаб кетмоқда. Шундай пайтда уста Мабир, биз ўтирган уйларни солган уста, шу уйларнинг остидан ёғоч ўтказмоқчи бўлди. Кўп хонадонлар йиқилаяпти. Тогам уйлар остига болор ўтказдирди. Уйларимизнинг бир қисмига бу иш қўл келди. Лекин кунчиқиши томонига болор ўтказилаётганда уй деворлари қулаб кетди. Тогамнинг болалари уй йиқилгани ҳақидаги хабарни олиб бордилар. Кечқурун эса рабочий батальондан Шайдулла Абзий келиб қолди. Бу хабарни ҳам болалар тогамга олиб бордилар. Шайдулланинг келганидан тогам жуда хурсанд бўлиб кетди. Тогамнинг – Шайдулла худди Шариф укамдай. Менга хиёнат қилмайди, – деганлари ҳали-ҳамон хотирамда. Менинг бу ёзаёғганларим 1943 йилнинг эрта баҳоридағи воқеалар. Ғозир орадан қирқ йил ўтгандан сўнг мен атрофимда мен билан бирга бўлган кишиларнинг, қадрдонларимнинг қадрини ўша пайтларда эҳтимол, ҳозиргилик ҳис этмагандирман. Ҳозир эса уларнинг мен учун қанчалар қадр-қимматли эканлигини сўз билан ифодалашга ожизман.

## ОИЛА ВА УНИНГ ТАШВИШЛАРИ

Шу вақтга қадар фақат ёлғиз ўзим ҳақимда қайғуришга одатланган бўлсам, энди ўзгаришга мажбурман. Чунки оиласи бор. Сабоҳатнинг тарбияси, унинг келажаги ҳам ме-

нинг зиммамда. Оилани мустақкам қилиш керак. Бунинг учун нималар қилишим керак. Тўғри яшаш учун ҳаётда қандай йўл тутишим керак? Булар менинг олдимда турган муаммолар эди. Яшаш учун менинг қўлимда бирор ҳунарим йўқ. Ёки олий маълумот ҳам олмаганман. У ёки бу идорада ишлагудай бўлсам ҳам, узоқча боришим қийин. Ўйлаб-ўйлаб ўзимнинг бошлаган ишим – ўқитувчи-тарбиячиликни танладим. Шу пайт ҳалқ маорифига борсам, менга иш берармикин? Буни билмайман. Мен у-бу қилиб юрганимда, олти ойлик дам олиш вақтим ҳам ўтиб кетди. Шу пайларда етти йиллик мактабларда ҳарбий таълимдан дарс ўтилар эди. Кескантеракдаги мактабда ҳарбий таълимдан дарс бераётган дўстим Араббоев Облоқул мени шу мактабга ўз ўрнига боришимни маслаҳат берди. Ўзи эса райондан бошқа иш изламоқчи бўлди. Мен у билан бирга бориб, мактаби билан танишиб келдим. Ҳарбий таълим ўқитувчиларини ҳарбий комиссарлик тайинлар эди. Облоқул билан иккаламиз ҳарбий комиссарликка бордик. Ҳарбий комиссар – капитан Дранго менинг аризамни олиб, Кескантеракка эмас, Ленин номидаги рус мактабига ҳарбий таълим ўқитувчиси этиб тайинлади.

Мен 1943 йил сентябрдан бошлаб Конимех қоракўлчилик совхозида очилган, район марказидаги етти йиллик рус мактабида ҳарбий таълим ўқитувчиси бўлиб иш бошладим. Ўқитувчилик менга олдиндан таниш иш бўлганлиги учун мен унчаям қийинчилик сезмадим. 1940 – 1941 – ўқув йилида бир йил ўқитувчи бўлиб ишлаганман. Тўғриси, ўқитувчилик – менинг севган касбим. Кавровда-запас полкда хизмат қилиб юрган пайларимда ҳам, бу 1942 йилнинг июль-август ойлари эди, кичик командир бўлиб хизмат қилганман. Бу менга ҳарбий таълимдан дарс беришимда жуда асқотди. Ўша пайларда ҳарбий таълим дарсидаги машғулотлар Совет Армиясида кичик командир олиб борадиган ишлар билан деярли бир хил эди. Ўқув дастурига солдатларга ўргатиладиган барча билим ва машқлар киритилганди. Мен ҳам давлат дастури нимани талаб этса, шуни тўлиқ бажарар эдим. Бу дарсларни ўтишимга Конимех райони

ҳарбий комиссариатининг тўртинчи бўлими катта ёрдам берарди. Бу бўлим мактабларда ҳарбий таълим дарслари ни ва ҳарбий таълим ўқитувчиларининг олиб бораётган ишларини назорат қилб борар, керак бўлса ёрдам кўрсатар, керакли нарсаларни етказиб берарди. Бу дарсларнинг мамлакатдаги сиёсий вазият билан чамбарчас боғлиқлиги ни ҳамма тушунарди.

Мактаб биноси ҳозирги рус ўрта мактабининг асфальт йўл ёқасидаги, клуб томонидан биринчи корпуси ўрнида жойлашган эди. Бу бино тўртта синф, битта ўқитувчилар хонаси ва битта директорининг уйи вазифасини ўтаётган хоналардан ташкил топган. Ўқишилар икки сменада олиб борилади.

Мен бу мактабда 1946 йилгача ишладим. Бу ерда ишлаган пайтларимда ҳам яхши-ёмонни бошимдан кечирдим. Яхшилиги шундаки, бу ерда ишлаганимда икки киши учун нон карточкаси беришарди. Менга ишлаганим учун 600 грамм, оиласманга – ишламагани учун 400 грамм нон беришарди. Бир кеча-кундузга иккаламиз шу бир кило нонни етказамиз. Бошқа жойдан нон топиш мумкин эмас, топилмайди ҳам. Қоракўлчилик совхози ўз ишчиларига тушлик овқат беради. Бу ҳам талон билан. Бу талон фақат ишлаган кишиларга берилади. Уни Сабоҷат (менга бериладиган овқатни) ҳар куни совхоз ошхонасидан олиб келади. Мана шу олиб келинган битта биринчи, битта иккинчи овқат иккаламизнинг тушлигимиз. Менинг иш жойим ошхонага яқин. Лекин овқатни уйга олиб келиб тановул қиласиз. Бу гапларим ҳозир жуда майда гап бўлиб туюлса ҳам, ўша пайтларда жуда катта гап эди. Бозор ёки магазиндан бир кило ун топиш мумкин эмас. Бозорда бир кило буғдай 120 сўм. Менинг бир ойлик иш ҳақимга беш кило буғдой олиш мумкин эди. Оила учун эса бундан бошқа кўп нарсалар ҳам керак бўлиши, табиий. Кўпроқ пул топиш учун кўпроқ ишлаш керак. Энди шу мактабда ҳарбий таълим дарсидан ташқари рус болаларига ўзбек тилидан ҳам дарс олдим. Энди тўлиқ икки сменада ишлайдиган бўлдим. Агар бурдай қийинчилик-

ларга чидамасанг, одамгарчиликдан чиқасан. Бу пайтда тоғам ҳам бизга ёрдам бериб турардилар. Гоҳ-гоҳда Сабоҳатнинг онаси Қосим тоғанинг қизи Рўзимоҳ орқали пишган овқат ёки нон юбориб турар эди. Бизнинг оёққа туриб кетишмизга шу икки оиласининг ёрдами катта бўлди.

Мен Сабоҳатни уйга олиб келганимдан кейин, уни ишга чиқариш керак, ишлатиш керак деган фикрни ҳатто хәёлимга ҳам келтирган эмасман. Сабоҳатнинг онаси ҳам уй бекаси бўлган. Очифи, эр оиласини (хотинини) боқини шарт, деб ўйлардим. Эҳтимол, шунинг учун бу ҳол Сабоҳатга табиий бўлиб кўрингандир. Ҳуллас, фарзандли бўлганимизча Сабоҳат уй юмушлари билан банд бўлди, фарзандли бўлганимиздан кейин эса уларни парвариш қилиш, тарбиялаш билан шуғулланди.

1944 йил ёзги дам олиш пайтида ҳарбий комиссариат мени ҳарбийга чақириладиган болалар билан тайёргарлик кўриш учун Бухорога чақирди. Конимехдан анчагина болани олиб бордик. Ҳарбий комиссарликдан вакиллар ҳам боришган. Шу олиб борган болаларимиздан кўзга кўрингандари – Шўркўлдан Одамбоев Бўронбой, райондан Шукров Шарифжон, Бешработдан Ўроқов Холиқлар бор эди. Мен бу ерда машқларни яхшигина ўтказиб турган пайтимда Шарифжоннинг бобоси Омон бобо Шукров келди. У менга тоғам Жумабой Эргашевдан қора хат келганини айтди. Бундай даҳшатли хабардан қотиб қолдим. Бундай бўлишини кутмаган эдим. Ахир тоғам... Мен бу хабарнинг ёлғон бўлиб чиқишини жуда-жуда хоҳлардим. Лекин менинг айтганим бўлмади... Бундай хабар йигирма миллион совет оиласига келганлигини биз кейинроқ билдик. Бу жудолик менга отам ва онамдан айрилганимдек бўлди. Чунки тоғам мени ҳам ота, ҳам она бўлиб тарбиялаган, десам алдамайман. Бу пайтда тоғамнинг болалари жуда ёш – Жўрабой тўққиз ёшда, Раҳмат етти ёшда, Малика эса уч ёшда эди. Буларнинг тарбияси ҳам, хизмати ҳам энди менга қолди. Ҳаммадан ҳам янгамнинг қош-қовоғи ва ўшқиришларига чидашим керак эди. Тоғам мени қандай тарби-

ялаган бўлса, қандай ғамхўрлик қилган бўлса, мен жиянларимга шуларни бера олишим керак. Тоғамнинг уйида болалари учун бирор йилга етарли дони ва пули бор эди. Кийим-бошлар ҳам йўқ эмас. Тоғам урушга кетаётганида ҳам масини ғамлаб кетган эди. Шундай бўлса-да, оиласда бош йўқ эди. Бу ўз-ўзидан менинг зиммамга тушиши табиий. Тоғамдан ажralиш янгам учун ҳар жиҳатдан оғир кечди. У болаларини боқиш, тарбиялашга тушди. Колхоз даласига чиқиб ишлади. Бунинг эвазига колхоздан ер олиб, дон экди. Колхозда эса унга ишлагани учун дон ва пул берарди. Молларини ҳам колхоз даласидан олиб келадиган ем-ҳашак билан боқди. Оиласдаги ўтин-чўп топиб келтириш, бозор қилиш, тегирмонда ун тортиб келиш ҳамда болалар тарбиясига масъуллик каби ишлар менинг зиммамга тушди.

Тоғам Қувват ака Турдиев бир неча кило дон бериб менга колхоз ерига буғдой экиб беришимни илтимос қилган экан. Бу 1944 йилнинг феврал ойларида бўлган эди. Қувват ака Охунбобоев номидаги 1-колхозда раис эди. Орадан тўрт-беш ой ўтиб буғдой ҳам пишди. Жумабой тоғам 1944 йил март ойида урушга кетди. Уларнинг вафоти ҳақидаги хабардан бир ойлар ўтгандан кейин, Қувват тоғам:—Буғдойинг пишди, ўриб келгин, —деди. Мен колхозга эшак миниб бордим. Қорабой деган кишининг уйига тушдим. Уларнинг Алибек исмли ўғли ҳарбий тайёргарлик пайтида менинг тарбиямда бўлганидан ушбу оилани олдиндан яхши танир эдим. Раис менга колхоз даласидан йигирма беш сўтиғ келадиган жойни кўрсатди. Шуни бир кунда ўриб тугатдим ва Қорабой бобонинг ҳовлисига эшак билан ташидим. Буғдойни шамолда шопириб, тозасини фалвирда элаб олдим. Бир халта, тахминан 70 кг буғдойни эшакка ортиб, уйга қараб жўнадим. Кеч кирай деганда, мен ҳам ҳовлига кириб келдим. Бу ерда мени хушхабар кутаётган экан. Момом, янгам суюнчи сўраб олдимга чиқдилар. Оиласизда фарзанд

дунсга келган эди. Садоқ бобо – Сабоҳатнинг отаси чақаппоққа Хадича деб исм қўйди.

## ФРОНТДАН КЕЙИНГИ БИРИНЧИ САФАР

1950 йилларга келиб аҳволимиз анча яхшиланди. Бу пайтда бизнинг уч фарзандимиз бор. Улар Хадичахон, Ҳамидахон, Нуралижонлар. 1951 йилнинг май ойида ўзим Бухородаги икки йиллик ўқитувчилар институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетини тамомлаб келдим. Август ойида Мамир тоғамни излаб Туркманистонга сафарга отландим. Тошкент – Красноводск поездига чиқиб кечки соат бешларда Чоржўйга тушдим. Шаҳар менга таниш эмас. Олдинлари ёлғиз ўзим узоқ сафарга чиқиб ҳам кўрмаганман. Ишни овқатланишдан бошладим. Икки кишилик кабоб олдим-да, бир бўш столга бориб ўтиредим. Учта стул бўш. Бир вақт уч киши келиб шу столни эгаллади. Қўлларида кабоб ва ароқ ҳам бор. Биттаси тўртта стакан кўтариб келди. Ароқни тўртга бўлиб қўйди-да, менга ҳам узатди. Мен ҳам қаршилик қилганим йўқ. Мақсадим – шу кишилар билан ҳамсуҳбат бўлиш. Иложи бўлса, улардан йўл сўраш. Суҳбатдошларим рус кишилари. Суҳбатимиз чўзилса, уларни меҳмон қилишни кўнглимга туғиб қўйдим. Улардан бири мен тушган поезд билан Ашхободга кетаётган экан. Бу уларнинг йўлочари экан. Уларга мен Кўкзаводга, у ерда ишлайдиган Шодиев Мамир тоғамни излаб кетаётганимни айтдим. Бу ерда меҳмонхона бор-йўқлигини суриштирудим. Улардан бири Кўк заводда олдин ишлаганини, Шодиевни танишини айтди. Шаҳарда меҳмонхона ҳам бўлиб, у Кўк заводга жуда яқин экан. Мен билан яна меҳмондорчилик қилиб ўтиришга уларнинг вақти бўлмади. Уларнинг иккитаси туриб хайрлашди ва поездга қараб кетишиди. Тоғамни танийман, деган киши менинг олдимга келди. Кўп ўтмай шеригини кузатган киши ҳам қайтиб келди. Биз учовлашиб автобусга чиқдик. Улар шофёрга мени меҳмонхона яқинида туширишини тайинлаб, ўзлари аввалроқ тушиб кетдилар. Кўп ўтмай меҳмонхона олдида тушдим. Чоржўй деган меҳмонхонага жойлашдим. Эртаси-

га меҳмонхона ходимлари мени Кўк заводга элтиб қўйдилар. Завод бу ердан узоқ эмас экан. Мен тўғри завод директорининг қабулхонасига бордим. Унинг олдидан чиқкан киши директорнинг бугун қабул қилолмаслигини айтаб, ўзини партком секретариман, деб таништириди. Мен унга Мамир Шодиевни қидириб келганимни айтдим. У киши завод ичидан бошқа кишини чақиртириди. Партком мени ўша келган рус кишига топшириди. У киши бироздан кейин келиб, тоғамнинг шу яқиндаги районлардан биридаги тўртинчи баzagа кетганини айтди. Менга завод ичидаги ишчилар меҳмонхонасидан жой ажратиб беришди. Лекин мен бу ерга келмадим. Ўзим жойлашган меҳмонхонада қолишни афзал деб билдим. Транспорт бўйича хўжайин менинг кунига икки марта хабар орлиб туришимни тайинлади. Тўртинчи базага кетадиган биринчи машина билан мени жўнатмоқчи бўлди. Машина эртасига тушдан кейин бўлди.

Очиқ юқ машинаси. Устига икки-учта бочка ортилган. Булар ёқилғи. Бундан ташқари, тракторнинг темир-терсаклари ҳам юклangan. Мен машина кузовига чиқдим. Шофёрнинг ёнида яна бир йигит бор эди. Кейин билишимча, у заводдаги тракторларнинг механиги экан. Машина заводдан ниқиб, кўп юрмай яна тўхтади. У ердан машинага икки кампир ва тўқиз-ўн ёшлардаги қизалоқ чиқди. Улар менинг ёнимда. Анчагина майдачида юклари ҳам бор. Машинада Амударёнинг ўнг қирғоғи бўйлаб, Афғонистон чегараси томон кетяпмиз. Йўл жуда ёмон. Фақат тош ва қумдан иборат. Бунинг устига темир-терсаклар устида ўтириш ҳам қийин. Бир-икки километр юришинг бир неча километр юришдан оғир. Ҳамон йўлда кетяпмиз. Кун кеч бўлди. Қоронғи кирди. Машина бир қишлоққа кириб тўхтади. Йўлнинг чап томонида катта гулхан ёқилган. Бу тўйхона экан. Шофёр билан механик йигит тўйни томоша қилишга бормоқчи бўлиб, мени ҳам ўzlари билан олиб кетишли.

Кампирлар ва ҳалиги қиз машинада қолишли.

Тўй ҳовли ичидаги эмас, бир очиқ майдонда бўлаётган экан. Катта қилиб машъал ёқилган. Ҳамма ёқ ёришиб кўринади.

Бизларни туйхонада ҳеч ким қарши олмади. Майдоннинг бир томонида шолча ёзилган экан. Бизлар ҳам кўпчилик катори ўша ерга, бир чеккага ўтиридик. Кўрпача деганидан асар ҳам йўқ. Шолча устига дастурхон солинган экан. Ҳар жой-ҳар жойга нон ҳам ташланган. Салом-алик, тўй муборак, деган гаплар бўлмади. Балки тўйга ташрифсиз келганимиз учун шундай бўлгандир. Бир йигит бизнинг олдимизга учта катта товоқда шўрва қўйиб кетди. Бизлар ҳам шу шўрвани ичдик. Ҳеч ким дастурхонга фотиҳа қилгани йўқ. Ўзимиз туриб, кураш бўлаётган томонга бордик. Бу ердагилар энди катта давра қуриб, қум устида ўтирибдилар. Бу ердаги тартиб – ўйинни ўтириб томоша қилиш керак. Тик туриб томоша қилишга қўйишмайди. Мен бироз курашни томоша қилиб, кейин ўрнимдан туриб, машинага қараб кетдим. Бу тўйда курашдан кейин қўчқор уриштириш, хўroz уриштириш ва бошқа ўйинлар бўлар экан. Машинага чиқиб ўтиридим. Шерикларим ҳам томошадан зериккач, қайтиб келишди. Тўй тарқамасдан, биз юриб кетдик. Бундай тўйлар саҳаргача давом этар экан. Биз йўлда кетяпмиз. Ярим тундан ошганда, шофёр бир уйнинг олдига келиб тўхтади-да, зрталабгача шу ерда қолишимизни айтди. Кейин механик йигит билан ҳовли ичига кириб кетипди. Ҳовли уларнинг бир танишлариники бўлса керак. Тунни биз машина устида мудраб ўтказдик. Саҳар чоғи улар ҳовлидан чиқиб келишди ва биз яна йўлга тушдик. Шу юришида кун тиккага келгунича юрдик. Машина дарё қирғоғида бир сайхонликда тўхтади. Бу ерда турли темир-терсаклар сочилиб ётар, иккита бочка ҳам бор эди. Машинадаги нарсалар ҳам ана шу ерга ташланди. Кампирлар ҳам нарсаларини тушириб олдилар. Мен ҳам улар билан тушдим. Биз манзилимизга – тўртинчи базага етиб келган эканмиз. База дарёнинг нариги қирғоғида экан. У ерга қайиқ билан дарё орқали ўтилар экан. Машинадагилар бизлар билан хайрлашиб, жўнаб кетишли.

Бу ерда кампирлар билан бирга қолдим. Кампирлар Худойқул келиб олиб кетади, деб бочкаларни, темирларни тақиллатишли. Бироқ фойдаси бўлмади. Чунки сувнинг

шовқини бу овозларни ютиб юборарди. Улар энди қишлоққа бориб, чой ичиб келишни афзал кўришди. Мени ҳам ўзлари билан бирга олиб кетиши. Уларнинг бу дадилликлари бу ерларга кўп бор келишганини кўрсатарди. Қишлоқда бир туркман чолнинг уйида меҳмон бўлдик. Кампирлар бу ерга аввал ҳам келган бўлишса керак. Аччиқ кўк чойни ичиб бўлгач, яна дарё қирғоғига қайтиб келдик. Кампирлар энди ўтин теришга киришдилар. Улар нима қиласа, мен ҳам шуни қиласман. Бу ўтинларни кечаси ёқишса, Худойқул уларнинг келганидан хабар топиб, келиб олиб кетар экан. Мен дарёга тикилиб, у қирғоққа қарайтман. Бир пайт дарёда оқ елканли қайиқ кўрингандай бўлди. У секин-секин ҳаракатланарди. У сув юзига аниқ чиқди. Энди уни менинг ёнимдагилар ҳам кўрдилар. Биз кутиб турдик. У ҳақиқатан ҳам Худойқул экан. Худойқул бизни кутиб турган экан. Чунки заводдан машинанинг келиш вақти ҳақида базага хабар қилинган экан. Мен билан келганлар шу базанинг бошлиғи Мединов деган кишининг қариндошлари – онаси, қайноаси, қайнисинглиси экан. Худойқул мени эмас, уларни куттган. У новчатина, қораҷадан келган, жуда хушмуомала йигит эди. Кампирларни кечадан буён кутаётганлигини айтди. Унинг эшкакли қайиғига ҳаммамиз чиқиб олдик. Нариги қирғоққа қараб сузид бораялмиз. Қайиқда кичкинагина кучукча ҳам бор. Дарёнинг шовуллаши ичиди бизнинг қайифимиз хасдай бўлиб қолди. Мана орадан ўттиз тўрт йил ўтиб, ўша дарёдан ўтганимизни эсласам, ҳозир ҳам бироз чўчийман. Лекин ўшандада тоғамни кўриш иштиёқи кучли бўлганми, қўрқишини ҳам унутибман. Қирғоқда бизни машина кутиб турган экан. Биз машинага ўтириб, яна қирғоқдан тўқай йўли билан беш-олти километр юрдик. Машина бир уйнинг олдига бориб тўхтади. Биз кўзлаган манзилимизга етиб келган эдик. Бу Мединонинг уйи экан. Шерикларим шу ерда қолиши. Мени эса бир йигит олдинга бошлаб кетди. Эллик-олтмиш метрлар юрган эдик ҳамки, узоқдан бир кишининг қамишдан тикланган уйнинг деворини андавада лой билан суваётганини кўрдим.

## ҚАМИШ УЙ ВА ҮНИНГ КАПАСИ

Мен узоқдан юриб келар эканман:

- Шоди дайи, меҳмон ола келдим, - дедим овозимни баландлатиб. Тогам ҳам бўш келмасдан:

- Меҳмон келса, бош устина, - дедилар.

Мен эса тогамга қараб:

- Меҳмон бош устина бўлмай, оёқ остина бўлмас, дедим.

Тогам келаётган меҳмоннинг кимлигини билмас, мени овозимдан таниб ололмас эди. Мен қуёш томонда бўлганим учун ўнг қўлига кўзига соябон қилиб қарапарди. Мени бу ерларга уларни излаб келишимни хаёлига ҳам келтирмаган бўлса керак. Тогамнинг бу ерларга келганига ўн олти йил бўлган бўлса ҳам, бирор киши уларни излаб келган эмас. Шунинг учун улар мени сираям кутмаган бўлиши аниқ.

Тогам билан кўришганимиздаги шодлигимизни қандай қилиб қоғозга туширишни билмадим. Биз шодлигимиздан ҳамма нарсани унуган эдик.

Мен қамиш уй деган иборани ишлатдим. Қамишдан ҳам уй бўладими, деб ҳайратланмаслигингиз учун уни қисқача таърифлаб бераман.

Амударё қирғоқларида қамиш ўсади. Ундан ката тўқийдилар. (Бу ката худди бўйрадек бўлади.) Үйнинг тўрт кунжаги бўладиган жойга тўртта чўп – болор тик қилиб қўйилади. Юқори қисмини болор қўйиш учун забарровлар қўйиб қоқилган чўпларга маҳкамлайдилар. Девор ўрнига капаларнинг бир томони ерга кўмилиб, бир томони забарровга маҳкамланади. Ёнбошлари эса қоқилган чўпларга маҳкамланади. Үйнинг девори тайёр бўлгач, капаларнинг ичи ва сирти қалин лой билан суваб ташланади. Үйнинг томига ҳам болор қўйиб, васса ўрнига ҳам қалин қамиш босиб, кейин лой билан яхшилаб шувоқ қилинади. Кейин эшик, деразалар ўрнатилади. Мана шу уйлар қамиш капалар деб аталади. Тогам ўзининг қурган қамиш капаларига кейинчалик печка ўрнатган, пол урган ва ҳатто тераскалар ҳам ўрнатган эди.

Мен қидириб борган пайтимда тоғам ҳали күчиб-қўниб юрган пайтлари экан. Янгам билан Фароғат олдинги базада қолишибди. Чунки шу йиллик ҳосилни йифиб олиш керак. Тоғам:—Бибинур билан Парагат қовуннинг устида қолди, — дедилар.

Бу ерда тоғам билан ўн-ўн бир ёшдаги болалари Фотима, Ражаббой бирга эди. Тоғам мен билан ҳол-аҳвол сўраш ганидан кейин чиқиб кетди. Кўп ўтмай қайтиб келди. Шу вақт бир киши бир эчки келтириб боғлаб кетди. Тоғам эчкини сўймоқчи бўлди. Менинг сумкамда Кўкзаводдан сотиб олган оқ дастали пичогим бор эди. Шуни чиқариб бердим. Эчкини шу билан сўйди. Эчкини сўйиб, пичноқни қони билан уйнинг қамишига тиқиб қўйди. Фотима қозонга ўт қўйди. Тоғам ёф ва гўштни майдалаб тўғраб, қозонга ташлади. Биз ҳаммамиз далада, қозон бошида жой қилиб олиб ўтирибмиз. Уй ҳам, лой ҳам шундай қолди. Тоғам ўшандада то мен кетгунимча, қўлини ҳеч қандай ишга ургани йўқ.Faқат мен билан овора бўлди. Қозонда гўшт пишяпти. Тоғам яна чиқиб кетди. Қайтишида меҳмондорчиликнинг “ташвишлари”ни қилиб қайтибди. Хуллас, ўша куни тоғам иккимиз ўзимиз хон, кўланкамиз сulton бўлиб, мазза қилиб ўтирдик. Ўша пайтда мен ўттиз, тоғам қирқ ёшларда эдик. Бу даврлар ҳам ўтди-кетди. Умр дарё, оқади-ю, қайтмайди, деб шунга айтишади-да.

Эртасига ўтиришимиз яна давом этди. Энди даврамиз кенгайди. Бир вақт қўлида бир нималар кўтариб, Меденов кириб келди. Кейин кеча мени тоғамнинг олдига бошлаб келган киши келди. Тоғам уни Олмос деб таништириди. Унинг ёши мен қатори бўлса керак. У шу ерда магазинда ишлар экан. Олмос мени кечқурун уйига меҳмонга чақириб кетди. Ўтириш кечқурун Олмосникига бориш нияти билан якунига етди.

Кечқурун Олмосларникида ўтирдик. Унинг анчагина қариндошлари ҳам келган экан. Ўша кунги меҳмондорчилик мени ҳайрон қолдирди. Катта сўйилган қўйнинг деярли ҳаммаси пиширилиб, ўртага қўйилган. Шу кеч ҳамма-

миз Олмоснинг меҳмони бўлдик. Эртасига Меденов меҳмонга чақирди. Фақат тоғам иккимиз бордик.

Яна бир-икки кун турганимдан кейин сафарим қариdi. Тоғам мени Амударё ёқасига Худойқулнинг қайиғигача кузатиб борди. Қайтишда менинг бир ўзимни Худойқул дарёдан ўтказиб қўйди. Тош йўл ёқасида автобус кутиб, Керкидан Чоржўйгача грузотаксида(юқ таксисида) келдим. У ердан поездга ўтириб, уйга қайтдим.

## ҚҮШ ҲЎКИЗ

Оила қурган кишиларга, тўғрироғи, эр-хотинга “қўш ҳўқиз” деган иборни ишлатадилар. Бу – халқ орасида ҳаёт тажрибасига асосланган бўлгани учун ҳам кенг тарқалган. Биз ҳам Сабоҳатхон билан турмуш қурганимизга бу йил 1986 йил 18 марта насиб бўлса, қирқ уч йил тўлади. Мана шу йиллар давомида бизнинг аразлашиб, бир-биrimiz билан жанжаллашган кунларимизни эслай олмайман. Чунки бундай кунларнинг ўзи бўлган эмас. Сабоҳатнинг дугоналари “Сабоҳат эридан қўрқади”, дейишса, менинг дўстларим “Солиҳ хотинининг айтганини қиласди”, дер эдилар. Мен ҳар иккала фикрга ҳам тўлиқ қўшиламан. Фақат хотиним мендан қўрқмайди, балки ҳурмат қиласди. Мен эса унинг айтган сўзларини ҳеч қачон эътиборсиз қолдирмайман. Ана шунинг учун бўлса керак, бизнинг оиламиз атрофдагилар орзу қиласидиган оиласа айланган эди.

18 феврал, 1986 йил.

Оилада ҳар доим бир киши – мен ишлаганман. Бунинг сабаблари бор. Сабоҳат бизнинг оиласа келин бўлиб тушган чоғларда уни бирор жойда ишлатишга эҳтиёж йўқ эди. Аксинча, келиннинг уй-рўзғор ишлари билан бандлиги биз учун етарли ҳисобланарди. Шунинг учун унинг ишлаши ёки ишламаслиги ҳакида бирор марта ҳам тап бўлган эмас. Тоғам рўзғоридан ажралиб чиқиб (1944 йил), рўзғор қилганимиздан кейин ҳам бу ҳақда ўйлаб кўрмадик. Сабоҳатнинг ўзи ҳам ишлайман, деб туриб олгани йўқ.

Фарзандларимиз туғилганидан кейин Сабоҳат ишлаш

тўғрисида ўйлаган эмас. 1944 йилдан 1966 йилгача оиласизда ўнта бола дунёга келди. Ана ўшаларнинг ташвиши, уларни тарбиялаш, вояга етказиш жуда катта меҳнат талаб этишини ҳамма билса керак. Бунинг устига мол қарашиб, сиғир соғишиб, нон ёпишиб, кир ювишиб, меҳмон кутишиб каби рўзгор ташвишлари ҳам деярли Сабоҳатнинг зинмасида эди. Бу кўчада ишлаб келадиган эркакнинг ишидан ўн чандон ортиқ иш. Дастребу ишлар билан ёлғиз ўзи банд бўлган бўлса, кейинчалик болаларимиз унинг қанотига киришди. Ишнинг бу қадар кўплигидан Сабоҳат ҳеч қачон нолиган эмас. Менинг ишлаб топиб келган пулим, унинг рўзгордан топган даромадлари бизнинг кун кечиришимизга, болаларнинг ҳожатлари учун сарфлашимизга етади. Биз деярли ҳамма вақт шундай яшаганмиз. Мен кўчадан ишлаб, улар уйнинг ўзида ишлаб пул топамиз.

Сабоҳат – жуда яхши аёл, меҳрибон она, мен учун энг яқин дўст, ўзгаларни баҳтиёр эта олиш қўлидан келадиган ажойиб, бағри кенг инсон. Болаларим тарбиясида мендан кўра унинг ўрни кўпроқ, десам, хато бўлмайди. Уни қанча таъриф қиссан ҳам оз. Худога шукр, фарзанларим ҳам меҳр деганда онасидан қолишмайди.

Ҳурматли ўқувчиларим! Бу ёзганларимнинг ўқувчилари – болаларим, набираларим, қолаверса, авлодларим бўлишини истаб ёзяпман. Менинг мақсадим – сизларга оталарингиз, боболарингиз, момоларингиз қандай ҳаёт кечирганини ёзив қолдириш. Холосани эса ўзингиз чиқарасиз. Токи, аждодларим қандай кишилар эди, деб изланишдан сизни қутқарай, деган эдим. Аммо бунга нечоғли эришганимни билмайман. Чунки мен кўпгина тарихларни кимдан сўрашни ҳам билмаганман. Баъзан эса ёшлиқ қилиб, вақтни бой бериб қўйганман.

19 феврал 1986 йил.

Мен анча майдалаб ёзаман, деб ўйлагандим. Бўлмаяпти. Соғлиғимнинг ёмонлашиб бораётгани имкон бермаяпти. Вақтида уни қадрига етмай, кўп нарсани ўтказиб юбоганимдан афсусдаман. Лекин энди кеч. Бироқ ҳеч нарса

айтмагандан кўра, кеч бўлса ҳам бирор нарса ёзиб қолди-ришни маъқул деб билдим. Баъзи нарсаларни сиз фарзандларимга таъкидламоқчиман.

**Нуралижон!** Менинг сендан кўнглим тўқ. Тинчман. Уйинг-жойинг, рўзгоринг бут. Лекин сенинг олдингда жуда катта вазифалар турибди. Фарзандларингга меҳрибон ота бўл. Укаларингга ғамхўр aka бўл. Буларни уддалашингга ишонаман. Бағринг доим бутун бўлсин.

**Нурланжон!** Фарзандларингга муносабатингда акангга айтган гапларимни уқиб ол. Бугун айтган хабаринг мени хурсанд қилди. Азият чекиб ўқидинг. Энди яхши ишлаб ном чиқар. Менинг фарзандларим ҳам яхши жойларда – марказий идораларда ишлаб ном чиқаради, деган умидларим бор эди. Худога шукур, сизлар туфайли бу орзуларим ушалмоқда. Ўсиб-ун. Лекин энг баланд мартабага эришганингда ҳам кимлигингни унутма, оға-иниларингдан, қариндош-уруғларингдан хабар олиб тур.

**Аслонжон!** Мен сенинг ишингдан ҳам, рўзгор тутишингдан ҳам мамнунман. Лекин aka-укаларингдан оз бўлса-да узоқдасан. Уйингни битириб, оиласангни шу ерга қўйиб, ўзинг қатнаб ишласанг ҳам ёмон бўлмасди. Ҳар ҳолда кишининг жойида бир ўзингсан. Бўйнингда фарзанд тарбиялаш вазифаси ҳам бор.

**Муҳиддинжон!** Ниятим сенга бир участка қуришни бошлиш эди. Бу ишни энди насиб бўлса, акаларинг бажаришади. Жойни иложи борича ўзимизнинг қишлоқ ичидан ёки унинг яқинидан олишга ҳаракат қилинглар. Табиатинг бир оз енгилликка мойил. Одам оғир ва чидамили бўлиши керак.

**Маҳмуджон!** Сенинг ўқишингни битириб олишингни истайман. Ўқиши тутатиб, хўжалик тутган пайтингда пастки ҳовлига ўтказиб қўйиш режам бор. Унгача Нурлан аканг шаҳарлик бўлиб кетади, деган умиддаман.

**Баҳодиржон!** Ҳовли эркаксиз бўлмайди Сен шу ҳовлида – Охунбобоев кўчаси, 53-йда яшайсан. Ҳозирги Муҳиддин аканг ўтирган уйдан то дарвозахонагача бўлган қурилишлар сенинг ихтиёрингда бўлади. Баҳодирни уйлантиришда

ҳаммамиз: онаси, акалари, янгалари, опалари биргалашиб ҳаракат қиласыз. Үйланишда шошмасдан иш тутиш, маслаңат керак эканлигини унутмаслик керак.

Қизларимиз ҳозирча чол ва кампир билан бирга яшаб турадилар. Буларнинг яшаши учун ҳовлимизда жой етарли. Лекин барибир мен уларнинг ҳар бири турмуш қуриши, бирор оиланинг бекаси бўлишларини ва албатта баҳтли бўлишларини истардим.

21 февраль.

Мен касалим кундан-кун оғирлашиб бораётган пайтда, эҳтимол, энг охирги сўзларимни ёзиб қолдиряпман. Булар балки ўз-ўзимни юпатиш учундир. Сизларга келажакда баҳт ёр бўлсин. Ҳар бирингиз ўз меҳнатингиз ортидан фаровон ҳаётга эришасиз, деган умиддаман. Ана шундай вақт етиб келганида, мени ҳам ёд этиб, бир-билингизга ҳамкор бўлишингизни истайман. “Олтovлон ола бўлса, оғзидағин олдирар, тўртovлон тугал бўлса, унмаганиннундирар”, деган мақол бор. Бу бежиз айтилган эмас.

Шу ўринда ҳаётимдаги бир лавҳа ёдимга тушиб кетди. 1944 йил тоғам урушга кетганидан кейин, кичик бир тўпга мен бош бўлиб қолдим. Улар – Тоғай, Жўрабой, Раҳмат ва Тураблардир. Бунга Юсуфни ҳам киритсам бўлади. Мен уларни шу қирқ йил мобайнида уриш ёки сўкиш у ёқда турсин, ҳатто ножӯя қилиқлари бўлса ҳам, яхши сўз билан таъсир этишга ҳаракат қилганман. Мана ёмон бўлгани йўқ.

Тугаллик шириңсўзлиликдан бошланади. Мана ҳозир ўлим тўшагида ётибман. Лекин ҳаётимда қилган яхши ишларимнинг самараси ҳам кўринмоқда. Бир пайтлар паноҳимда бўлган укаларим мендан ажралиб қолишлигини билиб, кўзлари ёшга тўлган. Буни менга билдириласликка ҳаракат қилса ҳам, мен сезаман. Улар мендан қўрққанларидан эмас, шириңсўз акаларидан жудо бўлаётганларидан йиғламоқда. Майли, шунчалик қилганига, шундай кунлар-гача етказганига шукр.

Менинг айтмоқчи бўлган гапларим талайгина эди. Лекин буёғига ёзиш оғирлик қиласыпти. Хулоса қилиб айтади-

ган бўлсам, номимизга, Каримов деган номимизга доғ туширманг. Каттангизнинг айтган маслаҳатидан чиқманг. Катта-кичикка ҳар доим иззат-хурматда бўлинг. Албатта бунинг самарасини кўрасиз.

1986 йил

\* \* \*

Азиз ўқувчим! Бизнинг яратган ушбу камтарона рисоламиз адабиёт майдонида янгилик эмас. Аммо мен – оддий шогирднинг устози ҳақидаги дил розини устоз хотиралари билан ҳамоҳангликда яратилишини янгилик деб биламан.

Нурланжон! Сизнинг хизматларингиздан отангизнинг руҳи шод бўлур. Фарзанд мана шундай кунда керак. Устозим йигирма иккита фарзанд ичида омон қолган ёлғиз йигит – ўзидан кўпайган, ўнта фарзанд отаси бўлган бойбува эдилар. Фарзандларининг ҳаммаси ўқиган, ўзидан тинган, ҳавас қиласа арзигулик хонадон соҳиблариридир.

Нурланжон! Сизнинг қилаётган ишларингиз, айтаётган сўзларингиз отангизни руҳини шод қиласа, ажаб эмас.

### Отамга

Дунёда неки бор барини кўрдим,  
Барини бирма-бир бўлмайди санаб.  
Яхшига эгилдим, ёмондан кулдим.  
Шукроня келтирдим дунёга қараб.

Бугун мен санасам ютуқлар бисёр,  
Гарчи кемтиклиги турса-да ортда.  
Эллик учинчи бор айланди баҳор,  
Ҳануз армонлари, ғамлари ёдда.

Отами тупроққа топширди йиллар,  
Онами бағрига қайтарди замин.  
Бошимни силади энг яқин диллар,  
Улардай меҳрибон топа олмадим.

Үн фарзанд үн томон сочилиб кетди,  
Фақат опам қолди қабрларга эш.  
Биз орзу мулкига илдамлаб етдик,  
Опам ётар унда түрт томони қиши...

Фарзаңларим бўйи мендан баландроқ,  
Дилим гоҳ қувонса, гоҳида ўксик.  
Дўстларим ҳол сўраб келишар, бироқ  
Душманим тош териб юрибди, шўрлик.

Не-не давронларни, шонларни кўрдим,  
Чойхоналар қурдим халқ хизматида.  
Чинордай юксалдим, тоғ каби турдим,  
Ёй каби эгилдим дўстлар олдидা.

Бу қуёш эртага нурланиб чиқар,  
Шундай кунлар келар ажойиб, шўх-шаън.  
Бу кўзлар уфқа ғуурур-ла боқар,  
Сиздан мадад олиб яшайди, Нурлан.

### Онамга

Юрагимни ўтга солдим, тутаб ёнди,  
Конимехнинг тунларида титраб ёнди.  
Нурланман-ей, Сизни нурдай асролмадим.  
Ҳамдард дўстим сўзларига куним қолди.

Соли бобо эртаги бу, овутдилар,  
Ҳафизанинг эртаги шу, совутдилар.  
Хадичанинг қисмати шу деб айтдилар,  
Она, эртак тинглаб, ғамли туним қолди.

Эрта сўнган осмонимнинг юлдузлари,  
Дардларимдан ранг олдими кундузларим,  
Бўшлиқларда жаранглайди, о, сўзларим,  
Она, бўғзим тўла кўз ёш, хуним қолди.

Хазиналар топдим мен ҳам илонлардан<sup>13</sup>,  
Сабоқ олдим виждонлардан, имонлардан.  
Үзинг асра номард, гумроҳ инсонлардан.  
Она, тангри даргоҳида уним қолди.

Туш кўраман меҳр тўла кўзингизни,  
Болам, дея эркалаган сўзингизни,  
Фаришталар бошлаб юрар ўзингизни,  
Сизсиз менинг тикан тўла роҳ<sup>14</sup> им қолди.

Она, ётар жойларингиз жаннат бўлсин,  
Номинг дилда, суҳбатларда ҳикмат бўлсин,  
Фарзандларга тилаганинг шафқат ўлсин,  
Онажоним, юрагимда оҳим қолди.

## ХОТИРАЛАР

Мен - Ҳамида оиласада тўнғич фарзандман. Шу сабабли бўлса керак, оиласада пайдо бўладиган муаммоларга, ота-онамга тегишли масалаларга баъзан мен ҳам аралашишимга тўғри келарди. Отам ҳақида тасаввуримда қолган нарса шу бўлган эдикি, отам маҳаллада ҳам, қариндош-уруғлар орасида ҳам худди оиласизда бўлгани каби баланд мавқе-га эга эди. У киши оддий ўқитувчиликнинг ҳалол маоши билан биз болаларни тарбиялаб вояга етказди. Баъзи ки-шилардек бой-бадавлат бўлиб, шоҳона ҳаёт кечиргани йўқ. Ўртача яшадик. Отам бизларни ҳам ўзи каби ана шундай яшашга, меҳнат қилишга, ўзгаларни ҳурмат-иззат қилишга, одоб-ахлоқли бўлишга ўргатдилар. Улар оддий, ўта заҳ-маткаш инсон бўлиб, ҳар бир сўзини салмоқлаб, ўйлаб сўзлар эдилар. Қариндошлар орасида тўй ва бошقا маъра-калар отамнинг маслаҳатисиз ўтмас эди. Укаларимни но-жўя ҳаракатлар қўлган чоғларида ҳам уриб-сўккан эмас. Жуда жаҳллари чиққанида зимдан қараб қўярдилар. Шун-да билар эдикки, улар биздан хафа бўлганлар.

13 Эртакка ипора.

14 Роҳ - йўл

Отам қирқ уч йиллик фаолиятини ўқитувчиликка – ёшлар тарбиясига бағишилаган, юзлаб ёшларни ўқитган, ўнлаб шогирдлар тайёрлаганлар. Улар орасида раҳбар ходимлар, врачлар, муҳандислар бор. Улар билан учрашиб қолсак, отамни ҳурмат билан тилга олиб, бизларни устозимнинг фарзанди деб, эъзозлашади. Отам меҳнат фаолиятининг асосий қисмини ўзбек тили ва адабиётидан дарс беришга сарфладилар. Уларнинг таъсирида жуда кўп ўқувчиларининг шу касбга меҳр қўйгани ҳам сир эмас. Шогирдлари орасида марҳум Қурбон Наврӯзов ва Ҳамдам Кенжаевлар ўз устозининг ишини узоқ йиллар давом эттирилар. Ҳозирги кунда Менглибой Муродов, Мукаррам Очилова, Мұхабbat Турсунмуродова, Марзия Қаландарова, Роҳат Фиёсов, Гулчеҳра Шодмонова каби шогирдларининг фаолиятидан устозининг руҳи шод, деб ўйлайман. “Мен 1972 йил январ ойидан Алишер Навоий номли тўққизинчи мактабга ишга бордим ва тўрт йил давомида Солиҳ ака билан устоз-шогирд бўлиб ишладим, - деб эслайди Мукаррам Очилова, - у вақтда мен икки йилгина ишлаган тажрибасиз ўқитувчи эдим. Ўз фанимни унча-мунча билсам-да, буни ўқувчиларга етказишга қийналар эдим. Бунинг устига болаларим ёш бўлиб, уйда уларга ўзимдан бошқа қарайдиган ҳеч ким йўқ эди. Шунинг учун ҳам жуда қийналиб ишлар эдим. Мана шу қийин даврда мактаб директори Ҳосият опа Усмонова ва устозим Солиҳ аканинг далда бўлганлари ҳеч ёдимдан чиқмайди. Солиҳ ака эринмасдан менинг дарсларимга кириб, унинг ютуқларини топиб мақтардилар. Кейин асосий камчиликларимни тушунтирадилар. Уларни бартараф этиш йўлларини кўрсатиб берар эдилар. Мен шу тарзда қадам ташлаб, Солиҳ аканинг ортидан юриб, у кишидан ўрганиб, ўқитувчи бўлганман, дейишдан, рости, фахрланаман. Устозимнинг энг яхши хислатларидан бири шу эдики, у киши ҳар доим ўқитувчилар хонасида йиғилиб қолган чоғимизда, олди-қочди гапларни айтиб ўтирумасдилар. Кўпинча, янги чиққан китоблар, фан ютуқлари, мактабимиз, унинг ўқувчилари ҳақида қайфуриб гапирадилар.

Улар ҳатто биз ёшларга шундай ишонч билдирап эдиларки, баъзан илмдаги бирор янгилик ёки шунга ўхшаш бирор нарсада иккилангудек бўлса, биз билан маслаҳатлашишдан ор этмасдилар. Бу эса бизнинг ўзимизга нисбатан бўлган ишончни оширади.

Ҳа, отам ҳақида шогирдлари фақат яхши сўзларни айтишади. Чунки отам бир инсон сифатида халқ орасида ҳурмат-эътиборга эга киши эдилар. Туманимиз маориф тизими ривожида ҳам у кишининг хизматлари катта бўлган, деб ишонч билан айта оламан.

Ўша пайтларда отам ҳалол меҳнати, фидойи ва жонкуярлиги учун бир неча бор тақдирланган.

Буларнинг ҳаммасига отам ўз севган касби – ўқитувчиклик туфайли эришди. “Менга бу мукофотлардан ҳам улуғроқ мукофот берилганини яхши биламан. Бу мукофот элнинг эътиборидир”, - деб кўп такрорлар эдилар отам.

Отам 1986 йилнинг 15 марта ҳаётдан кўз юмдилар. Лекин охирги дамгача бутун иродасини кучга солиб яшаганларини мен чуқур ҳис этаман. Улар энг охирги кунларигача ўзлари бир вақтлар ёзишни истаган ва ёза бошлаган кундаклик-хотира дафтарларини мукаммаллаштиришга ҳаракат қилдилар ва мен ўйлайманки, бунга эришдилар. Улар энг сўнгги дақиқаларда ҳам бизга ўзаро иноқ бўлишимизни, қариндошларимиз билан яхши алоқада бўлишимизни, энг муҳими, ҳалол ва тўғри яшашимизни васият қилдилар.

Вафотларидан сўнг туман марказидаги катта бир кўча отамнинг номи билан атала бошлади.

Мен, сингилларим Ҳалима, Салима ота касбини давом этиряпмиз. Бугун набиралар ҳам у кишининг изларидан боришимоқда. Жумладан, Тангатирова Шоҳида Навоий педагогика институтининг тил ва адабиёт факультетини якунлаб, бугунги кунда Зарафшон шаҳридаги 2-мактабда дарс бериб келяпти. Каримова Шоира Тошкент давлат шарқшунослик институтини тугатиб, Тошкентда ўз фаолиятини давом эттирмоқда. Каримова Феруза Навоий педагогика институтини якунлаган. Каримова Наргиза эса

ҳозирда Навоий педагогика институти талабаси. Демак, отамизнинг орзулари бугун амалда. Ҳар биримизнинг томиримизда у кишининг қони, фаолиятимизда эса бошлаган ишлари давом этмоқда. Чинакам баҳт ана шу боқийликда эмасми?

\* \* \*

Мен Баҳодир – оиласда кежа фарзанд эдим. Шунга яраша инжиқликларим, эркаликларим бор эди. Лекин отам ҳам, онам ҳам мени эркалатганлари билан муайян меъёри ушлаб туришларини ҳис этардим. Шу билан бирга, акаларимга эргашишни қатъиятли бўлишни ўргатдилар. Бугун нимага эришган бўлсам, ҳаммаси улар туфайли. Афсуски, отам менинг баҳтиёр кунларимни кўролмади. Онам ҳам бу кунларимга узоқ шерик бўлолмади. Уларнинг руҳлари олдидага бош эгаман. Уларнинг бизнинг иноқ бўлишимиз, қариндошлик ришталарини ҳамиша мустаҳкамлашимиз шарт эканлиги ҳақидаги васиятларига биз ака-укалар, опасингиллар содиқ қолишга ҳаракат қиласмиш.

### Отажоним

Тонглар отди, кунлар ботди,  
Қаролиги қайғумдадир.  
Вужудимга тошлар ботди,  
Армонларим бағримдадир.

Ота, дунё қўғирчоқбоз,  
Ўйинлари тугамайди.  
Томошагоҳ тирбанд одам,  
Йиқилсанг бир суюмайди.

Баъзан сизни қўмсаб борсам,  
Бўм-бўш ҳовли турар ёлғиз.  
Меҳрингизни қўмсаб борсам,  
Мажнунтоллар чўқади тиз.

Дунё бир кам, бугун келдик,  
Эрта кетар онимиз бор  
Майдонида кездик, елдик,  
Ҳар дилда бир оқимиз бор.

Қабрингизда йиғлаб туриб,  
Үйларимни чархлагайман,  
Юрагимни тиглаб туриб,  
Сизни достон айлагайман.

Сиздан қолган битта изман,  
Иқбол-бахтим кулган, ота.  
Сиздан қолган айни Сизман,  
Руҳингиз шод бўлсин, ота.

## УСТОЗИИ ЭСЛАБ

Мен Соли акани ёшлигимдан (3-4 ёшларимдан эслайман) бошлаб жуда яхши биламан, чунки бизлар бир ҳужрада яшаган эдик. Кейинчалик бошқа-бошқа турар жойларга кўчганимиздан кейин оила аъзоларимиз бориш-келди қилиб, бир-биримиздан хабар олиб турар эдик. Мен интернатда илмий бўлим мудири бўлиб ишлаган давримда Солиҳ ака ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси ҳамда тарбиячи бўлиб ишладилар.

Кейинчалик 1969 йилдан бошлаб Соли ака билан Алишер Навоий номидаги 9-ўрта мактабда бирга ишладик. Мен у пайтлар мактаб директори ҳамда математика ўқитувчи си эдим. Ўша пайтларда мен у киши билан жуда кўп масла-ҳатлашар эдим. Иш даврида баъзи ўқитувчилар билан тарбияси оғир болалар билан қандай иш олиб боришни билмай қийналган чоғларимда у киши менга энг тўғри йўлни кўрсатар эдилар. Чунки бу соҳада уларнинг тажрибаси бой, кўзи пишиб кетган ва маҳорати баланд эди. Мен у кишига мурожаат қилиб:— Соли ака, бу шўх болаларни нима қиласиз, — деб сўрасам, улар:— Э болам, мен иш фаолиятим да-

вомида улардан ҳам шўхроқларини кўрганман, улар жуда яхши одам бўлиб кетади, – деб тасалли берардилар.

Соли ака ишнинг кўзини биладиган, хотиржам ва масъулиятли киши эди. Мактабда ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчииси, тарбиявий ишлар ташкилотчиси бўлиб ишлади. Ҳар бир қилган иши пухта, натижаси самарали бўларди. Яна шуни таъкидламоқчи эдимки, Соли ака гўё айнан ўқитувчилик учун яратилгандай эди.

У киши оиласига, болалари билан муносабатларига жуда қизиқар эдим. Уларни вояга етказишда кўрган қийинчиликлари, ташвишлари эвазига фарзандлари ҳам ҳаётда ўз ўринларини топиб, ўқимишли кишилар бўлиб етишишди. Улар менга ҳам ўз болаларимдек жуда меҳрибон, ҳурмат-иззатни биладиган болалардир. Мен ҳам уларни қадрлайман.

Туманимизда ўтказиладиган тўй-маъракалар, давра йиғинлари Соли акасиз ўтмас эди. У киши эл эътиборида, ардоғида бўлган ажойиб инсон эди. Бугун у кишининг номи билан аталадиган кўча бор. Фарзандлари томонидан қурилган “Соли ота” чойхонасида ёшу қари йиғиладиган тўй-томушалар ўтказилади. Ҳар сафар у кишининг номи ҳурмат билан тилга олинади. Яхшидан боғ қолади, деб шуни айтсалар керак-да.

Илоҳо, устознинг жойлари жаннатда бўлсин!

*Солиҳ Каримовнинг шогирди  
Хосият Усмонова  
Навоий номидаги 9-мактаб директори.*

## ЯХШИДАН БОҒ ҚОЛАР

Мен Соли Каримовнинг етим қолган жияниман. Етимлик азобини кўрган, ному шаън истаб тоғасига эргашган ёлғиз қўзиман. Бошимдан кечгандарини ёзиб ўтирамайман. Сабаби – тоғам, қолаверса, отам, устозим ҳаётига менинг ҳам ҳаётим эш деб ўйлайман. Отам дейишга минг чандон ҳақлиман. Чунки, “етимлик нимадир, бизлардан сўра”, - деб онам ҳидини соғиниб, бўзлаб юрган болалигим, сағир қолган ўйинқароқлигим, тўдасидан ажраган, қулундек инграниботқизган тонгларимнинг бирида мени сўроқлаб уч киши ҳовлимизга кириб келди. Бу воқеа 1961 йили содир бўлган эди. Бу вақтда мен ўн бир ёшда эдим. Ўшанда улар орасидан ҳали бир марта кўрмаган бўлсам ҳам Соли тоғамни танидим. У кишининг кўзлари менинг кўзларимдек кўм-кўк, қадди басти келишган, ўқтам, ўз қадрини билувчи киши эканлигини ёш бўлсам-да, сездим. Тоғамнинг ёнида Турон тоғам ва Раҳмонов Эргаш боболар бор эди. Етимлик, етишмовчилик, юпун кийинган мендек қалби пора болакайни отамдан ижозат олиб, ўзи билан олиб кетди. Бу онларни, ўша соату дақиқаларни мен таърифу тавсиф қилолмайман. Чунки биринчидан, ёш бола бўлсам, иккинчидан, онам йўқ уйдан кетиш истагидаги дилпора қалбим таскин истарди. Тоғамнинг бу келишлари – Оллоҳнин менга туҳфаси, қолаверса, тақдирим бошқа йўлга тушганидан дарак эди. Тоғам мени Конимехга олиб келдилар. Навоий номидаги саккиз йиллик мактабнинг олтинчи синфига тоғам билан бирга қатнай бошладим.

Тоғагинам бошимда посбоним, ёнимда йўлдошим бўлдилар. ҳаёт мактабида ҳам, ўқув синфларидагидек йўлчироғим, шамчироғим бўлдилар.

Тоғам ўз даврининг билимдон кишиси, узоқни кўра оладиган ақли ўткир инсон эдилар.

Тоғам мени мактабда ҳам ўқитган. Охирги икки йил – 9 – 10-синфларда биз синфимиз болалари тоғамдан бирор марта ҳам танбех олган эмасмиз. Чунки биз у кишини жуда яхши кўрардик. Энди ўйлаб қарасам, тоғам одамнинг кўнглига йўл топишни билар эканлар.

Биз бирор ножўя иш қилиб қўйсак, айниқса, маърака-йиғинларда ёки бошқа жойда бирор ноўрин ёки нотўғри сўз ишлатиб қўйсак, агар тоғам ёнимизда бўлсалар танбеҳ бериш ўрнига “ақлли бўлинглар”, дер эдилар. Бу гапларнинг маъносини энди чақяпман.

Бу дунёда неки яхшилик кўрган бўлсан, устоз тоғам ва Туроб тоғамдан кўрдим.

Мен ўн йил тоғамнинг уйида яшадим. Ҳозирги кунда уч ўғил ва иккита қизим бор. Менинг бундай яхши кунларга етишишимда тоғамнинг роли жуда катта. У кишининг фарзандлари менинг ака-укаларим, опа-сингилларим, деб бемалол айта оламан.

*Турди Салимов*

## ХОТИМА

Ўнта бўлса, ўрни бошқа, қирқта бўлса қилиғи,  
Ўрин топдим ҳаёт – бўстон, умр – карвон йўлинда.  
Гоҳ тўйларим зар мисоли, гоҳ йиртилди чориғим,  
Не гулистон истаб келдим Конимехнинг чўлинда.

Ота юртнинг жамолида қуёш уйғонган тонгда,  
Шафақларга бўйлаб борар кўнглим – дардли хўрсиниқ.  
Сабоҳатнинг армонидан дунё тўлғонган онда,  
Тавонимга ўрмалайди, о, ўлим отли оғриқ.

Хадичанинг тушларида алла айтар қизғалдоқ,  
Фаришталар соchlарига толбаргак тақар ҳайрон.  
Орзуларин тупроқларга олиб кетди бир қучоқ,  
Бу тупроқдан униб чиқди замин узра гул, райҳон.

Ҳаёт йўли узун-узун, ташвиши кўп, бахти ҳам,  
Ҳамиданинг кечалари кундузларга туташди,  
Муаллимлик изим босиб, кўксим кўтариб ўқтам,  
Ёруғ кунлар бахти учун, о, қанчалар курашди.

Али ўғлим, нигоҳингда юлдуз чақнар беармон,  
Осмондайин улуғворсан, мағрур күнглимнинг шаъни,  
Оға-ини эрур асли бу дунёда меҳрибон,  
Меҳр қолур, ширин сўз ҳам, ўткинчидир қолгани.

Нурлан дедим, дунёларда нурлансин деб ҳаётинг,  
Эзгу ишлар бошлаб элга бир қадар бош бўлгинг бор.  
Бугун бахтинг кўрдим, болам, тугамасин саботинг,  
Оға-ини, дўст кўпайсин, душманларинг бўлсин хор.

Тилла бешик кўрдим, ойдай қизинг ухлар ёнингда.  
Ҳалимахон, қизим, руҳим кўк қасрида шод бугун.  
Фам-қайғулар соя ташлаб, йўламасин жонингга.  
Худо берсин, болагинам, сенинг бахтингни бутун.

Бироз мағрур, ўз ишидан мақтанар бизнинг Аслон,  
Ақли бутун, феъли кенгу, оғиз очсанг қўймайди,  
Ҳаёт юки оғир, болам, таслим бўлмагин осон,  
Кўнгли тоза, ҳеч бирорга ғайирликни билмайди.

Муҳиддиннинг тунларида камтарона чиқар ой,  
Билганини қўймайди у, ўзгада не иши бор.  
Тонг отади, кун ботади ҳаётга бериб чирой,  
Болам, сенга бўлсин мудом баҳту омад, шодлик ёр.

Дилкашгинам – ўғлим Маҳмуд, кўнгил шишсанг синмасин,  
Қўшиқ бўлсин, куйларингдан шўх давралар тинмасин,  
Ўз йўлингдан оғишма ҳеч, иқболингдан шодман мен,  
Осмонингда юлдузларинг фақат ёнсин – порласин.

Баҳодирлар фермер бўлса, юртимиз ҳам гуллагай,  
Ҳорма, болам, белингдаги шиддат камари бўлсин.  
Кенжатойим, йиқилсанг гар катта- кичик қўллагай,  
Шарафларга буркайдиган меҳнату ғайрат бўлсин.

Салимамни ардоқлайман, кенжамнинг орзуси мўл,  
Муаллимлик касби – шараф оқлагай ишончимни.  
Марзияни унутма ҳеч, манзилингга кўрсатган йўл,  
Неварадалар ўйноқлашиб, орттиради қувончимни.

Оға-ини, опа-сингил, фарзандларим, омон бўлинг,  
Кимдан ошди, кимга тошди меҳр билан айтган сўзим.  
Шу халқ учун хизматдасиз, ҳамиша халқ томон бўлинг,  
Иқболингиз кўрдим тугал, жаннатларда кезар руҳим.

1986 йил